

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ КАФЕДРАСИ

**Лафасов Мойли Фозилович, Машарипова Гуларам Комиловна,
Жуманиёзов Хушнуд Сапаевич, Лафасова Гулжаҳон Мойлиевна**

**МИЛЛИЙ МАФКУРА фанидан
услубий қўлланма**

Билим соҳаси: 100 000 – Таълим

**Таълим соҳаси: 140 000 – Ўқитувчилар тайёрлаш ва
педагогика фани**

Бакалавр

**йўналиши: 5141500 – Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият
асослари йўналиши учун**

Миллий мафкура фанидан услубий қўлланма «Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари» йўналишининг III курс талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда миллий мафкура фанининг мақсад ва вазифалари, мафкуранинг шакл ва кўринишлари, И.А.Каримов – Ўзбекистон миллий мафкурасининг асосчиси эканлиги, мафкура ва тамаддун тушунчалари, зардуштийлик, монийлик, маздакийлик, конфуцийлик ҳамда илмий-фалсафий ғоялар ва уларнинг миллий мафкурани шаклланишидаги ўрни, Абу Наср Форобий ва Амир Темурнинг эзгулик ғоялари, бунёдкор ва вайронкор ғоялар, уларнинг жамият ҳаётига салбий ва ижобий таъсирлари ҳамда ҳар қандай маънавий ва мафкуравий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ғоялари ёритиб берилган.

Услубий қўлланмада дарс ўтиш жараёнида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш жараёнидаги услубий кўрсатмалар берилган. Ҳар бир дарс машғулотларини ўқишдаги таълим технологиялари, технология харита ҳамда тўлиқ маърузалар қўлланмада ўз ўрнини топган.

Масъул муҳаррир:

Тақризчилар: т.ф.д., проф. Б.Тўйчиев - Ўзбекистон Миллий университети

Миллий мафкура фанидан услубий қўлланма Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика университетининг ўқув-методик кенгашида нашрга тавсия этилган (Баённома ____, ____ 2011 йил).

© Лафасов М.Ф., Машарипова Г.К., Жуманиёзов Х.С., Лафасова Г., 2011 йил.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаб айтганларидек, “Бизнинг энг улуғ ғоямиз шуки, Ўзбекистоннинг битта йўли бор: мустақилликни мустаҳкамлаб, мамлакатимизни ҳар томонлама юксалтириб, ёруғ ва эркин ҳаёт сари олға юриш.

Мафкурамиз, тутган йўлимиз, бор куч-ғайратимиз ана шу улуғвор ниятни амалга оширишга йўналтирилиши керак. Халқимизни, юртимиздаги барча сиёсий кучларни, нодавлат ташкилотларни ягона умумий мақсад атрофида бирлаштирадиган, бир тану бир жон қиладиган миллий ғоя ҳам аслида шу”¹.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларни ҳолисона таҳлил қилиш, тегишли хулоса ҳамда сабоқлар чиқариш - миллий ғоя ва мафкуранинг зарурлиги, аҳамиятининг тобора ортиб боришини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов миллий ғоя ва мафкурани шакллантириш зарурати ҳақида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фикр юритиши тасодифий ҳол эмас эди. Негаки, «Миллий мустақил давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар»². Демак, миллий ғоя ва мафкуранинг зарурлиги энг аввало, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун зарурдир.

Ҳаётий кузатишлар, баъзан зиёлиларимиз ўртасида ҳам бизга миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиш зарурати мавжуд. Бунда, яъни миллий ғоя ва мафкурада Ўзбекистон халқининг мамлакатимиз ривожига белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоя ва мафкурасига суяниши ва таяниши зарурлиги билан боғлиқ;

Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим, яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади»³. Демак, ўз миллий ғоя ва мафкурасига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., Маънавият, 2008, 76-бет.

² Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001. 3-б.

³ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 464-465-б.

Иккинчидан, миллий ғоя ва мафкура Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси сифатида шунинг учун ҳам зарурки, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад – озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши, шунингдек, амалда шу ғояни қўллаши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, албатта. Негаки, кенг халқ оммасини бирон-бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтириш зарур. Ишонтирмоқ учун унинг илмий ва ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга миллий ғоянинг ўзи мамлакатимиз халқининг асосий мақсад ва муддаolari ҳамда манфаатларини ифодалаши керак.

Учинчидан, миллий ғоя ва мафкуранинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буюк ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига эмас, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Ана шундай ўта мураккаб вазиятда миллий ўзликни англашда миллий ғоя ва мафкурага асосий таянч куч, илмий-назарий ва амалий дастур сифатида ҳар бир инсоннинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмаларига кириб бориш орқали унинг қалби ҳамда онгига таъсир кўрсатади. Бу миллий ғоя ва мафкуранинг халқ ҳаётига яқин, унга бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозимдир. Демак, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоя ва мафкурада бугунги ҳаётнинг энг долзарб муаммолари, унинг стратегик мақсадлари билан диалектик боғланиши унинг яшаш шартидир.

Тўртинчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоя ва мафкуранинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат билан яъни, бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилган мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шундай хулосага келади: «Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, қаттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин»¹. Демак, миллий ғоя ва мафкура мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган - танлаган тараққиёт йўлимизнинг тўғри адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 465-б.

Мустақиллик туфайли биринчи маротаба Конституцияда мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига кенг ўрин бирилди. Масалан, Конституциянинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» - деб ёзиб қўйилган. Бу қоида Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва мустақиллик мафкурасини ишлаб чиқишда ҳамда мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ушбу миллий мафкура фанидан услубий қўлланмада миллий мафкура фанининг мақсад ва вазифалари, мафкуранинг шакл ва кўринишлари, И.А.Каримов – Ўзбекистон миллий мафкурасининг асосчиси эканлиги, мафкура ва тамаддун тушунчалари, зардуштийлик, монийлик, маздакийлик, конфуцийлик ҳамда илмий-фалсафий ғоялар ва уларнинг миллий мафкурани шаклланишидаги ўрни, Абу Наср Форобий ва Амир Темурнинг эзгулик ғоялари, бунёдкор ва вайронкор ғоялар, уларнинг жамият ҳаётига салбий ва ижобий таъсирлари ҳамда ҳар қандай маънавий ва мафкуравий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш ғоялари ёритилди. Шунингдек, услубий қўлланмада дарс ўтиш жараёнида замонавий педагогик технологиялар ва интерфаол методлардан фойдаланган ҳолда дарс ўтиш жараёнидаги услубий кўрсатмалар берилган. Ҳар бир дарс машғулотларини ўтишдаги таълим технологиялари, технологик харита ҳамда тўлиқ маърузалар қўлланмада ўз ўрнини топган.

1-мавзу	Ўқув-тарбия маърузасида миллий мафкурани шакллантириш ва унинг ёрдамида миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш заруратининг пайдо бўлганлиги
---------	---

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машиғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача	
Машиғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза	
Маъруза режаси	1. Мустақиллик шароитида миллий мафкурани шакллантириш ва унинг ёрдамида миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш заруратининг пайдо бўлганлиги. 2.Миллий мафкура фанининг предмети, мақсад ва вазифалари. 3.Миллий мафкура фанининг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни	
Ўқув машиғулотининг мақсади: Миллий мафкура фанини ўрганишдан мақсад, миллий мафкура фанининг предмети ва вазифалари ҳақида тушунча бериш.		
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолияти натижалари:	
• ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, ўтиладиган мавзуларга тузилмавий мантиқий чизма асосида тушунча бериш; • мустақиллик шароитида миллий мафкурани шакллантириш ва унинг ёрдамида миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш заруратининг пайдо бўлганлигини талабаларга тушунтириш; • миллий мафкура ва ёрдамчи соҳалар ва улар ўртасидаги алоқалар тўғрисида маълумотлар бериш; • Миллий мафкурага оид адабиётларни таҳлил қилиб бериш;	• ўқув курсининг мақсади ва вазифаларини, ўтиладиган мавзуларни тузилмавий мантиқий чизма асосида шарҳлаб берадилар; • мустақиллик йилларида миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш зарурати пайдо бўлганлигини изоҳлаб берадилар; • миллий мафкура ва ёрдамчи соҳалар ва улар ўртасидаги алоқалар ўртасидаги қонуниятли алоқаларнинг мазмун-моҳиятини очиқ берадилар; • миллий мафкурага оид адабиётларни таҳлил қилиб берадилар;	
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат	

<i>Таълим бериш шакллари</i>	Оммавий, жамоавий
<i>Таълим бериш воситалари</i>	Ўқув қўлланма, проектор
<i>Таълим бериш шароити</i>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Оғзаки назорат: савол-жавоб

**1.2. “Миллий мафкура фанининг предмети, мақсад ва вазифалари”
маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи.	1. Янги курсни ўқишга тайёргарлик кўради. Курснинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. 2. Курснинг алоҳида соҳаларининг предмети ва вазифаларига таъриф беради 3. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 4. Талабаларни ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради. (1-илова).	Машғулотнинг мақсад ва вазифаларини тушуниб оладилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранда асосий тушунчалар таъриф беради (2-илова). 1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар беради (3-илова).	Тинглайдилар. Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намоиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2. Миллий мафкура фанини ўрганишдан мақсад билан таништиради (4-илова).	Тинглайдилар, ёзадилар.

	2.3. Мустақиллик йилларида миллий мафкурага бўлган эҳтиёжнинг пайдо бўлганлигини схемалар орқали тушунтириб беради (5-илова). 2.4. Миллий мафкура фанининг бир қатор ёрдамчи соҳалари – миллий ғоя, тарих, ғоялар фалсафаси, иқтисодиёт, маънавият соҳасида қўлга киритган ютуқларига таянади. (6-илова) 2.5. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида саволлар беради.	Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар.
3.Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, яқунловчи хулоса қилади. 3.2. Инсерт техникаси асосида мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради: (7-8 иловалар).	Саволлар берадилар. Вазифани Ёзиб оладиларлар.

1-илова

**Ҳар бир маъруза ва амалий машғулот учун 0,5 дан 2 баллгача қўйилади.
Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:**

- 2,0 балл - «аъло»
- 1,5 балл - «яхши»
- 1,0 балл - «кониқарли»
- 0,5 балл - «кониқарсиз»

2-илова

Аннўеё ооооі÷аёаъ: іоъоакёёёёё, гў, іаъёоъа, іёёёёё гў, іёёёёё іаъёоъа, іёёёёё іаъёоъаіё ъаёёёаіъёъёъ, іёёёёё іаъёоъа аа ъаъаккё, ъ іаъёоъаъё, ёъі÷, уъъёкїа, іёёёёё іаъёоъаіёіа ёъъёъёё-ъіаіъъъ ъаіёаъ ъёёёіёаа ъъъаі ъъіё.

3-илова

Жонлантириш учун саволлар:

1. Ислон Каримов жамият мафкурасини қандай тушунасиш, деган саволга қандай жавоб берган?
2. Миллий мафкуранинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг миллий мафкура ҳақидаги қарашлари ҳақида нималарни биласиз?
4. Миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш зарурати қандай пайдо бўлган?

Мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон Республикаси учун миллий мафкуранинг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни яна бир қатор мавжуд муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Улар қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, миллий мафкура кишиларда миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлаш омили сифатида мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга;

- иккинчидан, миллий мафкура миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғусини шакллантириш орқали ёшларда ватанпарварликни тарбиялайди ва мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади;



- учинчидан, мустақил Ўзбекистон учун миллий мафкура халқни меҳнатни севиш ва қадрлашга даъват этиш, меҳнатсиз ризқ-насиба, моддий-маънавий бойлик ва келажак йўқ эканлигини, мустақиллигимизнинг барқарорлиги ва тақдири ҳам унга боғлиқлигини одамлар онги ва қалбига чуқур сингдиради.

Фанни ўрганишда қуйидагиларни эътиборга олиш зарур:

1) Миллатимиз асрий асоратдан озод бўлди. Озодлик тушунчаси қўл етмас хаёлдан воқеликка айланди. Бугун мустақил мамлакатимиз фарзандлари, яъни Сиз, азиз ўқувчилар, бу озодликнинг меваларисиз. Демак, энг аввало, бу Сизнинг фанингиз. Унинг мақсади эса Сизга озодлик, хуррият, эркинлик ҳусусида кенг ва атрофлича билим беришдир.

2) Ҳаёт мақсадлар силсиласидир. Бизнинг фанимиз миллий тарихимиз, маданият ва санъатимизнинг эзгу ғояларини сизга етказмакдан иборат. Тупроғимизга қадимдан яшаб келган ота-боболаримиз анъаналари, истиқлол йўлидаги курашларга гувоҳ бўлган ўлмас тарихимиз, бой маданий меросимиз ҳақида Сизларни огоҳ этиш ҳам шу мақсадлар сирасига киради.

3) Жаҳон мафкуралар кураши майдонига айланган, турли ёт ғоя ва қарашлар инсонлар онги учун талош қилаётган бугунги оғир шароитда Сизнинг мафкуравий салоҳиятингизни мустаҳкамлаш ҳам мазкур фаннинг асосий мақсад ва вазифаларидандир.






Ғоя – инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга чорлайдиган, мақсад-муддао сари етаклайдиган кучли, теран фикр. Инсон онгининг маҳсули сифатида ғоялар тушунча ва фикрлар ёрдамида ифода этилади.

Бунёдкор ғоя – 1) Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Карим томонидан назарий жиҳатдан асослаб берилган тушунча; 2) жамият ва одамларни, турли гуруҳ ва қатламлар, миллат ва давлатларни тараққиёт сари етакловчи, халқни эзгу мақсад йўлида биргаликда ҳаракат қилишга ундовчи ғоя.

Мафкура – арабча – фикрлар мажмуи – муайян ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий қарашлар ва уларни амалга ошириш тизими. Унда манфаатлари ифодаланаётган куч ва қатламларнинг ўтмиши, бугунги кун ва истикболи ўз ифодасини топади.

Мустақиллик мафкураси – жамият аъзоларининг, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, жамият ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, тадбиркорлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манфаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, уларнинг хатти-ҳаракатларини, фаолиятини, фикри-зикрини ягона бир мақсадга – мустақилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йўналтирувчи ғоялар ва билимлар мажмуи. Мустақиллик мафкураси мустақилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштирадиган муҳим омиллардан биридир.

Мафкура эволюцияси – муайян мақсад ва манфаатларни ифода этувчи ғоявий-назарий қарашлар тизимининг вужудга келиши, ривожланиш ва интиҳога етказиш жараёнини ифодаловчи тушунча. Ҳар қандай мафкура жамиятда янги пайдо бўлган ижтимоий-сиёсий кучларнинг талаб-эҳтиёжлари ва мақсад-муддаоларини ифода этувчи янги ғоявий тизим сифатида вужудга келади.



Инсерт жадвали

V	+	-	?

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Миллий мафкуранинг предмети нимадан иборат?
2. Миллий мафкуранинг мақсади нимадан иборат?
3. Миллий мафкуранинг вазифалари нималардан иборат?
4. Мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон учун миллий мафкуранинг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни яна бир қатор мавжуд муаммоларни ҳал этиш йўллари нималардан иборат?
5. Мафкуралар маъно – моҳиятга кўра қандай таълимотлар асосида яратилади?
6. Мафкуранинг фалсафий илдизлари ҳақида нималарни биласиз?
7. Миллий мафкура фанининг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни нималардан иборат?

1- мавзу. Миллий мафкура фанининг мақсад ва вазифалари

1. Мустақиллик шароитида миллий мафкурани шакллантириш ва унинг ёрдамида миллий мафкурани ҳаётга тадбиқ этиш заруратининг пайдо бўлганлиги

Мустақиллик туфайли бошланган тарихий тараққиёт йўлидан оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси олдида эндиликда бир канча муҳим вазифа ва муаммолар турибди. Ана шулардан бири миллий мафкурани яратиш, уни халқ орасида жадал кенг ёйишдан иборат.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки кунларида - эски мафкурадан бутунлай воз кечиладиган, янги мафкура эса ҳали ишлаб чиқилмаган, илмий асослаб берилмаган кезларда, маънавий соҳасида бўшлиқ пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам янги миллий ғоя, миллий мафкурани яратиш зарурати кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида: «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий мафкурани яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир», - деган эди.

Шуни айтиш кеаракки, ҳеч қандай жамият ва миллат мафкурасиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлади. Одамлар қайси бир жамиятда яшашидан қатъий назар нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши керак.

Мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар, мавжуд муаммоларни ҳолисона таҳлил қилиш, тегишли хулоса ҳамда сабоқлар чиқариш - миллий ғоя ва мафкуранинг зарурлиги ва аҳамиятининг тобора ортиб боришини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов миллий мафкурани шакллантириш зарурати ҳақида мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ фикр юритиши тасодифий ҳол эмас эди. Негаки, «Миллий мустақил давлат бор экан, унинг мустақиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хавф сифатида сақланиб қолиши муқаррар»¹. Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун мафкура сув ва ҳаводек зарур. Буни ҳаётнинг ўзи очиқ-равшан кўрсатиб турибди.

¹ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз. Т.9. –Т.: «Ўзбекистон», 2001. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2001. 3-б.

Ҳаётий кузатишлар, баъзан зиёлиларимиз ўртасида ҳам бизга миллий ғоя, миллий мафкура нима учун, ким учун керак, унинг маъно-моҳияти нимадан иборат, деган муҳим масалага яна бир бор ойдинлик киритиш зарурати мавжуд. Бунда, яъни миллий ғояда Ўзбекистон халқининг мамлакатимиз ривожига белгилаб олган асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси мужассамлашган.

Биринчидан, ўзининг келажагини кўрмоқчи ва қурмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоя ва мафкурасига суяниши ва таяниши зарурлиги билан боғлиқ.

Президент Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Яъни, олдин давлат қурилиши ва ундан кейин мафкура пайдо бўлиши ўзи ғайритабиий ҳол. Буни яхши англаб олишимиз лозим. Яъни, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади»¹. Демак, ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррар.

Иккинчидан, миллий ғоя Ўзбекистон халқининг асосий мақсад ва муддаоларининг ифодаси сифатида шунинг учун ҳам зарурки, одамлар онгини, тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, кўзланган олий мақсад – озод ва обод жамиятни, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этиб бўлмайди. Бунинг учун эса, одамлар муайян ғояга ишониши ва таяниши зарур. Бу жараён ўз-ўзидан ҳаракатга келмайди, албатта. Негаки, кенг халқ оммасини бирон бир ғоянинг илғор ва инсонпарвар эканига ишонтирмоқ учун, аввало, мазкур ғоянинг тўғри, ҳаётий ва илғор эканлигига ишонтириш зарур. Ишонтирмоқ учун унинг илмий ва ҳаётийлигига алоҳида эътибор қаратиш билан бирга миллий ғоянинг ўзи мамлакатимиз халқининг асосий мақсад ва муддаолари ҳамда манфаатларини ифодалаши керак.

Учинчидан, миллий ғоянинг зарурлиги миллатнинг ўзлигини тўла англаш жараёни билан боғлиқ. Негаки, миллат ўзлигини тўла англамас экан, бирон-бир буюк ўзгаришлар қилиб бўлмайди. Миллий ўз-ўзини англаш у ёки бу миллатни ўзга миллатлардан ажралиб кетишига эмас, балки ўзлигини англаган миллатларнинг маърифатлашган ҳамкорликларининг мустаҳкамланиб боришига хизмат қилади. Ана шундай ўта мураккаб вазиятда миллий ўзликни англашда миллий ғояга асосий таянч куч, илмий-назарий ва амалий дастур сифатида ҳар бир инсоннинг руҳи, кайфияти, ҳиссий кечинмаларига кириб бориш орқали унинг қалби ҳамда онгига таъсир кўрсатади. Бу миллий ғоянинг халқ ҳаётига яқин, унга бевосита дахлдор эканлигини таъкидлаш лозимдир.

Тўртинчидан, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги яна бир муҳим ҳолат билан яъни бугун бизнинг тарихий ўзгаришлар даврида тоталитар тузумдан эркин демократик бозор муносабатларига асосланган демократик тузумга ўтиш шароитида

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 464-465-б.

яшаётганлигимиздан келиб чиқмоқда. Бу даврнинг ўзига хос хусусиятларини чуқур таҳлил қилган мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов шундай хулосага келади: «Бу ўтиш даври ўзига хос, жуда катта ғов ва тўсиқларга дуч келиши, каттиқ курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврда янги уфқлар сари бошлаш, даъват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Бундай мақсадларга эса аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосида етишиш мумкин»¹. Демак, миллий ғоя мустақилликни мустаҳкамлаш ғоясининг ўзаги бўлган - танлаган тараққиёт йўлимининг тўғри адолатли ва ҳаққоний эканлигига, у мана шу заминда истиқомат қиладиган ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаатларига мос тушишига кенг оммани ишонтириш орқали уларни бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади

Биз эртанги кунга-келажакка томон кўзни юмиб, тахминларга асоаланиб, таваккалчасига иш тутиб бора олмаймиз. Кишилар ҳозирданок биз қайси йўлдан борамиз, ижтимоий- иқтисодий, сиёсий муносабатларнинг қандай шаклини яратамиз, ўз тарихий тажрибамизнинг, жаҳон тараққиёти сабоқларининг қайси жиҳатларидан фойдаланамиз, келажакда Ўзбекистонни қандай қилиб буюк давлатга айлантирамиз, мустақиллик муаммоларни ҳал этиш учун нималарга эътиборимизни қаратишимиз керак, деган ўнлаб, юзлаб саволларга жавоб топтоқлари зарур. Агар халқимизни, миллатимизни кизиқтириб келётган барча саволларга ҳозирданок аниқ, илмий асосланган жавоблар, муҳим йўл-йўриқлар бўлмаса, одамлар бунга қатъий ишонтирилмаса, амалий фаолиятимизда хато кетидан хатоликларга йўл қўяверамиз. Бу кутилмаган оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Ана шундай кўнгилсиз ҳодисалар рўй бермаслиги учун халқ оммасини умумий мақсад сари якдиллик билан ҳақракатга даъват этадиган янги мафкура яратилмоғи керак.

Мафкура аҳамияти яна шундан иборатки, у жамиятимизнинг ривожланиши, олға томон ҳаракат қилишини осонлаштиради, миллатни, барча фуқароларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради.

Миллий мафкура бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ҳис-туйғусини, миллий ғурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган буюк ғоявий кучдир.

Миллий ғоя ва мафкуранинг зарурлиги энг аввало, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун зарурдир. Унинг зарурати қуйидаги мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён бўлади.

- олдимизга қўйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш;
- эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш;
- ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик;
- узоқ даврлар мобайнида одамлар онгида ҳукмрон бўлган бегона ва ёт ғояларнинг янада қайтадан тикланишига йўл қўймаслик;

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Т.8. –Т.: «Ўзбекистон», 2000. 465-б.

- халқимиз табиатига зид бўлган ўзга ғоялардан, айниқса ёш авлодни ҳимоя қилиш;

- ҳар қандай тажовузкор ғояларга қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш заруратининг мустақилликни мустаҳкамлашдаги ўрнини англаш орқали ҳаракат дастурига эга бўлиш;

- мустақил давлатимизнинг ҳар бир фуқаросида Ватан тақдири учун маъсуллик туйғуси бўлиши учун ҳам зарур.

Мустақилликнинг тақдири, Ўзбекистоннинг келажаги, биринчи навбатда ва асосан, одамларга, уларнинг амалий фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Мафкурасиз оммани жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга сафарбар этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаолияти унинг илғор мафкурага қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ.

«Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. қаердаки, мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин». Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин.

И.А.Каримов

Ислом Каримов жамият мафкурасини қандай тушунасиз, деган саволга қуйидагича жавоб берди: «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айтилиши вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишига қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан». Президентимиз таъкидлаганидек, миллий ғоя, миллий мафкура қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: 1) миллий ўзлгимизни, анъаналаримизни, халқимизнинг орзу-умидларини, жамиятимиз олдида турган мақсад ва вазифаларини қамраб олиши керак; 2) жамиятимизда истиқомат қилувчи барча кишиларнинг ягона миллий байроқ атрофида бирлаштириб, уларни буюк мақсадлар сари чорлайдиган ғоя бўлиши керак; 3) миллатчилик, бошқа халқларни менсимаслик кайфиятидан холи бўлиб, жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўрин, ҳурмат ва иззат қозонишида пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор; 4) кишиларни, авваломбор ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялашга мададкор бўлиши зарур; 5) Ватанимизнинг ўтмиши, бугунги кун ва келажагини боғлайдиган жаҳон ҳамжамиятига, умумбашарий ютуқларга элтувчи ғоя бўлиши керак.

Шундай қилиб, бир-бири билан узвий боғланган, бир-бирини тўлдирадиган йўналишлардан таркиб топган миллий ғоя, миллий мафкураимизнинг асосий мақсадлари қуйидагиларга қаратилган.

Иқтисодий соҳада - бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни замонавий технология асосида ривожлантириб, Республикмиз халқининг бой ва фаровон яшаши учун зарур бўлган барча шарт - шароитларни яратиб бериш. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи, қайта ишловчи ишлаб чиқаришлар ва корхоналарни техника билан қайта жиҳозлаш, замонавийлаштириш ва ривожлантириш ҳисобига сифатли ва арзон озиқ - овқат товарларини, энг аввало болаларга мўлжалланган товарларни мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, савдони ташкил этишни такомиллаштиришга қаратилгандир.

Ижтимоий - сиёсий соҳада – замонавий демократик фуқаролар жамиятини қарор топтириб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, эътиқод ва фикр эркинлигини таъмилайдиган, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари фаолиятига кенг йўл очиб берадиган буюк давлатнинг барча ҳуқуқий, ижтимоий - иқтисодий, маънавий асосларини янада такомиллаштириб, жаҳон миқёсида халқимизга муносиб ўрин ва мавқега эришиш.

Сиёсий партиялар, жамоатчилик ҳаракатлари, ҳукуматга қарашли бўлмаган ва жамоат ташкилотларини мустаҳкалаш ва ривожлантириш, уларнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида муносиб ўринни эгаллашларига эришиш.

Миллий маданий марказларни ривожлантириш, миллий маданий марказлар ва диний ташкилотлар фаолларини фуқароларни ватанпарварлик ва мустақил демократик давлат идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш ишига кенг жалб қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъмилаш.

Маданий - маънавий соҳада - миллий қадриятларимиз, маънавиятимиз, анъаналаримизни тиклаб, уларни мазмунан бойитиш, замонавий таълим - тарбия тизимини шакллантириш, халқимизни, аввало ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаб маънавий етук баркамол фидойи инсонларнинг бунёдкорлик фаолиятини янада ошириб, жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўринни эгаллаш. Тарихий ҳақиқатни тиклашга асосланган ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича илмий тадқиқотларни ривожлантириш, илғор тарихий маънавий - ахлоқий қадриятлар ва нормалар (байрамлар, урф-одатлар, ўйинлар, мусобақалар ва бошқалар) ни замонавий турмушга жорий этиш. Ўзбек халқи ва унинг давлатчилиги тарихи бўйича ўқувчилар ва ёшлар учун илмий ва илмий-оммабоп адабиётларни яратиш, нашр этиш.

Ташқи сиёсат соҳасида – давлатимиз дахлсизлигини таъминлаб, жамиятимизда тинчлик, тотувлик, миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаб қолиш, чел эл мамлакатлари, МДХ республикалари билан ўзаро манфаатли дўстона муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Маълумки мустақиллик туфайли бўлган бошқа халқлар қатори биз ҳам ўз миллий табиатимиз ва минг йиллик анъаналаримизга, урф-одатларимизга зид бўлган сохта коммунистик ғоядан воз кечдик. Лекин инсоният тарихи шу

нарсани қатъий равишда исботлаганки, мафкура дунёсида бўшлиққа йўл қўйиб бўлмас экан. Қаерда шундай ҳолат юз берган тақдирда бўш қолган мафкура майдонини бизга бегона, орзу-интилишларимизга мутлақо ёт ғоялар эгаллашга уриниши ҳам тарихан исботланганлиги шубҳасиз. Агарда ён-атрофимиздаги воқеликка теранроқ назар ташлайдиган бўлсак, табиий захираларга бой, геополитик нуқтаи назардан ғоят қулай ҳудудда жойлашган юртимизга кўз олайтирадиган, бизга таъсирини ўтказишни истайдиган турли носоғлом кучлар мавжудлигини инкор этолмаймиз. «Улар - деб таъкидлайди - Президент Ислом Каримов - ўз ниятларини амалга ошириш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслиги бугунги кунда аён бўлиб қолди. Бу кучлар катта маблағ ва замонавий қурол-аслаҳаларга эга. Лекин уларнинг энг ёвуз қуроли – миллий кадриятларимизга тўғри келмайдиган, энг ёмони, эртага ўрнимизни эгаллаши лозим бўлган ёш авлоднинг қалби ва тафаккурини захарлайдиган бузғунчи мафкурадир.

2. Миллий мафкура фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Миллий мафкура, - авваламбор, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдида қўйган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт:

- Жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъий назар, уларнинг барчасини муштарак миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган миллий истиқлол ғояси - мафкура бўлиши керак;

- Миллий мафкура ҳар қандай тажаввузкор миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо омилидир;

- Миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига миллий-маънавий кадриятимизга мос инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўла олади.

Биз ўрганаётган фаннинг асосий мақсади-миллий ғояни ёш авлод қалби ва онгига сингдириш:

- Миллий Ўзбекистон тараққиёти ва мустақилликни мустаҳкамлашнинг мафкуравий тамойиллари тўғрисидаги яхлит назария экани;

- Ёшларни ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ғоялари руҳида тарбиялаш;

- Ватан равнақи, юрт тинчлиги халқ фаровонлиги учун доимо масъулият сезиб яшайдиган эркин фикрли ёш авлодни тарбиялаш;

-Ўсиб униб келаётган ёш авлод қалби ва онгида мафкуравий иммунитет асосларини шакллантириш;

-Ёшларни жамиятимизга ёт ва бегона, бузғунчи ва зарарли ғояларга қарши курашишга ўргатиш, уларга огоҳлик ва ҳушёрлик кўникмаларини шакллантириш;

-Юксак фазилатларга эга, эзгу ғоялар билан қуролланган комил инсонларни вояга етказиш;

Мазкур фанни ўқитиш жараёни ҳар биримиздан катта билим ва малака, жаҳоннинг мафкуравий манзарасидан огоҳлик; кўп миллатли мамлакатимизда яшаётган халқларнинг тарихи миллий урф-одат ва анъаналарига эҳтиром билан муносабатда бўлиш; миллий истиқлол ғоясини талқин этишга холислик, бағрикенглик, комиллик, инсоф ва адолат мезонларига қатъий амал қилмоқни тақоза этади.

Мустақил Ўзбекистон учун, унинг тараққиёти ва буюк келажаги учун эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммоларни ҳал этиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Ана шундай вазифалардан бири миллий истиқлол мафкурасига ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашдан иборатдир. Миллий истиқлол мафкурасини мустаҳкамлаш зарурлиги фикримизча, бир қатор шарт-шароитлардан келиб чиқади. Улар асосан қуйидагилардан иборат:

- Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки пайтларда – эски, ягона мафкурадан бутунлай воз кечилаётган, янги мафкура эса ҳали ишлаб чиқилмаган, илмий асослаб берилмаганлиги билан боғлиқ эди;

- Инсоният тарихий тараққиёт таҳлили шуни кўрсатадики, ҳеч қандай жамият мафкурасиз яшай олмаган. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлган. Демак, одамлар қайси бир жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир соғлом ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши тарихий заруратдир;

- Мустақил Ўзбекистон учун, миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурати – демократик жамият қуришда унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун ўзимизга хос ва мос миллий мафкура сув ва ҳаводек зарур эди. Буни бизга мустақиллигимизнинг деярли ўтган йиллари тажрибаси ва ҳаётнинг ўзи очиқ-равшан кўрсатиб турибди. Демак, миллий ғоя - жамият ҳаётининг барча жабҳаларини ўзида қамраб олади ва унинг маънавий негизининг мезонига айланади. Шу нуқтаи назардан кишиларга маънавий таъсир этишнинг асосий воситаси ҳамдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кенг жамоатчилиқни, олимлар, шоирлар, ёзувчиларни мафкура масаласига жиддий эътибор беришга чақириб 1993 йилдаёқ, яъни мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ «олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга тадбиқ этишдир» - деб уқтирган эди¹.

¹ Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Т.: «Ўзбекистон», 1993, 9-б.

Дарҳақиқат мустақил Ўзбекистон миллий истиқлол мафкураси олдида буюк мақсад-муддаолар, ўта долзарб вазифалар турибди. Унинг асосий мақсадларидан бири - Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир фуқарони, ҳар бир миллат ва элат кишиларини баркамол инсон қилиб тарбиялаш мустақилликнинг онгли фидойисига айлантиришдир. Негаки жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни миллий ғоясиз тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаоллиги унинг илғор, бунёдкор, ўзимизга хос ва мос миллий ғояга қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ. Демак, истиқлол мафкураси бутун Ўзбекистон халқининг миллий руҳини, маданий меросини, ҳис-туйғусини, миллий ғурур ва ифтихорини, куч-қудратини, орзу-интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ана шундай қудратли омил бўлган мафкуранинг шаклланишида тарихий билимлар, тарихий хотираларнинг аҳамияти бекиёсдир. Шу ўринда Н.Остроумов афсус билан айтган хулосаларини келтириш мақсадга мувофиқ. «Беихтиёр ўйлаб қоласан киши, - деб ёзади у ўз кундаликларида, қоқ ва ожиза қуролланмаган бегона халқларни босиб олишимиз мумкин экан-у, бироқ бошқа камчиликларимизни ҳисобга олмаганда, ўзимизга ортиқча баҳо беришимиз, бепарво танбаллигимиз ҳамда давлат идора усулидаги қоқлигимиз туфайли уларни бошқаришни билмас эканмиз. Биз чет мамлакатларга нисбатан маданиятимиз пастлигича қолмоқдамиз... Биз маҳаллий аҳолининг на тилини, на урф-одатларини, на динини ўргандик»².

Мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни яна бир қатор мавжуд муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ. Улар қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, миллий истиқлол мафкураси кишиларда миллий маданиятнинг, миллий онгининг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишини таъминлаш омили сифатида мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга;

- иккинчидан, миллий истиқлол мафкураси миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжихатлик туйғусини шакллантириш орқали ёшларда ватанпарварликни тарбиялайди ва мустақилликни мустаҳкамлашга хизмат қилади;

- учинчидан, мустақил Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкураси халқни меҳнатни севиш ва қадрлашга даъват этиш, меҳнатсиз ризқ-насиба, моддий-маънавий бойлик ва келажак йўқ эканлигини, мустақиллигимизнинг барқарорлиги ва тақдири ҳам унга боғлиқлигини одамлар онги ва қалбига чуқур сингдиради.

Миллий мафкура бир миллат-ўзбекларнинг манфаати билангина боғланган эмаслигини алоҳида таъкидлаш зарур. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар, қozoқлар, қирғизлар, тожиклар, туркманлар, руслар,

² Остроумов Н.П. Туркестанский генерал-губернатор генерал-лейтенант М.Г. Черняев (1882-1884) 66, 89 яна тарихдан мисоллар.

украинлар, яхудийлар, хуллас Республикамизни ўзининг жонажон Ватани деб билган, у билан фахрланадиган барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлигини миллий ғурурини манфаатларини ҳимоя қилиш мафкурамиз моҳиятида асосий ўринни эгаллайди. Шунингдек миллий истиқлол мафкураси заминиди жаҳондаги барча илғор давлатлар, халқлар томонидан эътироф этилган умуминсоний қадриятларни, ижобий тажрибаларни ҳам ҳисобга олади ва таянади.

Фаннинг асосий мақсад ва вазифалари асосан қуйидагилардан иборат:

1) Миллатимиз асрий асоратдан озод бўлди. Озодлик тушунчаси қўл етмас ҳаёдан воқеликка айланди. Бугун мустақил мамлакатимиз фарзандлари, яъни Сиз, азиз ўқувчилар, бу озодликнинг медаларисиз. Демак, энг аввало, бу Сизнинг фанингиз. Унинг мақсади эса Сизга озодлик, ҳуррият, эркинлик ҳусусида кенг ва атрофлича билим беришдир.

2) Ҳаёт мақсадлар силсиласидир. Бизнинг фанимиз миллий тарихимиз, маданият ва санъатимизнинг эзгу ғояларини сизга етказмакдан иборат. Тупроғимизга қадимдан яшаб келган ота-боболаримиз анъаналари, истиқлол йўлидаги курашларга гувоҳ бўлган ўлмас тарихимиз, бой маданий меросимиз ҳақида Сизларни огоҳ этиш ҳам шу мақсадлар сирасига киради.

3) Жаҳон мафкуралар кураши майдонига айланган, турли ёт ғоя ва қарашлар инсонлар онги учун талош қилаётган бугунги оғир шароитда Сизнинг мафкуравий салоҳиятингизни мустаҳкамлаш ҳам мазкур фаннинг асосий мақсад ва вазифаларидандир.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида амалга оширилаётган туб ислохотлар баркамол инсон шахсини шакллантиришга қаратилган бўлиб, халқимизнинг миллий манфаатларига, эзгу мақсадларига тўла мос келади.

Миллий мафкура биринчи навбатда ҳаётга эндигина қадам қўяётган ёш авлоднинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир. Чунки ёшлар фақат миллий ғоя тимсолидагина мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар. Ёшлар табиатан турли ғояларга қизиқувчан ва уларга тез берилувчан бўладилар. Миллий мафкура ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ана шу авлодни миллий манфаат ва тараққиётимизга ёт бўлган сохта ва бузғунчи ғоялар тажовузидан ҳимоя қилади, фуқароларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради.

«Иммунитет» аслида тиббиётга оид тушунча бўлиб, инсон организмнинг турли ташқи таъсирлар ва касалликларга қаршилик кўрсатиш қобилиятини англатади. Жамият ва шахс ҳам ҳудди жонли организм сингари муттасил равишда мафкуравий босим ва тазйиқлар таъсирини сезиб яшайди. Миллий истиқлол мафкураси эса жамият аъзоларида миллий манфаат ва мақсадлар учун бутунлай ёт бўлган ғоя ва мафкурага қаршилик кўрсатиш, уларга қарши курашиш қобилиятини шакллантиради.

Инсоният тараққиётга интилар экан, унда бунёдкорлик ҳисси мавжуд экан, илғор ғоялар дунёга келаверади. Босқинчилик, талончилик интилишлари бузғунчилик ғоялари таъсирида юзага чиқади. Шу боисдан ҳам бундай

зарарли ғояларга қарши курашга доимо тайёр туриш, ёт ғоя ва мафкуралардан огоҳ бўлиш ҳаётий зарурат бўлиб қолмоқда.

3. Миллий мафкура фанининг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни

Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги жуда кўплаб мафкуралар яратилган, беҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз ғоялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан, мақсад ва ниятларига етишмоқ учун ҳаракат қилган. Биз ҳар қандай мафкурани ғоялар тизими сифатида талқин қилар эканмиз, шуни унутмаслик керакки, бирор бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гурихлар ўз ғаразли ниятларига эришиш, асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали ғоялардан фойдаланган. Энг ёвуз босқинчи ва энг разил гурухлар ҳам ўз кирдикорларини эзгу ғоялар билан ниқоблашга уринган.

Мустақил Ўзбекистон учун миллий истиқлол мафкурасининг тарихий зарурлиги ва унинг демократик жамият куришдаги ўрни – Президентимиз Ислом Каримов томонидан мутлоқ янги ғояларнинг ишлаб чиқилиши билан бир қаторда бир қанча давлатларнинг тажрибалари ўрганилмоқда. Фикримизнинг исботи сифатида биргина Ўзбекистон Конституцияси лойиҳасини тайёрлашда 30 га яқин хорижий давлатлардаги қонунчилик тажрибалари ўрганилганлигини келиштириш ўринлидир. Натижада коммунистик мафкурадан, синфийликдан, партиявийликдан ҳоли бўлган асосий қонун яратилди.

Мустақиллик туфайли биринчи маротаба Конституциямизда мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллигига кенг ўрин бирилди. Масалан, Конституциянинг 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас» - деб ёзиб қўйилган. Бу қоида Республикада ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда ҳамда мустақилликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Инсоният тарихий тараққиётдан шу нарса маълумки, ҳар қандай соғлом янги ғоя кенг жамоатчиликнинг онига чуқур сингса, ҳаётда чуқур илдиз отса, амалиётда ўзини тўла оқласа ўшанда реал воқеликка, катта ижтимоий кучга айланади. Айни пайтда одамларимизда мустақиллигимиз ҳақида билим ва ғоя, миллий истиқлол мафкураси тўғрисида тасаввур бўлса-ю, лекин ана шу билим ва ғоя иймон ва эътиқодга, дунёқарашга айланмаса, бундай мафкуранинг замини бўш бўлади, мустақилликни мустаҳкамлашда, асраб авайлашда амалий аҳамияти бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон келажаги буюк давлат», «Янги уй қурмай туриб, эскини бузманг», «Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик», «Ўзбекистон XX аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шароитлари ва тараққиёт кафолатлари», «Ўзбекистон XXI асрга

интилмоқда», «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилсин», «Миллий истиқлол мафкураси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир» ва унинг Олий Мажлис 2-чақириқ 9-сессиясида қилган маърузасида ҳамда асарларидаги бебаҳо илмий-назарий қоидалар, дастурий йўл-йўриқлар халқимизнинг ғоявий-сиёсий, умуман бутун маънавий дунёсини миллий истиқлол ғояси негизлари асосида бойитишда, унга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлашда айниқса катта аҳамиятга эга. Ушбу китобларда мустақиллигимизнинг мустаҳкамлашнинг энг долзарб муаммоларининг назарий асослари, илмий-амалий ечимлари чуқур ва ҳар томонлама ёритилибгина қолмай, айтилган бир пайтда миллий истиқлол мафкурамизни одамлар онги ва қалбига сингдиришнинг йўл-йўриқлари ҳам кўрсатиб берилган. Бироқ бу анча мураккаб, маъсулиятли жараёндир. Шошма-шошарлик қилиш, ўйламасдан иш тутиш, ўзибўларчилик асосида ҳаракат қилиш, юксак маъсулиятни унутиб қўйиш миллий истиқлол мафкурасини турмушга жорий этиш масаласига катта зиён етказиши ҳеч гап эмас. Бундан жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Чунки «Мафкура - ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир»¹. Дарҳақиқат шу ўринда биз яна инсоният жамияти ўз тараққиётида эришган барча ютуқлар, энг аввало умуммиллий мафкуранинг барчани бирлаштирувчи восита бўлганлигини инобатга олишимиз зарур. Президент Ислам Каримов бу масаланинг янада долзарблигини Олий Мажлисининг 2-чақириқ I-сессиясида сўзлаган маърузасида (22 январь 2000 йил) «Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қатъий ва ўзгармас бўлиб, бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятининг мустаҳкам пойдеворини шакллантиришдан иборат. Бу – лўнда қилиб айтганда, ривожланган давлатларнинг тажриба ва тараққиёт моделларидан кўр-кўрона нусха кўчирмаган ҳолда, уларга хос юксак ҳаёт даражаси ва сифатига эришиш демакдир. Бу мамлакатимизда миллати, тили ва динидан қатъий назар ҳар бир инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланадиган, фаровон турмуш тарзи таъминладиган демократик ривожланиш йўлини изчил давом эттириш демакдир». Бу борада қуйидаги муҳим масалаларга алоҳида эътибор берилди:

- Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш. Бунда жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминладиган самарали механизмни шакллантирсак, ҳаётимизнинг барқарор ва мустаҳкам тараққиётини мукамал кафолатлаган бўлар эдик. Миллий истиқлол мафкураси ва унинг демократик жамият қуришдаги ўрни, энг аввало мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик муҳити қарор топиши билан боғлиқдир. Бу борада Президент Ислам Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қилган маърузасида қуйидаги вазифани қўйди: «Ҳар бир партия

¹ Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. -Т.: «Ўзбекистон», 1998, 14-б.

муайян ижтимоий қатламга таянган ҳолда, ана шу тоифа манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг аниқ ва равшан ҳаракат дастурига эга бўлиши керак. Унда ҳар қайси партиянинг мақсад ва вазифалари, жамият тараққиёти борасидаги муқобил таклифлари ўз ифодасини топиши лозим;

- Амалдаги кўппартиявийлик - бу ҳар хил қараш ва ғоялар ўртасидаги баҳс-мунозара, турли партиялар, жумладан, мухолиф партиялар учун ҳам сиёсий рақобат майдони демакдир»⁹. Бироқ бизнинг фикримизча, ўтиш даврида, ҳар қандай жамиятда бўлганидек, мухолифат, башарти у жамиятни янгилашнинг ташкилотчиси бўлишга интилаётган бўлса, аҳолининг муайян ижтимоий қатламлари ва гуруҳларининг теран манфаатлари ва интилишларининг ҳақиқий ифодачиси ва ҳимоячиси бўлиши лозим;

- Мухолифат конституциявий мезонлар доирасида фаолият кўрсатиб, аниқ дастурий ҳужжатга эга бўлиши керак. Ана шу дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, аҳолини айниқса сайлов даврида, ўзи таклиф этаётган ислохотлар ва янгилашниш йўли ҳозирги шароитда жамият учун энг тўғри ва энг мақбул йўл эканлигига ишонтира олиши лозим;

- Ҳақиқий мухолифатнинг вужудга келиши учун, унинг ҳокимият билан ғоявий ва амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолифат бўлиши учун сиёсий вазият ва барқарорликни таъминловчи механизм ва системалар кучли бўлиши керак. Бугунги кунда барча соғлом фикр юритувчи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизнинг буюк келажаги учун курашаётган кишиларнинг барчаси сиёсий мухолифатни айнан шундай ҳолдаги мухолифатни кўришни истайди ва тушунади. Албатта, бунинг учун матбуот, ахборот воситаларининг демократик тамойилларга таяниши мустақилликни мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир.

Мафкуралар маъно – моҳиятга кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

Мафкуранинг фалсафий илдизлари ҳақида фикр юритган, унинг фалсафа илм хулосаларига асосланиши назарда тутилади. Бунга Ғарбдаги Уйғониш даврини ҳамда ўрта асрларда миллий давлатчилигининг тиклай бошлаган Европа халқларининг ҳар бири ўзига хос мафкурасини яратганини мисол келтириш мумкин. Мазкур мафкуралар Рим империяси парчаланганидан кейин ўз давлатчилигига эга бўлган халқларнинг ўзига хос қадриятлари ва менталитети заминида вужудга келган миллий фалсафалари асосида шаклланди. Шу боис ўша даврдаги италян, инглиз, француз фалсафаси ўзи мансуб бўлган жамиятни бирлаштиришга хизмат қилди. Шу билан бирга, бу миллий мактаблар заминида вужудга келган фалсафий таълимотлар, маърифий қарашлар инсоният маданияти хазинасига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилди. Кант, Гегель, Фейербах каби мутафаккирлар номи билан шуҳрат топган немис фалсафаси хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Мафкуранинг дунёвий илдизлари маърифий дунёга хос сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий муносабатлар мажмуидан иборатдир. Инсоният асрлар мобайнида босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келди. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади.

Ана шундай жамият мафкураси «Дунёвийлик- дахрийлик эмас» деган тамойил асосида ривожланади, яъни диннинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамиятини асло инкор этмайди.

Мафкуранинг диний илдизлари деганда, у инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва у боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларга бориб тақалиши тушунилади. Яъни, кўпгина мафкураларда Авесто, Веда, ва Упанишадлар, Забур, Таврот, Инжил ва Қуръон каби илоҳий китобларда зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўрамиз.

Дунёвий ва диний ғоялар бир-бирини бойитиб борган шароитда тараққиёт юксак босқичга кўтарилади. Бунга башарият тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий ва Мусо Хоразмий, Имом Мотуридий ва Абу Райхон Беруний, Имом Ғаззолий ва Абу Наср Фаробий сингари буюк заковат соҳиблари ёнма-ён яшаб фаолият кўрсатган давр ёрқин мисол бўла олади.

Бундай жараён бугунги дунёда амалиёт фалсафаси деб тан олинган прагматизм, ҳаёт фалсафаси бўлган экзистенциализм каби дунёвий ва диний ғоялардан озиқланган таълимотлар мисолида ҳам кўзга ташланмоқда.

Илмий кашфиётлар ҳам мафкура ривожига катта таъсир ўтказди. Замонавий фан ютуқлари, жумладан, космонавтика, кибернетика соҳасидаги оламшумул янгиликлар, клонлаштириш, инсоннинг ген-насл харитасини аниқлаш каби буюк кашфиётлар одамлар тасаввурини кескин ўзгартирмоқда.

Айни вақтда юксак илмий-техникавий тараққиёт, глобаллашув жараёнлари, бир томондан, инсон ақл-идрокининг имкониятларига, келажакка ишончни ортираётган бўлса, иккинчи томондан, Хиросима, Нагасаки, Чернобиль фожиалари, оммавий қирғин қуроллари, экологик ҳалокатлар, маънавий таназзул каби умумбашарий муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Шундай экан, илм-фан ва маданият борасидаги ютуқлардан оқилона фойдаланиш учун ҳам жамиятга соғлом ғоя, соғлом мафкура керак.

Бинобарин ҳар бир давлат, жамият ўзи бажараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий қатламлар, миллатлар ва элатлар, диний эътиқодлар вакиллари шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипсловчи умуммиллий мафкурага эга бўлганлар. Чунки шундай қилингандагина, биринчидан, бирон бир мафкура давлат мафкураси даражасига чиқмайди. Иккинчидан, бундай иш умумжамят, умуммиллий мафкурани янада аниқлашга, бойитишга хизмат қилади, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъмин этади. Бундай фикрга келишимизнинг илмий-назарий асоси, учинчидан, ҳозирги даврда илғор давлатларда барча ижтимоий қатламлар ўз ғояларини демократия, инсонпарварлик, ижтимоий адолат қоидалари ҳамда

талаблари асосида яратишга интилаётганликларидир. Албатта, уларнинг орасидаги муросасизлик ўрнига ҳар бир масалада *консенсус*, яъни муроса-ю-мадора тамойилларидан келиб чиқиш тобора устун келмоқда.

Мустақил Ўзбекистон худди шу йўлдан бормоқда. Бу мафкура халқимиз тарихини, маданиятини, фалсафасини, ахлоқини, сиёсий онгини, бадий дидини, диний анъаналарини ва келажак, истиқболларини аниқ белгилаб бериши билан ҳам алоҳида ўрганишга зарурат мавжуд. Бу мустақиллигимизнинг ўзига хос пойдеворидир. Шунга таянган ҳолда қурилаётган жамият мустақил ва мустаҳкам бўлади. Демак, мустақилликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг илмий-назарий жиҳатлари қуйидаги хулосаларда ўз ифодасини топади:

- Мафкура Ўзбекистон жамияти ҳаётида ҳам зарур, чунки мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар;

- Ўз поёнига етган XX аср кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар фожиалар, урушлар, катагонларни бошидан кечиришининг асосий сабабларидан бири ҳам мафкуравий курашлар миллий-маданий мерос ва қадриятларни инкор этиш, ўзга ғояларни зўрлаб киритиш заминида рўй берди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак;

- Инсоният тарихида ахборот асри деб тан олинаётган, яъни XXI асрда ҳам, турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Дарҳақиқат ҳозирги даврда дунёда икки қарама-қарши кутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад ва манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Натижада бугунги кунда ҳам баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда. Бу мустақиллик учун катта хавф-хатардир.

Ана шундай фожиаларнинг олдини олиш, уларни тинч йўл билан ҳал этишнинг бирдан бир воситаси мафкуравий таҳдидлардан сақланишдир, ўз миллий истиқлол ғоясига эга бўлишдир. Негаки, мафкуравий кураш ва тортишувлардан кўзланган асосий мақсад - инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, уларни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда, «фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ва сиёсий қарамликдан ҳам кўра дахшатлидир»¹. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, ахборот ва электроника асри деб аталаётган янги XXI асрда инсон ҳар қачонгидан турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсиридан холи бўлиши деярли имконсиздир. Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Иккинчидан, мафкуравий курашнинг кишиларни доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин. Аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Т.: «Ўзбекистон», 1998, 5-б.

оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийинлиги билан ажралиб туради. Ҳамда унинг илмий-назарий асослари ҳақидаги яна бир хулоса бу табиатда ҳам, жамиятда ҳам ваакум-бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмаслигидир. Бу мустақилликни асраб-авайлаш, мустаҳкамлашнинг муҳим шартидир. Миллий ғояга ишонч ва эътиқод қанча мустаҳкам бўлса, у инсонларнинг шахсий, оилавий ҳаётида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари орқали мустақилликни мустаҳкамлаб беришга хизмат қилади.

2-мавзу	Мафкуранинг шакл ва кўринишлари
----------------	--

2.1.Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача
Машғулот шакли	Маъруза-мулоқот
Маъруза режаси	1. «Ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти. 2. Ғоя ва мафкураларнинг шакл ва кўринишларининг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни 3. Ғояларнинг тарихий тизимлари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда ғоя ва мафкура ҳақидаги мавжуд тушунчаларни мустаҳкамлаш, ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр тамойилини чуқурроқ сингдириш	
Педагогик вазифалар: • Миллий ғоя ва мафкуранинг мазмун-моҳиятини очиқ бериш; • Инсоният тарихи - ғоялар тарихи эканлигини асослаб бериш; • Ғоя ва мафкуранинг тарихий, фалсафий ва дунёвий илдизлари билан таниш.	Ўқув фаолияти натижалари (талаба): • Талабалар ғоя, мафкура, ғоя турлари, кўринишлари, мафкуранинг илдизлари тўғрисида билимга эга бўладилар; • Инсоният тарихида ғоя ва мафкураларнинг муҳим аҳамиятини ўзлаштирадилар; • Ғоя ва мафкуранинг тарихий тизимлари билан танишадилар.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали, маълумотли, жамоада ишлаш.
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, жуфтликда ишлаш.
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, тарқатма материаллар, проектор, доска
Таълим бериш шароити	Ҳамкорликда ишлаш ва тақдиротларни амалга ошириш имконига эга бўлган

	аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб Ёзма назорат: тест олиш.

2.2. “Мафкуранинг шакл ва кўринишлари” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлар и ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
Тайёргарлик босқичи	1. Янги курсни ўқишга тайёргарлик кўради. Курснинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. 2. Курснинг алоҳида соҳаларининг предмети ва вазифаларига таъриф беради 3. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 4. Талабаларни ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради. (1-илова).	Машғулотнинг мақсад ва вазифаларини тушуниб оладилар
1-босқич. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Мавзунинг номини экранга чиқаради ва мазкур мавзунинг ёритишдан кутиладиган асосий натижалар тўғрисида ахборот беради. 1.2. Мавзунинг ёритиш бўйича тузилган режа саволларини намойишга узатади. Экранга асосий тушунчалар таъриф беради (1-илова). 1.3. Бугунги ўтилиши кутиладиган дарс машғулоти мулоқот тарзида бўлиши таъкидланади. Мулоқотни қандай ташкил қилиш тўғрисидаги эслатмани экранга чиқаради (1-Илова). 1.3. “Ақлий ҳужум” методи орқали талабаларни фаоллаштиради. Берилган саволга ўйлаб жавоб беришни таклиф қилади (жавоблар 1-2 сўздан иборат бўлиши кераклигини эслатади): <i>Миллий гоя ва миллий мафкурага қандай таъриф берамиз?</i> Бир талабага жавобларни доскада ёзиб беришни таклиф қилади. Бунинг учун 10 дақиқа вақт ажратилади. Белгиланган вақт тугагандан сўнг, фикр билдиришлар тўхтатилади ва жавоблар таҳлил қилинади.	Тинглайдилар Кўчириб оладилар. Тинглайдилар ва мулоқот қоидалари билан танишадилар Саволларга жавоб берадилар. Фаол қатнашиб, жавоб вариантларини кетма-кет айтиб борадилар

2. Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Миллий ғоя ва мафкура фани бўйича стандартлар структураси ва мазмуни (2-илова). 2.2. Миллий мафкуранинг асосий йўналишлари структураси. (3-илова). 2.3. «Ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти (4-илова) 2.4. Ғоя ва мафкураларнинг шакл ва кўринишларининг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни (5-илова). 2.5. Ғояларнинг тарихий тизимлари (6-илова).	Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар, ёзадилар.
3. Яқуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзуни умумлаштиради ва умумий хулосалар ясайди. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади. 3.2. Мустақил ишлашларни мавзулари топширилади.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.



1-илова

Асосий тушунчалар: ғоя, мафкура, вайронкор, бунёдкор, илмий, фалсафий, дунёвий, диний, тарихий, шакллар, кўринишлар, эзгулик, ёвузлик, давлат, жамият, ривожланиш, инқироз, инсоний, бунёдкорлик.

2-илова


Мулоқотга иштирок этувчиларга эслатма!

- 1.Мулоқот муаммони ечишга қаратилган усулдир.
- 2.Гапираётганда узоқ сўйлама, бошқалар ҳам ўз фикрларини баён этишларини унутма.
- 3.Ҳиссиётни жиловлаган ҳолда фикрингни шундай жамлаб айтки, у мурод нишонига тегсин.
- 4..Муҳолифатингни сўзларини ҳурмат билан тингла.
- 5.Моносабатингни аниқ бергин ва фикрлар такрорланишига йўл қўйма!
- 6.Ўз билимдонлигинг, иқтидоринг ва заковатингни кўрсатиш учун сўйлама, балки мунозара мавзуси доирасида сўз юритгин.
- 7.Фикрингни қабул қилишлари ва уни маъқул топишлари учун курашгин!




МАФКУРАНИНГ ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИНИ


Мафкура – муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир



7-слайд




8-слайд




9-слайд






Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади. Яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажавузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган.

Ғоянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсон ўз ғояларини яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч- бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган.




1-слайд



2-слайд

Вайронкор ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзоднинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонлик ғояларига, таяниб, олий мақсадлар сари интилишларини асло тўхтата олмайди.



Мавзуни мустаҳкамлашга оид саволлар:

1. Ғоя ва мафкураларнинг қандай шакллари мавжуд?
2. Мафкуранинг тарихий кўринишлари қандай?
3. Мафкуранинг мазмун моҳиятига кўра қандай турларга бўлинади?
4. Бунёдкор мафкуралар нималардан иборат?
5. Вайронкор мафкуралар инсон ҳаётига қандай таъсир қилади?
6. Ғоявий бўшлиқ қачон пайдо бўлади?
7. Ўзгулик билан ёвузлик ўртасида кураш қандай кечади?
8. Ғоялар ва мафкураларнинг тарихий тизимлари нималардан иборат?

2- мавзу: Мафкуранинг шакл ва кўринишлари

1. «Ғоя» ва «мафкура» тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти

Маълумки, инсон ўзининг ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон онгли мавжудот. Онгни шартли равишда иккита катта қисмга бўлиш мумкин: биринчиси - инсоннинг руҳий олами; иккинчиси - фикрий олам, яъни тафаккур оламидир. Руҳий олам ўз таркибига сезгилар, идрок, тасаввур, кечинма, ҳис- ҳаяжон, диққат, хотира ва бошқаларни қамраб олади. Тафаккурнинг мантиқий шаклларига тушунча, ҳукм ва хулоса киради. Фалсафанинг азалий қоидаларидан бири-тил ва тафаккур бирлигидир. Тилнинг энг бирламчи маҳсули **сўз** бўлгани каби, тафаккурнинг дастлабки шакли - **тушунча**дир. Тушунчалар бир ёки бир неча сўзлар билан ифодаланади; аммо ҳар қандай сўз ҳам тушунча бўла олмайди. Сўзлар воситасида англатилган тугал фикр **гап** деб аталишини биламиз.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Бинобарин, **ғоялар ҳам инсон тафаккурининг маҳсулидир**. Лекин тафаккур яратган ҳар қандай фикр ёки қараш, мулоҳаза ёки нуқтаи назар ғоя бўла олмайди. Фақат энг кучли, таъсирчан, залворли фикрларгина ғоя бўла олиши мумкин. Ғояларнинг оддий фикрлардан фарқи шундаки, улар гарчи тафаккурда пайдо бўлса-да, инсон (ва жамият) руҳиятига, ҳатто туб қатламларига ҳам сингиб боради Ғоя шандай

қувватга эгаки, у одамнинг ички дунёсигача кириб бориб, уни ҳаракатга келтирувчи, мақсад сари етакловчи руҳий-ақлий кучга айланади.

Муайян ғоя одатда алоҳида олинган шахс онгида шаклланади, кейинчалик эса жамиятнинг турли қатламларига тарқалади, турли элат ва миллатлар орасида ёйилади. Мустақил ҳаётга қадам қўяётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади, муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб этади.

Ҳар бир нарсанинг ўз ибтидоси ва интиҳоси, яъни бошланиши ва охири бўлади. Ғоялар ҳам ўз «умри»га эга. Улар ҳам маълум маконда ва замонда пайдо бўлиши, жамият ривожига муайян ҳисса қўшиши, кишиларнинг онги ва қалбидан жой олиши, ўз умрини яшаб, жозоба кучи ва қувватини йўқотгач, тарихий хотирага айланиши ҳам мумкин. Ғояга таъриф бериш учун унинг моҳиятини намоён этадиган асосий хусусиятларини санаб ўтиш лозим бўлади. Ғоянинг энг муҳим хусусияти - инсонни ва жамиятни мақсад сари етаклайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган, сафарбар этадиган куч эканидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ғоя деб, инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-муддао сари етаклайдиган фикрга айтилади.

Тафаккурнинг маҳсули сифатида ғоя теварак оламни барча шакллари -илм-фан, дин, фалсафа, санъат ва бадиий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ- муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Маълум маънода айтиш мумкинки, ҳар бир онг соҳасининг ўз ғоялари мавжуд бўлади.

Мазмуни ва намоён бўлиш шаклига қараб, ғояларни бир қанча турларга ажратиш мумкин.

- илмий ғоялар;
- фалсафий ғоялар;
- диний ғоялар;
- бадиий ғоялар;
- ижтимоий –сиёсий ғоялар;
- миллий ғоялар;
- умуминсоний ғоялар ва ҳоказо.

Диний ғоялар деб, ҳар бир диний таълимот ва оқимнинг асосини, диний иймон-эътиқоднинг негизини ташкил этувчи ғояларга айтилади.

Ибтидоий динлар ҳар бир нарсанинг жонли экани, жоннинг абадийлиги, бут ва санамларнинг, табиий жисм ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эга эканлиги тўғрисидаги қарашларга асосланган эди. Илоҳларнинг кўплиги ҳақидаги фикрга таянган полетеизм динлари вақти келиб монотеистик- яккахудолик ғояси асосидаги динларга ўз ўрнини бўшатиб берган.

Илмий ғоялар - тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари, устивор қоидаларини ташкил қиладиган илмий фикрлардир.

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир.

Бадиий ғоялар- адабиёт ва санъат асарининг асосий маъно мазмунини ташкил этадиган, ундан кўзланган мақсадга хизмат қиладиган етакчи фикрлардир.

Ижтимоий –сиёсий ғоялар ҳар бир халқ ва умуман башариятнинг орзу-умидларини, мақсад-муддаоларини ифодалайди, эркин ҳаёт ва адолатли тузумни тараннум этади.

Озодлик ғояси -мазлумларни ўз эрки учун курашга чорлайдиган, қуллик ва қарамликнинг ҳар қандай кўринишини инкор этадиган ғоядир.

Мустақиллик ғояси- энг улуғ ва эзгу ғоя. Ҳар бир халқ истиқлол туфайли ўзига ёт ва бегона тузумдан, ижтимоий тазйиқлардан халос бўлади, ўз салоҳиятини тўла-тўқис ишга солиш, ўзи танлаган йўлдан бориш имкониятини қўлга киритади.

Адолат ва ҳақиқат ғоялари - исоннинг табиати ва ижтимоий тузумнинг моҳиятини белгилайдиган, қудратли кучга эга бўлган ғоялардир.

Соҳиблари, яъни ғояни моддийлаштирувчи, амалиётга айлантирувчи куч ким эканига қараб, синфий ғоя, миллий ғоя, умумхалқ ғояси, умуминсоний ғоялар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Миллий ғоя халқнинг туб манфаатлари ифода этадиган, уни ўз олдига қўйган мақсадлари сари бирлаштирадиган ва сафарбар этадиган ғоядир. Ўз тарихи ва тараққиётининг туб бурилиш давларида ҳар қандай миллат ва халқ келажагини белгилайди, унга етишишнинг ўзига мос йўллари танлайди.

Ана шу жараёнга хос ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишлар билан барча ғоявий тамойиллирни ҳам белгилаб олади. Бунда бутун миллат учун умумий бўлган ғоялар ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

«Мафкура» тушунчаси. Ҳар қандай назария ёки таълимот бир тизимга солинган ғоялар мажмуидан иборат бўлади. Дунёқарашнинг негизини ва муайян ишонч-эътиқоднинг асосини ҳам ғоя ташкил этади. Одамлар, ижтимоий синф ва қатламларнинг, миллат ва давлатларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳам ифода этилади.

Мафкура - муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий - маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир.

Инсоният тарихи мобайнида турли шаклдаги жуда кўплаб мафкуралар яратилган, беҳисоб ижтимоий-сиёсий кучлар ўз ғоялари ва таълимотлари билан майдонга чиққан, мақсад ва ниятларига етишмоқ учун ҳаракат қилган. Биз ҳар қандай мафкурани ғоялар тизими сифатида талқин қилар эканмиз, шуни унутмаслик керакки, бирор бир мафкуранинг моҳиятини англаб етиш учун фақат унинг таркибидаги ғояларни таҳлил қилишнинг ўзи етарли эмас. Ўтмишда турли кучлар ва гуруҳлар ўз ғаразли ниятларига эришиш, асл мақсадларини яшириш учун юксак ва жозибали ғоялардан фойдаланган. Энг ёвуз босқинчи ва энг разил гуруҳлар ҳам ўз кирдикорларини эзгу ғоялар билан ниқоблашга уринган.

Демак, мафкуралар маъно – моҳиятга кўра, фалсафий, дунёвий, диний ва бошқа турли таълимотлар асосида яратилади. Хилма-хил ижтимоий-сиёсий

кучлар ўз мафкураларини яратишда сиёсий ғоялар билан бирга, диний оқимлар ва илм-фан ютуқларига таянади, улардан назарий асос сифатида фойдаланади.

2.Ғоя ва мафкураларнинг шакл ва кўринишларининг жамият ҳаёти ва тараққиётида тутган ўрни

Инсоният тарихи турли ғояларнинг эзгулик ва ёвузлик, озодлик ва истибдод, маърифат ва жаҳолатга хизмат қилган мафкуралар шаклида намоён бўлганидан далолат беради. Ғоя мафкурага асос бўлади, мафкура эса муайян ғояни амалга оширишга хизмат қилади.

Қадимги цивилизациялар тарихидан маълумки, ўша даврларда одамларнинг дунёқараши, қабила ва элатларнинг мафкураси афсона ва ривоятлар воситасида ифода этилган мифологик қарашлар сифатида мавжуд бўлган. Жумладан, тотемизм, анимизм, фетишизм каби ибтидоий динлар жоннинг абадийлиги, табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг илоҳий қувватга эга экани тўғрисидаги хилма-хил қарашларга асосланган.

Тараққиётнинг кейинги босқичларида миллий асосдаги ҳиндуизм, иудаизм, конфуцийлик сингари диний мафкуралар шаклланган. Японлар эса ўзларининг миллий дини - синтоизмни яратган. Уларда диний тамойиллар билан бирга, муайян миллатнинг ўзига хослиги, қадриятлари, менталитети

ўз аксини топганлиги яққол кўзга ташланади. Бу динлар миллат тарихининг муайян даврида давлат дини ва мафкураси даражасига кўтарилган. Масалан, конфуцийлик бир неча юз йиллар давомида Хитойда ана шундай мавқега эга бўлган.

Тараққиёт жараёнида фалсафий ғоялар ҳам муайян тизим шаклини олган. Масалан, оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари, унинг асосини нима ташкил этиши каби масалаларни қадимги олимлар хилма-хил ҳал қилганлар. Уларни фалсафий талқин этиш натижасида монизм ва дуализм каби, идеализм ва материализм сингари оқимлар вужудга келган. Уларнинг ҳар бири ўз маъно-мазмунига эга эканлиги билан ажралиб туради. Хусусан, монизм –оламнинг асосини битта моҳият ташкил этади деб таълим берувчи йўналиш бўлса, дуализм- оламнинг ибтидоси ҳам руҳий-илоҳий, ҳам моддий асосга эга эканини эътироф этувчи оқимдир.

Олам ва одамнинг яралиши, борлиқнинг яшаши ва ривожланиши қонуниятлари, борлиқ ҳамда йўқлик масалаларида руҳий ва илоҳийлик тамойиларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш идеализмнинг асосини ташкил қилади.

Ундан фарқ қиладиган материализм айнан ана шу масалаларда модда (материя) ва унинг хоссаларини устувор деб билиш, мутлақлаштириш асосида шаклланган.

Муайян тарихий даврларда баъзи мафкуралар давлат идеологияси даражасига кўтарилган. Замонлар ўтиши билан уларнинг айримлари ўз мавқеини йўқотган, лекин миллат маънавиятининг таркибий қисми сифатида сақланиб қолган.

Шу билан бирга, бир-биридан фарқ қиладиган мафкуралар ўртасидаги баҳс - мунозара ҳамда уларни мурасага келтиришга интилувчи ғоялар мавжудлиги ҳам қадим замонлардан буён давом этиб келмоқда. Худди шундай, бир-биридан фарқ қиладиган, яъни худо ва илоҳий қадриятларни тамомила рад этувчи атеизм ва айнан шу ҳақиқатларни мутлақлаштирувчи теизм ўртасидаги баҳс-мунозара ҳам узоқ тарихга эга. Бу баҳс-мунозара ҳозир ҳам давом этмоқда.

XIX асрнинг 30-йилларда Францияда император Наполеон шахсига сиғиниш ва фарангларни улуғлаш билан боғлиқ шовинизм ғоялари кенг ёйилди. Кейинчалик у бир ҳукмрон миллатни бошқа халқлардан устун қўядиган ёки бошқа бирор ижтимоий ақидага айланиб кетди. Бугунги кунда «буюк миллатчилик шовинизми», «буюк давлатчилик шовинизми», «ирқий шовинизм» каби иборалар учраб туради.

Инсоният тарихида эҳтиёжларини бошқа халқлар ҳисобига қолдириш истаги талончилик ва босқинчилик, буюк давлатчилик ва тажавузкорлик миллатчилик, фашизм ва экстремизм ғояларини юзага келтирган. Бундай ғоялар халқлар бошига кўп кулфат ва мусибатлар солган.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, баъзан бузғунчи мафкура ўзининг сохта жозибаси, алдов макри билан омма онгини захарлаб, жамиятда ҳукмрон мавқени эгаллаб олиши мумкин.

Фашизм мисолидаги аччиқ тажриба ғоя ва мафкура инсонпарварлик ва тараққиёт тамойилларини халқ тақдиридаги юксалиш заруратини, умуминсоний қадриятларни ўзида акс эттирмаса, аксинча бу интилишларни рад этса, моҳиятига кўра уларга зид бўлса, у жамият таназзулига сабаб бўлишини яққол кўрсатади.

Ўз тарихини асосан XIX асрдан бошлаган ана шундай мафкуралардан бири –синфий антогонизм ғояларни мутлақлаштирган ва ҳокимиятни курол кучи билан эгаллаб олган собиқ коммунистик тузум мафкураси эди. Синфий кураш ғояси асосига қурилган ва миллионлаб кишилар тақдирида машъум из қолдирган бу мафкура жамиятни бир-бирига қарама –қарши тарафларга ажратиб юборди. Синфий кураш чизиғи нафақат ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орқали, ҳатто оилалар ва инсонлар руҳияти орқали ҳам ўтди. Оқибатда гажданлар урушига нафақат ижтимоий гуруҳ ва қатламлар орқали, ҳатто оилалар ва инсонлар руҳиятига зид бўлган биродаркушлик ҳолати вужудга келди. Ўғил отага, ука акага, дўст ўз биродарига қўл кўтариши ёқлаб чиқилди, рағбатлантирилди. Булар мардлик ва синфий онглилик намунаси деб талқин этилди. Натижада миллий қадриятлар топталди, миллионлаб кишилар ҳалок бўлди, бутун-бутун халқлар ўз ватанидан бадарға қилинди.

Ёвуз ғоя ва унга асосланган мафкураларнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири диний ақидапарасликдир. Бундай ғоялар муайян даврларда Ғарбда ҳам Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган, одамларга кўпдан-кўп кулфатлар келтирган. Афсуски, бу ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам қўяётган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик ва тараққиётга таҳдид солмоқда, муайян худудларни эгаллаб олмоқда. Афсуски, бу ғоялар ортидан эргашадиганлар ҳозир ҳам бор. Улар бундай ғояларга асосланиб, тинч аҳолига қарши

террорчилик, зўравонлик каби жиноятларни амалга оширади, ўз ниятларини қабих ҳаракатлар орқали намоён қилади.

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳиятини азал-азалдан эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги кураш диалектикаси белгилаб келади. Яъни босқинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажавузкорлик, ақидапарастлик мафкураларига қарама-қарши ўлароқ, озодлик, мустақиллик ва адолат ғоялари узлуксиз майдонга чиқиб, халқларнинг музаффар байроғига айланган.

Ғоянинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти жуда муҳим фалсафий масаладир. Инсон ўз ғояларини яратади, улардан куч-қувват олади. Ўзи яратган ғоялар инсоннинг онги ва шуурини, тафаккури ва эътиқодини эгаллаб, унинг соҳибига айланади. Юксак ғоялар одамларни олижаноб мақсадлар сари етаклайди. Ғояси етук, эътиқоди бутун, қадриятлари юксак инсонгина мардлик намуналарини кўрсата олади. Тарих тажрибаси шундан далолат берадики, дунёда икки куч- бунёдкорлик ва бузғунчилик ғоялари ҳамиша ўзаро курашади. Бунёдкор ғоя инсонни улуғлайди, унинг руҳига қанот бағишлайди. Соҳибқирон Амир Темурнинг пароканда юртни бирлаштириш, марказлашган давлат барпо этиш, мамлакатни обод қилиш борасидаги ибратли фаолиятига ана шундай эзгу ғоялар асос бўлган.

Бузғунчи ғоя ва мафкуралар эса халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради. Бунга олис ва яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Ўрта асрлардаги салб юришлари, диний фанатизм ва атеизм, фашизм ва большевизмга асос бўлган ғайриинсоний ғоялар шулар жумласидандир.

Токи дунёда тараққиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илғор туғилаверади. Бузғунчи ғояларнинг вужудга келишига эса вайронкор интилишлар сабаб бўлади. Шундай экан, уларга қарши курашга тайёр туриш, яъни доимо хушёр ва огоҳ бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб яшамоқ ҳаётнинг асосий зарурати бўлиб қолаверади.

Миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳият ва имкониятларни тўла юзага чиқаришда беқиёс омил бўлади.

Ғоявий заифлик ва мафкуравий беқарорлик эса миллатнинг бирдамлиги, давлатнинг қудратига путур етказди, унинг тараққиётини орқага суриб юборади. Масалан, Чингизхон босқини, чор истилоси даврларида айрим ҳукмдорларнинг халқни бирлаштириб курашга сафарбар этмагани ўлкамизнинг қарамлик чангалига тушиб қолишига сабаб бўлган.

Хуллас, инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкуранинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жарёндир. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашга қараб бир-биридан фарқланади. Эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлса, вайронкор ғояларга таянган мафкуралар халқлар ва давлатларни таназзулга етаклайди, одамлар учун сон-саноксиз кулфатлар келтиради. Бу эса ўз навбатида, ғоявий жараёнлар тарихини ўрганиш, улар замиридаги мазмун-моҳиятни билиб олишни заруратга айлантиради.

3. Ғояларнинг тарихий тизимлари

Кишилиқ тарихидан яхши маълумки дастлаб одамларнинг ишонч эътиқоди табиатни илохийлаштириш асосида шаклланган. Шунинг учун энг қадимги мафкуралар ҳақида гап кетганда авалло одамлар жамоа бўлиб уруғларга бўлиниб яшаган ибтидоий даврларни эслаш лозим. Чунки одамларнинг жамоа бўлиб, яъни бирлашиб яшаши уларнинг муайян мафкура асосида уюшганидан, табиат ўзгаришларига биргаликда жавоб излаганидан далолат беради. Бунда улар яшаётган ҳудуднинг ўзига хос иқлими, табиат дунёси, шарт-шароити муҳим аҳамият касб этган. Инсоннинг ҳали техника ривожланмаган вақтидаги ҳаёт тарзи, моддий таъминоти кўпроқ табиат ҳодисаларига боғлиқ бўлгани учун ҳар бир қабила теварак –атрофидаги борлиқни ўзининг моддий –маънавий эҳтиёжларидан, уларни қондириш даражасидан келиб чиққан ҳолда тасаввур этган. Шу тариқа табиат ҳодисалари ўртасидаги боғлиқликни акс эттирадиган афсона ва ривоятлар пайдо бўлган. Масалан, энг қадимги даврларда нур, зиё, баҳор, ёз, фаровонлик, яхшилиқ ва эзгулик рамзи сифатида тасаввур этилган бўлса, қиш, аёз қоронғулик, зулмат - ёмонлик ва вайронкорлик тимсоли сифатида тасаввур этилган.

Бузгунчи ғоялар халқлар бошига сўнгсиз кулфатлар келтиради.Бунга олис яқин тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғояларнинг зидди бўлган зулм ва зўравонлик, қабоҳат ва жаҳолат янги-янги шаклларда намоён бўлишга уринади. Лекин улар одамзоднинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараққиёт ва фаровонлик ғояларига, таяниб, олий мақсадлар сари интилишларини асло тўхтата олмайди.

Хулоса қилиб айтганда, ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳияти асрлар мобайнида эзгулик ва ёвузлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик ўртасидаги азалий кураш белгилаб келади.Ҳар бир киши бунини яхши билмоғи бу борада ўз ўрнини топтоғи, ҳаёти ва фаолиятини эзгу ишларга сарфламоғи лозим.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

3-мавзу	“И.А.Каримов – Ўзбекистон миллий мафкуранинг асосчиси” мавзусида маъруза машғулотида ўқитиш технологияси
---------	---

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Маишгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача
Маишгулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза

Маъруза машғулоти режаси	1. Ўзбекистон миллий мафкурани яратишда И.А.Каримовнинг хизматлари 2. Миллий мафкуранинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Мафкуранинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ва миллий мафкура ва мафкуранинг тарихий илдизлари ҳамда шакл ва кўринишлари ҳамда Президент томонидан яратилган миллий мафкурани талабаларга тушунтириш	
Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
1. Ўзбекистон миллий мафкурани яратишда И.А.Каримовнинг хизматлари	Миллий мафкуранинг жамият ҳаётида тутган ўрнини англаб олади
2. Миллий мафкурасининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари	Миллий мафкурани юксалтирмасдан туриб жамиятни юксалтириб бўлмаслигини тушуниб етади.
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Компьютер технологияси (“Миллий мафкура ва мафкура” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув материаллари, маркер, скотч, қоғоз
Ўқитиш шакллари	Гуруҳларда, коллектив, якка
Ўқитиш шароитлари	Аудитория

**“И.А.Каримов – Ўзбекистон миллий мафкуранинг асосчиси” мавзусида
маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	талаба
1-босқич Кириш (10 дақ.)	1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қилади уларнинг аҳамиятини ва долзарблигини асослайди. 1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказади. 5-илова. 1.3. дарс машғулоти гуруҳларда ишлаш	1.1. эшитадилар, мавзуни ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар.

	технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва вақтини аниқлаштиради 1,2-илова	
2-босқич. Асосий (60 дақ.)	2.1.Талабаларнинг диққати маърузага қаратилади.	2.1.Ўқув топшириқлари, баҳолаш мезонлари билан танишади, топшириқни гуруҳга тақсимлайди, умумий маърузани шакллантиради. 2.2. Натижаларни презентация қилади, назорат саволларига жавоб беради. Қолган иштирокчилар тақдиротни тўлдирадилар ва саволлар беради. Экспертлар баҳолайди.
3-босқич Якуний (10 дақ.)	3.1. Ўқув фаолиятини якунлайди. Талабалар диққати ни асосий жиҳатларга қаратади. 3.2. Мустақил иш учун вазифа беради.	3.1. Тинглайдилар, аниқлаш тирадилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.

1-илова

3-мавзу: “И.А.Каримов – Ўзбекистон миллий мафкуранинг асосчиси”

Режа

1. Ўзбекистон миллий мафкурани яратишда И.А.Каримовнинг хизматлари
2. Миллий мафкуранинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари

Ўқув машғулотининг мақсади: Мафкуранинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ва миллий мафкура ва мафкуранинг тарихий илдизлари ҳамда шакл ва кўринишлари ҳамда Президент томонидан яратилган миллий мафкурани талабаларга тушунтириш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Миллий мафкуранинг жамият ҳаётида тутган ўрнини англаб олади. Миллий мафкурани юксалтирмасдан туриб жамиятни юксалтириб бўлмаслигини тушуниб етади.

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

Ўзбекистон миллий мафқурани яратишда И.А.Каримовнинг хизматлари


Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кенг жамоатчилиқни, олимлар, шоирлар, ёзувчиларни мафқура масаласига жиддий эътибор беришга чақирди. Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нуткида «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий мафқурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир»,— деб уқтирди. Шуни айтиш керакки, ҳеч қандай жамият ва миллат мафқурасиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафқураси бўлади. Одамлар қайси бир жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши керак.

Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун мафқура сув билан ҳаводек зарур.

1-ўқув топшириқ

«Пирамида» технологияси

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.




5-илова

Миллий мафкуранинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари

Мустақиллик мафкураси заминида авлод-аждодларимизнинг босиб ўтган узоқ тарихий тараққиёт йўлининг ажойиб тажрибалари, сабоқлари, уларнинг илмий якунлари, халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, миллий қадриятларининг ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган жиҳатлари ва энг муҳим ғоялари ҳам мавжудлигини эсимизда тутмоғимиз лозим.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Навоий, Бобур сингари жаҳонга таниқли бошқа буюк ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотларига асосланмасдан ва суянмасдан туриб миллий мафкурасини яратиб бўлмайди. Бу ҳақда Президентимизнинг барча асарларида, маърузаларида, нутқларида бир неча бор таъкидланмоқда.

Миллий мафкура халқимизнинг миллий қадриятларига ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланади. Улар мафкурамизнинг тамал тошини ташкил этади. Миллий, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадий, фалсафий, диний, ҳуқуқий қарашлар ва ғоялар мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада тўлдиради ва бойитади, заминини мустаҳкамлайди, таъсирчанлигини оширади, амалий аҳамиятини кучайтиради.



ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯҳ

Савол	Миллий мафкурага Президентимиз томонидан қандай таъриф берилган?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гурӯҳ

Савол	Миллий мафкура ҳақида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида нима дейилган?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

Жонлантириш учун саволлар:

1. Миллий мафкуранинг асосчиси ким?
2. Миллий мафкуранинг сиёсий, иқтисодий, маънавий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда қандай вазифани бажаради?
3. Миллий мафкура тўғрисида Марказий осиёлик алломаларимизнинг қандай фикрлар билдирганлар?
4. Миллий мафкуранинг иқтисодга нима алоқаси бор?
5. Мустақилликни амалга оширишда миллий мафкура зарурми?

9-Илова

Инсерт технологиясидан фойдаланиб ишлаш қоидаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

3-мавзу. И.А.Каримов – Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг асосчиси

1. Ўзбекистон миллий мафкурасини яратишда И.А.Каримовнинг хизматлари

Мустақиллик туфайли бошланган буюк тарихий тараккиёт йўлидан оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси олдида эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммолар турибди. Ана шулардан бири миллий истиқлол мафкурасини яратиш, уни жадал равишда халқ оммаси орасида кенг ёйишдир.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки пайтларда - эски мафкурадан бутунлай воз кечиляётган, янги мафкура эса ҳали ишлаб чиқилмаган, илмий асослаб берилмаган кезларда маънавий соҳасида бўшлиқ пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам янги миллий истиқлол мафкурасини яратиш зарурати кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кенг жамоатчиликни, олимлар, шоирлар, ёзувчиларни мафкура масаласига жиддий эътибор беришга чақирди. Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида «Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир»,— деб уқтирди¹. Шунини айтиш керакки, ҳеч қандай жамият ва миллат мафкурасиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлади. Одамлар қайси бир жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш қўриши, фаолият кўрсатиши керак.

Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун мафкура сув билан ҳаводек зарур.

Мустақиллик туфайли бошланган буюк тарихий тараққиёт йўлидан оғишмай олға ривожланиб бораётган Ўзбекистон Республикаси олдида эндиликда бир қанча муҳим вазифа ва муаммолар турибди. Ана шулардан бири миллий истиқлол мафкурасини яратиш, уни жадал равишда халқ оммаси орасида кенг ёйишдир.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйган дастлабки пайтларда — эски мафкурадан бутунлай воз кечиляётган, янги мафкура эса ҳали ишлаб чиқилмаган, илмий асослаб берилмаган кезларда маънавий соҳасида бўшлиқ пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам янги миллий истиқлол мафкурасини яратиш зарурати кун тартибидаги асосий масала бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кенг жамоатчиликни, олимлар, шоирлар, ёзувчиларни мафкура масаласига жиддий эътибор беришга чақирди. Республика Олий Кенгаши ўн иккинчи сессиясида сўзлаган нутқида "Олдимизда турган энг муҳим масала, бу миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётимизга татбиқ этишдир",— деб уқтирди.

Шунини айтиш керакки, ҳеч қандай жамият ва миллат мафкурасиз яшай олмайди. Дунёдаги ҳар бир жамиятнинг, ҳар бир давлатнинг ўзига хос, ўзига мос келадиган, унинг учун хизмат қиладиган, туб мақсадлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган мафкураси бўлади. Одамлар қайси бир жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, қандайдир бир ғояга, таълимотга асосланиб иш қўриши, фаолият кўрсатиши керак.

¹ Каримов И.А. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. Тошкент, "Ўзбекистон", 1993, 9-бет.

Ўзбекистоннинг ҳозирги даври, бундан кейинги тараққиёти ва истиқболи ҳамда мустақиллигининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маданий-маънавий заминларини яратиш ва мустаҳкамлаш учун мафкура сув фаолиятига, ахлоқий баркамоллигига, ғоявий-сиёсий етуклик даражасига, миллий ўзлигини қанчалик чуқур ва мукаммал англаб олишларига бевосита боғлиқ. Жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг фаоллиги унинг илғор мафкурага қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ.

Жамият манфаати ва миллий истиқлол йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъдодни бахшида этишга тайёр турган етук инсонлар, удабурон ёшлар, фидойилар бўлмаса, Ўзбекистонни дунёда энг бой, илғор давлатга айлантириш мумкин эмас. Мустақил Ўзбекистоннинг яқин ва олис келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган ана шу ва бошқа вазифаларни мафкуравий ишларни жонлантirmасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Миллий истиқлол мафкураси кишиларда миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у халқимиз ва миллатимизнинг куч-қудрати ва имкониятларига, ғоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутун ва яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, қабила-уруғчилик муносабатларига қарши муросасиз кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади. Миллий истиқлол мафкураси миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжиҳатликнинг кучайишига кўмак беради.

Истиқлол мафкураси етук миллий онг, миллий ғурур, миллий кадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси заминида шаклланадиган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Кишиларда она заминга бўлган муҳаббат қанчалик кучли бўлса, Ватанни севиш, юксак даражада эъзозлаш тобора кучайиб борса, ҳар бир инсон ўз Ватани тарихини, миллий кадриятларини, ўз халқи тили, маданияти, миллий урф-одатларини мукаммал билса, миллий манфаатларни, миллат тақдири ва истиқлолини чуқур англаб етган бўлса, мустақиллик шунчалик мустаҳкам ва барқарор бўлади. Ватанимиз бахт-саодати, халқимиз, миллатимиз келажаги, истиқлолимиз тақдири ҳар биримиз учун муқаддасдир.

Мустақиллик мафкурасининг асосий мақсадларидан яна бири — халқни, меҳнатни севиш ва қадрлашга даъват этиш, меҳнатсиз ризқ-насиба, моддий-маънавий бойлик ва келажак йўқ эканлигини, мустақиллигимизнинг барқарорлиги ва тақдири ҳам унга боғлиқлигини одамлар онги ва қалбига чуқур сингдиришдан иборатдир. Агар халқда мустақиллик ҳақида тушунча, билим бўлса-ю, лекин истиқлол тўғрисидаги ғоя амалий ишлар билан, меҳнат билан боғланиб эътиқодга, дунёқарашга айланиб кетган бўлмаса, бу мустақилликнинг маънавий замини ҳали бўш эканлигини кўрсатади. Агар мустақилликнинг замини бўш, заиф бўлса, бундай мустақиллик узоқ яшай олмайди.

2. Миллий мафкуранинг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда унинг ўзига хос ривожланиш хусусиятлари

Миллий истиқлол мафкураси республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистонни келажакда буюк давлатга айлантириш, инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолатни, демократияни тўла қарор топтириш, миллатимиз ва мамлакатимиз истиқлоли муаммоларини ҳал этишни биринчи ўринга қўйиш йўлида аниқ мақсадга қаратилган, илмий асосланган хилма-хил билимлар ва ҳулосаларнинг муайян тизимидир.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг бир неча минг йиллар давомида яратган, авайлаб-асраб келаётган илмий билим ҳазиналарига, бой қадимий меросимизга, илм-фан ва маданиятимиз ютуқларига асосланишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимиз. Халқимизнинг, авлодлару аجدодларимизнинг бизга қолдирган тарихий, маданий-маънавий меросларининг ўзи биз учун катта бир ҳазина. Бу ҳазинадан оқилона фойдаланишимиз лозим.

Мустақиллик мафкураси заминидан авлод-аждодларимизнинг босиб ўтган узок тарихий тараққиёт йўлининг ажойиб тажрибалари, сабоқлари, уларнинг илмий яқунлари, халқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, расм-русумлари, миллий қадриятларининг ўз аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган жиҳатлари ва энг муҳим ғоялари ҳам мавжудлигини эсимизда тутмоғимиз лозим.

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Навоий, Бобур сингари жаҳонга таниқли бошқа буюк ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотларига асосланмасдан ва суянмасдан туриб миллий истиқлол мафкурасини яратиш бўлмайди. Бу ҳақда Президентимизнинг барча асарларида, маърузаларида, нутқларида бир неча бор таъкидланмоқда.

Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг миллий қадриятларига ҳамда умуминсоний қадриятларга асосланади. Улар мафкурамизнинг тамал тошини ташкил этади. Миллий, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий, бадиий, фалсафий, диний, ҳуқуқий қарашлар ва ғоялар мафкурамизнинг инсонпарварлик моҳиятини янада тўлдиради ва бойитади, заминини мустаҳкамлайди, таъсирчанлигини оширади, амалий аҳамиятини кучайтиради.

Янги мафкурада инсонни ҳалол ва покиза бўлишга, илм-фан асосларини эгаллашга, бева-бечораларни қўллаб-қувватлашга, табиатни эъозлашга даъват этадиган диний, ахлоқий қадриятларга алоҳида эътибор берилади. Унда, шунингдек, буюк бобокалонларимиз имом Исмоил Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, имом ат-Термизийнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи буюк ҳикматлари ҳам катта ўрин тутади.

Мафкурамизни ишлаб чиқиш ва ҳаётга жорий этишда фан қонунларига асосланиб иш тутиш, тўпланган ижобий тажрибалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш зарур.

Миллий истиқлол мафкураси заминидан жаҳондаги барча илғор давлатларнинг, Марказий Осиёдаги, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги мамлакатларнинг ижобий сабоқларини ўрганиш, ана шу сабоқлардан жумҳуриятимизнинг шароитлари ва имкониятлари, ўзига хос

хусусиятларини назарда тутган ҳолда фойдаланиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилиб турибди.

Миллий истиқлол мафкураси бир миллат — ўзбекларнинг манфаати билангина боғланган эмас. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, руслар, украинлар, яҳудийлар, хуллас, республикаimizни ўзининг жонажон Ватани деб билган, у билан фахрланадиган барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилигини, кадр-қимматини, ор-номуси ва миллий ғурурини, манфаатларини ҳимоя қилиш мафкурамиз моҳиятида катта ўрин тутади.

Мустақил Ўзбекистоннинг янги, ўзига хос ва мос бўлган мафкурасини яратишда халқимизнинг ҳозирги ва келажакдаги туб манфаатларини, истиқлолимизнинг ривожланиш қонунларини назарда тутиш фан қонунларига, илмий назарияга тубдан зид бўлган субъективизм ва волюнтаризмга қарама-қарши иш тутиш демакдир.

Айтилганлардан кўриниб турганидек, жумҳуриятимизнинг миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш шунчаки оддий, жўн бир нарсаси эмас. Уни ишлаб чиқишда истиқболни ҳозирданок аниқ белгилаб олиш, кун тартибида турган энг янги вазифаларни тўла ҳисобга олган ҳолда иш кўриш зарурий равишда талаб этилади.

Миллий истиқлол мафкурасини яратишга бўлган заруриятнинг негизида халқимизнинг узок йиллар давомида олиб борган курашлари туфайли қўлга киритилган энг буюк тарихий воқеа — мустақиллик ётганлигини сира эсдан чиқармаслигимиз керак.

Маълумки, 1991 йил 31 август куни Республикамиз Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистоннинг Давлат мустақиллиги ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикасини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга асосланиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов шу куни «Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги Асослари тўғрисида»ги Қонунни имзолади.

Мустақиллик жаҳон тараққиётига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқи ҳаётида, жумҳуриятимизда яшайдиган барча халқлар тарихида рўй берган буюк воқеадир. Мустақиллик жамиятимиз тарихида, халқимизнинг турмуши, маданияти, маънавияти, дунёқараши ва мафкурасида туб бурилишдир. Мустақиллик янги даврни — мустамлакачиликдан абадий қутулиб, озодликка чиқиш даврини бошлаб берди.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, ўз худудидаги барча табиий, иқтисодий, маданий бойликлардан аҳолининг бахт-саодати йўлида фойдаланадиган бўлди. Ўзбекистон эндиликда ички ва ташқи сиёсатни мустақил равишда белгилаб амалга оширяпти, халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли давлат сифатида иштирок этмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги Асослари тўғрисида»ги Қонунда ва Олий Кенгаш Баёнотида белгилаб берилганидек, Ўзбекистон Республикасининг халқи энди суверендир, у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир. Ўзбекистон халқлари эндиликда ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга

оширадиган бўлди. Ўзбекистон Республикасининг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмас бўлиб, уни халқимиз хоҳиш иродасисиз ўзгартириш асло мумкин эмас.

Республикамиз ҳозир чет давлатлар билан дипломатик, консуллик, савдо ва бошқа алоқалар ўрнатиб, улар билан мухтор вакиллар айирбошляпти, халқаро шартномалар тузаяпти.

Ўзбекистонда яшовчи барча кишилар миллатидан, элатидан, ижтимоий келиб чиқишидан, қайси динга мансублигидан, тили ва урф-одатларидан, эътиқодидан қатъи назар бир хил фуқаролик ҳуқуқларига ва имкониятларга эгадирлар. Жумҳурият Конституциясида белгилаб берилган Қонун олдида ҳамма бир хилда тенг.

Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини мустақил равишда белгилаш имкониятига эга бўлди, Конституциясини қабул қилди, давлат гербини, байроғини, мадҳиясини таъсис этди, ўзининг давлат тилини белгилаб олди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги — бу халқимиз тарихидаги энг катта бурилиш, буюк ғалабадир. «Бу — халқимизнинг кўп асрлик тарихида буюк воқеадир... Бу тарихий воқеа давлатимиз йилномасига зарҳал ҳарфлар билан ёзиб қўйилади»¹.

Мустақилликка биз тасодифий равишда ёки бўлмаса оппа-осонгина эришганимиз йўқ. Уни ҳеч ким бизга ҳадя этган ҳам эмас. Мустақилликка халқимиз кўп йиллар давом этган жиддий ва машаққатли курашлар эвазига эришди. Биз бу масалага фалсафий нуқтаи назардан ёндошадиган бўлсак, шуни очиқ-ойдин эътироф этишимиз керакки, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги — бу жамиятимизнинг олдинги тараққиёти томонидан тайёрланган объектив ва қонуний жараёндир.

Маълумки, Туркистон халқлари тарихи Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида босқинчиликка, босқинчиларга қарши олиб борилган мурасиз курашлар билан тўлиб-тошгандир. Кўҳна Туронзамин тупроғи марду майдонлар юртидир. Бу ўлка бир неча бор чет эл босқинчиларининг узоқ муддатли тажовузларига дучор бўлди. Туркистон халқлари эрк, озодлик учун жон фидо қилдилар. Халқимизнинг асл фарзандлари гоҳ Тўмарис, гоҳ Широқ, гоҳ Зарина ва Странгио, гоҳ Спитамен ёки Муқанна, гоҳида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур ва бошқалар сиймосида Ватан, юрт озодлиги учун жон олиб-жон бердилар. Буларнинг ҳаммасига кўҳна тарихимиз гувоҳдир.

Истиқлол учун курашда Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат, Усмон Носир, Абдулла Қодирий каби мўътабар зотларнинг миллатимиз озодлиги ва мустақиллиги йўлида шаҳид кетганликларини, Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов сингари атоқли давлат арбобларимизнинг юртим ва миллатим, деб ҳаётдан бевақт кўз юмганликларини айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Авлод-аждодларимиз томонидан олиб борилган курашлар бўлмаганда биз ҳеч қачон мустақилликка эришмасдик. Халқимизнинг энг асл фарзандлари

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 4-бет.

яратиб кетган тағзамин бўлмаса, мустақиллик қасрининг тамал тоши қўйилмаганда, орзуларимиз рўёбга чиқмасди.

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақилликни таъминлашда, ўзбек халқининг кадр-қимматини ҳимоя қилишда, ўлкамиз бойликлари талон-торож қилинишига йўл қўймасликда Президентимиз Ислом Каримовнинг хизматлари буюк. Юртбошимизнинг кейинги бир юз ўттиз йил давомида қарам ва муте бўлиб келган ўзбек халқини озодликка чиқариб, бошини қовуштириб, сиёсий ва иқтисодий инқироз ботқоғидан олиб чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бутун дунё эътироф этди.

Ўзбекистон давлат мустақиллиги хорижий мамлакатлар томонидан тан олинмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ дунёдаги 150 га яқин мамлакат Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида таниди. Кўплаб хорижий мамлакатлар билан дипломатик алоқалар ўрнатилди. Тошкентда Туркия Жумҳуриясининг, Ҳиндистон, Франция, АҚШ, Олмония ва бошқа давлатларнинг элчихоналари очилди. Тарихда илк бор Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинди.

Республика Оврупода хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг яқунловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилди. Мана шуларнинг ҳаммаси республика тараққиётида мазмунан янги босқич бошланганидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси учун тенг ҳуқуқли асосларда халқаро иқтисодий, илмий ва маданий соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиш имкониятлари очилди.

Президент И. Каримов айтганидек, «биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз. Шундай жамиятгина Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, унинг ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатлаши, миллий анъаналар ва маданият қайта тикланишини, шахс сифатида инсоннинг маънавий-ахлоқий камол топишини таъминлаши мумкин»¹.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси халқининг олий мақсадлари ва истиқболини унинг миллий истиқлол мафқурасидан яққол кўришимиз мумкин. Хўш, мафкура дегани нима? Энг аввало шуни айтиш керакки, мафкура жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар, миллатлар ва элатлар, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, эстетик, фалсафий қарашларининг тизимлаштирилган билимлар йиғиндисидан ташкил топади.

Мафкура ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисмидир. Ижтимоий муносабатлар моддий ва мафкуравий муносабатлардан ташкил топади. Моддий-ижтимоий муносабатлар инсон онгига боглиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлса, мафкуравий муносабатлар инсон онгида шаклланади.

Мафкуравий муносабатлар ижтимоий муносабатларнинг таркибий қисми сифатида ибтидоий жамоада кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш асосида вужудга келган амалий билимлардан ташкил топса, қулдорлик ва

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 8-9-бетлар.

ундан кейинги жамиятларда системалаштирилган билимлар йиғиндиси сифатида шаклланади ва ривожланади.

Маълумки, ўтмишда жамиятимизда тоталитар тузум манфаатини ҳимоя қиладиган яккаю ягона коммунистик мафкура ҳукмронлик қилди. У қўпол равишда иқтисодиёт, сиёсат ва бошқа соҳаларга ўз таъсирини ўтказиб келди. Натижада жумҳуриятимиз иқтисодиёти бир ёқлама ривожланиб, хом ашё етказиб берувчи ўлкага айланиб қолди. Шунингдек, коммунистик мафкуранинг салбий таъсири остида халқимизнинг бой тарихи, маданияти, урф-одати, анъаналари оёқости қилинди, ижтимоий адолат бузилди. Жумҳуриятимиз марказнинг мустамлакасига айланиб, халқимиз ўзини-ўзи бошқариш ҳуқуқидан, виждон ва фикр эркинликларидан маҳрум бўлди. Шунинг учун кишиларда эски мафкурага нисбатан салбий муносабат ҳосил бўлиб, жамиятни ҳар қандай мафкурадан холи қилиб бошқариш мумкин эмасмикан, деган фикрлар бора-бора жамоатчилик ўртасида кенг тарқалди.

Биз жамиятимиз ҳаёти барча соҳаларига ўзининг салбий таъсирини ўтказиб келган эски мафкурадан воз кечдик. Лекин бундан, жамиятимизни мафкурадан умуман холи этиш керак, деган хулоса чиқариш ярамайди. Ҳар қандай жамиятни бошқариб келаётган ҳокимиятнинг ички ва ташқи сиёсати мавжуд экан, демак, унинг ўзига хос мафкураси ҳам бор ва бўлади.

Мафкура тўғрисида сўз юритганимизда яна бир масалага эътибор беришимиз лозим. Мафкура сермазмун ва кўп қиррали тушунча бўлиб, у кенг ва тор маъноларда ишлатилади. Кенг маънода мафкура муайян бир жамиятдаги мавжуд бўлган ҳар бир социал гуруҳ, миллат ва элат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари манфаатини ифодаловчи ва уларга хос бўлган ғоялар тизимини ташкил этади ва ўзининг ранг-баранглиги билан ифодаланади. Конституциямизнинг 12-моддасида ёзилишича, «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас»¹.

Тор маънода мафкура жумҳуриятимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг умумий муддаоларини ифодаловчи ва уларнинг бошини бириктириб, жипслаштириб битта асосий мақсадга, яъни республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ундайдиган миллий истиқлол ҳақидаги ғоялар, билимлар йиғиндисини ташкил этади. Шундай қилиб, жамият мафкураси билан миллий истиқлол мафкураси тушунчаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлса-да, ўз мазмунига, моҳиятига кўра бир-биридан фарқ қилади. Маълумки, ҳар бир мафкуранинг мазмуни у ёки бу жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар ва мақсадлари билан белгиланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон", 1992, 11-бет.

Шундай экан, биз Ўзбекистонда қандай жамият барпо этаямиз, унинг моҳияти, асосий мақсадлари, ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат, деган савол ўз-ўзидан туғилади, албатта.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳозирги мустақил Ўзбекистон — ўз тақдирини ўзи белгилайдиган, умумбашарий қадриятлар устуворлигига асосланадиган, инсонпарварлик қоидаларини тан олган, кучли демократик, адолатли жамиятни барпо этишга қаратилган давлат. У инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлаб берадиган, ҳалқимизнинг бой тарихи, урф-одат, анъаналарини қадрлайдиган ва тиклайдиган, барқарор бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга ҳаракат қилаётган, ҳар томонлама фаол ички ва ташқи сиёсатни амалга оширадиган, аҳоли турмушини яхшилашни олий мақсад қилиб қўйган, келажаги буюк ҳуқуқий давлатдир.

Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси:

- биринчидан, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган мустақил давлатдир;
- иккинчидан, жаҳон миқёсида тан олинган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар томонлама таъминлайдиган адолатли демократик давлатдир;
- учинчидан, халқаро ҳуқуқларнинг умум эътироф этилган қоидалари устуворлигини тан олган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлатдир;
- тўртинчидан, фуқаролар осойишталигини ва миллий тотувликни таъминлашни ўзи учун мақсад қилиб қўйган тинчликсевар давлатдир;
- бешинчидан, ўзбек халқининг бой ижтимоий-маънавий меросини, миллий урф-одат, удум ва анъаналарини, шунингдек, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб иш тутадиган инсонпарвар давлатдир;
- олтинчидан, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб, ер ости ва ер усти бойликларимиздан оқилона фойдаланиб, барқарор бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга интилаётган замонавий давлатдир;
- еттинчидан, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаб, фаол ички ва ташқи сиёсатни олиб бораётган келажаги буюк давлатдир.

Миллий истиқлол мафкурасининг мазмуни ҳам юқорида кўрсатилган хусусиятлардан келиб чиқади ва шуларни акс эттиради.

Мустақил Республикаимизнинг миллий истиқлол мафкураси жумҳуриятимиз ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий-маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган жараёнларни ифодалайди.

Миллий истиқлол мафкураси иқтисодий соҳада жумҳуриятимизда мустақилликни мустаҳкамлаш учун қилинаётган ишларни яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Маълумки, кўп йиллар мобайнида ноёб бойликларга ва имкониятларга, истеъдодли ва меҳнатсевар халққа, ажойиб анъаналарга ва маданиятга эга

бўлган, буюк мутафаккирлар ва улуғ зотларни вояга етказган диёримиз хом ашё базасига айлантириб қўйилган эди.

Юртимизнинг узок йиллар давомида зўравонлик йўли билан марказга нуқул хом ашё чиқарадиган ҳудудга айлантириб қўйилганлиги ҳозир халқимиз бошдан кечираётган барча иқтисодий қийинчиликлар, қимматчилик, етишмовчиликлар, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларга сабаб бўлди.

Ҳозирги пайтда Олий Кенгашда қабул қилинган қарорларга, Президентимиз Фармонлари ва фармойишларига биноан иқтисодий соҳада жуда кўп ишлар амалга оширилмоқда. Жумҳуриятимизда мулкчиликнинг давлат мулки, ширкат мулки, хусусий мулк ва бошқа шаклларига ҳуқуқий тенглик берилди. Тижорат ривожлана бошлади. Ишбилармонлик, тадбиркорлик, ташаббускорликка кенг йўл очилди. Хорижий мамлакатлар, дунё ишбилармонлари учун Ўзбекистонда шароит яратилди. Иқтисодиётимиз кўп йиллар давомида ҳукмронлик қилган коммунистик ғоялар ва мафкура тазйиқидан халос бўлди.

Ўзбекистон раҳбарияти ўтмишда юзага келган оғир аҳволдан чиқиш, кўп йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш учун муҳим тадбирларни амалга оширмоқда. Аҳолига ер ажратиб берилганлиги, нафақачилар, меҳнат фахрийлари, ногиронлар, кўп болали оналар, ҳомиладор аёллар, болалар, олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим юртлари талабалари ва муаллимларига, ўқитувчиларига кўрсатилаётган ёрдам шулар жумласидандир.

Иқтисодиётни хўжалик юритишнинг бозор шароитларига ўтказиш юзасидан дастлабки қадамлар қўйилди. Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ҳамда кишиларнинг амалий ташаббускорлигини авж олдиришга, уларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилувчи бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг ишончли йўллари — нафақа таъминоти, солиқлар ҳақидаги, аҳолининг муайян тоифаларига имтиёзлар бериш тўғрисидаги ғамхўрликлар жумҳурият қонунларида ва Президент фармонларида ўз аксини топди.

Республикаимиз раҳбари Марказий Осиё жумҳуриятлари раҳбарлари билан учрашиб, ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни имзолади. Тенглик ва манфаатдорлик асосида Россия, Украина, Беларусь каби давлатлар билан ҳам алоқаларимиз мустаҳкамланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқаро майдонда ҳам иқтисодий алоқаларни шакллантириш ва ривожлантириш имкониятига эга бўляпти. Бунга 50 дан ортиқ чет эл мамлакатлари вакиллари иштирокида Тошкентда ўтказилган амалий учрашувлар, Президентимизнинг Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Финляндия, Австрия, Эрон, Индонезия, Малайзия, Жанубий Корея, Олмония, Голландия ва бошқа хорижий мамлакатларга қилган сафарлари мисол бўла олади.

Лекин шуни очиқ эътироф этиш керакки, Республикаимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун ҳали кўп жиддий ишларни амалга ошириш зарур. Энг аввало, тараққиётнинг энг керакли манбаи бўлмиш мўл-қўл хом ашёмизни ва минтақамизда мавжуд ишчи кучларни ўз тупроғимизда, ўз эл-

юртимизда тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиб, халқимизнинг ҳаётини яхшилашга ишлатиш даркор. Бу борада, биринчи навбатда, ер, ер ости бойликларидан аҳолининг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида фойдаланишни таъминлаш керак.

Миллий истиклол мафкурасининг иқтисодий соҳасидаги мақсадлари: ҳар бир мафкуранинг мазмуни у ёки бу жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган ўзгаришлар ва мақсадлари билан белгиланади.

Шундай экан, биз Ўзбекистонда қандай жамият барпо этаямиз, унинг моҳияти, асосий мақсадлари, ўзига хос хусусиятлари нимадан иборат, деган савол ўз-ўзидан туғилади, албатта.

Лекин шуни очик эътироф этиш керакки, Республикаимизнинг мустақиллигини мустақкамлаш учун ҳали кўп жиддий ишларни амалга ошириш зарур. Энг аввало, тараққиётнинг энг керакли манбаи бўлмиш мўл-кўл хом ашёмизни ва минтақамизда мавжуд ишчи кучларни ўз тупроғимизда, ўз эл-юртимизда тайёр маҳсулот чиқаришга жалб этиб, халқимизнинг ҳаётини яхшилашга ишлатиш даркор. Бу борада, биринчи навбатда, ер, ер ости бойликларидан аҳолининг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида фойдаланишни таъминлаш керак.

Ҳозир республикаимизда мингдан зиёд турли кооперативлар фаолият кўрсатмоқда. Улар орасида ишлаб чиқариш кооперативлари салмоқли ўрин эгаллайди. Уларни доимо қўллаб-қувватлаб туриш керак. Ишлаб чиқариш кооперативлари ҳозирги пайтда меҳнат аҳлини саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда хайрли иш олиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ соҳаларнинг ривожини, халқимиз ризқ-насибасини энг катта моддий бойлик яратувчи куч бўлган деҳқонларнинг қадокли қўллари, ақл-заковати билан қилинадиган меҳнатга боғлиқ. Нега деганда, юртни боқадиган ҳам, халқ хўжалигини барча тармоқларини хом ашё билан таъминлайдиган ҳам деҳқонлардир. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган, меҳнат қилаётган кишиларга кўпроқ эркинлик ва имтиёзлар берилиши керак. Ҳозирги пайтда қишлоқ жойларда яшайдиган кишиларга ер участкалари бериш, ёрдамчи хўжаликларни уруғлик ва ниҳоллар, яқка тартибда уй-жой қурувчиларни эса қурилиш материаллари билан таъминлаш, қишлоқлардаги ёш оилаларга уй жиҳозлари, қорамол, қўй-эчки, парранда, ем-хашак бериш каби ишлар изчил йўлга қўйилмоқда.

Иқтисодий шакллантириш, кишиларнинг амалий ташаббускорлигини авж олдиришга, уларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик фаолиятини рағбатлантиришга хизмат қилувчи яна бир қанча муҳим қонун ва фармонлар қабул қилинди.

Республикаимиз мустақиллигини таъминлашда бошқа республикалар билан иқтисодий алоқалар, давлатлараро муносабатларни тенг ҳамкорликка асосланиб тиклаш ва уни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда бошқа республикалар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовордир.

Мустақилликка эришган барча республикалар бир-бири билан иқтисодий жиҳатдан ўзаро чамбарчас боғланиб кетганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ўрта ҳисобда Ўзбекистон халқ хўжалигининг 70 фоизи бошқа жумҳуриятларда тайёрланадиган ишлаб чиқариш воситалари асосида ишлайди. Агар бирор республика ўз зиммасига олган мақсулотни бошқа республикага вақтида етказиб бермаса, бошқа жумҳуриятлар иқтисодий ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам республикалараро муносабатларни сақлаб қолиш ва унга амал қилиш Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини шакллантириш ва уни янада ривожлантиришда катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда мавжуд саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий техник-ускуналар билан жиҳозлаб, уларга янги технологияни татбиқ қилиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини оширишда фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Давримизнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, фан-техника инқилоби ҳозирги ишлаб чиқаришнинг ҳамма томонларига, ижтимоий муносабатларнинг бутун тизимига, инсоннинг ўзига ва унинг яшаш муҳитига жуда кучли таъсир ўтказмоқда, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бутун жамиятни тараққий эттиришнинг янги-янги истиқболларини очиб бермоқда. Бу ўз навбатида, халқ хўжалигини техникавий жиҳатдан янгидан реконструкция қилишни амалга ошириш ҳамда ана шу негизда жамиятнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартиришни талаб этади. Қайта қуриш бошланган йиллари давлатимиз томонидан фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш жамиятимиз иқтисодий стратегиясининг асосий масаласи, деб эълон қилинган бўлса-да, кейинги вақтда бунга эътибор пасайиб кетди. Натижада, биз хорижий мамлакатларга нисбатан бу соҳада ҳам анча орқада қолиб кетдик. Республикамиз катта илмий потенциалга эга. Ундан тўғри, ўз вақтида самарали фойдаланишга эътиборни кучайтириш керак. Техника ва технологияда туб ўзгаришлар ясаб, меҳнат унумдорлигини ошириб, саноатлашган тизим барпо этишни давр тақозо этмоқда.

Таянч сўз ва иборалар: мафкура, мафкуранинг асослари, қарашлар, Марказий осиёлик алломалар, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, илмий потенциал, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва бошқа соҳалар.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

4-мавзу	“Мафкура ва цивилизация (тамаддун), улар ўртасидаги тарихий алоқадорлик” мавзусида маъруза машғулотида ўқитиш технологияси
---------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача	
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза	
Маъруза режаси	1. Тамаддун тушунчасининг моҳияти. Цивилизация ҳақидаги қарашлар. 2. Тамаддун ва мафкура. 3. Ҳозирги замон тамаддуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.	
Ўқув машғулотининг мақсади: Мафкура ва цивилизация (тамаддун), улар ўртасидаги тарихий алоқадорликни талабаларга тушунтириш.		
Педагогик вазифалар: • Тамаддун тушунчасининг моҳиятини ёритиб бериш; • Цивилизациялар ҳақидаги қарашларни таҳлил қилиш; • Тамаддун ва мафкуранинг ўзаро боғлиқ жиҳатларини ёритиш; • Ҳозирги замон тамаддуни ва унинг ўзига хос хусусиятларини талабаларга тушунтириш.	Ўқув фаолияти натижалари: • Тамаддун тушунчасининг моҳиятини тушуниб етадилар; • Цивилизациялар ҳақидаги Президентимиз ва хорижий олимлар томонидан берилган таърифлар билан танишадилар; • Тамаддуннинг мафкура билан алоқадорлигини ҳамда жамият тараққиётида тутган ўрнини тушуниб етадилар; • Ҳозирги замон тамаддуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари. ҳақида билимга эга бўладилар.	
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, суҳбат	
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий	
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор	
Таълим бериш шароити	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

1.2. “Мафкура ва цивилизация (тамаддун), улар ўртасидаги тарихий алоқадорлик” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичл ари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар

Тайёргарлик босқичи.	1. Янги курсни ўқишга тайёргарлик кўради. Курснинг мақсад ва вазифаларини тушунтиради. 2. Курснинг алоҳида соҳаларининг предмети ва вазифаларига таъриф беради. 3. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 4. Талабаларни ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради. (1-илова).	Машғулотнинг мақсад ва вазифаларини тушуниб оладилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экранга курснинг тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради мавзулар рўйхатини беради ва уларга қисқача таъриф беради (2-илова). 1.2. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради.	Тинглайдилар Тинглайдилар Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2. Мафкура ва цивилизация (тамаддун), улар ўртасидаги тарихий алоқадорлик тушунчалари бир-бири билан узвий боғланган. (3-илова). 2.3. Тамаддун ва мафкуранинг ўзаро алоқадорлиги тўғрисидаги билимларни эгаллайдилар (3-илова). 2.3. Ҳозирги замон тамаддуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари тушунчаларининг мазмуни мураккаблигига боғлиқлигини асослаб бериш (5-илова).	Тинглайдилар, ёзадилар. Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.
3.Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Инсерт техникаси асосида мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Ҳар бир маъруза ва амалий машғулоти учун 0,5 дан 2 баллгача қўйилади.

Рейтинг бўйича натижалар баҳоси:

2,0 балл - «аъло». 1,5 балл - «яхши». 1,0 балл - «кониқарли». 0,5 балл - «кониқарсиз».

2-илова

9-МАРҲУЗА. ИЛМИЙ-ФАЛСАФИЙ ҲОЯЛАР ТУШУНЧАСИ

“Мафкура ва цивилизация (тамаддун), улар ўртасидаги тарихий алоқадорлик”

1. Дунёвий, илмий-фалсафий ҳоялар тушунчаси.

2. Марказий Осиёлик ақломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашлари.

Режа:

1. Тамаддун тушунчасининг моҳияти. Цивилизация ҳақидаги қарашлар.

2. Тамаддун ва мафкура.

3. Ҳозирги замон тамаддуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари.

ҲОЯЛАР ТУШУНЧАСИНИНГ МАЪЛУМ БИР БОСҚИЧНИ ИФОДАЛАШ УЧУН, ФРАНЦУЗ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИ АҚЛ - ИДРОК ВА АДОЛАТГА АСОСЛАНГАН ЖАМИЯТ, ДЕГАН МАЪНОДА ИШЛАТГАН ЭДИЛАР. УНДАН КЕЙИН ҲАМ ТАМАДДУН ТУШУНЧАСИГА ТУРЛИЧА МАЪМУН БЕРИШ ДАВОМ ЭТДИ. АЙРИМ ҲОЛДА УНИ МАДАНИЯТНИНГ СИНОНИМИ СИФАТИДА ИШЛАТГАН БЎЛСАЛАР, НЕМИС ФАЙЛАСУФИ О.ШПЕНГЛЕР ЭСА АКСИНЧА УНИ МАДАНИЯТНИНГ ҲАЛОҚ БЎЛИШ ЖАРАЁНИ БОСҚИЧНИ ХАРАКТЕРЛАШ УЧУН, ИНГЛИЗ СОЦИОЛОГИ ВА ТАРИХЧИСИ А.ТОЙНБИ ЭСА ЎЗИГА ХОС ВА НИСБАТАН ЁПИҚ БЎЛГАН ЖАМИЯТЛАРНИ ИФОДАЛАШ УЧУН ИШЛАТГАН.

3-Илова

Цивилизация - (лот.civilis-фуқоровий, ижтимоий) - серқирра ва мураккаб мазмунга эга бўлган ижтимоий-фалсафий тушунча. Цивилизация тушунчаси шотланд тарихчиси ва файласуфи А.Фергюссон (1723-1816) жаҳон тарихий жараёнининг маълум бир босқичини ифодалаш учун, француз маърифатпарварлари ақл - идрок ва адолатга асосланган жамият, деган маънода ишлатган эдилар. Ундан кейин ҳам тамаддун тушунчасига турлича мазмун бериш давом этди. Айрим ҳолда уни маданиятнинг синонимии сифатида ишлатган бўлсалар, немис файласуфи О.Шпенглер эса аксинча уни маданиятнинг ҳалок бўлиш жараёни босқичини характерлаш учун, инглиз социологи ва тарихчиси А.Тойнби эса ўзига хос ва нисбатан ёпиқ бўлган жамиятларни ифодалаш учун ишлатган.

Тамаддун тушунчасининг моҳияти

Тамаддун тушунчасининг ҳажми ва мазмунини белгилашда турфахиллик ҳозирги вақтда ҳам сақланиб қолмоқда. Бу тушунча: 1) ижтимоий ривожланишнинг ёввойилик ва варварликдан кейин келадиган босқичини; 2) умуман кишилиқ жамияти ривожланишининг маълум бир босқичини (мас., неолит, нокапиталистик ёки ҳозирги замон Ц.си); 3) маълум бир ижтимоий-иқтисодий формацияни; 4) географик жиҳатдан фарқланувчи бирликларни (мас., Европа ёки Осиё Ц.си); 5) диний мансублигига кўра, фарқланувчи маданий бирликларни (масс., христиан ёки ислом Ц.си); 6) келиб чиқиши ва планетар мансублигига кўра фарқланувчи бирликларни (мас., Ер Ц.си, Ердан ташқаридаги Ц.лар); 7) этник асосга кўра фарқланувчи ижтимоий-маданий бирликларни (мас., қад.Миср ёки Бобил Ц.си) ва шу каби маъноларни ифодалаш учун қўлланиб келмоқда. Ҳар қандай илмий тушунча маълум мазмунни ифодалаб, муайян ижтимоий ҳодиса, жараёнини тушунтиришга хизмат қилмоғи, демакки, методологик аҳамиятга эга бўлмоғи лозим.

Тамаддун ва мафкуранинг ўзаро алоқадорлиги

Цивилизация маданий ва манавий ривожланишнинг маҳсули сифатида вужудга келган. Цивилизациялашган тараққиётгина миллий маданий раванқ учун кенг имконият яратади. Миллий маданият цивилизациянинг асосий таркибий қисмлардан биридир. Миллий маданиятдан узилиб қолган цивилизация охир оқибатда инқирозга маҳкум бўлган. Масалан, ҳозир йўқолиб кетган америкадаги мая цивилизацияси бунга мисол бўлади. Улардан бугун юздан ортиқ шаҳар вайроналари қолган. Бунга тарихдан янада кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Цивилизациянинг тарихий шакллари. Цивилизациялар ўз шаклига кўра: Шарқ ва Ғарб, христиан ва мусулмон, ҳудудий ва жаҳон цивилизацияси қабилардан иборат..

Ҳозирги замон тамаддуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги пайтда жаҳонда шундай бир вазият вужудга келдики, дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ва халқлар ўзларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий тараққиёт даражаларининг хар-хиллиги, ривожланишнинг турлича босқичларида эканликлари, ҳатто мафкуравий қарашлардаги фарқларга қарамасдан ўзаро яқинлашмоқдалар. Ҳозирги пайтда ўтмишдаги ўзаро душманлик ва ихтилофлар сиёсатидан ҳамкорликка ўтиш амалга оширилмоқда.

7-илова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлайди;
- ўқув маълумотини мустақил ўргангандан сўнг қўлланилади.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;
Матнда қўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:
V - ҳақидаги билимларимга жавоб беради;
«-» - ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;
+ - янги маълумотлар
? – тушунарсиз (аниқлаштириш, тўлдиришни талаб қилади) маълумот.

Инсерт жадвали

V	+	-	?

Мавзуни мустаҳкамлашга оид саволлар:

1. Тамаддун қандай маънони англатади?
2. Тамаддунга Ислом Каримов қандай таъриф берганлар?
3. Тамаддун ҳақида Тоинбининг қарашлари нималардан иборат?
4. Тамаддуннинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. Тамаддун ҳақида қандай қарашларни биласиз?
6. Тамаддун қачон ва қандай юзага келади?

4-мавзу. Мафкура ва цивилизация (тамаддун), улар ўртасидаги тарихий алоқадорлик

1.Тамаддун тушунчасининг моҳияти. Цивилизация ҳақидаги қарашлар.

Тамаддун ҳақида олимларнинг турли-туман қарашлари мавжуд:

а) кўпчилик олимлар умумжаҳон миқёсидаги жамият тараққиётини цивилизация деб атаб, унинг асосий белгиси сифатида маданият тараққиётининг эришган маданий даражаси деб биладилар.

б) айрим олимлар цивилизация ҳақида фикр юритиб, маданиятнинг цивилизацияга қарама-қарши эканлигини, маданият қанчалик тараққий этса инсоният жамиятининг тараққиёти шунчалик катта хавф остида қолишини, яъни цивилизациянинг таназзулини назарда тутган немис олими Шпенглер ўзининг «Европанинг таназзули; номли асарида цивилизация-маданиятнинг ҳалок бўлиши деган ғояни илгари сурган.

в) инглиз тарихчиси Арнолд Тоинби ўзининг «Тарихни таъқиқ қилиш» номли асарида жаҳон миқёсида кўпдан-кўп цивилизациялар мавжудлигини кузатиш мумкинлиги ҳамда уларнинг алоҳида-алоҳида турлари ҳақида фикр юритиб, алоҳида мавжуд бўлган цивилизациялар кейинчалик умумжаҳон миқёсидаги цивилизацияга ўсиб ўтиши мумкин деган ғояни илгари сурган). г). XIX асрнинг 40- йилларидан бошлаб шаклланган марксизм нуқтаи назарига кўра жамиятлар тараққиётини асосида маданий неъматларни ишлаб чиқариш усули ётади деган хулосага келиб, қадимий даврдан бошлаб то ҳозиргача қадар бўлган жамиятларин беш асосий ижтимоий-иқтисодий формацияга бўладилар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда цивилизация нима деган саволга шундай жавоб бериш мумкин

Цивилизация – инсоният маданий тараққиётининг муайян даражасидир. Бу тараққиёт даражаси кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти билан бошланган. Ишлаб чиқариш фаолиятнинг мураккаблашуви оқибатида йирик ижтимоий меҳнат тақсимотларининг юз бериши орқали маданий ҳаётнинг бошланиши, деҳқончиликнинг кўчманчи ҳаётдан ажралиб чиқиши, хунармандчилик соҳаларининг пайдо бўлиши, маданий чорвачилик ва деҳқончилик ривожланиши асосида аста-секин амалий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажралиб чиқиши шаҳар билан қишлоқ орасидаги тафовутнинг кучайиши, ақлий меҳнат билан шуғулланадиган кишиларнинг пайдо бўлиши

оқибатида инсоннинг янги маданий тараққий даражаси бошланади яъни цивилизациянинг илк бошланиш даври .

Кишилар орасида ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви натижасида кишиларнинг янги тарихий этник ҳамда синфий бирликлари келиб чиқади. Бунинг маъноси шуки, уруғ қабиладан ўрнига элат (халқ) шаклланади. Жамиятлар мураккаб таркибий ўзгаришлар янгича илгарида бўлмаган ижтимоий, сиёсий ташкилотлардан келиб чиққан. Энг қадимий даврлардан бошлаб Ғарб ва Шарқ мамлакатлари давлатчилиги пайдо бўлди.

Цивилизация аجدодлар билан авлодлар орасидаги алоқадорликларни назарда тутди. Бу алоқадорликларни таъминланишида ёзувнинг кашф қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди.

2. Тамаддун ва мафкура

Цивилизация инсоният жамият тараққиётининг жаҳон миқёсидаги давлатлар шаклланиши билан бошланган ривожланишининг янги босқичи эди. Унинг юқорида кўрсатиб олинган белгилар ҳамма даврларда ҳам ғоя ва мафкура билан боғлиқ равишда мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ҳозирга қадар мавжуд бўлган тамаддуннинг тарихий шакллари деганда қуйидагилар назарда тутилади:

а) Антик давр цивилизацияси. Бу давр давлатларнинг шаклланиши ва тараққиёти билан бевосита боғлиқ.

б) Ўрта асрлар даври цивилизацияси. Бунда айниқса, ғарбий Европа мамлакатларида диний ғоялар давлат мафкураси даражасига кўтарилганлиги ҳамда Европа дунёсига хос бўлган мамлакатлар христианлик динининг бошқа давлатлар бошқаруви асосий омилига айланганлиги билан характерланади.

в) XVIII асрдан бошланган XX асргача давом этган капитализм жамиятининг тараққиётидан иборат бўлган цивилизация. Бунда ҳунармандчилик ва манфактура саноатининг ўрнига Янги техникага асосланган йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари вужудга кела бошлади. Пул-товар муносабатлари беқиёс ривожланди. Қудратли мамлакатлар кўз имкониятларини янада кенгайтириш учун заиф мамлакатларни тобе қила бошладилар ва шу орқали мустамлакачилик тузуми пайдо бўлди. (Мас: Англия Ҳиндистон устидан, Франция Африка мамлакатлари устидан ҳукмронлиги)

д) XX аср охири XXI бошларида инсоният тараққиёти янги бир босқичга кўтарилган цивилизация даври. Бу даврда мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши миқёсида мавжуд бўлган икки тизим орасидаги қарама – қаршилиқни емирилиши жаҳон жўғрофий ҳаритасида демократия йўлини танлаб олган мустақил давлатларнинг пайдо бўлгани билан характерланади.

Юқорида кўрилган янги давр цивилизациясини жаҳон миқёсида илгари сурилаётган фикрлар ғоялар ва мафкуралар ижтимоий тараққиётга таъсири бениҳоя ошганлигидадир. Бугунги фан тамаддун жараёнларига цивилизациянинг ўзига, турлича ёндашади ва улрни ҳар хил талқин этади.

Улардан айримлари ҳақида фикр юритайлик. Улар бизнинг назаримизда алоҳида эътиборга сазовор. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, тарихда ўтган ёки ҳозирги кундаги бирталай олимлар бизнинг тасаввуримиздан кўра бошқача тамаддунларни ёки ўзга омилларни ажратиб кўрсатишади. Мас., рус тарихчиси Владимир Ламанский бундан юз йилдан олдинги даврдаги ҳамжамиятни «ҳозирги олам», «келажак олам» ва «ўтмиш дунё» деб учга бўлган. В.Ламанский Осиёдаги кўплаб тамаддунларни, улар XVII асрдан бошлаб Ғарб ва Россия босқини натижасида аста-секин заволга юз тута бошлаганлигини назарда тутиб, «ўтмиш дунё»сига мансуб деб ҳисоблаган эди. «Ҳозирги олам» юксак тамаддунни бошдан кечираётган Европа жамиятидир. Унинг энг юксак чўққиси XX асрнинг дастлабки йилларида бошланган. Муаллифнинг фикрига кўра «келажак олам»ни Евроосиё мамлакатлар, хусусан, ўзагини рус жамияти ташкил этадиган юноний славений олам ва океан дунёси билан бирга Шимолий Америка штатлари ташкил этади. Чамаси футуралогия фаразлари қисман тасдиқларини топди. Хусусан, унинг АҚШ га доир фикралри тўғри бўлиб чиқди. Унинг бошқа фаразлари эса исботини топмади. Айниқса унинг «ўтмиш дунё» тўғрисидаги қарашларини дунёнинг манзараси бутунлай рад этмоқда. Ўзингиз ўйланг, Япония ва Хитой каби тараққий топган давлатлар мислолида бугунги Осиёни «ўтмиш дунё»га киёслаб бўладими?

Ҳозирги замон Россия таниқли тадқиқотчиларидан бири А. И. Неклессаннинг мулоҳазалари ҳам диққатга сазовордир. У ўзига геостратегик тизим яратиб, бугунги дунёни муайян ҳудуд оламларига бўлиб чиқади. Унинг фикрига кўра дунё Атлантик олам, асосан Осиё Тинч океани малакатларини бирлаштирувчи Тинч Океани, Ҳинд океан ва Евроосиёдан иборат. Ҳозирги замон Хитой файласуфи Чжан Шоохуя заминни вайрон бўлишидан сақлаб қоладиган келгуси юз йиллик тамаддунни яратишга ҳаракат қилмоқда. У асосламоқчи бўлаётган тамаддун уч асосий унсурдан ташкил топади: фалсафий ғоя, эълон қилинадиган кадрият-ғоялар ҳамда ушбу лойиҳада назарда тутиладиган баъзи маънавий соҳалар. Хитой файласуфи бундай ёндашувни ишлаб чиқар экан, келгуси аср тамаддунини «барча нарсаларнинг бирлиги» деган фалсафий ғоя «башариятнинг бирлиги» деган кадрият-ғоя ва «само ва инсон бирлиги» манавий соҳаси ташкил этади дея талқин этади.

Шарқ цивилизациясининг қуйидаги ўзига хос муҳим хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- Шарқдаги барча дунёвий, диний, фалсафий таълимотлар табиатга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни, сабр-тоқатлилиқни тарғиб этган.
- Одамлар орасида бағрикенглик, бирдамлик ва ҳамжихатлик руҳи кучли бўлган.
- Миллий кадриятлар ва анъаналар эъзозланган.

Маданият билан цивилизация узвий алоқада бўлади. Цивилизация инсон ва жамиятнинг маданий ўзгартирувчилик фаолиятини моддий ифодасига тегишли шакллар ва турларнинг мажмуи. Шунинг учун ҳам инсон ва жамиятнинг моддий, маънавий, бадий соҳаларида ўзгартирувчилик

фаолияти цивилизациянинг ҳал қилувчи белгисидир. «Цивилизация ижтимоий тараққиётнинг шундай бир босқичидирки - деб таъкидлаган эди Ф.Энгельс- бу босқичда меҳнат тақсимооти ундан келиб чиқадиган ва айрим шахслар ўртасида бўладиган айирбошлаш ҳамда бу икки жараёни бирлаштирадиган товар ишлаб чиқариш тўла ривожланиб илгариги бутун жамиятда ўзгариш ясайди».

Цивилизация тушунчаси катъий маънода инсон ўзгартирувчилик фаолиятининг натижаларини ифодалайди. Бу натижалар фақат оддий неъматлар инсоният жамиятининг яшаш асосларини барпо этишдан иборат эмас. Илмий билимлар, фалсафий таълимотлар, ғоялар ижтимоий ҳаракатлар орқали моддийлашиши реал кучга маданий омилга ўзгартириш воситасига айтилади. Цивилизациянинг хилма-хил турлари мавжуд буларга қадимги цивилизация, Ғарб ва Шарқ мамлакатлари цивилизациялари, ҳозирги жаҳон цивилизацияси ва бошқа шу кабилар мисол бўлади. Ҳозирги шароитда жаҳонда цивилизация ноз-неъматларни яратувчи, улардан фойдаланувчи сифатидаги роли ва аҳамияти ошиб бормоқда.

Кишилиқ жамиятида ривожланишнинг муайян босқичини ишлаб чиқариш усулини англатадиган жамиятни ўтмишдан келажак томон тўхтовсиз илгарилаб боришини билдирадиган ижтимоий-иқтисодий формацияни цивилизация билан ўзаро тенглаштириш ҳам қарама –қарши қўйиш ҳам материалистик фалсафий қарашга зиддир.

3. Ҳозирги замон тамаддуни ва унинг ўзига хос хусусиятлари

Ҳозирги пайтда жаҳон тараққиёти ўзига хос янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос, олдинги пайтлардан фарқ қиладиган аломатлари, характерли белгилари бор. Булар қуйидагилардан иборат:

Ер юзидаги давлатлар ва халқлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва ҳамкорликнинг юксалиб бориши жаҳон тараққиёти ҳозирги босқичининг ўзига хос хусусиятларидир. Бошқача айтганда, кенг қамровли интеграция- (лотинча сўз бўлиб, тўлдириш, яқинлашиш маъносида ишлатилади) бу ҳозирги оламшумул жараён бўлиб, ҳар бир халқ ва давлатнинг порлоқ истиқболи умуминсоний цивилизация йўлидаги барча, куч-ҳаракатларини бирлаштиришга қўмаклашади.

Маълумки, асримизнинг бир неча ўн йилликлари мобайнида Европа билан Осиё малакатлари, Ғарб билан Шарқ, капиталистик тузум билан жаҳон социализм тузumi бир-бирига душманлик нуқтаи назаридан қараб келди.

Давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида икки томонлама ва кўп томонлама ўзаро битимлар ва мажбуриятлар қабул қилиниб турибди. «Жаҳон миқёсидаги умумий тараққиёт, одамлар дунёқарашининг ўзгариши, коммуникация юксалиши, халқаро муносабатларнинг ривожланиши ва уларнинг одамзод ҳаётига таъсири давлатлар ва халқлар ўртасида ўзаро бирлашиш, интилишни кучайтирмоқда. Айни вақтда миллий хусусиятлар ва анъаналарни, сиёсий ва маънавий меросни сақлаб қолиш тамойиллари ҳам яққол сезилмоқда», -деб

ёзади И.А.Каримов «Ўзбекистонинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллири» асарида.

Ҳозирги замон тарихий жараёнларинг асосий белгиларидан яна бириндунёдаги аксарият мамлакатларнинг, хусусан, яқинда мустақилликка эришган давлатларнинг энг кучли, энг катта халқаро банклар, нуфузли халқаро ташкилотларга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кириб, куч-ғайратлари ва иқтисодий имкониятларини умумий мақсадлари йўлида бирлаштираётганликларидадир. Буни Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон Республикаси мисолида кўриш мумкин. Қисқа вақт ичида Республикамиз кўпгина нуфузли халқаро ташкилотларга, хусусан БМТга, Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Европа қайта тикланиш ва тараққиёт банки, Иқтисодий Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа шу каби машҳур халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотларга қабул қилинди.

Ҳозирги давр учун хос бўлган яна бир хусусият шундан иборатки, фан ва техниканинг энг янги ютуқларига асосланган технология – саноат ва қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларига жорий этилмоқда. Бу эса ўз навбатида жамиятнинг илдам одимлар билан олға тараққий этишига замин яратмоқда.

Таянч сўз ва иборалар: мафкура, тамаддун, ўлакса ҳид, Тоинби, иқтисодий ҳамкорлик, Фан ва техника ютуқлари, қишлоқ хўжалиги, илм Фан, жамият, давлат, Европа, Марказий Осиё, тамаддуннинг хусусиятлари.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

5-мавзу	“Зардуштийлик мафкураси ва уларнинг қадимий халқлар мафкураси ҳаётида тутган ўрни” мавзусида маъруза машғулотида ўқитиш технологияси
---------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача
Ўқув машғулотининг шакли	Информацион баҳс-мунозарали дарс
Маъруза режаси	1. «Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорлик. 2. «Авесто»да акс этган асосий ғоялар.
Ўқув машғулотининг мақсади: “Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорлик эканлигини тушунтириш. «Авесто»да акс этган асосий ғоялар билан таништириш.	
Педагогик вазифа:	Ўқув фаолиятининг натижаси:
1. «Авесто» - энг қадимий ғоялар акс	Талабаларга «Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорликнинг мазмун моҳиятини

этган ёзма ёдгорлик.	тушунтириш.
2. «Авесто»да акс этган асосий ғоялар.	Талабалар «Авесто»да акс этган асосий ғоялар билан танишадилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, “Қандай?”, “Арча” технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт, ФСМУ.
Ўқитиш воситалари	Компьютер технологияси (“Миллий мафкура”фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2. “Зардуштийлик мафкураси ва уларнинг қадимий халқлар мафкураси ҳаётида тутган ўрни” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини Ёзиб оладилар
	1.4. Машғулоти ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб оладилар
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Қандай?” технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: “Авесто” қандай асар?	Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Арча» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: “Авесто»да акс этган	Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар.

	ғоялар?	
	«Кичик гурухларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гурухларга топшириқлар беради (7-илова). Гурухларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гурух топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гурухларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб оладилар
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий ҳужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	”Инсерт” технологиясида жадвални тўлдирди.

1-илова

5- МАВЗУ: Зардуштийлик мафкураси ва уларнинг қадимий халқлар мафкураси ҳаётида тутган ўрни Режа: «Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорлик. «Авесто»да акс этган асосий ғоялар Ўқув машғулотининг мақсади: “Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорлик эканлигини тушунтириш. «Авесто»да акс этган асосий ғоялар билан таништириш. Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабаларга «Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорликнинг мазмун моҳиятини тушунтириш. Талабалар «Авесто»да акс этган асосий ғоялар билан танишадилар.
--

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло». 12 – 10 балл – «яхши». 9 – 6 балл – «қониқарли».

3-илова

“Авеста” матни тўлиқ сақланмаган. Бизгача, унинг жуда оз қисми етиб келган, халос. Маълумки “Авеста” Каёний ҳукмдорлардан Гиштосп – Виштосп замонида китоб ҳолига келтирилган. Ривоятларга қараганда, унинг гатлар деб аталувчи асосий қисми худо Заратуштра томонидан ёзилган ва Масъудий, Табарий ва Берунийларнинг сўзларига қараганда, 12 000 хўкиз терисидан тайёрланган махсус пергаментга олтин ҳарфлари билан ёзилган. Ўша вақтларда унинг уч нусхаси мавжуд бўлган, лекин бир нусхаси Искандар Зулқарнайннинг амр-фармони билан ёқиб юборилган. Иккинчи нусхасини Юнонистонга олиб кетилган, учинчи нусхаси эса оташпарастлар динига ўта эътиқодли бўлган кишилар қўлида сақланиб қолган. Лекин бу нусха тўла эмас.

4-Илова

Зороастризм – отишпарастлик, милоддин аввалги У1 – милоднинг У1 асри динининг муқаддас китоби бўлиб, милоддин аввалги У1- милоднинг У1 асрларида ёзилган, Эрон ҳамда Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти, эътиқоди, тили, адабиёти ва қисман тарихини ўрганишда асосий манба ҳисобланади.


«Авесто»да акс этган асосий ғоялар

«Авесто» таълимотига кўра олам қарама-қаршилиқлар кураши асосига курилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ёруғлик, эзгулик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилиб, эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Ахримон унга қарши курашиб, одамларни ёмон иш ва йўлларга бошлайверади. Имон-эътиқодли одам албатта, эзгулик тарафида туради. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Ахура Мазда одамларни бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун интилишга чақиради. Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикда шартномаларга амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш- имонлилик аломатлари эканлиги айтилади. Имонли одам ўғирлик ва талончиликдан, бегоналарнинг молу-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиш, яъни ўз имонига хилоф ишлардан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукаммал бўлиб бораверади, дейилади «Авесто»да.

“Авесто”даги асосий ғоялар ҳақида нималарни биласиз?

(Арча методи)



2-ўқув топшириқ ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Жадвални тўлдириг

1-гурух

Савол	“Авесто” асарининг 2700 йиллиги қачон нишонланди?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гурух

Савол	Зардуштийлик динининг асосий ғоялари нималардан иборат?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

АВЕСТОДАГИ НОМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ «ТУШУНЧАЛАР ТАҲЛИЛИ» ТЕХНОЛОГИЯСИ

ТУШУНЧАЛАР	МАЗМУНИ
Фраваши	?
Аши Вахишта	?
Харватот	?
Амеретот	?
Хшатра-варя	?
Митра	?
Апу	?
Одар	?
Воҳу Маноҳ	?
Спенти Омоти	?
ТУШУНЧАЛАР	МАЗМУНИ
Фраваши (Фарвардин)	бутун мавжудотнинг руҳи-худо Ахурамазданинг сифатларидан бири
Аши Вахишта	чинакам тақводорлик
Харватот	бутунлик ва саломатлик худоси
Тиштрия	Тир - (зардуштийлар Сириус юлдузига ҳам сиғинганлар)
Амеретот	абადийлик
Хшатра-варя	олий ҳокимият
Митра	ёруғлик, аҳд ва осмон худоси
Апу (Об)	сув худоси
Одар (Озар)	олов худоси
Дотуш	яратувчи
Воҳу Маноҳ	яхши фикр
Спенти Омоти	тақводорлик асосий ақидалардан бири

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Зардуштийлик дини нимадан иборат?
2. «Авесто» асари қачон яратилган?
3. «Авесто» асари нечта насхдан иборат?
4. «Авесто» асарининг қайси қисмлари бизгача етиб келган?
5. Эзгулик билан ёвузлик ўртасида қачон кураш пайдо бўлган?
6. Зардуштийлик динининг муқаддас ғоя ва мафкураси нимадан иборат?
7. «Авесто» асарининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда қачон нишонланган?
8. Давлатчилик тарихи неча йилликни ташкил этади ва нималарга асосланади?

Инсерт технологияси

Икки гуруҳ учта янги гуруҳга бўлинади. Ўқувчилар мавзунинг иккинчи саволига оид матнларни ўрганиб, “инсерт” жадвали билан ишлайдилар. Сўнгра ҳар бир гуруҳда “инсерт” жадвали бўйича савол-жавоб ўтказилади.

“Инсерт” бу белги қўйиб ўқишдир.

Биламан –(✓), Янгилик –(+), Қаршиман –(-), Тушунмадим –(?)

Ўқувчилар билимини синиш ва мустақил фикрлашини йўлга қўйиш учун қўлланилган «Инсерт» сўров технологияси.

«Инсерт» белги қўйиб ўқишдир. Бу стратегия тушунишни кузатиш воситасидир.

✓	+	-	?
Биламан	Янгилик	Қаршиман	Тушунмадим

«Инсерт» жадвалини тўлдириш учун 5 дақиқа вақт берилади. Ўқувчилар бу жадвални тўлдириш вақтида «Чаф»нинг «Англаш» босқичида бўладилар.

Ҳар бир ўқувчига матн тарқатилади. Матн ўқиш билан биргаликда ўқувчилар дафтарларидаги «Инсерт» жадвалини ҳам тўлдириб борадилар. Матнни ўқувчилар мустақил равишда ўқиб чиқишлари керак. Ўқитувчи матн юзасидан ўқувчиларнинг фикрини саволлар асосида суради. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бир гуруҳ томонидан айtilган фикр иккинчи гуруҳ томонидан такрорланмаслиги шарт. Ўқувчи саволларга нотўғри жавоб берган бўлса ҳам ҳеч қачон «нотўғри», «хато» деб айтилиши мумкин эмас, чунки бу ўқувчининг фаоллигини сусайтириши мумкин. Ўқитувчи ва ўқувчилар «бу фикрга шундай қўшимча қилсак» ёки «шундай ўзгартириш киритсак» мисолида иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Матн юзасидан савол жавоблар тугагач ўқитувчи мавзуга оид қўшимчалар киритади.

Инсерт жадвали билан 10 дақиқа давомида иш олиб борилади. «Тушунмадим» ва «қаршиман» бўлимларида кўпроқ тўхталиб ўтилади. Ўқувчилар мавзунинг қайси қисмларига тушунмаган бўлсалар ўқитувчи ёки ўқувчилар томонидан тушунтирилади. «Қаршиман» бўлимида эса нима учун қарши эканлиги таъкидланиши шарт.

Шу тариқа мавзунинг иккинчи саволи ечилади.

Учинчи саволни ўзлаштириш учун юқордаги гуруҳларга янги матнлар тарқатилади. Ўқувчилар қўлидаги гуруҳларга бўлинади, бунда улар белгиланган ҳарфлар асосида қайта гуруҳларга бўлинади, бунда улар ўзлаштирган матнларини бир-бирларига тушунтириб берадилар ва ўрганган материаллари асосида «ФСМУ» тузадилар. «ФСМУ» тузиш учун ҳар бир гуруҳга плакат ва турли рангдаги маркерлар тарқатилади.

Ўқувчиларни мавзуга оид назорат саволлари билан мурожаат қилинади. Назорат саволлари қуйидаги асосда тузилади: билим, тушунча, ташхис, синтез, қўллаш, баҳолаш.

Ўқувчиларнинг гуруҳлар бўйича тўрлаган баллари эълон қилиниб, ғолиб гуруҳ рағбатлантирилади. Уйга вазифа берилади. Ушбу тартибда ўтилган

дарслар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, мавзуни ўрганишда мавжуд манбалардан тўғри фойдланишни ва эркин мулоҳаза юритишига имконият беради. Ўзлаштириш жараёнида дарсдан чалғимаган ҳолда дам олиш шароитини яратади. Дарсга қизиқишини орттириб, фаоллигини оширади. Ўқитувчи дарсда кузатувчи, бошқарувчи бўлиб қолади. У дарсга тайёргарлик жараёнида изланиш, ўрганиш, яратиш орқали актив фаолиятини амалга оширади. Бундай дарслар вақтдан унумли фойдаланиш, мақсадга самарали эришиш имкониятини беради.

5-мавзу. Зардуштийлик мафкураси ва уларнинг қадимий халқлар мафкураси ҳаётида тутган ўрни

1. «Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорлик

Эрамиздан аввалги мингинчи йилларнинг ўрталарида энг қадимги аждодларимиз томонидан қаҳрамонлик мавзусида жуда кўп афсона ва ривоятлар айтилган бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтиб борган. Агар ушбу афсоналар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» асари мундарижасидан ўрин олмаганда эди, биз улар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлолмай қолаверардик.

«Авесто» асари ким томонидан яратилгани ҳақида турли хил маълумотлар мавжуд бўлиб, машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертелснинг фикрига кўра, 1278-йилда Райд Зардушт ибн Баҳром Пажди деган киши томонидан ёзилган «Зардуштнома» достонидан баъзи маълумотларни билсак бўлади: Достонда Авесто ва Зендни Зардушт дунёга келтирганини, унинг туғилгани ва кейинги ҳаёти ҳақида китоб эканлиги ҳақидаги фикрлар баён этилади. Мазкур достонни 1760-йили машҳур француз тадқиқотчиси Анкетил дю Перрон аввал лотин тилига, кейин эса француз тилига таржима қилган. Асарни инглиз тилига Иствих таржима қилган. Кейинчалик асарнинг Ф.А.Розенберг томонидан қилинган французча таржимаси ҳам эълон қилингандир.

Анъанавий ҳамда кейинги маълумотларга кўра зардуштийлик Шарқда қадимги динлардан саналади. Бунинг асосчиси Зардушт бўлиб, унинг номи билан шундай аталган.

Зардушт тахминан милоддан аввалги 570-йилда туғилган бўлиб, 77 ёшида, ибодат қилаётган пайтида душман қўҳинларидан бири томонидан ўлдирилган.

Зардушт ўша даврда якка худолик ғоясини кўтариб чиқади. Аста-секин у пайғамбар даражасига кўтарилади. У ўзини Ахура-мазда, яъни, Олий Тангри элчиси сифатида эълон қилади. Зардушт дунёни яхшилик ва ёмонлик дунёсига бўлади. Бу қарама-қарши курашдан иборат бўлиб, доимо улар ўртасида кураш кетади.

Зардушт дини унинг ҳаётидаёқ кўп ўлкаларга тарқалади. Аммо Зардушт вафот этганидан кейин зардуштийлик дини янада кенг ёйила бошлайди.

Маълумотларга кўра «Авесто» асари эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган бўлиб, у узоқ даврлар маҳсули саналади, даврлар ўтиши билан қайта-қайта ишланади. Асарнинг тўлиқ китоб ҳолида шаклланиш даврининг барча манбаларда эрамиздан аввалги биринчи асрга тўғри келиши алоҳида қайд этилади.

«Авесто» асари мазмунининг ўрганилиш тарихи муайян жараёни бошидан кечирган. Ғарб, рус ва ўзбек олимлари мазкур асар мазмунини ҳар томонлама таҳлил эишга ҳаракат қилишган. Биз кейинги манбаларга таянган ҳолда мазкур ўринда асарнинг таълимий ва тарбиявий жиҳатлари хусусида фикр юритамиз. Чунки «Авесто» асарида инсон шахсининг камолотига оид маърифий фикрлар маълум бир тизимда ифода этилгандир. Мазкур асар ғоялари орқали биз қадимги даврларда мамлакатимиз ҳудудида яшаган халқларнинг табиий, илмий, маърифий қарашлари борасидаги қизиқарли материалларга эга бўламиз.

«Авесто» нинг ватани Хоразм эканлигини В. Ғафуров, Ҳ.Ҳамидовлар янада аниқроқ ва ишонч билан таъкидлайдилар: Зардушт эрамиздан олдин VI асрда яшаган чорвадорлар оиласи Спитама уруғидан бўлган. Отаси Паурушаспа, онаси Дугдова от ва туя боқиш билан шуғулланганлар. Зардушт кўп худоликка сиғиниш, қурбонликлар натижасида моллар қирилиб кетаётганлигини ҳамда қабилалар ўртасида низоларни кўриб, унинг олдини олишни ўйлайди ва ўз таълимотини бошлайди Лекин қабила бошлиқларига унинг таълимоти ёқмайди. Зардушт худодан келган ваҳий орқали кўп худоликка қарши якка худоликни тарғиб қила бошлайди, кучли ҳокимият ўрнатиб, ер юзида тинчликни барқарор этиш учун курашади, яхшилик ва эзгулик худоси Ахура-Маздани ҳимоя қилади.

Зардуштнинг янги таълимотини истамаган қабила бошлиқлари уни таъқиб этадилар. У Райга(Эронга) қочади ва ўз динини ўша ерда таркиб топтиради. «Авесто»ни шоҳ Виштасп (Гуштасп) га тақдим этади. Шоҳ Виштасп унинг ҳимоясига айланади.

Адабиётшунос Ҳ.Ҳамидов Зардуштнинг шоҳ Гуштасп вазирининг қизи Ҳавовига уйлангани, уч ўғил-Иставатра, Урвататнара, Хварачитра ва уч қиз-Френи, Тритии, Поуричиста номли қизлари бўлганлигини келтиради¹.

Виштаспнинг фармонига кўра 1200 бобдан иборат «Авесто»ни олтин тахтга ёздирилиб, шоҳ оташкадасига топширилади.

Манбаларда «Авесто»нинг китоб ҳолидаги матни эрамиздан олдин ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган келтирилади. Бу нусха Искандар истилосигача Истахр шаҳрида сақланган. Искандар Истахрни босиб олгач, «Авесто»даги тиббиёт, нужум, илми ҳикмат соҳаларига оид матнларни юнон тилига таржима қилиб, бошқасини ёқиб юборишга буюрган.

¹ Ҳамидов Ҳ. «Шоҳнома»нинг шухрати.-Т.:Ўзбекистон, 1991, 87-88-бетлар.

Баъзи тадқиқотчилар энг қадимги нусхаси 1324-йилда кўчирилган бўлиб, Копенгаген кутубхонасида сақланишини айтишса (Н. Маллаев), бошқалари 1288-йилда энг қадимги қўлёзма нусхаси яратилганини айтадилар (В.А.Лившис)

Аввал таъкидлаганимиздек, зардуштийлик таълимоти жамғарилган китоби бизгача икки нусхада етиб келган. .

Биринчиси-дуолар тўпламидан иборат бўлиб, «Вендидат-седе», «Пок Вендидат» деб аталади (А.Ирисов). Бу китобга «Яшна»лар, «Виспарад» ҳам киритилиб, бир бутун тарзда шаклланган.

Иккинчисига ҳам биринчисидagi каби «Вендидат», «Яшна», «Висперед»лар киритилган бўлса ҳам, бу китоб таржима қилиниб, шарҳлар билан берилади изоҳли таржимаси «Занд» деб (шарҳ маъносида) аталади. Шунинг учун ҳам шарҳли нусхаси «Авесто ва Занд» ёки «Занд Авесто» деб аталади.

«Авесто»нинг сақланган қисми тўртта китобни ташкил этади Уларнинг биринчиси «Вадовдот» деб аталади. У 22 бобдан иборат бўлиб, худо Ахурамазда билан пайғамбар Зардуштнинг савол-жавоблари ва мулоқатларидан иборат.

Иккинчи китоб «Ясна» деб аталади. Унинг мазмунини асосан Зардуштнинг хатлари ташкил этади. Бундан ташқари, бу китоб 72 та «Ҳа» - башоратдан иборат. Биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир худо Ахурамазданинг ваҳийлари ҳақлигига иймон келтиришга доир дуолар мажмуидир.

Учинчи китоб «Виспарт» деб номланган бўлиб, 24 бобдан иборат. Унинг мазмунини оламни билишга доир панд-насихатлар ташкил этади. Айни пайтда, бу насихатлар ибодат намозлари йиғиндиси, деб ҳам аталади.

Тўртинчи китоб «Бундахаш» (Яшта) деб аталади. «Бундахаш» Ахурамаздани золим кучларга қарши курашда улуғловчи 22 та қўшиқдан иборат.

2. «Авесто»да акс этган асосий ғоялар

«Авесто» таълимотига кўра олам қарама-қаршилиқлар кураши асосига қурилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ёруғлик, эзгулик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилиб, эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Ахримон унга қарши курашиб, одамларни ёмон иш ва йўлларга бошлайверади. Имон-эътиқодли одам албатта, эзгулик тарафида туради. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Ахура Мазда одамларни бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразғўйлик, ҳасадғўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун интилишга чақиради. Берган

сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикда шартномаларга амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва ҳиёнатдан ҳоли бўлиш-имонлилик аломатлари эканлиги айтилади. Имонли одам ўғирлик ва талончиликдан, бегоналарнинг молу-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиш, яъни ўз имонига хилоф ишлардан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукаммал бўлиб бораверади, дейилади «Авесто»да.

«Авесто» да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий ноз-наъматлар манбаи деб билади. Инсон саховатли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади.

«Авесто»да : «Дон эккан киши такводорлик уруғини экади, у маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, имонни озиқлантириб туради...», дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш, меҳнат қилиш –ердаги ёвузликни йўқотишдир, деб қаралади. «Ғалла ердан униб чиққанда, -дейилади «Авесто»да, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар маҳв бўлади...» деб меҳнат улуғланади.

Зардуштийлик ахлоқининг асосини - эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишлар ташкил этади.

Эзгу фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳил ва тотув яшаш ва бошқалар тушунилади.

Яхши сўзлар деганда эса ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлишга, қарзини ўз вақтида тўлаш, ўғирлик ва талончилик қилмаслик, бузукликдан ўзини тийиш ва ҳоказолар тушунилган.

Яхши ишлар дейилганда инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиш назарда тутилади.

Зардуштийлик ахлоқ-одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам бешавқат бўлишни қатъиян ман этади. Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш-гуноҳ деб ҳисобланади. Кишиларни фойдали ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат бериб туришга, йиртқич ҳайвонлардан қўриқлашга даъват этади.

«Авесто»да тозалик, покликка алоҳида эътибор қаратилган. Ҳовуздан ювилмаган, ифлос кўзада сув олган киши беш дарра билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қатъиян қораланган. Наслнинг поклиги,

тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, каттиқ назорат қилинган, қариндош-уруғ, ака-уканинг куда-анда бўлиши қораланган.

Ҳозирги медицина фани ака-ука, яқин қариндошлар ўртасидаги кудачилик муносабатлари келажак авлоднинг соғлом, тўла-тўқис бўлиб туғилишига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ аниқлаган. Буни эса бизнинг аجدодларимиз аллақачон аниқлаганлари ҳозирги замон кишисини лол қолдиради. Қолаверса, яқин кишиларнинг никоҳ масалаларида маънавий жиҳатлар ҳам борки, бунга инсон қалби йўл бермаслиги керак.

3.«Авесто» Ўрта Осиё халқларининг тарихи, ҳаёти, маданияти, тили, қадриятлари, фалсафий-диний, ахлоқий қарашларини ўрганишда муҳим тарихий манбаъ эканлиги

Зардуштийлик таълимоти Ўрта Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди.

Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлар, олам тўғрисидаги тасвурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб 2 минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки равишда кўчиб борган.

Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқининг энг қадимий талабларидандир. Оила ва никоҳ яратувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш таъқиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик гуноҳи содир этса, ундай кишилар таёқ билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар.

Зардуштийлик таълимотидан кўриниб турибдики, Шарқда қадимдан оила муқаддас ҳисобланган. Уни мустаҳкамлаб, дарз кетишига йўл қўймаганлар. Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойидан четда, тепалик жойда бўлиши кераклиги, у ерга мевали дарахт ўтқозиш, ўстириш мумкин эмаслиги, арча, қайрағоч каби мевасиз дарахт ўстириш кераклиги таъкидланади.

«Авесто»да аҳолининг кўпайишига ҳам аҳамият берилган. Қасддан эрга чиқмайдиган қиз қопга солиниб, 50 дарра урилган. Қасддан уйланмаган йигитга ҳам 50 дарра урилган ва белига темир камар боғлаб юриш буюрилган.

Кўринадики, Ўрта Осиёда кенг тарқалган қадимий Зардуштийликда оила ва никоҳ масалалари, инсон муаммосига катта аҳамият берилган.

«Авесто»да қадимги табибларнинг қасамёди ва табобат рамзи Илон ва жом берилган. Демак, табиб қасамёди ва рамзи Гиппократдан эмас, балки

биздан бошланган. Бу ҳам бизнинг маънавиятимиз қадимийлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. «Авесто»да маърифатга, илм ва ҳунарни бошқаларга ўргатиш кераклиги ҳам уқтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Авесто» асарида инсоннинг баркамол бўлиб етишишида аждодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари ўз аксини топган. Унда жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон хислатлар қораланади. Соф кўнгилли бўлиш, хиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби маънавий хислатлар тарғиб этилади.

«Авесто» асарида инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри ҳамда иши бир бўлишига катта эътибор берилади. Ушбу ахлоқий учлик ғояси энг қадиги даврлардан бошлаб кишилик жамияти тараққиётининг кейинги босқичларида яратилган барча маърифий асарлар мазмунининг шаклланишига асос бўлган десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, унда инсоннинг инсон сифатида маънавий ва моддий камол топиши учун зарур бўлган муайян талаблар ўз ифодасини топиб, ҳаёт кодекси сифатида нафақат Шарқ, балки Ғарб халқларининг ҳам муқаддас маънавий мероси бўлиб қолди.

Таянч сўз ва иборалар: Авесто, Зардушт, сариқ туя етаклаган киши, Шарқ, Ғарб, эзгулик, ёвузлик, моддий ва маънавий мерос, баркамол авлод, урф-одатлар, қадрият, таълимот, барча соҳалардаги қарашлар.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

6-мавзу	Монийлик ва маздакийлик ғоялари
---------	---------------------------------

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Маишулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача
Маишулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза
<i>Маъруза режаси</i>	1. Монийлик ғоялари ва фалсафасининг моҳияти. 2. Маздакийлик ғоялари ва ҳаракатларининг тарқалиши
Ўқув маишулотининг мақсади: Монийлик ғоялари ва фалсафасининг моҳиятини тушунтириш, Маздакийлик ғоялари ва ҳаракатларининг тарқалиши билан таништириш.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>
1. Монийлик ғоялари ва фалсафасининг моҳияти.	Талабаларга монийлик ғоялари ва фалсафасининг моҳияти ҳақида маълумот оладилар.

2. Маздакийлик ғоялари ва ҳаракатларининг тарқалиши.	Талабалар Маздакийлик ғоялари ва ҳаракатларининг тарқалиши билан танишадилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, “Тармоқлаш” технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт, ФСМУ.
Ўқитиш воситалари	Компьютер технологияси (“Миллий мафкура” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавоб сўров, ўқув топширик.

1.2. “Монийлик ва маздакийлик ғоялари” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини Ёзиб оладилар
	1.4. Машғулоти ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб оладилар
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Балиқ скелети” технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Моний қачон ва қаерда пайдо бўлган?	Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Қандай?» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Маздакийлик ҳақида нималарни биласиз?	Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар.
	«Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали	Саволларга

	амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб оладилар
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий ҳужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	”Инсерт” технологиясида жадвални тўлдирди.

1-илова

5- МАВЗУ: Монийлик ва маздакийлик ғоялари

Режа:

1. Монийлик ғоялари ва фалсафасининг моҳияти.
2. Маздакийлик ғоялари ва ҳаракатларининг тарқалиши

Ўқув фаолиятининг натижаси: Ўқувчилар ўқувдан сўраган саволларга жавоб беради, ўқувчилар ўқувдан сўраган саволларга жавоб беради, ўқувчилар ўқувдан сўраган саволларга жавоб беради.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Ўқувчилар ўқувдан сўраган саволларга жавоб беради, ўқувчилар ўқувдан сўраган саволларга жавоб беради, ўқувчилар ўқувдан сўраган саволларга жавоб беради.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло». 12 – 10 балл – «яхши». 9 – 6 балл – «қониқарли».

3-илова

“Авеста” матни тўлиқ сақланмаган. Бизгача, унинг жуда оз қисми етиб келган, халос. Маълумки “Авеста” Каёний ҳукмдорлардан Гиштосп – Виштосп замонида китоб ҳолига келтирилган. Ривоятларга қараганда, унинг гатлар деб аталувчи асосий қисми худо Заратуштра томонидан ёзилган ва Масъудий, Табарий ва Берунийларнинг сўзларига қараганда, 12 000 ҳўкиз терисидан тайёрланган махсус пергаментга олтин ҳарфлари билан ёзилган. Ўша вақтларда унинг уч нусхаси мавжуд бўлган, лекин бир нксхаси Искандар Зулқарнайннинг амр-фармони билан ёқиб юборилган. Иккинчи нусхасини Юнонистонга олиб кетилган, учинчи нусхаси эса оташпарастлар динига ўта эътиқодли бўлган кишилар қўлида сақланиб қолган. Лекин бу нусха тўла эмас.

4-Илова

Зороастризм – отишпарастлик, милоддин аввалги У1 – милоднинг У1 асри динининг муқаддас китоби бўлиб, милоддин аввалги У1- милоднинг У1 асрларида ёзилган, Эрон ҳамда Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти, эътиқоди, тили, адабиёти ва қисман тарихини ўрганишда асосий манба ҳисобланади.

5-илова

«Авесто»да акс этган асосий ғоялар


«Авесто» таълимотига кўра олам қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ёруғлик, эзгулик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилиб, эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Ахримон унга қарши курашиб, одамларни ёмон иш ва йўлларга бошлайверади. Имон-эътиқодли одам албатта, эзгулик тарафида туради. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Ахура Мазда одамларни бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун интилишга чақиради. Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикда шартномаларга амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи бўлиш-имонлилик аломатлари эканлиги айтилади. Имонли одам ўғирлик ва талончиликдан, бегоналарнинг молу-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиш, яъни ўз имонига хилоф ишлардан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейилади «Авесто»да.

6-илова

“Авесто”даги асосий ғоялар ҳақида нималарни биласиз?

(Арча методи)



7-Илова

2-ўқув топширик

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯх

Савол	“Авесто” асарининг 2700 йиллиги қачон нишонланди?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гурӯх

Савол	Зардуштийлик динининг асосий ғоялари нималардан иборат?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Зардуштийлик дини нимадан иборат?
2. «Авесто» асари қачон яратилган?
3. «Авесто» асари нечта насхдан иборат?
4. «Авесто» асарининг қайси қисмлари бизгача етиб келган?
5. Эзгулик билан ёвузлик ўртасида қачон кураш пайдо бўлган?
6. Зардуштийлик динининг муқаддас ғоя ва мафкураси нимадан иборат?
7. «Авесто» асарининг 2700 йиллиги халқаро миқёсда қачон нишонланган?
8. Давлатчилик тарихи неча йилликни ташкил этади ва нималарга асосланади?

9-илова

Инсерт технологияси

Икки гуруҳ учта янги гуруҳга бўлинади. Ўқувчилар мавзунинг иккинчи саволига оид матнларни ўрганиб, “инсерт” жадвали билан ишлайдилар. Сўнгра ҳар бир гуруҳда “инсерт” жадвали бўйича савол-жавоб ўтказилади.

“Инсерт” бу белги қўйиб ўқишдир.

Биламан –(√), Янгилик –(+), Қаршиман –(-), Тушунмадим –(?)

Ўқувчилар билимини синиш ва мустақил фикрлашини йўлга қўйиш учун қўлланилган «Инсерт» сўров технологияси.

«Инсерт» белги қўйиб ўқишдир. Бу стратегия тушунишни кузатиш воситасидир.

√	+	-	?
Биламан	Янгилик	Қаршиман	Тушунмадим

«Инсерт» жадвалини тўлдириш учун 5 дақиқа вақт берилади. Ўқувчилар бу жадвални тўлдириш вақтида «Чаф»нинг «Англаш» босқичида бўладилар.

Ҳар бир ўқувчига матн тарқатилади. Матн ўқиш билан биргаликда ўқувчилар дафтарларидаги «Инсерт» жадвалини ҳам тўлдириб борадилар. Матнни ўқувчилар мустақил равишда ўқиб чиқишлари керак. Ўқитувчи матн юзасидан ўқувчиларнинг фикрини саволлар асосида сурайди. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бир гуруҳ томонидан айtilган фикр иккинчи гуруҳ томонидан такрорланмаслиги шарт. Ўқувчи саволларга нотўғри жавоб берган бўлса ҳам ҳеч қачон «нотўғри», «хато» деб айтилиши мумкин эмас, чунки бу ўқувчининг фаоллигини сусайтириши мумкин. Ўқитувчи ва ўқувчилар «бу фикрга шундай қўшимча қилсак» ёки «шундай ўзгартириш киритсак» мисолида иш олиб борилса мақсадга мувофиқ бўлади. Матн юзасидан савол жавоблар тугагач ўқитувчи мавзуга оид қўшимчалар киритади.

Инсерт жадвали билан 10 дақиқа давомида иш олиб борилади. «Тушунмадим» ва «қаршиман» бўлимларида кўпроқ тўхталиб ўтилади. Ўқувчилар мавзунинг қайси қисмларига тушунмаган бўлсалар ўқитувчи ёки ўқувчилар томонидан тушунтирилади. «Қаршиман» бўлимида эса нима учун қарши эканлиги таъкидланиши шарт.

Шу тариқа мавзунинг иккинчи саволи ечилади.

Учинчи саволни ўзлаштириш учун юқордиаги гуруҳларга янги матнлар тарқатилади. Ўқувчилар кўлидаги гуруҳларга бўлинади, бунда улар белгиланган харфлар асосида қайта гуруҳларга бўлинади, бунда улар ўзлаштирган матнларини бир-бирларига тушунтириб берадилар ва ўрганган материаллари асосида «ФСМУ» тузадилар. «ФСМУ тузиш учун ҳар бир гуруҳга плакат ва турли рангдаги маркерлар тарқатилади.

Ўқувчиларни мавзуга оид назорат саволлари билан мурожаат қилинади. Назорат саволлари қуйидаги асосда тузилади: билим, тушунча, ташхис, синтез, қўллаш, баҳолаш.

Ўқувчиларнинг гуруҳлар бўйича тўрлаган баллари эълон қилиниб, ғолиб гуруҳ рағбатлантирилади. Уйга вазифа берилади. Ушбу тартибда ўтилган дарслар ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши, мавзунини ўрганишда мавжуд манбалардан тўғри фойдланишни ва эркин мулоҳаза юритишига имконият беради. Ўзлаштириш жараёнида дарсдан чалғимаган ҳолда дам олиш шароитини яратади. Дарсга қизиқишини орттириб, фаоллигини оширади. Ўқитувчи дарсда кузатувчи, бошқарувчи бўлиб қолади. У дарсга тайёргарлик жараёнида изланиш, ўрганиш, яратиш орқали актив фаолиятини амалга оширади. Бундай дарслар вақтдан унумли фойдаланиш, мақсадга самарали эришиш имкониятини беради.

5-мавзу. Зардуштийлик мафкураси ва уларнинг қадимий халқлар мафкураси ҳаётида тутган ўрни

1. «Авесто» - энг қадимий ғоялар акс этган ёзма ёдгорлик

Эрамиздан аввалги мингинчи йилларнинг ўрталарида энг қадимги аждодларимиз томонидан қахрамонлик мавзусида жуда кўп афсона ва ривоятлар айтилган бўлиб, улар авлоддан-авлодга ўтиб борган. Агар ушбу афсоналар зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» асари мундарижасидан ўрин олмаганда эди, биз улар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлолмай қолаверардик.

«Авесто» асари ким томонидан яратилгани ҳақида турли хил маълумотлар мавжуд бўлиб, машҳур шарқшунос олим Е.Э.Бертелснинг фикрига кўра, 1278-йилда Райд Зардушт ибн Баҳром Пажди деган киши томонидан ёзилган «Зардуштнома» достонидан баъзи маълумотларни билсак бўлади: Достонда Авесто ва Зендни Зардушт дунёга келтирганини, унинг туғилгани ва кейинги ҳаёти ҳақида китоб эканлиги ҳақидаги фикрлар баён этилади. Мазкур достонни 1760-йили машҳур француз тадқиқотчиси Анкетил дю Перрон аввал лотин тилига, кейин эса француз тилига таржима қилган. Асарни инглиз тилига Иствих таржима қилган. Кейинчалик асарнинг Ф.А.Розенберг томонидан қилинган французча таржимаси ҳам эълон қилингандир.

Анъанавий ҳамда кейинги маълумотларга кўра зардуштийлик Шарқда қадимги динлардан саналади. Бунинг асосчиси Зардушт бўлиб, унинг номи билан шундай аталган.

Зардушт тахминан милоддан аввалги 570- йилда туғилган бўлиб, 77 ёшида, ибодат қилаётган пайтида душман қўшинларидан бири томонидан ўлдирилган.

Зардушт ўша даврда якка худолик ғоясини кўтариб чиқади. Аста-секин у пайғамбар даражасига кўтарилади. У ўзини Ахура-мазда, яъни, Олий Тангри элчиси сифатида эълон қилади. Зардушт дунёни яхшилик ва ёмонлик дунёсига бўлади. Бу қарама-қарши курашдан иборат бўлиб, доимо улар ўртасида кураш кетади.

Зардушт дини унинг ҳаётидаёқ кўп ўлкаларга тарқалади. Аммо Зардушт вафот этганидан кейин зардуштийлик дини янада кенг ёйила бошлайди.

Маълумотларга кўра «Авесто» асари эрамиздан аввалги VII асрнинг охири ва VI асрнинг бошларида яратилган бўлиб, у узоқ даврлар маҳсули саналади, даврлар ўтиши билан қайта-қайта ишланади. Асарнинг тўлиқ китоб ҳолида шаклланиш даврининг барча манбаларда эрамиздан аввалги биринчи асрга тўғри келиши алоҳида қайд этилади.

«Авесто» асари мазмунининг ўрганилиш тарихи муайян жараёни бошидан кечирган. Ғарб, рус ва ўзбек олимлари мазкур асар мазмунини ҳар томонлама таҳлил эишга ҳаракат қилишган. Биз кейинги манбаларга таянган ҳолда мазкур ўринда асарнинг таълимий ва тарбиявий жиҳатлари хусусида фикр юритамиз. Чунки «Авесто» асарида инсон шахсининг камолотига оид маърифий фикрлар маълум бир тизимда ифода этилгандир. Мазкур асар ғоялари орқали биз қадимги даврларда мамлакатимиз ҳудудида яшаган халқларнинг табиий, илмий, маърифий қарашлари борасидаги қизиқарли материалларга эга бўламиз.

«Авесто» нинг ватани Хоразм эканлигини В. Ғафуров, Ҳ.Ҳамидовлар янада аниқроқ ва ишонч билан таъкидлайдилар: Зардушт эрамиздан олдин VI асрда яшаган чорвадорлар оиласи Спитама уруғидан бўлган. Отаси Паурушаспа, онаси Дугдова от ва туя боқиш билан шуғулланганлар. Зардушт кўп худоликка сиғиниш, қурбонликлар натижасида моллар қирилиб кетаётганлигини ҳамда қабилалар ўртасида низоларни кўриб, унинг олдини олишни ўйлайди ва ўз таълимотини бошлайди Лекин қабила бошлиқларига унинг таълимоти ёқмайди. Зардушт худодан келган ваҳий орқали кўп худоликка қарши якка худоликни тарғиб қила бошлайди, кучли ҳокимият ўрнатиб, ер юзида тинчликни барқарор этиш учун курашади, яхшилик ва эзгулик худоси Ахура-Маздани ҳимоя қилади.

Зардуштининг янги таълимотини истамаган қабила бошлиқлари уни таъқиб этадилар. У Райга(Эронга) қочади ва ўз динини ўша ерда таркиб топтиради. «Авесто»ни шох Виштасп (Гуштасп) га тақдим этади. Шох Виштасп унинг ҳимоясига айланади.

Адабиётшунос Ҳ.Ҳамидов Зардуштнинг шоҳ Гуштасп вазирининг қизи Ҳавовига уйлангани, уч ўғил-Иставатра, Урвататнара, Хварачитра ва уч қиз-Френи, Тритии, Поуричиста номли қизлари бўлганлигини келтиради¹.

Виштаспнинг фармонига кўра 1200 бобдан иборат «Авесто»ни олтин тахтга ёздирилиб, шоҳ оташкадасига топширилади.

Манбаларда «Авесто»нинг китоб ҳолидаги матни эрамиздан олдин ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган келтирилади. Бу нусха Искандар истилосигача Истаҳр шаҳрида сақланган. Искандар Истаҳрни босиб олгач, «Авесто»даги тиббиёт, нужум, илми ҳикмат соҳаларига оид матнларни юнон тилига таржима қилиб, бошқасини ёкиб юборишга буюрган.

Баъзи тадқиқотчилар энг қадимги нусхаси 1324-йилда кўчирилган бўлиб, Копенгаген кутубхонасида сақланишини айтишса (Н. Маллаев), бошқалари 1288-йилда энг қадимги кўлёзма нусхаси яратилганини айтадилар (В.А.Лившис)

Аввал таъкидлаганимиздек, зардуштийлик таълимоти жамғарилган китоби бизгача икки нусхада етиб келган. .

Биринчиси-дуолар тўпламидан иборат бўлиб, «Вендидат-седе», «Пок Вендидат» деб аталади (А.Ирисов). Бу китобга «Яшна»лар, «Виспарад» ҳам киритилиб, бир бутун тарзда шаклланган.

Иккинчисига ҳам биринчисидаги каби «Вендидат», «Яшна», «Висперед» лар киритилган бўлса ҳам, бу китоб таржима қилиниб, шарҳлар билан берилади изохли таржимаси «Занд» деб (шарҳ маъносида) аталади. Шунинг учун ҳам шарҳли нусхаси «Авесто ва Занд» ёки «Занд Авесто» деб аталади.

«Авесто»нинг сақланган қисми тўртта китобни ташкил этади Уларнинг биринчиси «Вадовдот» деб аталади. У 22 бобдан иборат бўлиб, худо Ахурамазда билан пайғамбар Зардуштнинг савол-жавоблари ва мулоқатларидан иборат.

Иккинчи китоб «Ясна» деб аталади. Унинг мазмунини асосан Зардуштнинг хатлари ташкил этади. Бундан ташқари, бу китоб 72 та «Ҳа» - башоратдан иборат. Биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир худо Ахурамазданинг ваҳийлари ҳақлигига иймон келтиришга доир дуолар мажмуидир.

Учинчи китоб «Виспарт» деб номланган бўлиб, 24 бобдан иборат. Унинг мазмунини оламини билишга доир панд-насихатлар ташкил этади. Айни пайтда, бу насихатлар ибодат намозлари йиғиндиси, деб ҳам аталади.

Тўртинчи китоб «Бундахаш» (Яшта) деб аталади. «Бундахаш» Ахурамаздани золим кучларга қарши курашда улуғловчи 22 та қўшиқдан иборат.

¹ Ҳамидов Ҳ. «Шоҳнома»нинг шухрати.-Т.:Ўзбекистон, 1991, 87-88-бетлар.

2. «Авесто»да акс этган асосий ғоялар

«Авесто» таълимотига кўра олам қарама-қаршиликлар кураши асосига курилган: жисмоний нарсаларда ёруғлик ва зулмат, тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда ўз ифодасини топади. Ёруғлик, эзгулик кучларига Ахура Мазда бошчилик қилиб, эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Ахримон унга қарши курашиб, одамларни ёмон иш ва йўлларга бошлайверади. Имон-эътиқодли одам албатта, эзгулик тарафида туради. Бу курашда ёруғликнинг зулмат, эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалабасига ишонч билдирилади.

Ахура Мазда одамларни бир-бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, ҳасадгўйлик, калондимоғлик, шуҳратпарастлик, қонунсиз ишлардан ўзларини тийиб юриш учун интилишга чақиради. Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикда шартномаларга амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш-имонлилик аломатлари эканлиги айтилади. Имонли одам ўғирлик ва талончиликдан, бегоналарнинг молу-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилиш, яъни ўз имонига хилоф ишлардан ўзини сақлай биладиган комил инсондир. Таналарингизга нисбатан қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг, яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади, дейилади «Авесто»да.

«Авесто» да меҳнат ниҳоятда улуғланади. Меҳнатни яхшилик, моддий ноз-наъматлар манбаи деб билади. Инсон саховатли бўлиши учун аввало меҳнат қилиши, ўз қўли билан ноз-неъматлар яратиши зарурлиги уқтирилади.

«Авесто»да : «Дон эккан киши тақводорлик уруғини экади, у маздага ихлосмандлик эътиқодини олға суради, имонни озиқлантириб туради...», дейилади. Бунга амал қилиш ўн минг марта ибодат қилиш билан баробар, юзлаб қурбонлик қилишга тенг. Экин экиш, меҳнат қилиш –ердаги ёвузликни йўқотишдир, деб қаралади. «Ғалла ердан униб чиққанда, -дейилади «Авесто»да, девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола-фарёд чекади, ғалла янчиб ун қилинаётганда улар маҳв бўлади...» деб меҳнат улуғланади.

Зардуштийлик ахлоқининг асосини - эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу ишлар ташкил этади.

Эзгу фикр деганда яқин кишиларга меҳрибонлик, муҳтожлик ва хавф-хатар остида қолганда ёрдам беришга шайлик, кишилар бахт ва саодати учун фаол курашишга доим тайёр туриш, ҳамма билан аҳил ва тотув яшаш ва бошқалар тушунилади.

Яхши сўзлар деганда эса ваъдасига риоя қилиш, сўзининг устидан чиқиш, савдо-сотик ишларида ҳалол бўлишга, қарзини ўз вақтида тўлаш,

ўғирлик ва талончилик қилмаслик, бузукликдан ўзини тийиш ва ҳоказолар тушунилган.

Яхши ишлар дейилганда инсоннинг ўз ҳатти-ҳаракатида яхши фикр ва яхши сўзларда илгари сурилган барча ижобий йўл- йўриқларга оғишмай амал қилиш назарда тутилади.

Зардуштийлик ахлоқ-одоби ҳайвонларга нисбатан ҳам бешавқат бўлишни қатъиян ман этади. Ҳайвонларни калтаклаш ва қийнаш- гуноҳ деб ҳисобланади. Кишиларни фойдали ҳайвонлар ҳақида ғамхўрлик қилишга, уларга ўз вақтида овқат бериб туришга, йиртқич ҳайвонлардан қўриқлашга даъват этади.

«Авесто»да тозалик, покликка алоҳида эътибор қаратилган. Ҳовуздан ювилмаган, ифлос кўзада сув олган киши беш дарра билан жазоланган. Инсон яшайдиган хонада ювиниш, покланиш қатъиян қораланган. Наслнинг поклиги, тозалигига ҳам алоҳида эътибор берилган, қаттиқ назорат қилинган, қариндош-уруғ, ака-уканинг куда-анда бўлиши қораланган.

Ҳозирги медицина фани ака-ука, яқин қариндошлар ўртасидаги қудачилик муносабатлари келажак авлоднинг соғлом, тўла-тўқис бўлиб туғилишига салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ аниқлаган. Буни эса бизнинг аجدодларимиз аллақачон аниқлаганлари ҳозирги замон кишисини лол қолдиради. Қолаверса, яқин кишиларнинг никоҳ масалаларида маънавий жиҳатлар ҳам борки, бунга инсон қалби йўл бермаслиги керак.

3.«Авесто» Ўрта Осиё халқларининг тарихи, ҳаёти, маданияти, тили, қадриятлари, фалсафий-диний, ахлоқий қарашларини ўрганишда муҳим тарихий манбаъ эканлиги

Зардуштийлик таълимоти Ўрта Осиёда ибтидоий даврда мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳққончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблайди.

Авесто зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. Авесто Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий- иқтисодий ҳаёти, диний қарашлар, олам тўғрисидаги тасвурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар қарийб 2 минг йил давомида вужудга келиб, авлоддан-авлодга оғзаки равишда кўчиб борган.

Инсоннинг жисмоний ва маънавий поклиги зардуштийлик ахлоқининг энг қадимий талабларидандир. Оила ва никоҳ яратувчининг талабига мос келганлиги боис уни бузиш таъқиқланган. Агарда оилада эр ёки хотин

ахлоқсизлик, яъни бузуқчилик гуноҳи содир этса, ундай кишилар таёқ билан жазоланган. Шу орқали оила мустаҳкамлиги учун курашганлар.

Зардуштийлик таълимотидан кўриниб турибдики, Шарқда қадимдан оила муқаддас ҳисобланган. Уни мустаҳкамлаб, дарз кетишига йўл қўймаганлар. Зардуштийликда қабристонлар аҳоли турар жойидан четда, тепалик жойда бўлиши кераклиги, у ерга мевали дарахт ўтқозиш, ўстириш мумкин эмаслиги, арча, қайрағоч каби мевасиз дарахт ўстириш кераклиги таъкидланади.

«Авесто»да аҳолининг кўпайишига ҳам аҳамият берилган. Қасддан эрга чиқмайдиган қиз қопга солиниб, 50 дарра урилган. Қасддан уйланмаган йигитга ҳам 50 дарра урилган ва белига темир камар боғлаб юриш буюрилган.

Кўринадики, Ўрта Осиёда кенг тарқалган қадимий Зардуштийликда оила ва никоҳ масалалари, инсон муаммосига катта аҳамият берилган.

«Авесто»да қадимги табибларнинг қасамёди ва табобат рамзи Илон ва жом берилган. Демак, табиб қасамёди ва рамзи Гиппократдан эмас, балки биздан бошланган. Бу ҳам бизнинг маънавиятимиз қадимийлигини кўрсатувчи далиллардан биридир. «Авесто»да маърифатга, илм ва ҳунарни бошқаларга ўргатиш кераклиги ҳам уқтирилган.

Хулоса қилиб айтганда, «Авесто» асарида инсоннинг баркамол бўлиб етишишида аجدодларимизнинг неча минг йиллик маънавий мероси излари ўз аксини топган. Унда жоҳиллик, зўравонлик, тухмат каби ёмон ҳислатлар қораланади. Соф кўнгилли бўлиш, ҳиёнат қилмаслик, савдода бир-бирини алдамаслик, ҳақорат қилмаслик каби маънавий ҳислатлар тарғиб этилади.

«Авесто» асарида инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри ҳамда иши бир бўлишига катта эътибор берилади. Ушбу ахлоқий учлик ғояси энг қадиги даврлардан бошлаб кишилик жамияти тараққиётининг кейинги босқичларида яратилган барча маърифий асарлар мазмунининг шаклланишига асос бўлган десак, хато қилмаган бўламиз. Зеро, унда инсоннинг инсон сифатида маънавий ва моддий камол топиши учун зарур бўлган муайян талаблар ўз ифодасини топиб, ҳаёт кодекси сифатида нафақат Шарқ, балки Ғарб халқларининг ҳам муқаддас маънавий мероси бўлиб қолди.

Таянч сўз ва иборалар: Авесто, Зардушт, сариқ туя етаклаган киши, Шарқ, Ғарб, эзгулик, ёвузлик, моддий ва маънавий мерос, баркамол авлод, урф-одатлар, қадрият, таълимот, барча соҳалардаги қарашлар.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

7-мавзу	“Буддавийлик ғоялари ва уларнинг қадимий халқлар ҳаётидаги ўрни” мавзусида маъруза машғулотида ўқитиш технологияси
---------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача
<i>Ўқув машгулотининг шакли</i>	Информацион бахс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	1. Буддавийлик-дин, эътиқод ғоялар тизими сифатида. 2. Буддавийликнинг асосий ғоялари.
Ўқув машгулотининг мақсади: Талабаларда Буддавийлик ва бу ҳақдаги асосий ғояларни, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини тушунтириш.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>
1. Буддавийлик-дин, эътиқод ғоялар тизими сифатида.	Талабалар Буддавийлик ва диний эътиқоддаги ғоялар тизими билан танишадилар.
2. Буддавийликнинг асосий ғоялари.	Талабаларга буддавийлик ҳақидаги асосий ғояларни, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини тушунадилар.
3. Ислом маърифатчилиги босқичининг асосий ютуқлари.	Калом илми: мўътазила, ашария, мотуридия. Форобий фалсафаси ва фозил жамият орзуси. Хоразм Маъмун академияси. Беруний ва Ибн Сино.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, “Пирамида”, “Қандай?”, технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологияси (“Ислом маърифатчилиги ва илм-фан ривож” мавзусидаги электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар.
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари кўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2. “Буддавийлик ғоялари ва уларнинг қадимий халқлар ҳаётидаги ўрни” мавзусида маъруза машгулотининг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машгулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини Ёзиб оладилар
	1.4. Машгулотни ўтказиш шакли ва	Ёзиб оладилар

	баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Пирамида” технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Буддавийлик қачон ва қаерда пайдо бўлган? (4-илова). 2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Қандай?» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Буддавийлик этиқодига кимлар сиғинади?	Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар. Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар.
	«Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, такдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб оладилар
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий хужум” технологиясида	”Инсерт” технологиясида жадвални

	жадвалга мустақил таълимга тўлдиради. тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	
--	---	--

1-илова

7-МАВЗУ: Буддавийлик ғоялари ва уларнинг қадимий халқлар ҳаётидаги ўрни *Режа:*

1. Буддавийлик-дин, эътиқод ғоялар тизими сифатида.
2. Буддавийликнинг асосий ғоялари

Ўқув машғулотининг мақсади Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда Буддавийлик ва бу ҳақдаги асосий ғояларни, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини тушунтириш.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабалар Буддавийлик ва диний эътиқоддаги ғоялар тизими билан танишадилар. Талабаларга буддавийлик ҳақидаги асосий ғояларни, уларнинг бугунги кундаги аҳамиятини тушунадилар.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

3-илова

Буддавийлик - дин, эътиқод ғоялар тизими сифатида


Буддизм – учта дунё динлари ичида энг қадимийси ҳисобланиб, эрамиздан аввалги VI–V асрларда Ҳиндистонда юзага келган. Бу динга эътиқод қилувчилар асосан Жанубий, Жанубий Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида, Шри-Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбодже, Бирма, Тайланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россиянинг шимолий Бурятия, Қалмикистонда истиқомат қиладилар.

III асрга келиб дунёвий ғамият (император Ашока)нинг фаол

1-ўқув топшириқ «Пирамида» технологияси

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.

0




Буддавийликнинг асосий ғоялари

Буддавийлик қадимий Ҳинд диний – фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, амалиёт ва назариётдан иборат диний тизимдир. Унинг асоси «ҳаёт – бу азоб, уқубатдир» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоядир. Буддавийлик қонуниятларига кўра инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзидан туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу нарса Будданинг илк даъватида муҷассамлашган 4

1-ўқув топширик
«Қандай» технологияси

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



2-ўқув топширик
ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни хал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯҳ

Савол	Буддавийликка ким асос солган?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	


2-гурӯҳ

Савол	Буддавийларнинг эътиқоди нималардан иборат?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Дин нима?
2. Буддавийлик қачон ва қаерда пайдо бўлган?
3. Буддавийлик динининг асосчиси ким?
4. Буддавийлик қоидалари нималардан иборат?
5. Буддавийлик мафкураси нима?
6. Буддавийлик жаҳонда қайси давлатлар томонидан тан олинган?
7. Бугунги кунда буддавийликнинг аҳамияти борми?
8. Буддавийлик ғоялари Марказий Осиёга қандай тарқатилган?

Инсерт технологиясидан фойдаланиб ишлаш қоидаси



Инсерт жадвали

V	+	-	?

7-мавзу. Буддавийлик ғоялари ва уларнинг қадимий халқлар ҳаётидаги ўрни (маъруза)

1.Буддавийлик - дин, эътиқод ғоялар тизими сифатида

Диннинг ижтимоий вазифалари ҳақидаги таълимотни диншуносликда функционализмда кўришимиз мумкин. Функционализм жамиятга ижтимоий система сифатида қарайди: унда жамиятдаги ҳар бир элемент муайян функцияни бажаради. Диннинг жамиятда бажарадиган ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

Биринчидан, ҳар қандай дин ўз эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчи, овитувчи (компенсаторлик) вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил бўлиши ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётий мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб кўринганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезган. Ана шундай эҳтиёж диний эҳтиёж эди. Дин бу ўринда маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва ҳали ҳам бажармоқда.

Масалан, буддавийлик дини роҳибликни тарғиб қилар экан, бу дунёда орзу-ҳаваслардан, роҳат-фароғатдан воз кечган, инсон нирвана ҳолатига эришгач, абадий роҳатда бўлишини тарғиб қилади.

Буддизм – учта дунё динлари ичида энг қадимийси ҳисобланиб, эрамыздан аввалги VI–V асрларда Ҳиндистонда юзага келган. Бу динга эътиқод қилувчилар асосан Жанубий, Жанубий Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатларида, Шри-Ланка, Ҳиндистон, Непал, Бутан, Хитой, Сингапур, Малайзия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Комбодже, Бирма, Тайланд, Лаосда ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россиянинг шимолий Бурятия, Қалмикистонда истиқомат қиладилар.

III асрга келиб дунёвий жамият (император Ашона)нинг фаол қўллаб-қувватлаши натижасида мулк даражаси ягона бўлган будда ташкилоти (манахлик жамоаси-сингха) ва диний ақидачилик шаклланган.

Ҳозирги кунда дунёда буддизмга эътиқод қилувчилар сони қанчалиги аниқланмаган, чунки кўпгина мамлакатлар ҳуқуқ нормаларига кўра қайси динга эътиқод қилувчилар сони қанча деб ҳисобот ишлари олиб борилмайди. Бироқ тахминан олинганда ҳозирги кунда дунёда буддистлар сони 400 млн.га яқин бўлиб, улардан 1 млн. яқин монахлардир.

Буддизм бундан 2500 йилдан аввалроқ Ҳиндистонда диний фалсафий таълимот сифатида вужудга келиб, унда кенг миқдорли қонуний манбалар ва кўп сонли диний йўналишлар мавжуддир.

Буддавийликнинг турли миллатлар томонидан кенг қабул қилиниши ва унинг кенг доирада тарқалиб кетишининг сабаби, унинг турли миллий ва диний анъаналар билан қоришиб олиши бўлиб, бу нарса буддавийликнинг ҳаётнинг барча турлари жумладан, диний, маданий, сиёсий ва иқтисодий қатламларга кириб боришига сабаб бўлди.

Буддавийликни дин ёки фалсафа, идеология ёки маданият қонунлари тўплами ёки ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин.

Ҳозирги буддавийликка эътиқод қилиб келаётган шарқ мамлакатларидаги буддавийлик таълимотини ўрганиш сиёсий-иқтисодий, маънавий маданиятини тушунишнинг асосий олимларидан ҳисобланади. Бу давлатларда буддавийлик қоида ва анъаналари буддавийликка эътиқод қилувчилар назарида марказий ҳукумат қонунларидан кўра устун туради. Бу нарса замирида буддавийликнинг потенциал кучи ётади.

Буддавийлик асосчиси ҳақиқий тарихий шахсдир. Буни кўплаб буддавийлик билан шуғулланган тадқиқотчи олимлар бизгача етиб келган манбалар асосида исбот қилганлар. Буддавийлик асосчиси ҳақида хабар берувчи фольклор ва бадиий адабиётлар уни Сиддхарта, Гаутама, Шакьямуни, Будда, Тадхагата, Джипа, Бхагаван каби исмлар билан зикр этадилар. Бу исмларнинг маънолари қуйидагича: Сиддхарта – шахсий исми, Гаутама – уруғ исми, Шакхиямуни – шаклар ёки шакья қабиласидан чиққан донишманд, Будда – нурланган, Тадхагата – шундай қилиб, шундай кетган, Джина – ғолиб, Бхагаван – тантана қилувчи. Бу исмлар ичида энг машҳури Будда исми бўлиб, шу исмдан унинг динига буддавийлик номи берилган.

Ҳозирги кунда Будданинг бешта биографияси маълумдир: "Махавосту" – Эрамизнинг II асрида ёзилган, "Лалитавистара" – Эрамизнинг II-III асрларида юзага келган, "Буддахачарита" – Будда файласуфларидан бири Ашвагхошей томонидан Эрамизнинг I-V асрларида яратилган, "Ниданакатха" – Эрамизнинг I-асрида ёзилган ва "Абнихишкрамансутра".

Бу биографиялар орасидаги асосий зиддият Будда ҳаётининг аниқ вақти устида боради. Улар Эрамиздан аввалги IX-III асрлар орасидаги турли муддатларни кўрсатадилар. Расмий Буддизм китобига кўра эса Гаутама – Будда эр. ав. 623 йилда туғилиб, эрамиздан аввалги 544 йилда вафот этган. Бироқ, кўпчилик тадқиқотчилар унинг туғилиши эрамиздан аввал 564 йилда, ўлими эса эрамиздан аввал 483 йилда деб ҳисоблайдилар. Баъзан 560 – 480 деб тўлиқ сонлар билан кўрсатдилар.

Юқорида зикр қилинган биографияларда Будданинг ҳақиқий ҳаёти билан унинг афсонавий ҳаёти ўзаро қоришиб кетган.

Сиддхарта Шакья қабиласининг подшоҳларидан бири Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Ҳимолай тоғлари этагида Капилавасти деган қишлоқда бўлган. (Ҳозирда Непал ҳудудида). Онаси – малика Майадева. Подшоҳ ўғли орзу хаваслар оғушида тарбиялар, уни ҳеч бир камчиликсиз

катта қилади. Улғайиб кўшни подшоҳлардан бирининг қизи Яшадхарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди.

Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган бола Сиддхарта иттифоқо қариган чолни, беморни, оғир меҳнатли бир роҳибни учратади. Бундан каттик таъсирлаган шаҳзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўллари ахтариб саройни ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳибга қўшилиб, улар билан дайдиб қишлоқма-қишлоқ кезиб юради. Кўп вақт бу роҳибларга ҳамроҳлик қилиб, уларнинг йўлларида маълум мақсад йўқлигини ва бу йўл ўз олдига қўйган мақсади – инсониятни азоб уқубатдан қутқаришга олиб бормаслигини англайди ва роҳиблар жамоасидан ажралади.

У чакалакзор ўрмонларида кезиб, чарчаб бир дарахт тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзига токи ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликни ваъда беради.

Бу ўтиришнинг 49 куни уни қалбидан "Сен ҳақиқатни топдинг" деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдига бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради. Ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди. Ҳаёт ниҳоясиз узоқликни кўзлаб ўтиб кетаётган эди. Инсон акли етмас бир куч- Тришна – яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчани тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигин англади. Шу ондан у Будда – нурланган деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса – нурланган дарахт деб атала бошлади.

Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришинатана боғида, ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва ўшалар унинг биринчи шогирдлари бўлдилар.

Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб ўз таълимотини тарқатиб ўзига янги издошлар ортттиради. Будда 40 йил давомида ўз таълимотини Ҳиндистоннинг турли жойларига етказди ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтди. Унинг жасади ҳинд удумига кўра у ерда куйдирилиб, унинг хоки 8та будда жамоаларига бўлиб юборилди ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона барпо этди.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли афсоналар ҳам тўқиган. Бу афсоналарда айтилишича, Будда йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 58 марта нодшоҳ, 24 марта роҳиб, 13 марта савдогар, 18 марта маймун, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 1 марта фил шунингдек балиқ, қурбақа, каламуш, куён каби қиёфаларда қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган.

Сўнгги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар.

Бу афсоналарнинг баъзиларига кўра ер юзида Таутамага қадар 6 та будда ўтган. Шунинг учун Буддизмнинг баъзи муборак жойларида 7 та ибодатхона барпо этилган. 7 та Ботха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Будда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб Буддалар ўтган деб даъво қилади.

2.Буддавийликнинг асосий ғоялари

Буддавийлик қадимий Ҳинд диний – фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, амалиёт ва назариётдан иборат диний тизимдир. Унинг асоси «ҳаёт – бу азоб, уқубатдир» ва «нажот йўли мавжуд» деган ғоядир. Буддавийлик қонуниятларига кўра инсон ўзига мослашган мавжудот бўлиб, ўзидан туғилади, ўзини ўзи ҳалоқ қилади ёки қутқаради. Бу нарса Будданинг илк даъватида мужассамлашган 4 ҳақиқатда ўз ифодасини топган.

Биринчи ҳақиқат – «Азоб уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай ҳаёт – қийноқ, азоб-уқубатдир.

Туғилиш – қийноқ, касаллик – қийноқ, ўлим – қийноқ, ёмон нарсага дуч келиш – қийноқ, яхши кўрилган нарсадан айрилиш – қийноқ, ёмон нарсадан айрилиш – қийноқ, ўзи хоҳлаган нарсага эга бўлмаслик – қийноқ. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқлик. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Лекин ҳар бир ҳодиса ёки ҳаракатнинг бирламчи сабабини аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун буддавийлик дунёни шу ҳолича қабул қилишга чақиради.

Буддавийлик таълимотига кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса у хоҳ моддий ёки маънавий бўлсин Дхарма (элемент)лардан тузилган. Бу элементлар ўз хусусиятига кўра ҳаракатсиз бўлиб, уларнинг ҳаракатлантирувчи куч инсоннинг ҳаёллари ва сўзларидир. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи Дхармалар оқимидир. Ҳаракатдаги Дхармалар мавжудлигининг 5 формасини яратади: тана, сезги, ҳис-туйғу, ҳаракат, англаш. Бу беш форма инсонни ташкил қилади. Инсон улар ёрдамида яшайди ва борлиқ билан алоқа бўлади. Яхши ёки ёмон ишларни бажаради. Бу нарса инсоннинг ўлими билан тугалланади. Инсонни ташкил қилувчи беш форма (скандх) ўз навбатида қайта туғилади, гап янги тананинг хусусиятлари асос бўлувчи беш натижани беради: фаолият, гумроҳлик, хоҳиш, истак ва норма. Бу процесс "ҳаёт ғилдирагини" ташкил қилади. "Ҳаёт ғилдираги"да доимий равишда айланиб, инсон абадий қийноққа дучор бўлади.

Иккинчи ҳақиқат – "қийноқларнинг сабаблари мавжуддир". Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди ва доимо уларга эга бўлишга интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради.

Яхши ёки ёмон ниятлардан тузилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун *карма* ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, янгитдан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Буддистлар фикрича Буддадан кейин ҳеч ким нирвана ҳолатига эриша олмаган.

Учинчи ҳақиқат – "қийноқларни тугатиш мумкин". Яхши ёки ёмон ниятлар, интилишлардан бутунлай узилиш Нирвана ҳолатига тўғри келади. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтабди. Нирвана ҳолати буддавийлар фикрича "Ҳаёт ғилдирагидан" ташқарига чиқишдир. "Мен" деган фикрдан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғулларини тўла тугатилишидир.

Тўртинчи ҳақиқат – қийноқлардан қутилиш йўли мавжуддир. Бу йўл – қуйида баён этилган уч нарсага амал қилиш демакдир. Бу йўлдан борган инсон

Будда йўлини тутати. Буддавийлик таълимоти асосан уч амалий қисмдан иборат: 1.Медитация; 2.Ахлоқ; 3.Донолик.

1. Медитация

1. Тўғри тушуниш
2. Тўғри ният қилиш
3. Тўғри ўзини тутиш
4. Тўғри англаш
5. Тўғри ҳаракат қилиш
6. Тўғри муомалада бўлиш
7. Тўғри фикр юритиш
8. Тўғри гапириш

2. Ахлоқ нормалари ҳақида Будда "Панча Шила"нинг насихатлари:

1. Қотилликдан сақланиш
2. Ўғрилиқдан сақланиш
3. Гумроҳликдан сақланиш
4. Ёлғон, қалбаки нарсалардан сақланиш
5. Маст қилувчи нарсалардан сақланиш
6. Кейин овқатланишдан сақланиш
7. Кулгудан сақланиш
8. Зебу-зийнат, атир-упалардан сақланиш;

3. Донишмандлик – бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушуниш

Илк буддавийликнинг дхармалар табиати ҳақидаги мавҳум метафизик асослари буддавийликда икки оқим "Хинаяна" (кичик ғилдирак) ва "Махаяна" (катта ғилдирак) юзага келишига олиб келади.

Хинаяна таъкидлашича дхармалар табиатини ўрганиш ва нирванага эришиш маънавий йўл билан бўлади. Бу йўл жуда оғир ва фақатгина монахларгина нирвана ҳолатига етиши мумкин. Махаяна эса Будда танаси жонзотларни азобдан қутқариш учун турли жонзот формасига кириш мумкин ва ҳаёт занжирдаги барча уни ўрганиши, англаши мумкин дейди. Бу нарса чексиз Будда рамларини, худоларни келиб чиқишига сабаб бўлди. Бу худоларга ишониш йўллари барчага мумкин. Шу сабабли "Катта ғилдирак" деб номланади.

Буддавийлик таълимоти ҳақида юқорида айтилганлардан келиб чиқадиган хулоса шуки агар инсоннинг ўзи ҳаракат қилмаса, уни ҳеч ким ва ҳеч нарса бу дунё азоб- уқубатларидан халос қилиб ўтишига ёрдам бера олмайди. Будда инсонларни ҳақиқатдан хабардор қилган ва азоб - уқубатлардан халос бўлишининг тўғри йўлини кўрсатган, холос. Ҳамма даврларда ҳам буддавийлик таълимоти замонга қараб мослашиб борган. Аммо унинг таълимотидаги ўзак сақланган. Бу ўзак Будданинг қуйидаги сўзларида ўз аксини топган: «Океан суви битта таъмга – шўр таъмга эга бўлганидек, менинг таълимотим ҳам бир йўсинга – қутқаришга мўлжалланган. Одам бажариши керак бўлган энг муҳим вазифа атроф-муҳитни итоатдан қутқаришга

эришишдир. Қўрқувнинг йўқолиши одамзотни озод қилади. У озод бўлгандагина ўз озодлигини билади, қайта туғилиш занжиридан кутилганлигини тушунади, муқаддасликка тўлиқ эришилган ва бурч бажарилган бўлади, одам бу дунёга қайтиб келмайди»

Буддавийликнинг асосий мақсади - фақат одамзотнинг озод бўлишига йўл-йўриқ кўрсатишдангина иборат бўлмай, балки бутун жонли мавжудотни қутқаришга мўлжалланган. Иродага эга бўлиш ва иродани бирдан-бир мақсадга бўйсиндира олиш буддавийликнинг идеалидир.

3.Буддавийлик ғояларининг Марказий Осиёга тарқалиши ва бу ердаги халқлар маданий ҳаётида тутган ўрни

Марказий Осиёда буддизм нақадар муҳим ўринни эгаллаганлигини кейинги йилларда ўтказилган археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди.

Жанубий Ўзбекистон, Туркменистон ва Афғонистонда археологлар кашф этган ибодатхоналарининг харобалари, айниқса, улкан маҳорат билан ясалган катта-кичик будда ҳайкаллари бунинг ёрқин далилидир. Қадимги Термиз харобаларидан топиб текширилган йирик ибодат маркази диққатга сазовор. Ажойиб саънат ва архитектура намунаси бўлган кушон зодагонининг қасри ҳисобланган Холчаёнда будда иншоотлари кашф этилган. Айритом, Болаликтепа, Далварзинтепа ва Фаёзтепа ёдгорликлари мажмуи, марказий будда ибодатхонаси жойлашган Қоратепада топилган археологик материаллар ўша даврдаги истеъдодли аждодларимизнинг юксак моддий маданияти, диний тасаввурлари, умуман дунёқараши ва урф-одатлари кенг тасаввур қилишга имкон беради.

Буддизмнинг ёйилишидан Сангха – Буддизм жамоаларининг роли катта бўлган. Улар йилнинг об-ҳавоси яхши бўлган 9 ойида шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ юриб, улар аҳолисини буддавийликка даъват қилиб уларга Будда таълимотини ўргатиб юришган. Фақатгина Муссон ёмғирлари тинмай қуйган 3 ойдагина ўз ибодатхоналарида муқим бўлиб ибодат билан шуғулланганлар.

Эрамиздан аввалги 273-232 йилларда ҳукмронлик қилган Император Ашока даври Буддизмнинг кенг ҳудудга ёйилишига катта имкониятлар яратди. Ашока ўзининг илк ҳукмронлик пайтиданоқ Буддизмга эътиқод қила бошлади. У буддавийликка, монахларига, уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига ҳайрихоҳлик қилди. Улар ўз даъватлари асосида бирон-бир ерлик аҳоли ёки рухонийлар томонидан қаршиликка учрасалар, улар ҳеч қандай қарши ҳаракат қилмай, ўз йўлларида давом этганлар. Агар маҳаллий аҳоли томонидан уларга нисбатан ҳайрихоҳлик сезсалар, ўша ерга кўпроқ аҳамият бериб, уларни кўпроқ даъват қилишган.

Буддизм жамоалари ҳар қандай бошқа дин, маданият ёки урф-одатлар қамровида ёки аралашувда бир неча юз йиллаб ўзларини сақлаб қолиш, ҳамда фурсат келганда уларга ўз таъсирларини ўтказиш қобилиятига эгадирлар. Уларни бу хусусиятлари Ҳиндистонда мусулмон ҳукмдорлар даврида, Шри-

Ланкада португаллар, голландлар ва инглизлар мустамлакаси даврида, Хитой ва Япония конфуцийчилари даврида, Жануби-Шарқий Осиёга буддавийликнинг ёйилишида яққол намоён бўлган.

Шундай қилиб буддавийлик эраиздан аввалги 1 минг йиллик охирларида Шри - Ланкага ва Ўрта Осиё, ҳамда Олд Осиёни ўз ичига олган. Кушон империясига кириб келди. Бизнинг диёримизда олиб борилган археология қазилар ишлари асосида Ўратепа, Далварзинтепа, Кува, Зартепа, Қоровултепа Айритом мавзеларидан топилган. Шакъямуни санамлари, ҳайвон ҳайкалчалари, рамзий ғилдираклар ва ступа қолдиқларининг гувоҳлик беришича Кушон империясида буддавийликка катта аҳамият берилган.

Буддавийлик эраизнинг I асрида Хитойга, IV асрда Кореяга, VI асрда Японияга, VII асрда Тибетга, XIII асрдан XVI асргача Монголияга, XVII асрдан XVIII асрларгача Бурятия ва Тувага, XIX-XX асрларда Америка ва Европа қитъаларига кириб борган.

Термиз яқинидаги Айритомдан топилган ибодатхона ташқи девори пештоқларига сарғишроқ тошлардан ҳайкаллар ўрнатилган. Бино ичида ғиштдан ишланган «Будда» ҳайкалининг қолдиқлари топилган.

Таянч сўз ва иборалар: буддавийлик, дин, ступа қолдиқлари, рамзий ғилдираклар, Хитой, Корея, Япония, Америка, Европа, буддавийлик ғоялари, мафқураси, Кушонлар империяси, буддавийликнинг қоидалари, эзгулик, ёвузлик, донишмандлик, тўғри сўзлик.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

8-мавзу	“Конфуцийлик ва миллий мафкура” мавзусида маъруза машғулотида ўқитиш технологияси
---------	---

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машғулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза
<i>Талабалар сони: 50-70 гача</i>	<i>Вақти: 2 соат.</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	<i>Информацион бахс-мунозарали дарс</i>
<i>Маъруза режаси</i>	1. Конфуций ва конфуцийлик. 2. Инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғоялари. Ахлокий ғоялар сифатида.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Конфуций ва конфуцийликнинг мазму-моҳиятини тушунтириш. Конфуцийликдаги инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғояларининг ахлокий ғоялар сифатида эканлигини тушунтириш.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>

1. Конфуций ва конфуцийлик.	Талабаларга конфуций ва конфуцийликнинг мазмун моҳиятини тушунтириш.
2. Инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғоялари. Ахлокий ғоялар сифатида.	Талабалар Конфуцийликдаги инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғояларининг ахлокий ғоялар сифатида эканлигини тушуниб оладилар.
3. Тасаввуф назарияси ва Ибн ал-Арабий мероси.	Тасаввуф мероси ҳақида билимга эга бўладилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, “Қандай?”, “Блум” таксофонияси технологияси, Жадвал асосида тушунтириш, “ФСМУ” услуги, Инсерт
Ўқитиш воситалари	Компьютер технологияси (“Миллий мафкура” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари кўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топширик.

1.2. “Конфуцийлик ва миллий мафкура” маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини Ёзиб оладиларлар
	1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб оладиларлар
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича «Қандай» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Мустақиллик учун қандай курашлар олиб борилди?	Ёзадилар, саволга жавоб берадилар
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи	Ёзадилар, саволга

	пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Ақлий хужум» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Биз қандай жамият барпо этмоқдамиз?	жавоб берадилар
	2.2. «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб оладиларлар
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзадилар
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий хужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	”Инсерт” технологиясида жадвални тўлдирадилар

1-илова

8-МАВЗУ: Конфуцийлик ва миллий мафкура

Режа:

1.Конфуций ва конфуцийлик.

2. Инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғоялари. Ахлокий ғоялар сифатида.

Ўқув машғулотининг мақсади: Конфуций ва конфуцийликнинг мазму-моҳиятини тушунтириш. Конфуцийликдаги инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғояларининг ахлокий ғоялар сифатида эканлигини тушунтириш.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабаларга конфуций ва конфуцийликнинг мазмун моҳиятини тушунтириш.. Талабалар Конфуцийликдаги инсонпарвар лик, инсонга муҳаббат ғояларининг ахлокий ғоялар сифатида эканлигини тушуниб оладилар.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло». 12 – 10 балл – «яхши». 9 – 6 балл – «қониқарли».


3-илова

Конфуций ва конфуцийлик

Бу таълимотнинг асосчиси милоддан аввалги 551 йилда туғилиб 479 йилгача яшаган Кун Цзи бўлиб, Хитой ташқарисида Конфуций номи билан машҳур бўлган. Конфуций иккинчи даражали давлат ҳисобланган. Конфуций отасидан эрта ажраб, онаси қўлида тарбияланади. Онаси ҳам кўп ўтмай дунёдан ўтади. Конфуций илм таҳсилини олгач, 19 ёшида уйланади. Биринчи марта у омборчи вазифасига ишга тайинланади. У аслзода, лекин камбағал уруғ вакили эди. Конфуций фақат 15 ёшидан ўқишни бошлаган ва 50 ёшида ўзининг мактабини ташкил этган. У бир неча йиллар давомида турли подшоҳлар қўл остида ишлагандан кейин ёшларга таълим беришга киришади. Янги устознинг онг ҳақидаги фикрлари, чуқур маъноли сўзлари мамлакат бўйлаб кенг тарқалади. Шундан сўнг Конфуций ҳузурига мамлакатнинг турли минтақаларидан илмга чанқоқ ёшлар оқиб кела бошлайдилар. У илм истаб келувчиларга ҳеч қандай қўшимча жавобини бермас эди. Конфуцийнинг 3000 га яқин шогирдлари, 72та энг кўзга кўринган издошлари орасида мамлакатнинг обрўли хонадонларидан бўлган кишилар билан бир қаторда камбағал, оддий кишилар ҳам бўлган. Унинг кўплаб

1-ўқув топширик
«Қандай» технологияси

Мухим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Нима” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



Инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғоялари. Ахлокий ғоялар сифатида

Конфуцийликнинг илк кўринишида ахлоқ масаласи биринчи ўринга қўйилган, диний эътиқод эса иккинчи даражали саналган. Диний масалалар, ақидаларга Конфуцийлик анча совуққон муносабатда бўлган, баъзи ўринларда уларни инкор қилган. Конфуций ўз вақтида Қадимги Хитойда кенг тарқалган рухларга эътиқод масаласига шубҳали муносабатда бўлган. «Лун юй»да келтирилишича Конфуций ғайритабиий нарсалар ва рухлар тўғрисида гапиришни ёқтирмаган. Шунингдек, у тақдир, инсон умри, ўлим ҳақида сўз юритишдан қочган. Ундан «Ўлим нима?» - деб сўраганларида, у: «Биз тириклик нима эканлигини билмаймиз-у, ўлим нима эканлигини қанчалик билмас эканмиз» - деб жавоб берган.

БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ ТОИФАЛАРИ

№	Тоифа (даражалар)	Талаба фаолияти
1.	БИЛИШ	Далилларни билиш ва уларни танлаш технологиясини билиш, ривожланиш қонуниятларини билиш, баҳолаш мезонларини билиш, умумий тушунча, қонун-қоидаларни билиш
2.	ТУШУНИШ	Англаш, ўз сўзи билан ифодалаш, бир тил (тизим)дан бошқасига (масалан, математик тилдан оғзакига ёки аксинча) айлантиради, формула, схема ва диаграммаларни талқин қила олади.
3.	ҚЎЛЛАШ	Билимларни амалиётда қўллаш (масала ёки мисол ечиш, меҳнат операцияларини бажариш, вазиятларни ҳал қилиш, қонун-қоидалардан фойдаланиш).
4.	ТАҲЛИЛ	Бир бутун тушунча, қонун-қоидаларни қисмларга ажратиш, улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ва муносабатларни ўрнатиш, яхлитликни ташкил этувчи тамойилларни аниқлаш.
5.	СИНТЕЗ	Янги таркиб ҳосил қилиш мақсадида берилган қисмларни умумлаштириш, иншо режасини тузиш, берилганларга асосланиб яхлит қиёфани яратиш. Берилган меҳнат операцияларига асосланиб яхлит технологик жараённи лойихалаш.
6.	БАҲОЛАШ	Муносабат билдириш, хулоса яшаш; муайян мезонларга асосан э ёки бу фаолият қонун-қоида, тушунчаларнинг аҳамиятини баҳолаш

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯҳ

Савол	Конфуцийлик таълимоти ҳақида нималарни биласиз?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гурӯҳ

Савол	Конфуцийлик таълимотидаги асосий ғоялар нималардан иборат?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

8-илова

Мавзун мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Конфуцийлик қачон ва қаерда пайдо бўлган?
2. Конфуцийлик ғоялари нималардан иборат?
3. Конфуций қоидалари нималардан иборат?
4. Сяо таълимоти ҳақида нималарни биласиз?

9-Илова

Инсерт технологиясидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

8-мавзу. Конфуцийлик ва миллий мафкура

1.Конфуций ва конфуцийлик

Конфуций таълимоти Хитой сиёсий–ҳуқуқий ва фалсафий таълимотларининг пойдевори ҳисобланади.

Конфуций Хитойнинг шарқидаги Лу князлигида туғилган. У аслзодалар хонадонига мансуб бўлиб, отаси Шу лян Хэ Лу князлигида Цзоу музофотини бошқарган. Конфуций туғилганида отаси 70 ёшга тўлган эди. Уч ёшга тўлганида отасидан, 17ёшида онасидан айрилди. Оилада Конфуцийдан ташқари 9 қиз ва бир ногирон ўғил бўлган.

Унинг асл исми Кун Цю бўлиб мухлислари Кун Фу-цзи, деб аташган бу исм бора бора Кун Фу-цзи, деган фахрли лақабга айланган. Бу исм «ҳурматли устоз Кун» деган маънони англатади. XVII асрда Хитойга келган иезуит – миссионерлар хитойлик донишманд таълимоти билан

танишиб уни Европа маданиятининг вакилига айлантириш мақсадида Конфуций деб атай бошлаган. Конфуцийлик фалсафий ғоя сифатида майдонга келган.

Бу таълимотнинг асосчиси милоддан аввалги 551 йилда туғилиб 479 йилгача яшаган Кун Цзи бўлиб, Хитой ташқарисида Конфуций номи билан машҳур бўлган. Конфуций иккинчи даражали давлат ҳисобланган. Конфуций отасидан эрта ажраб, онаси қўлида тарбияланади. Онаси ҳам кўп ўтмай дунёдан ўтади. Конфуций илм таҳсилини олгач, 19 ёшида уйланади. Биринчи марта у омборчи вазифасига ишга тайинланади. У аслзода, лекин камбағал уруғ вакили эди. Конфуций фақат 15 ёшидан ўқишни бошлаган ва 50 ёшида ўзининг мактабини ташкил этган. У бир неча йиллар давомида турли подшоҳлар қўл остида ишлагандан кейин ёшларга таълим беришга киришади. Янги устознинг онг ҳақидаги фикрлари, чуқур маъноли сўзлари мамлакат бўйлаб кенг тарқалади. Шундан сўнг Конфуций ҳузурига мамлакатнинг турли минтақаларидан илмга чанқоқ ёшлар оқиб кела бошлайдилар. У илм истаб келувчиларга ҳеч қачон рад жавобини бермас эди. Конфуцийнинг 3000 га яқин шогирдлари, 72та энг кўзга кўринган издошлари орасида мамлакатнинг обрўли хонадонларидан бўлган кишилар билан бир қаторда камбағал, оддий кишилар ҳам бўлган. Унинг кўплаб ўқувчилари устознинг, шунингдек, ўзларининг мулоҳазаларини батафсил ёзиб боришган.

Конфуцийликнинг яхлит тизимга солинмаган ва қарама– қаршиликларга бой бўлган асосий китоби «Лун юй», «Сухбатлар ва мулоҳазалар» шу тарзда яратилган.

Кўп асрлар давомида бу китоб хитойликлар дунёқарашига ва турмуш тарзига улкан таъсир кўрсатиб келган. Мазкур китобни болалар ёддан билишган, катталар оилавий ва сиёсий ишларни ҳал қилишда ҳамиша унга мурожаат қилишган.

Конфуций мактаби Қадимги Хитойда аста - секин катта таъсир доирасига эга бўлиб борди. Унинг кўплаб шогирдлари Қадимги Хитой подшоҳликларида эътиборли мансабларни эгалладилар. Конфуций ёшлар тарбиячиси ва устози сифатида кенг шуҳрат қозониб, илк Хитой маърифатпарвари номига сазовор бўлган бўлса, у томонидан таклиф қилинган ислохотларнинг амалга оширилишида бунинг акси бўлди.

Гарчи Конфуций подшоҳлар хизматида бўлган пайтларида ўзининг иш фаолиятида баъзи ислохотларни амалга оширишга ҳаракат қилган бўлса -да, аммо унинг кўпчилик таклифлари амалдорлар ва ҳукмдорлар томонидан қўллаб-қувватланмади. Конфуцийнинг асосий эътиборини тортган нарсა ўз замонасининг камчиликлари ва айбу нуксонлари эди.

Оддий халқнинг ночорлиги, амалдорларнинг золимлиги, ҳукмдорлар ўртасидаги ўзаро зиддиятлар, қадимги маънавий анъана ва қадриятлардан узоқлашиш–буларнинг ҳаммаси Конфуцийнинг кескин танқидий қарашлари юзага келишига туртки бўлди. У мавжуд муаммони ҳал қилишда янгича қарашларга таяниш лозимлигини англаб етди. Бироқ у ўз фикрларининг жамоатчилик томонидаи қабул қилиниши учун ҳамма эътироф қилган

обрўга эга бўлиши керак эди. Конфуций худди ана шу обрўни узок ўтмишнинг ярим афсонавий образларидан топди. Конфуций вафотидан бир неча аср ўтгач, унинг таълимоти халқ ҳаётининг ажралмас бир қисмига айланди. Конфуций комил инсон (*цзюн-цзи*) ҳақидаги ғояни яратди. Цзюн-цзи, яъни юксак маънавиятли инсон икки асосий хусусиятга эга бўлиши керак: инсонийлик ва масъулият (аждодлар олдидаги қарз)ни ҳис қилиш. Комил инсон, энг аввало, ишончли ва фидоий бўлиши лозим. У бунинг учун тинимсиз, ўзини аямасдан ўз ҳукмдори, ўз отаси ва ўзидан катта барчага бирдай хизмат қилиши ва доимо камолот сари интилиши зарур.

2.Инсонпарварлик, инсонга муҳаббат ғоялари. Ахлокий ғоялар сифатида

Конфуцийликнинг илк кўринишида ахлоқ масаласи биринчи ўринга қўйилган, диний эътиқод эса иккинчи даражали саналган. Диний масалалар, ақидаларга Конфуцийлик анча совуққон муносабатда бўлган, баъзи ўринларда уларни инкор қилган. Конфуций ўз вақтида Қадимги Хитойда кенг тарқалган рухларга эътиқод масаласига шубҳали муносабатда бўлган. «Лун юй»да келтирилишича Конфуций ғайритабиий нарсалар ва рухлар тўғрисида гапиришни ёқтирмаган. Шунингдек, у тақдир, инсон умри, ўлим ҳақида сўз юритишдан қочган. Ундан «Ўлим нима?» - деб сўраганларида, у: «Биз тириклик нима эканлигини билмаймиз-у, ўлим нима эканлигини қаердан била олар эдик», деб жавоб берган.

Бироқ қадимдан давом этиб келаётган диний қадриятлар, урф-одатларга Конфуций ҳурмат билан муносабатда бўлган.

Конфуцийнинг яна бир таълимоти - «Сяо» бўлиб, у инсон ўз ота-онасига муносиб бўлиши ҳақидаги ғояни ўзида мужассам қилган. Конфуций фикрича, инсон учун Сяодан муҳимроқ нарса йўқ. У: «Сяо ва Ди (уканинг акага, кичикларнинг ҳурмати катталарга ҳурмати) инсонийликнинг асосидир» деган. Сяонинг асосий маъноси нима, фарзандлик хизмати қандай бўлиши керак, деган саволга Конфуций шундай жавоб берган: «Ақлли ва ота – онангни боқишга яроқли бўлишингдир. Чунончи, одамлар уйларида итлар ва отларни ҳам боқадилар-ку. Агар ота-оналарига ортиқ эҳтиром кўрсатмасалар, ҳайвонларни боқишларидан нима фарқи қолади ? ».

Сяо таълимотининг «Ли қонунлари»га кўра, фарзанд ота-она ҳаётлик чоғида мутлақо уларнинг ихтиёридадир. То улар дунёдан ўтгунича ўзига-ўзи эгалик қилишга ҳақли эмас. Агар ота-она вафот этса фарзанд қандай иш билан машғул бўлишидан қатъий назар, барча ишни ташлаб уч йил аза тутиши шарт. Конфуцийликнинг Сяо таълимоти асрлар мобайнида Хитой маданияти, ахлокий меъёрларига катта таъсир ўтказиб келди.

Конфуцийлик Хитойда оила масалаларига ҳал қилувчи таъсир ўтказди. Конфуцийлик таълимотига кўра, оила никоҳдан, ёшларнинг келишуви билан бошланмайди. Балки оила эҳтиёжлари учун никоҳ амага оширилади. Конфуцийчилар урф - одатларига кўра, авлодлар ўз аждодлари руҳи олдида

сажда қилишлари керак бўлган барча маросимларни ўз ўрнида, мунтазам равишда бажаришлари лозим.

Хитойда илк Чжоу ва даврларида ўтганлар руҳлари тириклар учун мадад бўлиши керак, деб эътиқод қилинса, Конфуций таълимоти бунинг аксини, яъни тириклар ўтганлар олдида қарздордирлар, деган ғояни илгари сурди. Конфуций ўзидан олдин жамиятда мавжуд бўлган ўтганлар руҳлари ҳақидаги ақидаларни тамоман ўзгартириб юборди.

Модомики, тирикларнинг асосий вазифаси ўтганларни рози қилиш, уларга хизмат қилиш экан, бутун оила мана шу асосий ғояга хизмат қилувчи бир жиҳозни ташкил қилади. Мана шунинг учун ҳам ҳар бир оила бошлиқлари ўз аждодлари олдидаги қарзларини адо этишлари учун оила наслини давом эттиришлари керак.

Конфуций фикрича, дунёдан бефарзанд ўтиш ва ўзидан насл қолдирмаслик нафақат шу инсоннинг ёки шу хонадоннинг, балки бутун жамиятнинг фожиясидир.

Конфуцийликнинг ёйилиши секин кечди. Конфуцийнинг ўзи эса замондошлари томонидан тан олинмай вафот этди. Унинг шогирдларига ҳам осон бўлмади. Гарчи конфуцийчилар ўз таълимотларини қадимги Чжоу ақидаларига боғлиқ урф - одатлар, маросимаар, ахлоқий меъёрлар асосига курган бўлсаларда, улар мазкур ақидалар орасида ўз муносабатлари, қолаверса, ҳар бир масала юзасидан ўз хулосаларини ҳам бериб баён қилар эдилар. Мана шу нарса Конфуцийликнинг муваффақиятга эришишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, унинг муваффақиятига сабаб бўлган омиллардан яна бири конфуцийчиларнинг ўзлари фойдаланган қадимги китоблар, шеърлар, рисоаларни йиғиб ўқувчиларига ўргатганликларидир. Бу ишнинг асосий қисми Конфуцийнинг ўзи томонидан бажарилган эди. У турли подшоҳликларда мавжуд бўлган уч мингдан ортиқ қадимий кўшиқлар, ёзувларни жамлаб, уларни қайта таҳрир қилган эди. Конфуций ва унинг шогирдлари томонидан таҳрир қилинган асарлар кейинчалик Конфуцийликнинг асосий манбаларига айланди.

3. Конфуцийнинг давлат бошқариш тўғрисидаги ғоялари

Мил. ав. IV-III асрларга келиб Конфуций таълимоти анча кенг тарқалди ва катта таъсир доирасига эга бўлди. Хан сулоласи даврига келиб (мил. ав. III - II асрлар) Конфуцийлик давлат мафкураси даражасига кўтарилди. Хан подшоҳлари Конфуций таълимотларини тўлиқ қабул қилмаган бўлсалар-да, унинг кучини, жамиятда эгаллаб улгурган мавқеини эътироф қилган ҳолда ундан давлат бошқарувида фойдаландилар.

Анъанавий дунёқарашга суянган Конфуций давлатчиликнинг патриархал - патерналистик ғоясини илгари сурган. Конфуцийнинг "Олижаноб эрлар" тўғрисидаги қараши жуда муҳим бўлиб, у жамиятнинг идеал ижтимоий - сиёсий қурилишининг асосидир. Давлат унинг талқинида катта бир оиладан ташкил топган. Конфуций жамиятдаги муносабатлар

худди яхши оиладагидек катталарга хурмат, императорга тавозе руҳида қурилмоғи керак деб ҳисоблаган. Қадимги Хитой афсоналарида "осмон фарзанди" саналувчи Императорнинг ҳокимияти отага, бошқарувчи ва бошқарилувчилар муносабатлари эса оилавий муносабатларга тенглаштирилган. Конфуций тасвирлаган ижтимоий - сиёсий табақалар одамларнинг тенгсизлигига асосланган. "Оддий", "паст", "кичик" одамлар "олижаноб эрлар"га, "яхши" ва "юксак" кишиларга бўйсинишлари лозим.

Конфуцийнинг ўқтиришича, ҳамма нарса мутассил ўзгара боради, лекин жамиятдаги табақаланиш тартибини сақлаб қолиш жуда муҳимдир. Жамиятни бошқаришни эса фақат кўпроқ маърифатли ва қобилиятли кишиларга ишонмоғ мумкин. Кўриниб турганидек, Конфуций бошқарувнинг аристократик шакли тарафдори, чунки, унинг ғоясига кўра, оддий халқ давлат бошқарувида қатнашишдан четлаштирилган.

Шу билан бир қаторда, давлат бошқарувида фазилат тамойилларига амал қилиш борасидаги конфуцийликнинг талаблари Қадимги Хитой сиёсатидаги истибдод тузум бошқаруви амалиётидан ва бундай амалиётни хаспўшловчи назарий қарашларидан тубдан фарқ қилади. Зулм зўравонликсиз бошқарув тарфдори бўлган Конфуций ҳукмдорлар, амалдорлар ва оддий халқни ўзаро муносабатларни эзгулик асосида қуришга чақиради.

Конфуцийнинг сиёсий этикаси жамиятнинг юқори ва қуйи табақалари ўртасида тотувликка эришишга ҳамда бошқарувни барқарорлаштиришга қаратилгандир.

Конфуций: "Бошқарувчи раҳбар қандай бўлиши керак?", деган масалага ҳам катта эътибор қаратади. Унинг таълимотига кўра, раҳбар одам императорга бўйсунмоғи, Конфуцийлик таълимотига амал қилиши керак. У етарли билимга эга бўлмоғи, давлат ва халққа фақат яхшилик йўлида хизмат қилмоғи шарт. Юксак ватанпарварлик аҳоли ва мамлакат фаровонлигини ўйлайдиган бошлиқнинг асосий фазилати бўлмоғи лозим.

Конфуций таълимотида аҳолининг ўта даражада бой ва қашшоқларга табақаланишига йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланади: "Бойлик тенг тақсимланганда қашшоқлик бўлмайди. Мамлакатда мувофиқлик, уйғунлик ҳукмрон бўлса, халқ камайиб кетмайди. Тинчлик барқарор бўлса (юқори ва қуйи табақалар ўртасида), ҳукмдорни ағдариш хавфи юзага келмайди".

Конфуций ҳокимиятни қўлга киритиш йўлидаги қуроли кўзғолонларга, ташқи урушларга, Хитой подшоҳликларининг босқинчилик юришларига ҳар доим қарши турган.

Конфуций таълимоти сиёсий муносабатларни эзгулик воситасида тартибга солишни қонун асосида бошқаришга кескин қарши қўйган. Конфуцийнинг фикрича, агар раҳбар халқни қонун воситасида бошқариб, жазо ёрдамида мамлакатда тартиб сақласа, халқ жазодан қочишга ҳаракат қилади ва бундан уялмайди. Борди-ю раҳбар халқни эзгулик воситасида бошқарса ва тартибни сақласа, у ҳолда халқ уялади ва ўз камчилигини тўзатади.

Конфуций позитив, яъни инсонлар томонидан яратилган қонунларга салбий муносабатда бўлган. Бунинг сабаби, позитив қонунлар одатда жазоловчи хусусиятга эга бўлиб, улар амалиётда ва назарий қарашларда оғир жазолар бериш билан боғлиқ эди. Гарчи Конфуций қонунга эзгуликнинг шунчаки кўмакчисидек қарасада, қонуннинг аҳамиятини бутунлай инкор қилмайди.

Конфуцийлик таълимотида дунёқараш масалаларига эмас, балки ижтимоий ахлоқ муаммоларига кўпроқ ўрин берилган. Унда "ахлоқли киши" бўлиш, донишмандлардан таълим олиш ҳақидаги ғоялар илгари сўрилади. Бу таълимотга кўра жамиятда ҳукм сурган "жень" инсонпарварликка риоя қилмоғи лозим. Бу эса камтарлик, онглилик, вазминлик, меҳрибонлик, одиллик, саҳийликдан иборат. Инсон "жень" қонунини ўзлаштириш учун жамиятда тўтган ўрнига қараб "ли" меъёрларини бажариши талаб этилади. Анъаналар, урф-одатлар шунга мувофиқ белгиланади. Паст табақа халқнинг "ахлоқи улуғ" бошлиқларга итоат қилиши зарурлиги шу билан оқланган.

Конфуцийликда кишиларни юқори ва қуйи табақаларга ажратишда уларнинг бойлига ёки ижтимоий келиб чиқиши асосий рол ўйнамаган; бунда юксак ахлоқий фазилатнинг хизмати катта деб ҳисобланган. Бироқ бу ҳукмрон ва қарам табақаларга ажратиш бутунлай инкор этилади, деган гап эмас. Конфуцийнинг фикрича, табақаларга ажратиш тартиби эски анъаналарга асосланиши ва уни давлат бошқариши лозим. Номларнинг тўғриланиши, Чжен-мин сиёсати бу тартибларни амалга ошириш қуроли қилиб белгиланган. Чжен-мин сиёсати бўйича ҳамма нарса ва ҳодисалар ўз исмига мос келиши керак. Ана шунда ҳамма ўз ҳуқуқи ва мажбуриятини билади.

Конфуций, гарчи, самони олий руҳий қудрат, аждодларга қурбонлик келтиришни уларни эъзозлашнинг асосий ифодаси деб билса ҳам, ўз таълимотида осмон сирлари муаммоларини деярли тилга олмаган ҳамда руҳлар ва нариги дунё каби тушунчаларга кам эътибор берган. Конфуцийнинг фалсафий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги ҳамда жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради.

Конфуций фикрича, оламдаги барча мавжудот сингари инсоннинг тақдири ҳам самовий қудратга боғлиқ, шунинг учун одамларнинг олижаноблиги ёки тубанлиги, олий ёки паст табақага мансублигини ўзгартириб бўлмайди.

Бинобарин, подшо - подшолигича, фуқаро - фуқаролигича, ота - оталигича, фарзанд-фарзандлигича қолиши керак. Бундай ғоя, кўрамизки, мавжуд тузумни сақлаб қолишни назарда тутар эди. Шу билан бирга, Конфуций идеал, олий инсон, асл, мард киши концепциясини ишлаб чиққан. Бу концепцияга кўра, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатгўйлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат - ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиш туфайли юксак камолотга етишуви мумкин.

Конфуцийнинг фалсафий ғоялари кейинчалик Хитойда хукмрон динларнинг бирига айланган ва Конфуцийлик деб ном олган диннинг асоси бўлди (милоднинг бошларида). Конфуцийлик манбаи - Конфуций издошлари ёзган «Лунг-Юй» (Сухбатлар ва мулоҳазалар, милоддан аввалги VI аср) китобидир. Конфуцийлик Лао-Цзи таълимотидан тубдан фарқ қилади. У жамиятни ижтимоий ларзалардан асраб қолишга интилган феодал амалдорларнинг қарашлари ва манфаатларини ҳимоя қилган.

Конфуцийликнинг мақсади -халқни мавжуд тартиб- қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялашдир.

Конфуцийлик белгиланган диний тартибларга қаттиқ амал қилишни талаб этади. Конфуцийнинг ўзи ҳаётлигида диний тартибларни сидқидилдан бажарган.

Эндиликда, ҳар бир оиланинг ўз ибодат хонаси бўлиши зарур бўлди. Ҳар бир оила ўз ибодатхонасига аجدодларнинг тимсоли бўлган «Чжу» тасвирини жойлаштиради, унинг ёнига қурбонликларини қўяди ва диний маросимларни ижро этади.

4.Конфуцийлик ғояларида инсон, инсоннинг маъсулияти ҳақидаги қарашлари

Конфуцийликда ижтимоий-ахлоқий масала алоҳида ўрин эгаллайди. Шу маънода Конфуций ғоясини инсон хатти - ҳаракати, ҳаёти меъёрлари ҳақидаги таълимот дейиш ҳам мумкин эди. Инсонлар ўртасидаги ҳаёт тарзи анъанавий 5 муносабатдан иборатлиги қайд этилган:

- давлат бошлиғи билан амалдорлар ўртасидаги муносабат;
- ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат;
- эр билан хотин ўртасидаги муносабат;
- катта ва кичик ака-укалар ўртасидаги муносабат;
- дўст - биродарлар ўртасидаги муносабат.

Бу таълимотда шундай қадриятлар ҳам борки, унга қойил қолмай илож йук. Биргина мисол келтирамиз:

Ўғил ота - онаси олдида қуйидаги 5 вазифани бажариши шарт эди:

- 1) ҳар доим ота-онани тўла ҳурмат қилиш;
- 2) уларга энг суюкли таомларни келтириш;
- 3) улар бетоб бўлиб қолганларида чуқур қайғуриш;
- 4) улар вафот этганларида юрак - юракдан ачиниш;
- 5) улар хотирасига тантанали равишда қурбонликлар қилиш.

Конфуцийликда диний маросимларнинг асосий мазмуни Конфуцийликка қадар мавжуд бўлган анъаналарни, уруғ-қабилавий маросимларни мустаҳкамлаш, қонунлаштиришни ташкил этарди. Чунки Конфуций ўзининг ҳеч қандай янги таълимот яратмаганлигини, фақат эски маросимларга, тартиб-қоидаларга, кўрсатмаларга қаттиқ риоя этишни талаб қилишини қайта - қайта такрорлар эди. Бу ўринда унинг қуйидаги сўзларини келтиришни мақсадга мувофиқ деб билдик: «Қадимдан жорий

этилган маросимлар сақланмас ёки улар бекор қилинар экан унда ҳамма нарса аралашиб кетади, издан чиқади. Никоҳ маросимини йўқ қилингчи - унда эр-хотинлик булмайди, бу билан боғлиқ катта-катта жиноятларга йўл очилади ёки дафн этиш ва қурбонлик қилиш маросимини йўқ қилингчи унда болалар вафот этган ота-оналари хотираси тўғрисида ўйламай, тирикларига эса хизмат қилмай қўядилар; Пин-Цзинь маросимини йўқ қилингчи - унда подшо билан амалдорлар ўртасидаги фарқ йўқ бўлиб кетади, кичик-кичик князчалар ўзбошимчалик қила бошлайдилар, натижада таъқиб этиш ва зўравонлик бошланади».

Хитой халқи тарихида қадимги маросимлар катта ўрин тутганлигини Конфуций яхши билар эди. Шунинг учун ҳам у халқ ўтмиш анъаналарини, маросимларини ўзининг таълимотида асосий мазмунга айлантирган.

Хитойликлар учун энг ёмон фожеа - эркак томонидан авлоднинг қолмаслигидир. Улар авлодлари қолмаса - биз ўлганимиздан сўнг ким бизларни ёд этади, деб қаттиқ қайғуга тушадилар.

Конфуцийликнинг бош худоси — осмон худоси эди. Кейинчалик Конфуцийнинг ўзи ҳам илоҳийлаштирилган. Унинг шарафига ҳатто императорнинг ўзи ҳам диний маросимларни бажо келтирарди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Чунки Конфуцийлик оддий халқ устидан «аслзодалар»нинг ҳукмронлигини оқларди. Бундан ташқари, бу диннинг мавжуд тартиблар абадийлиги, одамлар олий ва қуйи табақага бўлиниши ҳақидаги таълимоти айнан императорлик манфаатларини, салтанатни ҳимоя қиларди.

Бу динга кўра, айти пайтда императорнинг ўзи олий худонинг ердаги вакили эди. Конфуцийликда императорга қарата ёзилган қуйидаги маслаҳат ҳам бор эди: «Агар император бирор катта мақсадни амалга оширмоқчи бўлса, у албатта аجدодлари ибодатхонасига бориши лозим.

Қилмоқчи бўлган ишидан, ўзининг мақсадидан авлодларини хабардор этмоғи керак. Шу пайтда у осмонда юлдузларнинг ҳолатига қарамоғи, улар қулай жойлашганлигига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, ўзининг мақсадини амалга оширишга киришмоғи мумкин».

Шундай экан, Конфуцийликда аждодлар руҳига сиғиниш олий даражага кўтарилган.

Конфуцийликда қўғинлар бўлмаган, дастлабки даврларда ҳеч қандай системали таълимот ҳам бўлмаган. Кейинчалик бу таълимотлар яратилиб, у ҳамма классик қонунлари 13 китоб шарҳи эса 40 жилдда баён қилинган. Буларнинг энг аҳамиятли қисми 9та китобдан иборат бўлди.

Конфуцийлик динининг «Си-Шу» (Тўрт китоб) ва «У-Цзин» (Беш китоб) деган муқаддас китоблари бор. Бироқ, бу китобларнинг барини ҳам диний деб бўлмайди. Уларнинг ичида динга алоқаси бўлмаган китоблар ҳам мавжуд.

Беш китоб қуйидаги китоблардан иборат:

- 1) «И-Цзин» (ўзгаришлар китоби, сеҳргарлик, дуолар тўплами);
- 2) «Шу-Цзин» (қадимги тарих. афсонавий императорлар тарихи);

3) «Ши-Цзин» (қўшиқ айтиш китоби, қадимги поэзия тўплами);

4) «Ли-Цзи» (маросимлар китоби);

5) «Чун - Цю» (баҳор ва куз китоби). Тўрт китоб эса:

а) «Да-Сюе»(буюк таълимот,инсоннингўзини-ўзи такомиллаштируви ҳақидаги китоб);

б) «Чжуп-Юн» (оралиқ, ўрталиқ ҳақидаги китоб);

в) «Лун-Юй» (ҳикматли сўзлар китоби);

г) «Мэн-Цзи» (Конфуцийнинг энг қадимги шогирдларидан бири Мэн-Цзининг таълимоти).

Конфуцийлик динининг ўзига хос, уни бошқа динлардан ажратиб турадиган энг муҳим белгиси - бу динда руҳонийлар қатламининг йўқлигидир.

Бу диннинг маросимларини ота ўз ўғлига ўргатиши керак бўлган.

Диний маросимлар давлат томонидан тайинланадиган амалдорлар, мансабдор шахслар томонидан ижро этилган. Улар «маросим профессорлари» деб аталарди.

Яқин-яқингача Хитойда фуқароларни давлат амалдорлиги мансабига қабул қилишда қўйиладиган яна бир талаб - улардан Конфуцийлик дини маросимларини қанчалик билиши ва бажара олиши ҳақида имтиҳон топширишлари бўлганлиги бежиз эмас. Шундай қилиб, император Конфуцийлик асосларини яхши билган амалдор орқали давлат ишларини бошқарган. Бу эса ҳукмрон доираларни мутлақо қаноатлантирган эди.

Конфуцийликда аждодларга ва руҳларга сиғаниш муҳим ўрин эгаллайди. Шу боисдан қурбонлик қилиш, тўғилиш, оила қуриш дафн ва бошқа маросимлар тантанали бажарилади. Буларни давлат ҳокимлари, оила ёки уруғ бошлиқлари бошқарадилар.

Ҳеч қанча ўтмай Конфуцийлик Хитойдаги таъсирчан сиёсий, фалсафий ва этник таълимот оқимига айланди. Милоддан аввалги II асрга келиб Конфуцийлик Хитойнинг расмий мафкураси сифатида тан олинди ва у давлат дини вазифасини бажара бошлади.

Эрамининг бошида конфуцийликка диний ғоялар киритилган ва у диний таълимот сифатида талқин қилина бошланган. Конфуцийнинг қабри ёнига кўплаб ибодатхоналар қурилган, унга қурбонликлар қилина бошланган. Шу тариқа Конфуций худо даражасига кўтарила бошланган. Ибодатхонага Конфуцийнинг шогирдлари ва яқинлари томонидан унинг барча табаррук нарсалари ва унга тааллуқли ашёлар: ёзган асарлари, мусиқа асбоблари, рўзғор анжомлари, араваси ва бошқа нарсалари келтириб қўйилди.

Вақт ўтиши билан файласуфнинг обрўси ошиб, таълимоти кенг тарқалгани сари ушбу ибодатхона ҳам зиёратгоҳга айланиб борди. Цуйфу яқинида Конфуций шогирдлари ва издошлари макон тутган каттагина қишлоқ барпо бўлди. Лу подшоҳлиги ҳукмдорининг ўзи Цуйфуга келиб, Конфуций ибодатхонасида унинг хотирасига қурбонлик қилди. Ибодатхонанинг аҳамияти ошган сайин ер мулклари билан бойиди. Бу жой оддий маҳаллий ибодатхона шаклидан Хан сулоласи даврига келиб бутун мамлакат миқёсидаги муқаддас зиёратгоҳга

айланди. Мил. ав. 195 йилда биринчи Хан подшохи Лю Бан шахсан ўзи Конфуций ибодатхонасида унга атаб «тай-ляо» (Хитойдаги энг олий қурбонлик - қўй, хўкиз ва чўчка) учлик қурбонлиги келтиради.

Мана шу асрдан бошлаб Конфуций номи Хитойда илоҳийлаштирилди ва унга атаб мунтазам қоидалар асосида қурбонликлар қилинадиган бўлди.

Хан сулоласи даврида конфуцийга князлик унвони берилди. X-XIII асрларга келиб, Сун сулоласи даврида унга императорлик унвони, отасига эса киязлик унвони берилди. Кейинроқ Юан ва Мин сулолалари (XIII-XIV асрлар) даврида унга яна ҳам юксакроқ даража-«ҳақиқий донишманд», «Миллатларнинг буюк устози» унвонлари берилди.

Хитойнинг деярли барча шаҳарларида Конфуцийга атаб қурилган ибодатхоналар пайдо бўлди. Бундай ибодатхоналар сони мингга яқин эди. Дастлабки пайтда ибодатхонанинг қурбонлик қилинадиган жойида оддийгина Конфуций номи ёзилган лавҳа осилган эди. Хитойга буддизм кириб келгач, лавҳа ўрнини энди Конфуцийнинг ҳайкали эгаллади. Цуйфудаги ибодатхонадан бошқа ҳаммаси бир хил шаклга эга эди. Унда Конфуций ҳайкали ёнига 86 шогирдининг номи битилган лавҳа ёки ҳайкаллар қўйилган. Цуйфудаги ибодатхонада уларнинг сони кўпроқ.

Файласуфга атаб қилинадиган қурбонликлар ва бошқа муҳим маросимлар тартибга солинган. Ҳар ойнинг биринчи ва 15-кунларида икки марта Конфуций ҳайкали олдида одатий қурбонликлар, йилда - баҳорда ва кузда икки марта алоҳида тантанали маросимлар ўтказилар эди. Тантанага келган император ва уларнинг мулозимлари дониншанд тимсоли олдида туриб, унга: «Сен буюксан, эй мутлақ донишманд, сенинг фазилатларинг кўп, таълимотинг бекиёс, ўтганлар орасида сенга тенги йўқ!» - каби ҳамду санолар билан мурожаат қилганлар.

Конфуций номи ўрта асрларга келиб Хитойда илоҳийлаштирилди. Унинг тимсоли подшоҳлар бошидаги тожлардан ўрин олди.

XX аср бошларига келиб, Конфуций шарафига қурилган ибодатхоналар сони тобора кўпая борди.

Конфуцийликда ахлоқий тамойиллар - ҳукмронлик-тобелик муносабатларига асосланган. Ёши ва ижтимоий аҳволига кўра кичик бўлганлар катталарга қатъий бўйсинмоқлари лозим. Шунинг учун ҳам Конфуцийлик отани, амалдорни, самонинг ердаги фарзанди бўлган подшоҳни иззат-ҳурмат қилиш, унга хизмат қилиш ва бўйсунишни эса ҳаётнинг мақсади деб тушунтирган. Бу таълимотнинг бош тамойили - инсонпарварлик бўлсада, аммо уларнинг қарашларича, инсонпарварлик фақат аслзода, оқсуякларга хос фазилат бўлиб, оддий одамлар ростгўйлик, яхшилик, олижаноблик, маърифат, жасурлик нима эканлигини билмайди. Ахлоқий тарбиянининг зарурлигини эътироф этсада, Конфуцийлик умуман олганда мулкдорларнинг ҳукмдорлигини, аристократларнинг имтиёзларини сақлаш ва мустаҳкамлашни, эзилувчилар ва эзувчиларни ўзаро келиштиришни мақсад қилиб қўйган таълимот эди. Худди шу нарса Конфуцийликнинг жуда узок

даврда (1911) Хитойдаги расмий ахлоқ бўлиб келганлигини асосан белгилаб берди.

Конфуцийлик тарафдорлари диний китоблардаги таълимотга қатъий риоя қиладилар; бу таълимот мавжуд тизимнинг енгилмаслигини тарғиб қилганлиги учун Хитой феодализмининг асосий мафкураси бўлиб қолган.

У 1503 йилда давлат томонидан машхур авлиёлардан бири сифатида эътироф этилган. Аслида Конфуций ўзининг диний-ахлоқий фалсафасини яратмаган. У қадимги Хитойда битилган бешта мумтоз китобни тўплаш, уни ҳар томонлама шарҳлаб бериш ва кенг ташвиқ этишда машхур бўлган. Масалан, унинг "Баҳор ва куз китоби"да Лу давлатининг тарихига доир шарҳлар ёзилган.

5. Конфуцийлик ва миллий ғоя. Конфуцийлик ғояларининг ҳозирги давр учун аҳамияти

Конфуций томонидан баён этилган китобларнинг асосий мазмуни бешта оддий, лекин буюк инсоний фазилатдан иборатдир. Бу донолик, инсонийлик, садоқат, кексаларни ҳурмат қилиш ва жасоратни қамраб олади. Булар кишилар хатти-ҳаракати, хулқ-атворини белгиловчи ахлоқий қоидалар бўлиб, амалий дастур вазифасини бажарган. Бу виждонийлик ва ўзини ҳамда ўзгаларни ҳурмат қилишни билдиради. Улар ўз моҳиятига кўра, табиат қонунларига мос тушиб, кишилар ҳаётида ақл мезони асосида ўрнатилган тартибнинг муҳим шартлари ҳисобланади. Лекин бундай талабларни амалга оширишга юксак маънавиятга хос кишиларгина қодирдирлар. Конфуцийнинг фикрича, қайд этилган қоидаларни ўринсиз кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас. Ҳар қандай "номларни ислоҳ қилиш" назарий жиҳатдан кишиларнинг ўзлигини англашга, ақл тамойилларига асосланган ва инсон камолотини таъминлай оладиган ижтимоий тузумни юзага келтиришга хизмат қилмоғи лозим.

Конфуцийлик милоддан аввалги I асрда давлат томонидан эътироф этилган таълимот мавқеига эга бўлди. Конфуцийлик эраизмнинг IX асрдан бошлаб буддизм устидан ғалабага эришади, XI асрга келиб, даосизмни жамиятнинг маънавий ҳаётидан сиқиб чиқара бошлайди.

Конфуций таълимотини Мэн-цзи (Мэн Кэ милоддан аввалги 371-289 йил) давом эттирди. У Конфуцийнинг ахлоқий қарашларини ривожлантириб, эзгуликни инсон табиатининг асоси қилиб олди. Инсонда эзгулик тўртта фазилат орқали амалга ошади. Унинг асосини билим ташкил қилади, чунки нарсалар, олам ва инсонга хос тартибни билиш инсонийлик, хушфеелик, билим ва тўғрилиқни рўёбга чиқариш билан ифодаланади.

Ақл тамойилига асосланган инсонийликни тан олмаган, ўзининг ҳукмронлигини зўравонлик билан амалга оширган ҳукмдорнинг халқдан умидини узгани маъқул. Осмон ҳукми барча нарсалар, жумладан,

кишилар, уларнинг ҳаёти, ижтимоий функцияси, ҳокимиятини белгилайди.

Конфуцийликнинг йирик намояндаси Сюнь-цзи (Сюнь Цинь, милоддан аввалги III аср) Мэн-цзи билан баҳс-мунозараларга киришиб, унинг инсон табиати ҳақидаги таълимотига қарши чиқади. Инсон табиатнинг бир қисмидир, деб таълим беради Сюнь-цзи. Инсон, ўз табиатига кўра, ёмон ахлоқ соҳибидир. Унинг барча яхши, ижобий фазилатлари тарбиянинг натижасидир.

Кишилар табиат устидан ҳукмрон бўлиш мақсадида бир-бирлари билан бирлашадилар. Агар биз ахлоқий онг чегарасини аниқ белгилаб олсак, гармонияга эришамиз. Гармония - бирлик. Гармонияга эришган инсон қудратли кучдир. Сюнь-цзи табиатни жонсиз, жонли, онгли мавжудотларга бўлади. Унинг қарашларида билиш масалалари ҳам тилга олинади. Билишнинг биринчи илк босқичи ҳиссий билишдир. Воқеликни тушунчалар орқали билиш эса ақлий билишни ташкил этади. Ақл учта талабга жавоб бериши лозим, улардан энг муҳими - ақлнинг софлиги.

Хулоса қилиб қадимий Хитойда мавжуд бўлган таълимотлари файласуфларининг доно фикрларини келтириш мумкин.

Кунлардан бир кун Хитой донишманди Конфуцийнинг сеvimли шогирди Цзи – Гунга бир таниши: «Сен Конфуцийдан кўра билимлироқ ва ақллироқсан», - деганда Цзи–Гун унга шундай жавоб берди: «Донолик мисли бир девор бўлса, менинг деворим одам бўйидан ошмайди. Шунинг учун ҳар бир одам осонгина бу девор ортига мўралаб, нималар борлигини билиб олиши мумкин. Устоз эса мисли бир неча саржин (бир саржин – 2,13 метр) баландликдаги девордир.

Бу деворнинг дарвозасини тополмаган киши унинг ортидаги гўзал эҳром ва муҳташам қасрларни ҳеч қачон кўролмайди».

Конфуцийнинг ўзи билан деярли тенгдош Цзи–Лу исмли барваста, жиззаки ва ўта кетган шухратпараст шогирди бўлган. Бу йигит Цюйфуга чекка қишлоқдан омад излаб келиб, ўзининг қўпол қилиқлари билан пойтахт аҳлининг эътиборини тортган эди.

Бир куни у одоб ва назокатни унутиб, Конфуцийга лукма ташлади: «Муҳтарам зот, сиз шунчалар доно экансиз, ҳийла – найранг ишлатмай саволимга жавоб берсангиз: қандай қилиб кишиларни қўрқувга солмай бўйсундириш мумкин?» Конфуций шундай жавоб берди: «Бунинг учун сен меҳнатинг билан уларга ўрнатилган қўлқўлинг лозим». Цзи – Лу бу сўзларни эшитиб, хижолат тортди. Чунки жавоб айланиб келиб, ўзига тақалганди-да. Лекин бўш келмай яна савол берди: «Дейлик, мен бунга эришдим. Кейин-чи?» - «Бўшашмасдан, меҳнат қилишда давом эт», - деди Конфуций. Цзи – Лу жавобни яна сўзида давом этди:

- Энди савол бериш учун менга ижозат эт. Айт-чи, мусиқани севасанми?

- Мен узун шамширни севаман, - дағаллик билан жавоб берди Цзи – Лу.

- Мен сендан бошқа нарсани сўрадим. Ўзингдаги истеъдодни илм билан бойитиш пайти етмадимикан?

- Билим олишдан қандай фойда бор? – деди қайсарлик билан шогирд.

- Ўз фуқароларини ўқитмаган подшоҳ ҳақиқий ҳукмдор бўлолмайди. Дўстига насиҳат қилиб, тўғри йўлга солишга уринмаган мард эр олижаноблик хислатидан маҳрумдир. Тинмай илм олган виждонли инсон, албатта, буюк донишманд даражасига етмоғи тайин. Ва илмни севган инсон ҳеч қачон воқеликка зид иш қилмайди.

- Жанубдаги тоғларда ўсадиган эгилмас, тикка бамбукдан ясалган камон ўқи ҳатто каркидон терисидан ясалган совутни ҳам тешиб ўтар экан. Ваҳолангки, бу ўсимлик илмдан беҳабардир, - деди Цзи–Лу ўзининг топқирлигидан яйраб.

- Бу камон ўқининг бир учига қуш патини улаб, иккинчи учига темир найза ўрнатсанг, у нишонни яна ҳам чуқурроқ ёриб киради, шундай эмасми? – деди Конфуций.

Бу сўзлардан лол қолган Цзи – Лу шундагина ўзига беқиёс устоз топганини англаб етиб, ўз устунлигини исботлашга қанчалар ғайрат билан киришган бўлса, шунчалар шижоат билан Конфуцийга хизмат қилишга бел боғлаган экан.

Конфуций ҳукмдор ва халқ ўртасидаги ўзаро муносабатни қиёслайди: подшоҳ мисли бир чавандоз бўлмаса, амалдорлар ва қонунлар юган ва жилов, фуқаролар эса отдир. Отни енгил бошқармоқ учун уни пухта юганламоқ ва жиловини тўғри бошқармоқ лозимдир.

Шунинг билан бирга отларнинг кучини бир–бирига мувофиқлаштириб, ортда қолганларини назорат қилмоқ жоиздир. Ана шу шартларга амал қилган чавандоз овоз чиқармаса, ниқталмаса ҳам отлар ўз – ўзидан чопиб кетаверади. Бу таълимотнинг асосий мақсади халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш эди. Конфуцийнинг ғоя ва қарашлари Жаҳон фалсафасида ахлоқий тамойиллар ривожига адолат, биродарлик, эркинлик ғоялари такомиллида муҳим ўрин тутган.

Таянч сўз ва иборалар: Сяо таълимоти, «Ли қонунлари», фарзанд, ота-она, бурч, ахлоқий тамойиллар, тартиб-қоидалар, адолат, биродарлик, эркинлик ғоялари, мафкураси, Конфуций, илм ва илмсизлик, табиат, жонли, жонсиз мавжудотлар.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

9-мавзу	“Илмий-фалсафий ғоялар, уларнинг миллий мафкуранинг шаклланишидаги ўрни” мавзусида маъруза машғулотида ўқитиш технологияси
---------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

Машгулот вақти-2 соат	Талабалар сони: 60 гача
<i>Ўқув машгулотининг шакли</i>	Информацион бахс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	1. Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчаси. 2. Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашлари
Ўқув машгулотининг мақсади: Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчасининг моҳиятини ёритиш. Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашларини ўрганишдан иборат.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>
1. Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчаси.	Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушуниб оладилар.
2. Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашлари	Талабалар Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашларини ўрганадилар.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, “Тармоқлаш” технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологияси (“Миллий мафкура” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2.“Илмий-фалсафий ғоялар, уларнинг миллий мафкуранинг шаклланишидаги ўрни” мавзусида маъруза машгулотининг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машгулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини Ёзиб оладилар
	1.4. Машгулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади	Ёзиб оладилар

	(2- илова)	
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Пирамида” технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Миллий мафкура деганда нимани тушунасиз, унинг дунёвий, илмий, фалсафий илдизларичи?	Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Қандай?» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Марказий Осиёлик олимлардан кимларни мафкура ҳақидаги қарашларини биласиз?	Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар
	2.2. «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар Гуруҳларда ишлайдилар
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб оладилар
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзадилар
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва	”Инсерт” технологиясида

	“Ақлий хужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	жадвални тўлдиради.
--	--	---------------------

1-илова

9-МАВЗУ: Илмий-фалсафий ғоялар, уларнинг миллий мафкуранинг шаклланишидаги ўрни.

Режа:

1. Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчаси.
2. Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашлари.

Ўқув машғулотининг мақсади: Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчасининг моҳиятини ёритиш. Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашларини ўрганишдан иборат.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчасининг мазмун-моҳиятини тушуниб оладилар. Талабалар Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашларини ўрганадилар.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло». 12 – 10 балл – «яхши». 9 – 6 балл – «қониқарли».

Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчаси

Фалсафий ғоялар ҳар бир фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этадиган, олам ва одам тўғрисидаги энг умумий тушунча ва қарашлардир. Улар бизни ўраб турган дунёни билиш жараёнида, кишилиқ жамиятининг тараққиёти мобайнида тўпланган билимларни умумлаштириш, инсон ҳаётининг маъно-мазмунини, унинг бахт-саодати каби масалалар устида мулоҳаза юритиш асосида шаклланади.

Инсоният тарихида турли халқларнинг ақл-заковат соҳиблари, доно файласуф ва алломалари турфа хил ғоялар яратганлар. (Сиз улар билан фалсафа тарихини ўрганиш пайтида батафсил танишгансиз.) Аммо, фалсафий ғоялар ҳақида гап кетганда, жаҳон фалсафий тафаккури ривожига бекиёс ҳисса қўшган ўзбек мутафаккирлари яратган меросни ёдга олмаслик мумкин эмас.

Илмий ғоялар - фан тараққиётининг самараси, илмий кашфиётларнинг натижаси сифатида пайдо бўладиган, турли фан соҳаларининг асосий тамойиллари (принциплари), устувор қоидаларини (постулатларини) ташкил қиладиган илмий фикрлардир.

Ғояларнинг «ҳаёти», уларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, бошқа ғоялар билан ўзаро муносабати, кураши, ва ниҳоят, эскирган ғояларнинг янгилари билан алмашилиши, айниқса, илмий ғоялар мисолида яққол намоён бўлади.

Қадимги юнон файласуфлари табиий жисмларнинг энг кичик, бўлинмайдиган зарраси сифатида «атом» тушунчасини киритган эдилар. Птоломей-Аристотелдан тортиб, ўрта асрдаги Улуғбек астрономиясигача дунёнинг маркази Ер деб ҳисоблаб келганлар; Евклид геометрияси, Ньютон механикаси, Дарвин таълимоти ҳам ўз давриининг энг илғор илмий ғояларига асосланган эди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁЛИК ОЛИМЛАРНИНГ МАФКУРА ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ


4-Илова

1. Абу Наср Муҳаммад Форобий Марказий Осиё халқлари ва бутун шарқнинг машхур файласуфи ва олимларидан бири эди. Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқшунос, математик, астроном, химик, медик, психолог, мусиқа санъатининг йирик назариётчиси, грек маданияти, фани ва фалсафасини эгаллаган эди. Форобий энг йирик Аристотелшунос, унинг фалсафаси, табиий-илмий назарияси ва асосларини чуқур билган файласуф эди. Шунинг учун Форобийни ҳаётлигидаёқ «Ал муаллим ас-соний» (2-устоз), яъни 2-Аристотель деб фахрий ном билан атаган эдилар. Форобий Аристотель асарларини араб тилига таржима қилиб, унга шарҳлар ёзади, шу билан бирга 160 дан ортиқ нодир асарлар яратди. Форобий «Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари», «Давлат ҳақида рисола» каби қимматли асарларини бизга мерос қилиб қолдирди.

2. Ўрта асрларда яшаб ижод қилган яна бир олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эди. Унинг бизгача етиб келган «Мафотих ал-улум» («Илмлар калитлари») асари бўлиб, унда ўрта асрлардаги фанларнинг ривожланиши ва ҳолатини анча муккамал акс эттирган. Муаллиф асарда ўз давридаги ҳар бир фаннинг мазмунини, унинг атамаларини шарҳлаш йўли билан тушунтириб беради. Ушбу асарда фалсафа, мантиқ, тиб, илму-н-нужум, мусиқа ва бошқа фанларнинг асослари берилган. ал-Хоразмий йипа лавола юқопи лапажала ривожланган фанларни маълум тартибга

1-ўқув топширик «Қандай?» технологияси

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай?” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



2-ўқув топширик ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурух

Савол	Мафкура ҳақида кимларнинг қарашлари ҳақида биласиз?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гурух

Савол	Илмий-фалсафий ғоялар деганда нимани тушунаси?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

7-илова

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Илмий фалсафий ғоялар нималардан иборат?
2. Илмий фалсафий ғоялар жамият ҳаётида қандай ўрин тутади?
3. Марказий Осиёлик алломалардан кимларни биласиз?
4. Ал-Хоразмийнинг қандай бой мероси бор?
5. Абу Наср Форобийнинг фозил инсонлар тўғрисидаги қарашлари нималардан иборат?
6. Амир Темур мафкураси нималарга асосланади?
7. Мафкуранинг бош мақсади нима?
8. Утмиш ва бугунги кунда мафкура тўғрисидаги қарашлар ҳақида нималарни биласиз?

Инсерт технологиясидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

9-мавзу: Илмий-фалсафий ғоялар, уларнинг миллий мафкуранинг шаклланишидаги ўрни

1. Дунёвий, илмий-фалсафий ғоялар тушунчаси

Илм-фан тараққиёти атомнинг бўлинишини, коинот маркази Ер эмаслигини ҳам ишончли далиллар билан исботлади; квант механикаси, ирсият назарияси ва бошқа кўплаб кашфиётлар қилинди.

Дунёга А.Эйнштейн, Н.Бор, Ф.Резерфорд, М.Кюри ва бошқаларнинг номларини машҳур қилган ядро физикаси соҳасидаги кашфиётлар ҳам илмий ғоялар асосига қурилган. XX асрда инсоният ниҳоятда кўп илмий ғояларни амалиётга айлантирди. Космик ракеталар, компьютер ва уяли телефонлар, телевидение ва бошқа соҳалардаги ютуқлар бунга ёрқин мисол бўлади.

Фан тараққиёти узлуксиз ва чексиздир. Бу жараёнда амалиётда тасдиқланмаган, эскирган қарашлар янги илмий ғоялар билан ўрин алмашаверади.

Фаробийнинг фозил одамлар шахри тўғрисидаги, тасаввуф даҳоларининг комил инсон ҳақидаги, Ибн Синонинг тана ва руҳ муносабатига оид, Алишер Навоийнинг адолат ва инсонийлик борасидаги теран фикрлари фалсафий ғояларнинг ёрқин намунасидир.

Мафкурамизнинг фалсафий негизларини, аввало, ижтимоий тафаккурнинг мумтоз намуналари бўлган дунёвий, диний, афсонавий қарашлар, дунё фалсафаси дурдоналари белгилайди. Қадимги юнон файласуфи Гераклит ўзининг Шарқда ўтган ғоявий устозларини, «Авесто»дек

муқаддас китобда битилган фалсафий фикрларни назарда тутиб, юртимизга «фалсафий тафаккур бешиги» деб таъриф берган эди.

«Авесто»да ифодаланган фалсафий тамойиллар ва миллий ғоялар, эзгулик ва ёзузлик ўртасидаги кураш, олам ва одамнинг яралиши, инсон ва унинг камолоти ҳақидаги диний ва илмий қарашлар, поклик, ҳалоллик, мардлик каби комил инсон сифатлари бугунги дунёқараш шаклланишига самарали таъсир ўтказади.

Буюк донишманд аجدодларимизнинг озодлик тўғрисидаги ғоялари, бу борада ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик. Айниқса, ўнлик санок системасини бутун инсоният учун энг қулай бўлган ҳисоблаш тизимига айлантирган, инсониятга «Алгебра» фанини ҳадя этган, алгоритмик кетма-кетлик услуби ҳақидаги илк ғояни кашф қилган Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг дунёвий кашфиётлари, табиатшуносликка оид бир қатор фанларни кашф этиб, том маънода Шарқ натурфалсафасининг отаси бўлган Абу Райҳон Берунийнинг ижтимоий-ахлоқий қарашлари бугунги кун учун ҳам муҳим. Фалсафа тарихи, мантиқ, мусиқашунослик, ахлоқ сингари соҳалардан ташқари, социологияга оид илк фалсафий системани ишлаб чиққан Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият ҳақидаги қарашларининг ўз ўрни бор. Нафақат медицина фанининг асосчиларидан, балки мантиқ илмида ҳам мутафаккирлардан бири бўлган рационализм ва иррационализмни синтез қилиш асосида инсон руҳиятини нигилистик инқироздан асраб қолган, XX аср ғарб файласуфлари, экзистенциалистлари томонидан ғарбий Европани маънавий тушқунликдан қутқарилишида асос бўлган ана шу ғоя асосчиси - Абу Али ибн Синонинг дуализм таълимоти ҳам бунда ўз ўрига эга. Мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг комил инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалари, Бобур ва Машраб, Бедил ва Дониш ҳамда асримиз бошидаги маърифатпарвар зиёлиларнинг фаолияти ҳам миллий ғоя ва истиклол мафкурасининг теран томирларидир.

Миллий истиклол мафкурасининг фалсафаси, унинг маъно-мазмун, асосий ғоя ва тамойиллари миллий давлатчилигимизни қайта тиклаб, жамиятимизнинг тараққиёт йўлини назарий ва амалий жиҳатдан белгилаб берган Президентимиз Ислом Каримов асарларида чуқур ифода этилган. Бу асарларда мамлакатнинг ривожланиш йўли, унинг ўзига хос хусусиятлари, олдимизга қўйилган улуғвор вазифаларни амалга ошириш имкониятлари кўрсатиб берилган.

Миллий истиклол мафкурасининг фалсафий асоси умуминсониятнинг бой тарихий ўтмишига, шунингдек, қадимги Шарқ, Юнон, Рим ва бошқа фалсафа мактабларининг меросига ҳам таянади. Хусусан Сукрот, Платон, Аристотель сингари мутафаккирларнинг асрлар давомида ўз кадр-қимматини йўқотмай келаётган доно фикрлари, жаҳон фалсафасининг ўрта асрлар ва ҳозирги замон намояндаларининг қарашлари ҳам миллий истиклол мафкураси тамойилларини асослаш ва бойитиш, уларга ҳаётий руҳ бағишлашда муҳим аҳамият касб этади. Конфуцийнинг фалсафий ҳикматлари, Платоннинг «ғоялар дунёси ва соялар дунёси» тўғрисидаги таълимоти, Гегель

диалектикаси, гуманистик замонавий фалсафий оқимларда илгари сурилаётган ғоялар ҳам миллий истиқлол мафкурасининг умуминсоний асосларидир.

Миллий истиқлол ғоясининг асослари, тамойил ва йўналишларини яхши билиб олиш учун юқорида номлари зикр этилган алломаларнинг асарлари, миллий ва умуминсоний маданий мерос намуналарини чуқур ўрганиш бу борадаги асосий вазифа бўлиб қолмоқда.

Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик тамойили – фалсафанинг умумбашарий фан эканини, унинг баҳс мавзулари ва асосий муаммолари белгилаб беради. Шу маънода одам ва олам, уларнинг ибтидоси ва интиҳоси, ҳаёти ва ўзаро муносабатлари, инсон мафкураси, табиат ва жамият тараққиётининг умумий қонуниятлари фалсафа учун азалий муаммолардир. Шу билан бирга, муайян даврда туғиладиган ва ҳал этиладиган ўткинчи муаммолар ҳам бўлади. Улар абадий муаммолар даражасига кўтарилмаса-да, ўз даврининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққани учун муҳим аҳамият касб этади. Фалсафа янги ғояларнинг туғилишига имкон беради. Ҳаёт ижтимоий тажриба билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланади. У тарихий давр билан мустаҳкам алоқадорликда тараққий этади. Ҳар бир тарихий давр, унинг олдида янги масала ва муаммоларни қўяди. Айнан улар орқали фалсафада даврнинг тараққиёт тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари акс этади. Масалан, ҳозирги даврда истиқлол мафкураси фалсафий асосларини изоҳлаш зарурати шу билан белгиланади. Фалсафий таълимотларда жамият ҳаётининг барча соҳалари тарихий жараёнга хос тамойиллар, ижтимоий гуруҳларнинг манфаат ва кайфиятлари, тафаккур усуллари ўз аксини топади. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий куч, синф, гуруҳ, партия ва оқимлар ўз мақсад-муддаolari ва ғояларини илмий асослашда фалсафадан фойдаланади. Фалсафадаги устувор қараш ва қоидалар давр маҳсули бўлгани учун, замоннинг тараққиёт тамойиллари ва муаммолари унда ўз ифодасини топади. Фалсафа умуминсоний фан сифатида башариятга доир умумий муаммоларни қамраб олади. Маълумки, олам ва одам муносабатлари, жамият ва табиатни асраш, умрни мазмунли ўтказиш, яхшилик ва ёмонлик каби қадриятлар билан боғлиқ масалаларнинг барчаси инсоният учун умумий. Аммо фалсафада муайян миллий хусусият, мақсад ва интилишлар ҳам ўз ифодасини топади. Аслида, юқорида зикр этилган умуминсоний мавзу, масала ва муаммоларнинг барчаси аввал, бошда хусусий, миллий минтақавий аҳамиятга молик масалалар тарзида намоён бўлади. Ўз юрти, миллати, ота-онаси ва ёр-биродарларини севган ватанпарвар инсон, аввало, ана шуларнинг қамоли учун қайғуради, уларни ўйлайди, уларга хизмат қилишни олий саодат деб билади. Бундай шахс дунёқарашида ана шу жихат ва хусусиятлар албатта акс этади. Бу эса, ўз навбатида, умуминсоний фан бўлган фалсафада миллийликнинг акс этишига асос бўлади. Умуминсонийлик — ватансизлик (космополитизм) бўлмагани сингари, миллийлик ҳам—миллий қобикқа ўралиш, миллий маҳдудлик дегани эмас. Ватанимиз мустақилликка, эришганидан кейин миллий фалсафани шакллантириш учун имкониятлар очилди. Бугун улуғ аجدодларимиз тамал тошини қўйган ўзбек миллий фалсафасини ривожлантиришнинг объектив ва субъектив шарт-шароитлари мавжуд.

Марказий Осиё жаҳоннинг илм, фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи ниҳоятда бой минтақалардан бири.

Милоддан илгари X-VIII асрларда Турон (Марказий Осиё)да ижтимоий муносабатлар раванқ топа бошлайди. Шу даврда Марказий Осиёда яшаган халқлар Юнон тарихчилари томонидан скифлар деб аталса, Эрон манбаъларида саклар деб номлаганлар. Аммо катта ҳудудга тарқалиб кетган турк қабилалари яшайдиган улкан маскан Туркюк, Турон, Туркистон деб атаб келинган. Собиқ Шўролар даврида шу масканларни Ўрта Осиё, Марказий Осиё деб аташ расм бўлган.

Қадимги Турон халқлари ҳаётида дехқончилик ва чорвачилик муҳим аҳамият касб этган. Бу ҳудудда дехқончилик сунъий суғоришга асосланган бўлиб, у суғориш иншоотларининг ривожланишига олиб келган. Шундай қилиб дастлабки маданий марказлар вужудга кела бошлайди. Мана шу даврда Туронда оромийлар алифбоси кенг тарқалган. Унинг асосида эса Хоразмликлар, Сугдиёналиклар алифбоси вужудга келади. Шу билан бирга бу жойда яшаётган халқларнинг бой адабий мероси пайдо бўла бошлайди. Туронликларнинг оғзаки ижодининг энг дастлабки намуналари бизгача етиб келган. Масалан, Тўмарис, Спитамен, Зарин, Чўпон, Широқ ҳақидаги афсоналар шулар жумласидандир. Уларда Турон халқларининг ватанпарварлик хислатлари мадҳ этилади.

2. Милоддан аввалги VII асрдан Туронда зардуштийлик ва у билан боғлиқ дунёқараш ҳукмронлик қилган.

Зардуштийлик фақат дин бўлиб қолмай, балки ўша даврнинг ҳукмрон мафкураси ҳам эди.

Зардуштийликнинг муқаддас китоби «Авесто» материали (12000 ошланган қора мол терисига ёзилган) милоддан илгари бир қанча асрлар давомида тўпланган. Александр Македонскийнинг босқинчилик даврида унинг кўп қисми йўқолган. Эронлик Аршохийлар даврида унинг қолган қисми «Авесто» сифатида тартибга солинган.

Унда Турон ва Эрон халқларининг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, ахлоқий қарашлари ва умуман дунёқарашини ўз ифодасини топган.

«Авесто»да ўтмиш аجدодларимизнинг диний тасаввурлари, коинот ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёти, географияси, табиати, табобати, илм-фани ўз аксини топган. Унда қадимги Турон ўлкасининг иқлими, суви, хайвонот дунёси, ер тузилиши, саҳролари, тоғлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган.

Ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна-фасод «Авесто»да қаттиқ қораланса, ваъдага вафо қилиш, аҳдга садоқат, самимият, холислик, ўзаро иззат-икром каби одамлар ўртасида устивор бўладиган ахлоқий қоидалар улуғланади. «Авесто» дунёни инсон учун синов майдони деб тушунтиради.

«Авесто»да одамларни иймонли бўлишга, доимо пок-тоза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёвуз ният ва сўзлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, диний ўғитлар, фалсафий ғоялар ниҳоятда кўп.

«Авесто»да кайд этилган энг мухм фалсафий фикрлардан бири – инсонларни меҳнат қилишга, ўз қўллари билан моддий бойликлар яратиб, тўқ-фаровон ҳаёт кечиришга даъватлардир.

Зардуштийлик дини ва унинг «Авесто» китобида дунёнинг моддий асоси деб ҳисобланган ер, сув, ҳаво, олов муқаддаслаштирилади. Ер ва ҳаво шундай эъзозланганки, ҳавони булғаш, ифлослантириш, ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга қўмиш, сувга оқизиш, оловда ёқиш гуноҳи азим бўлган. Марҳумлар ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб қўймасликлари учун уларнинг суяқларини махсус сопол идишлар – остадонларда қўмиш расм бўлган.

Шундай қилиб, «Авесто» яккахудочилик (вахдоният)га асосланган дунёда энг биринчи дин бўлган. Ундаги барча асосий ғоялар ҳозирги жаҳон динларида ўз мужассамини топган. Шунинг учун инглиз тадқиқотчиси Мэрэ Бойс хоним зардуштийликни билмай туриб, жаҳон динлари моҳиятини англаш қийин, дейди. Зардуштийликнинг муқаддас китобида аждодларимизнинг узок ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг қомусий йиғиндиси, тили, ёзуви, бой маданияти, фалсафаси, бадий ижоди ўз ифодасини топган. Бироқ, уруғлар, қабилалар, элатлар ўртасидаги келишмовчиликлар, ўзаро можаролар ташқи душманлар учун қўл келади. Туронни аввал Эрон шохлари босиб олади. Кейин эса греклар уни ўз мустамлакасига айлантиради. Турон халқлари, элатлари бирлашган даврларда йирик қўшни давлатлар улар билан ҳисоблашганлар, савдо-сотик алоқаларини кенгайтиришга интилганлар. Айни чоғда улар бу қўхна халқнинг «орасини бузиб, ҳукмронлик қил» тамойилига амал қилиб, уларни парчалаб юборишга муваффақ бўлганлар. Бу аччиқ тарихий ҳақиқатлар Тош битикларда ўз ифодасини топган: Турк ҳоқонлари унда турк қавмларига мурожаат қилиб, сизлар бирлашсангиз душманлар хизматингизда бўлади, мабода парокандаликка йўл қўйсангиз, унда сизлар душманлар малайига айланасизлар, деган маънодаги фалсафий фикрлар бор.

Эрон ҳоқонлари зардуштийликдан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. Ундаги бирлик, эзгулик учун кураш ғоялари қадрсизланиб борди.

3. Бундай шароитда бошқа ғоялар тарқалиши учун қулай муҳит юзага келди. Ироқда туғилган ва даставвал Эрон шохлари марҳаматига сазовор бўлган Моний (216-277) кейинчароқ қувғинга учради ва ижодининг кўп қисмини Туронда рўёбга чиқарди. У зардуштийлик, христианлик, яҳудийлик (иудаизм) динларини бирлаштириб, Монийлик номи билан ягона дин яратмоқчи бўлди. У яккахудолик ва христианликдан ҳалоскорлик ғоясини, зардуштийликка қиёсан нур ва зулмат ғоясини олади. Бу таълимотда Моний ўзи Само нури элчиси ҳисобланади. Борлиқнинг 2 субстанцияси - ёруғлик, яхшилик ва руҳ олами билан зулмат, ёвузлик, материя олами ўзаро курашади, деб таълим беради. Моний, биринчи оламда худо, иккинчисида шайтон ҳукм суради, дейди. Икки олам кураши фалокат билан тугайди, натижада материя ҳалокатга учраб, руҳ озодликка чиқади. Моний таълимотига қўра, инсон руҳ-нур ва жисм-зулмат бирлигидан иборат мавжудот бўлгани сабабли, у зулмат кучларига қарши курашда руҳи покланиб, нур фарзандига айланади.

Монийнинг бу таълимоти авом халқ орасида кенг тарқала бошлади. Бундан таҳликага тушган шох Баҳром уни остириб юборди.

Маздакийлик ҳам Туронда кенг тарқалган. Унинг асосчиси Маздак (470-529) зардуштийлик кохинлари ва зодагонларига қарши курашга бошчилик қилган. Унинг таълимотига кўра, оламда эзгулик, ёруғлик манбаъи билан қоронғулик (жоҳиллик) ўртасидаги курашда «яхшилик» «ёмонлик» устидан ғалаба қозонади.

Маздакийлик ғоялари Эрон ва Туронда кенг ёйилиб, салтанат ҳамда бой-зодагонлар учун хавф солади. Чунки бу таълимотга кўра, ўзига тинч, бой одамлар ночор кишиларга ёрдам қўлларини чўзишлари керак эди. Акс ҳолда улар мулкининг бир қисми зўрлик билан қашшоқларга олиб бериларди. Маздакийлик ҳаракати бостирилиб, Маздак қатл этилган бўлса-да, аммо унинг таълимоти Эрон, Турон, Озарбайжон халқларининг зулмга, адолатсизликка қарши курашида қўл келди. Туронни араблар босиб олгач, уларга қарши кураш (Муқанна, Бобак қўзғалонлари) учун ғоявий мадад ролини ўйнади.

3. Марказий Осиёлик алломаларимизнинг мафкура тўғрисидаги қарашлари

Жаҳонга машҳур олимлардан бири Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий бўлиб, унинг математика, астрономия, жўғрофия, табобат, тарихшунослик соҳасидаги нодир асарлари фалсафий фикрлар ривожига ҳам катта ҳисса бўлиб қўшилди. Олимнинг энг машҳур асарлари: «Ал-жабр ва-л муқобала», «Китоб сурат ал арз», «Ер сурати», «Астрономик жадваллар», «Қуёш соати тўғрисида рисола», «Ҳинд ҳисоби ҳақида рисола», «Устурлаб қуриш ҳақида китоб», «Зиж», «Астрономик жадвал», «Муסיқа бўйича рисола», «Тарих бўйича рисола» каби асарлари унинг илмий тафаккури бениҳоя кенглиги, қомусий аллома эканлиги, нафақат ўз даврининг, балки ҳамма замонларнинг энг буюқ қомусий олими эканлигидан далолат бериб турибди.

Шарқда ва жаҳонда табиий ва аниқ фанлар ривожига салмоқли ҳисса қўшган буюқ алломалардан яна бири Аҳмад ал-Фарғонийдир. Фарғонийнинг асосан олти китоби бутун дунёга маълум ва машҳур.

1. «Китоб фи усул илм ан-нужум», яъни «Астрономия илмининг усуллари ҳақидаги китоб».

2. «Ал-Фарғоний жадваллари».

3. «Ой Ернинг устида ва остида бўлганида вақтни аниқлаш рисоласи».

4. «Устурлаб билан амал қилиш ҳақидаги китоб».

5. «Етти иқлим ҳисоби».

6. «Устурлаб яшаш ҳақидаги китоб».

Унинг ушбу асарларида коинот харитаси тузилган, Ер ва фазовий сайёралар ҳажми, иқлимлар, жўғрофий кенгликлар тўғрисида кузатувлар орқали асосланган янги маълумотлар берилган, илм-фаннинг янги йўналишларига асос солинган. Қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириш, тадқиқотда ҳиссий ва ақлий мушоҳада муштараклиги

алломага хос хусусиятлар сифатида илмий дунёкарашни шакллантиришнинг муҳим омиллари бўлиб келди.

Абу Наср Муҳаммад Форобий Сирдарё бўйидаги Фороб қишлоғида туғилиб, ўз Ватанида ва сўнгра Боғдод ва Дамашқда билим олди. У Марказий Осиё халқлари ва бутун шарқнинг машҳур файласуфи ва олимларидан бири эди. Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқшунос, математик, астроном, химик, медик, психолог, мусиқа санъатининг йирик назариётчиси, грек маданияти, фани ва фалсафасини эгаллаган эди. Форобий энг йирик Аристотелшунос, унинг фалсафаси, табиий-илмий назарияси ва асосларини чуқур билган файласуф эди. Шунинг учун Форобийни ҳаётлигидаёқ «Ал муаллим ас-соний» (2-устоз), яъни 2-Аристотель деб фахрий ном билан атаган эдилар. Форобий Аристотель асарларини араб тилига таржима қилиб, унга шарҳлар ёзади, шу билан бирга 160 дан ортиқ нодир асарлар яратди. Форобий «Фалсафани ўрганишда нималарни билиш керак?», «Фалсафий саволлар ва уларга жавоблар», «Шеър санъати», «Шоирларнинг шеър ёзиш санъати қонунлари ҳақида», «Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида», «Мусиқа ҳақида сўз», «Оҳанглар таснифи ҳақида китоб», «Масалалар булоғи», «Ақл тўғрисида», «Инсон аъзолари ҳақида рисола», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари», «Давлат ҳақида рисола» каби қимматли асарларини бизга мерос қилиб қолдирди.

Форобий Аллоҳни «биринчи сабаб», «биринчи моҳият» деб изоҳлайди. У сабаб-оқибат муносабатларида биринчи сабабни худо деб билади. Ундан кейинги сабабларни материя билан боғлайди. Материя ўз сабабига, яъни худога хос бўлган барча хусусиятларга эгадир. Унингча, материясиз, яъни оқибатсиз сабаб ҳам бўлиши мумкин эмас. Дунё, табиат худо томонидан қисқа муддат ичида яратилган эмас, дейди олим. Унинг фикрича, дунё худодан бошқа моҳиятга эга бўлган борлиқ бўлмасдан, худонинг зуҳр этилишидир. Табиатнинг бу ҳолга келишига қадар бир қанча вақтлар, жараёнлар ўтган. Шундай қилиб, Форобий барча мавжудотни, оламни, материяни биринчи сабаб – худодан келтириб чиқаради. Форобийнинг фикрича, материя оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг асосидир. Дунёнинг моддий асоси ёки материя тупроқ, сув, ҳаво, олов ва осмондан иборат бўлиб, Форобий таълимотича, осмон жисмлари ҳам ердаги жисмлар ҳам ана шу унсурларнинг бирикувидан вужудга келади. Форобий фикрича, оламдаги ҳар бир предмет материя ва шаклдан иборат бўлиб, материя ҳам шакл, ҳам тенг аҳамиятга эга бўлган сабаблардир. У ҳаракат материянинг объектив хусусияти, моддий олам эса ҳаракатнинг манбаидир: оламдаги предмет ва ҳодисалар тўхтовсиз ҳаракат ва ўзгаришда, ҳаракат ва ўзгаришнинг сабаби эса бошлангич моддий элементларнинг турлича қўшилишидадир, деган фикрни илгари суради. Форобийнинг билиш ҳақидаги фикрлари ҳам эътиборга лойиқ, унинг таълимотича, моддий олам инсон, унинг сезгиси, ақлдан аввал мавжуд бўлган. Инсон ва унинг ақли эса - моддий олам ривожининг олий маҳсулидир, инсон ҳайвондан ўзининг сезги аъзолари, табиатни билиш қобилияти, ақли, тили билан фарқланади; инсон моддий оламни бирин–кетин ўсиб етишган сезги аъзолари орқали била бошлайди ва ундан ақлий билиш мантикий

тафаккургача кўтарилади. Форобий билишда инсон ақлининг ролига катта баҳо берган. Инсон ақли тафаккур ёрдамида табиатни, борлиқни, материяни, ижтимоий ходиса ва жараёнлар моҳиятини, маъносини билади. Форобий ўзининг ижтимоий қарашларида инсоният жамияти вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий сабабларини, ахлоқнинг шаклланишини, инсон ва жамиятнинг ўзаро муносабатини, инсонийлик, адолат, етук жамоа, комил инсон каби масалаларни назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади.

Ўрта аср буюк олимларидан бири, ўзбек халқининг улуғ фарзанди, энциклопедист олим, географ, геолог, астроном, математик, философ, тилшунос, этнограф, табиб Муҳаммад Ибн Аҳмад Абу Райхон Беруний 973 йил 4 октябрда қадимги Хоразмнинг марказий шаҳри Қиётда туғилди. Беруний ўз умри давомида 152 асар яратди. Шулардан энг машҳурлари «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Маъсуд қонуни», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана»дир. Беруний ўз даврида тажрибавий билимларни пухта эгаллаган олимлардан бўлиб, бу унинг табиий-илмий ва фалсафий қарашларининг муайян томонларини аниқловчи муҳим омиллардан ҳисобланади.

Умуман, Берунийнинг табиий-илмий мероси, аниқ фанлар бўйича кўтарган муаммолари ўз даврида оламнинг умумий манзарасини яратишда, яъни фалсафий дунёқараш шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Беруний ўз астрономик жадвалида оламнинг маркази Ер эмас, балки қуёшдир, ҳамма планеталар, шу жумладан Ер ҳам қуёш атрофида айланади, деган гелиоцентрик гипотезани олға сурди. Берунийнинг бу илмий хулосаси 500 йилдан кейин улуг астроном Коперникнинг гелиоцентрик системасида илмий асосда тасдиқланди. Беруний Абу Али ибн Сино билан қилган мунозарасида коинотдаги планеталар, шу жумладан Ер ҳам ўзаро тортишиш кучига эга, деган хулосага келади. Унинг бу илмий тахмини XVIII аср бошида инглиз олими Ньютон кашф этган бутун дунё тортилиш қонуни билан илмий жиҳатдан асосланди.

Инсоният Абу Али ибн Синони жаҳон фани ва Уйғониш даври маданиятининг йирик арбобларидан бири сифатида билади ва эъзозлайди. Ибн Сино 400 дан ортиқ асарлар ёзди. Унинг ёзган асарлари илм–фаннинг барча соҳаларига таалуқлидир. Шундан 242 таси бизгача етиб келган. Аллома асарларидан 80 таси фалсафа, илоҳиёт, тасаввуфга, 43 таси табобат, 19 таси мантиқ, 26 таси эса рухшуносликка бағишланган. Ибн Сино ўз асарлари билан Марказий Осиё халқлари маданиятини дунё маданиятларининг олдинги қаторига олиб чиқди. Шунинг учун ҳам «Шайхурраис» - «Олимлар бошлиғи» деб аталиши бежиз эмас. Олимнинг асосий фалсафий асари «Китобат шифо», «Донишнома», «Нажот», «Китобул инсоф», «Китоб ал қонун фиттиб» китобларидан иборат. Ибн Сино «Донишнома» номли фалсафий китоби 5 хил илмни–мантиқ, тиббиёт, астрономия, мусиқа, илоҳиётни ўз ичига олади. Ибн Сино ўз замондошлари сингари Аллоҳни оламни яратган биринчи сабаб ҳисоблайди.

Ибн Синонинг айтишича, фалсафа борлиқ ҳақидаги фандир. Борлиқ эса абадийдир, у шаклини ўзгартириши, бир кўринишдан иккинчи кўринишга

ўтиши мумкин, лекин унинг ўзи -- материя йўқолмайди. Уни текшириш учун зарурият, имконият ва сабаб категорияларини асос қилиб олиш зарур. Ушбу категориялар орқали инсон олам тўғрисида фалсафий фикрларга эга бўлади. Ибн Синонинг фикрича, оламда зарурий вужуд ва имконий вужуд бор бўлиб, уларнинг биринчиси ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган бир бутунликдир; у қудратли, доно, иродали ва ҳамма нарсани билувчи Тангридир. Иккинчиси имконий вужуд бўлиб, у тангридан келиб чиқади ва уни намоён этади. Бу келиб чиқиш эманация тарзида, яъни қуёшдан чиқаётган нур шаклида мавжуд бўлган ақл, жон ва жисм, улар билан боғлиқ холда осмон жисмлари келиб чиқади. Бу жавҳар (субстанция) бўлиб, ундан ташқари борликда араз (акциденция), яъни нарсаларнинг белгилари, ранги, ҳажми, хиди ва бошқа хислатлари мавжуд. Жисм шакл ва материядан ташкил топади. Моддий жихатдан бир бутун бўлган табиат ўз ички қонуниятлари асосида ривожланади, бинобарин, табиий ходисалар сабабли боғланишга эга бўлиб, уларни ўрганиш мумкин.

Ибн Сино жисмлар 4 унсурдан ташкил топган, - дейди. Бу 4 унсур – ҳаво, сув, олов, тупроқ - ўзаро боғлиқ, бир-бирига таъсир этади. Шундан у ёки бу нарса пайдо бўлади ёки йўқолади. Лекин уларнинг асоси – 4 унсур ўзгармайди, йўқолиб кетмайди. Материя, ҳаракат, вақт ва фазо ўзаро бир-бири билан узвий боғлиқдир. Ибн Сино билиш назариясига ҳам улкан ҳисса қўшган. У инсон билимлари реал объектив нарсалар, уларнинг сабабий боғланишларини билиб олиш орқали вужудга келади, деган. Инсон сезгилари ёрдамида нарсаларни хиссий билса, тушунчалар ёрдамида ақлий билади. У билишда тафаккурнинг ролига юксак баҳо беради.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган яна бир олим Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий эди. Унинг бизгача етиб келган «Мафотих ал-улум» («Илмлар калитлари») асари бўлиб, унда ўрта асрлардаги фанларнинг ривожланиши ва ҳолатини анча мукаммал акс эттирган. Муаллиф асарда ўз давридаги ҳар бир фаннинг мазмунини, унинг атамаларини шарҳлаш йўли билан тушунтириб беради. Ушбу асарда фалсафа, мантиқ, тиб, илму-н-нужум, мусиқа ва бошқа фанларнинг асослари берилган, ал-Хоразмий ўша даврда юқори даражада ривожланган фанларни маълум тартибга тушириш ва тасниф қилишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий фалсафанинг назарий қисмига табиётшунослик фанларини, амалий қисмига этика, сиёсатшунослик ва бошқарувни қўяди. Зарурий борлиқни худо ва унинг қудрати (биринчи сабаб) билан изоҳласа, имконият даражасидаги борлиқни моддий олам ва ундаги сабабли боғланишлар билан изоҳлайди. Материя унинг назарида 4 унсурдан ташкил топади ва улар фазо ва вақтда мавжуд бўлади. Ҳаракат материянинг атрибути эканини тан олади. Аммо унда ақл, руҳ, жон каби номоддийлик бор, деб ҳисоблайди. Ақлни «фаол ақл», «моддий ақл» ва «ўзлаштирилган ақл»га бўлади.

Туркий забон адабиётининг йирик ва забардаст мутафаккирларидан бири Аҳмад Югнакийдир. Унинг бизгача етиб келган ягона илмий мероси «Хибатул-хақойиқ» («Ҳақиқатлар тухфаси»)дир.

Аҳмад Югнакий ҳам ўзидан олдинги буюк мутафаккирлар сингари илм-маърифатни ёқлайди, илмли кишиларни, олимлар, файласофлар, фозилу фузалоларни улуғлайди. Маърифатпарварликни тарғиб қилади, кишиларни илмли бўлишга чақиради, илмнинг манфаати, жаҳолатнинг зарари ҳақида куйиниб – ёниб гапиради.

Мутафаккир ўзининг сўз юритилаётган асарида ҳиммат ва саҳийликни баҳиллик ва зикналикка қарама-қарши қўяди. Унинг фикрича, халқнинг етуги саҳий кишидир, саҳийлик шараф, мартаба ва камолатингни орттиради. Дунёда яхши ва нуқсонсиз ном саҳийликдир.

Аҳмад Югнакийнинг ахлоқий-фалсафий таълимотида инсонпарварлик, одам-одам билан дўстона ҳаёт кечириши, дўстларга садоқат, вафодорлик каби ғоялар ҳам катта ўрин тутаяди.

Шундай қилиб, Аҳмад Югнакий «Хибатул-хақойиқ» асарида баён этган фикр-мулоҳазалари билан Марказий Осиёда ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий таълимотлар ривожига ўзига хос бетакрор ўрин тутаяди.

Юсуф Хос Ҳожиб - Шарқ халқларининг XI асрда яшаб ижод этган етук шоири ва файласуфи, қомусий олими ва давлат арбобидир. У ўзининг бизга қадар етиб келган ягона дидактик, бадий-фалсафий «Қутадғу билик» («Саодатга йўлловчи билим») номли достони билан жаҳонга маълум ва машҳурдир. Бу асар Шарқда кенг ёйилган ўғит-насихат жанрига мансубдир. Унда ягона қўл остида бирлашган, марказлашган давлатни барпо этиш, мустаҳкамлаш, уни бошқариш йўл-йўриқлари, сиёсий, ижтимоий-ахлоқий, таълимий, маърифий, маънавий масалалар, расм-русум, урф-одат, ўзаро муомала – муносабат қоидалари кенг ва атрофлича баён этилган.

«Қутадғу билик»да одоб-ахлоқ, илм-маърифат, бола тарбияси, жамоат жойларида ўзини қандай тута билиш, сўзнинг аҳамияти ва қадри, меҳмондорчилик қоидалари, турмуш тарзи ва инсон маънавий оламига доир масалалар баён этилган.

Маънавият ва маърифат жарчиси бўлган Юсуф Хос Ҳожиб марказлашган кучли давлат барпо этиш учун курашувчи донишманд, адолатли ҳукмдор қиёфасини ўз асарида ифодалайди. Давлат ва ҳокимият бошлиғи ва унинг сарой аъёнлари, маҳнаткаш оммага муносабатлари қандай бўлиши лозимлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларини аниқ-равшан баён этади. Адолатни юксак даражада эъзозлайди.

«Қутадғу билик» панд-насихатларга, таълим-тарбияга ҳамда муҳим фалсафий ўғит ва йўл-йўриқларга бениҳоя бой, маданият, маънавият ва маърифат асосларини, инсоний қонун-қоидаларни, умуминсоний қадриятларни чуқур ўзлаштириб даъват этадиган ғоялар билан суғорилган том маънодаги қимматли бир илмий манбаъ, бебаҳо қомусдир.

3. Марказий Осиё тарихида Амир Темури, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур ва уларнинг мафкура тўғрисидаги қарашлари

XIV – XVI асрлар Марказий Осиёси тарихга Темурийлар даври номи билан кирган. Чунки халқимиз мўғуллар асоратидан озод бўлиб, марказлашган

мустақил миллий давлатга эга бўлган давр ҳисобланади. Бу давр фалсафаси халқимизнинг Соҳибқирон Амир Темур бошчилигида озодликка эришган ва мустақилликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун амалга оширган буюк ишларининг ифодасидир. Мазкур даврда мамлакатда тартиб–интизом ва қонун устиворлиги таъминланди. Иқтисод, фан ва маданият юксалди, хорижий мамлакатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатилди. Темур ва Темурийлар даврида ислом дини ва тасаввуфга катта эътибор берилди. Ислом асосида шаклланган нақшбандийлик ғоялари бу давр мафкурасининг умумий йўналиши бўлиб қолди. Натижада ислом бағрикенглик динига айланиб, ундаги мутаассибликка мойиллик чеккага чиқиб қолди. Бу ҳол марказлашган давлат барпо этишда, иқтисод, маданият ва илм–фан равнақига эришиш учун маънавий ва назарий асос бўлиб хизмат қилди. Амир Темур ўз фаолиятида унга таяниб иш кўрди.

Соҳибқирон тасаввуфдан мамлакатдаги салбий иллатларни йўқотишда, турли жанжал ва низоларни бартараф қилишда, ҳақиқат ва адолат ўрнатишда, инсонпарварлик ғояларини тарқатишда фойдаланган. Темур тасаввуфдаги покланиш, тўғри ва софдил бўлиш, зино ва фахш ишлар билан шуғулланмаслик, харом–хариш ишлардан қочиш, ҳалол меҳнат қилиш, бирор касбни эгаллаш, мухтожларга меҳр–шафқат кўрсатиш каби шартлардан моҳирона фойдаланди. Темурийлардан Шохрух, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзолар давлатни бошқаришда тасаввуф қоидаларига амал қилиб, илм–фан ва маданиятни ривожлантиришда унинг тажрибаларига таяндилар.

Маълумки, XIV аср ўрталарда Баҳоуддин Нақшбанд асос солган тасаввуф сулуки нақшбандия деб аталади. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида бошқалар меҳнати билан кун кечиришни, текинхўрликни, ижтимоий зулм ва истибдод қатъиян қораланади. Мазкур таълимот тарафдорлари таркидунёчиликка, бой–задагонларнинг зулм ва истибдодига қарши бўлганлар, кишиларни фақат ўз қўл кучи, пешона тери билан ҳалол меҳнат қилиб кун кечиришга чақирганлар. Шунинг учун ўз давридаги илм–маърифатнинг, адабиётнинг йирик намоёндалари бўлмиш Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бедил, Сўфи Оллоёр, Машраб, Махтумқули сингари Шарқдаги улкан тараққийпарвар, инсонпарвар шоирлар ва мутафаккирлар нақшбандия йўлини танлаб, баракали ижодларида унинг кадр–қимматини юксакларга кўтарганлар.

Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда фан ва маданият кенг тараққий этди. Шу даврда Самарқандда Қозизода Румий, Жамшид бин Маъсуди, Муйиддин ва унинг ўғли Мансур Коший, Али ибн Муҳаммад Журжоний, Хиротда Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, улуғ рассом Беҳзод, тарихшунос Хондамир, Султон Али Машҳадий ва бошқалар баракали ижод қилганлар.

Бошқа табиийётшунослар сингари Улуғбек ва унинг шогирдлари моддий оламни киши онгидан ташқарида, объектив мавжудлигига шубҳа қилмадилар ва уни чуқур ўрганишга даъват этдилар. Қомусий илмлар соҳиби бўлган Мирзо Улуғбек риёзиёт, фалакиёт, мусиқашунослик, фалсафа, тарих соҳасида ижод қилган. «Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Рисола дар илми мусиқа», «Рисолаи йирик тарихий китоб»ларнинг муаллифи Улуғбек номи бутун дунёга машҳур бўлди. Айниқса, унга шон-шухрат келтирган

бебаҳо асар «Зижи жадиди Кўрагоний»дир. Бу асар Улуғбекнинг 20 йил давомида олиб борган астрономик кузатишларининг натижаси бўлиб, унинг асосий қисми юлдузлар жадвалидан иборатдир. Улуғбек ўлимидан кейин икки юз йил давомида бу жадвал ўзининг аниқлиги ва илмийлиги билан жаҳонда тенги йўқ ҳисоблаб келинган.

Шу даврнинг ёрқин юлдузларидан бири - ўзбек халқининг улуғ фарзанди, буюк мутафаккир, сиёсий арбоб, инсонпарвар шоир Алишер Навоий эди. (1441-1501).

Навоий фан, адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига доир қирқдан ортиқ асар яратди. «Чор девон», «Ҳамса», «Махбуб-ул қулуб», «Муҳокамат-ул луғатайн», «Мажолисун нафоис» асарлари шулар жумласидандир.

Алишер Навоийнинг фалсафий қарашлари унинг асарларида ўз мужассамини топган.

Уларда борлиқ ва унинг моҳияти, инсон ва инсон ҳаётининг мазмуни ҳақида чуқур фалсафий мулоҳазалар, инсоннинг бахт-саодати ҳақидаги орзу-умидлари, адолат ва ахлоқий камолат, комил инсон ва фозил жамоа, уларга етиш йўллари ва чоралари хусусида изланишлар ўз ифодасини топган. Навоий Борлиқни Аллоҳ зуҳури маъносида тушунган, шу маънода оламдаги барча нарсалар унинг шуъласи, турли рангларда товланишидан иборат, деган нуқтаи назарда турган. Изчил нақшбандий сифатида эса реал ҳаётга реал кўз билан қараган. Унинг фалсафий қарашларида ҳамма нарса 4 моддий элементдан - ўт, сув, ҳаво, тупроқдан ташкил топгани ҳақида ҳам фикрлар учрайди. («Саъди Искандарий»га қаранг). Унингча, худо зуҳуридан иборат бўлган моддий олам доим ҳаракатда ва ўзгаришда. Навоий моддий оламни билиш мумкин эканини асосан эътироф этади. Унингча, билимнинг манбаи реал воқелиқдир, дунёда мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси ҳисларимизнинг предметидан (объектидан) иборат. Навоий инсон ўзининг беш сезги аъзолари орқали ташқи моддий дунё билан алоқа боғлайди ва у тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлади, уларни тафаккур ёрдамида умумлаштиради, қайта ишлайди, сўнгра муайян хулоса чиқаради, дейди.

Алишер Навоий инсонни бутун коинотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тожи деб билади. Инсонни безайдиган гўзал ҳислат ва фазилатлар сифатида одоб-ахлоқли, камтар, мурувватли, ростгўй, меҳнатсевар, саҳий бўлишини алоҳида таъкидлайди.

Алишер Навоий асарлари марказида турган белгиловчи ва йўналтирувчи бош масала – инсон, халқ, Ватан, унинг гуллаб-яшнаши, истиқболи ҳақидаги муаммолардир. Навоий инсон ва унинг тақдири, халқ ва унинг манфаатлари йўлида ғамхўрлик қиладиган кишиларни улуғлайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1529) Темурийлар сулоласининг энг буюк вакилларида бири. Ҳиндистонда «Буюк мўғуллар» салтанатини қурган, туркий, араб-мусулмон, форс-тожик, ҳинд маданияти, бадиий-фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий ва диний-тасаввуфий фикрига катта ҳисса қўшган мутафаккирдир.

Бобурнинг хизмати шундаки, у Ҳиндистонда марказлашган давлатни ташкил этди, мамлакатда тинчлик ўрнатди, ободонлаштириш ва қурилиш

ишларини ривожлантирди, маданият, санъат, адабиёт ва илм-фанни юксалтирди. «Бобурийлар сулоласи» Ҳиндистонда 300 йилдан ортиқ хукмронлик қилиб, темурийлар давлати ва маданиятининг давомчиси сифатида машҳур бўлди.

Бобур нафақат сиёсатчи, сулола асосчиси, ақлли ҳарбий лашкарбоши, балки жуда иқтидорли олим, исломий илмлар, шариат ҳамда тасаввуф ифодачиси, тариқатлар билимдони, мухлиси, буюк сўз устаси, шоир, воиз эди. Унинг ижтимоий-фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, бадиий-ахлоқий қарашлари, у қолдирган жуда бой маънавий мерос – девонлари «Бобурнома» асари, шариат асослари баёни бўлган «Мубаййан» рисоласи, бадиият назарияси бўйича «Аруз рисоласи», Хўжа Аҳрор Валий «Рисолаи волидия»сининг туркий назмий баёни, мусиқа, лашкаркашлик бўйича рисоалар, у ўзи яратган ва қўллай бошлаган махсус алифбо «Хатти Бобурий», туркий-мўғулий қонунчилик анъанасида тузилган «Тузуқати Бобурий»лар бизгача етиб келган.

Бобур дунёқарашининг асосий йўналиши инсонпарварлик, маърифатпарварлик, санъатсеварлик, бадиият, ўз Ватанини севиш, кумсаш ва айни пайтда бошқа халқлар, миллатлар, диний эътиқодларга эътиқодий бағрикенглик, ҳурмат муносабатида бўлиш, қонунни, ҳуқуқ анъаналарини устун санаб, ҳайрли ишларни қилишдир.

Таянч сўз ва атамалар: задуштийлик, монийлик, маздакийлик, конфуцийлик, Марказий Осиёлик алломалар, мафкура, ғоя тўғрисидаги қарашлари, илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашлар, миллиф мафкурани шакллантириш, инсонпарварлик, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Захириддин Муҳаммад Бобур.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

10-мавзу	“Абу Наср Форобийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологияси
-----------------	---

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Талабалар сони: 50-70 гача</i>	<i>Вақти: 2 соат.</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Информацион бахс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	1. Абу Наср Форобийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни. 2. Форобий асарларида илгари

	сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишидаги ўрни.
Ўқув машғулотининг мақсади: Абу Наср Форобийнинг бой илмий ва маънавий меросини талабаларга тушунтириш, шунингдек Форобий томонидан илгари сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришдаги ўрнини ёритиш.	
Педагогик вазифа:	Ўқув фаолиятининг натижаси:
1.Абу Наср Форобийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни.	Талабаларда Абу Наср Форобий ва унинг илмий мероси ҳақида маълумот бериш.
2.Форобий асарларида илгари сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишидаги ўрни.	Талабалар Форобий асарларида илгари сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишидаги ўрнини тушуниб оладилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, “Тармоқлаш” технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
Ўқитиш воситалари	Компьютер технологияси (“Миллий мафкура”фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари кўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2. “Абу Наср Форобийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини Ёзиб оладилар
	1.4. Машғулоти ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2- илова)	Ёзиб оладилар
2 босқич. Асосий жараён	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади	Ёзиб оладилар, саволга жавоб

(60 дақиқа)	(3-илова) Маъруза бўйича “Пирамида” технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Форобий қачон ва қаерда туғилган? 2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Нима учун?» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Форобийнинг қайси асарларини биласиз?	берадилар. Ёзиб оладилар, саволга жавоб берадилар.
	2.2. «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб оладилар
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий ҳужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	”Инсерт” технологиясида жадвални тўлдиради.

10-мавзу: Абу Наср Форобийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни

РЕЖА:

1. Абу Наср Форобийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни.
2. Форобий асарларида илгари сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишидаги ўрни.

Ўқув машғулотининг мақсади: Абу Наср Форобийнинг бой илмий ва маънавий меросини талабаларга тушунтириш, шунингдек Форобий томонидан илгари сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафкурани шакллантиришдаги ўрнини ёритиш

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабаларда Абу Наср Форобий ва унинг илмий мероси ҳақида маълумот бериш. Талабалар Форобий асарларида илгари сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафкуранинг шаклланишидаги ўрнини тушуниб оладилар

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

3-илова

Абу Наср Форобийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни

Ўрта Осиё ва бутун Шарқ уйғониш даврининг буюк олими, ўз даври илғор фалсафий фикрининг асосчиси Абу Наср Форобийдир.

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон ал –Абу Наср Форобий, ҳозирги Чимкент вилоятининг Фароб деган жойида 873-йилда тавваллуд топиб, 950-йилда Дамашқда вафот этган файласуф, қомусий олим Фаробий Тошкентда, Бухоро ва Самарқанднинг олий мадрасаларида таълим олган. У умрининг асосий қисмини Боғдод шаҳрида яшаб, ижод этган. У ёшлигиданоқ юнон олимларининг асарларини қизиқиб ўқиган, етмишдан зиёд тилларни билган. У умрининг охиригача Дамашқда ғарибона яшаб, илм-фан билан шуғулланган. Фан оламида унинг 160 дан ортиқ асарлари мавжуд бўлиб, замондошлари уни «Шарқ Арастуси», «ал Муаллим ас Соний» (Арастудан кейинги иккинчи муаллим) деб номлаганлар. Афлотун, Арасту (Аристотел) Ўқлидис, Ботилимус (Птоломей) асарларига ёзган шархлари фалсафа ва мантиққа оид рисолалари шарку ғарбда машҳур бўлган.

Абу Наср Форобий ўз асарларида ўша давр фанининг барча соҳаларини қамраб олган. «Калом фи-л жавҳар» (Субстанция ҳақида сўз), «Китоб ал-Бурхон» (Исбот китоби), «Ихсо ал - улум» (Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи), «Китоб ул мусиқа ал-кабир» (Мусиқа ҳақида катта китоб), «Рисола фил аъзо ал-инсония» (Инсон аъзолари ҳақида рисола) ва бошқа асарлари фан оламида кенг маълум ва машҳур.

Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият, оламнинг абадийлиги ҳақидаги ғоялари Европанинг уйғониш даврига таъсир ўтказган.

Абу Наср Форобийнинг илмий мероси, умуман ўрта аср Шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот беради. Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарқ мамлакатларида илмий адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзади.

Абу Наср Форобий шунингдек араб ва форс тилларида фалсафий мазмундаги шеърлар ёзган. Абу Наср Форобий асарлари XII-XIII асрлардаёқ лотин, қадимий яҳудий, форс тилларига, кейинчалик бошқа тилларга таржима қилиниб, дунёга кенг тарқалган. Сўнгги асрларда кўчирилган нусхалари кўп мамлакатларнинг кутубхона ва муассасаларида сақланади. Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қадимги Шарқ файласуфлари асарларидан жами 107 рисола, жумладан, Абу Наср Форобийнинг 16 рисоласини (арабча) ўз ичига олган «Ҳақимлар рисоалари тўплами» («Мажмуат расоил ал-хукамо» Қўлёзмалар фонди, 2385-ин.)бор. Бу ноёб қўлёзма Абу Наср Форобий асарларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тўпламдаги Абу Наср Форобий рисоалари 1975 йили қисман ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.


Абу Наср Форобий «Юлдузлар ҳақидаги қоидаларда нима тўғри ва нима нотўғрилиги тўғрисида» рисоласида осмон жисмлари билан ердаги ходисалар ўртасидаги табиий алоқаларни, хусусан, булутлар ва ёмғирлар пайдо бўлишининг Қуёш иссиқлиги таъсирида бўғланишга сабабий боғлиқлигини ёки Ой тутилиши, Ернинг Қуёш билан Ой ўртасига тушиб қолишига боғлиқ эканини кўрсатган эди. Бу билан у осмон жисмларига қараб «фол очувчилар»ни фош қилди. Абу Наср Форобий арзон металлларни қимматбаҳо металлларга айлантиришга уринувчилар танқид қилиб, кимёга табиий илмнинг бир қисми сифатида қаради.

1-ўқув топшириқ «Нима учун?» технологияси

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Нима учун?” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.

**Нима учун Абу Наср
Форобийни на фақат
Шарқда, балки Ғарбда
ҳам ҳурмат билан
эслашади?**

Нима учун?



6-Илова

2-ўқув топшириқ ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Жадвални тўлдириг

1-гуруҳ

Савол	Аждодларимизнинг маънавий-маданий меросида адолатли жамият куриш масалалари қандай акс этади. Форобийнинг эзгу мафкуралари, комил инсон ҳақидаги қарашлари тўғрисида сўзлаб беринг.
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гуруҳ

Савол	Форобийнинг қандай асарлари бизгача етиб келган?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

7-илова

✚ ЎТИЛГАН МАВЗУНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

Блиц-сўров ўтказиш учун саволлар:

1. Абу Наср Форобий қачон вақерда туғилган?
2. Абу Наср Форобийнинг асарларини қайси қисмларга бўлиб ўрганиш мумкин?
3. “Фозил одамлар шахри” асарида фозил инсонларга хос қандай хислар тўғрисида гапирилади?
4. Абу Наср Форобийнинг миллий ғоя ва мафкура ҳақидаги қарашлари нималардан иборат?
5. Форобий асарларида давлатни бошқарувчи инсонга қандай хислар мослиги айтиб ўтилган?
6. “Бахт-саодатга эришув ҳақида” асарида қандай ғоялар илгари сурилган?

Инсерт технологиясидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

10-мавзу. Абу Наср Фаробийнинг, илмий-фалсафий, ижтимоий - сиёсий қарашлари, уларнинг миллий мафкуранинг шаклланишидаги ўрни

1.Абу Наср Фаробийнинг илмий-фалсафий қарашлари, ғоялари ва уларнинг фан тараққиёти, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни

Ўрта Осиё ва бутун Шарқ уйғониш даврининг буюк олими, ўз даври илғор фалсафий фикрининг асосчиси Абу Наср Фаробийдир.

Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлуғ Тархон ал –Абу Наср Фаробий, ҳозирги Чимкент вилоятининг Фароб деган жойида 873-йилда тавваллуд топиб, 950-йилда Дамашқда вафот этган файласуф, қомусий олим Фаробий Тошкентда, Бухоро ва Самарқанднинг олий мадрасаларида таълим олган. У умрининг асосий қисмини Боғдод шаҳрида яшаб, ижод этган. У ёшлигиданоқ юнон олимларининг асарларини қизиқиб ўқиган, етмишдан зиёд тилларни билган. У умрининг охиригача Дамашқда ғарибона яшаб, илм-фан билан шуғулланган. Фан оламида унинг 160 дан ортиқ асарлари мавжуд бўлиб, замондошлари уни «Шарқ Арастуи», «ал Муаллим ас Соний» (Арастудан кейинги иккинчи муаллим) деб номлаганлар. Афлотун, Арасту (Аристотел) Ўқлидис, Ботилимус (Птоломей) асарларига ёзган шарҳлари фалсафа ва мантиққа оид рисоалари шарқу ғарбда машҳур бўлган.

Абу Наср Фаробий ўз асарларида ўша давр фанининг барча соҳаларини қамраб олган. «Калом фи-л жавҳар» (Субстанция ҳақида сўз),«Китоб ал-Бурхон» (Исбот китоби),«Ихсо ал -улум» (Илмларнинг келиб чиқиши ва

таснифи), «Китоб ул мусика ал-кабир» (Мусика ҳақида катта китоб), «Рисола фил аъзо ал-инсония» (Инсон аъзолари ҳақида рисола) ва бошқа асарлари фан оламида кенг маълум ва машхур.

Абу Наср Форобийнинг адолатли жамият, оламнинг абадийлиги ҳақидаги ғоялари Европанинг уйғониш даврига таъсир ўтказган.

Абу Наср Форобий таълимотича ер ва осмон сатхлари жисмлик, яъни моддийлик хоссасига эга. Абу Наср Форобий учун жисмлик, моддийлик абадийлик хусусиятидан ажралмасдир. Абу Наср Форобий ўз таълимотида шакл ва мазмуннинг ўзаро муносабатига катта эътибор беради. Абу Наср Форобий дунёқарашида ижтимоий – сиёсий масалалар, хусусан давлат тузилиши, уни идора этиш, етук жамоага эришиш, бахт-саодатли бўлиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Абу Наср Форобий «Фозил шаҳар аҳолисининг фикрлари» асарида шундай ёзади: Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаши ва олий даражадаги етукликка эришмоғи учун кўп нарсаларга мухтож бўлади. Одамзод ёлғиз ўзи бундай нарсаларга эриша олмайди ва уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади. Шу сабабдан яшаш учун зарур бўлган нарсаларни бир-бирига етказиш керак.

Абу Наср Форобий фикрича кўп фазилатларни ўзида мужассам этувчи шахс жуда кам бўлади. Абу Наср Форобийнинг дунёқараш хусусидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Абу Наср Форобийнинг табиий-илмий фанлар ҳақидаги қарашлари «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида кенг ёритилган.

Унинг талқинича, математика, табиётшунослик, метафизика фанлари инсон ақлини бойитиш учун хизмат қилса, грамматика, мантик, шеърят каби илмлар фанлардан тўғри фойдаланиш, яъни ақлий тарбия учун хизмат қилади.

Абу Наср Форобий таълимотига кўра олам ягона мавжудотдан иборат. Борлиқликнинг келиб чиқиши Абу Наср Форобий таълимотида тўрт унсур - тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан ташкил топади.

Абу Наср Форобийнинг фикрича инсоннинг билимини рухий қобилиятларини чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабдан оқибатга боришини изохлайди.

Абу Наср Форобий «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатнинг билим чексизлигини эътироф этади. Абу Наср Форобийнинг ақл умуман билим ҳақидаги таълимотида мантик(логика) муҳим ўринни эгаллайди.

Абу Наср Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Юнон файласуфлари табиатшуносларини илмий меросини ўрганиш, тарғиб қилишга бағишланган асарлар;

2. Фаннинг турли соҳаларига оид мавзулар;

Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоққа оид ғоялари, яъни унинг умумбахт-фозил давлат ва маърифатпарвар, доно, давлат раҳбари ҳақидаги таълимоти жуда машҳурдир.

Унинг ғоялари, умуман, Марказий Осиёдаги уйғониш даврининг илк назарий асосларидан бўлиб, бу минтақада уйғониш даври Европага нисбатан бир неча аср аввалроқ бошланишига туртки берган. Абу Наср Форобийнинг Европа ва умуман, жаҳон фалсафасига таъсири ўрганилиши лозим бўлган объектлардандир. Ўрта Осиёлик қомусий олим Абу Наср Абу Наср Форобий хурфиқрлилик ривожига улкан ҳисса қўшган.

Абу Наср Форобий, Марказий Осиё уйғониш даври фалсафасини, ижтимоий ҳаётини ва тафаккурини бошлаб берган мутафаккир сифатида ҳам теран ўрганилиши унинг мустақиллик шароитларида адолатли жамият асосларини яратиш ва қуриш ҳақидаги ғояларини амалга ошишига замин яратади.

Абу Наср Форобий асарларини 2 гуруҳга ажратиш мумкин.

1. Юнон файласуфлари, табиатшуносларининг илмий меросини изохлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар;

2. Фаннинг турли соҳаларига оид мавзулардаги асарлари бўлиб, унинг адолатли жамият, фозиллик, адолатли раҳбар ва унинг фазилатлари ҳақидаги ғоя ва қарашлари барча асарларида алоҳида мазмунда акс этган.

Абу Наср Форобий қадимги юнон мутафаккирлари - Платон, Аристотел, Эвклид, Птоломей, Порфирийларнинг асарларига ёзган шарҳларида, айниқса Аристотел асарларига жумладан, «Метафизика», «Этика», «Риторика», «Софистика» ва бошқа асарларини изохлашда қийин жойларини тушунтириб, камчиликларини кўрсатиб бериш билан бирга бу асарларнинг умумий мазмунини очиқ берувчи махсус асарлар яратган.

Абу Наср Форобий шарҳлари Ўрта ва Яқин шарқ илғор мутафаккирларининг дунёқарашларини шакллантиришда, уларни Аристотел ғоялари руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Абу Али ибн Сино Абу Наср Форобий шарҳлари («Метафизика», «Мобардий табиатни») ўқиб Аристотел асарларини тушунганлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг шарҳ ёзиш фаолияти фақат Шарқдагина эмас, балки Ўрта аср Оврўпасини ҳам юнон илми билан таништиришда катта рол ўйнаган. Бу фаолият унинг илмий фаолияти тараққиётининг биринчи босқичини ташкил этиб, у учун ўзига хос мактаб хизматини ўтаган.

Абу Наср Форобий йирик файласуф, тилшунос, мантиқчи, риёзиётчи, психолог, мусиқа санъатининг назарийчиси эди. У юнон маданияти, фани, фалсафасини яхши эгаллаган. Абу Наср Форобий ҳаётлигида «Муаллим ас соний» («Иккинчи устоз»), яъни «иккинчи Арасту» фахрий номга эга бўлган. Абу Наср Форобий нодир асарлар яратган. Унинг «Фозил шаҳар аҳолисининг

фикрлари», «Эхсонул улум» кабилардир. Абу Наср Форобий фалсафада асосан идеалистик мавқеда туради.

Абу Наср Форобий таълим-тарбия масаласида хусусан ақлий тарбияга, маърифатли бўлишга, ақлни мавжуд билимлар билан бойитиш, тўлдиришга катта эътибор беради. Ҳар қандай тарбияни, хусусан ақлий тарбияни, яъни билимларни ўрганишни инсон ёшликдан бошлашлиги зарурлиги тўғрисидаги фикрни Абу Наср Форобий алоҳида қайд қилади.

Лекин, Абу Наср Форобий «ақлли» бўлишни фақат ақлий тарбия, билимдонлик билангина чегаралаб қўймайди. Абу Наср Форобий талқинида «ақллилик» инсоннинг бутун фаолияти – унинг билими, ахлоқи, одоби, ҳаракатлари, қиладиган ишлари мажмуаси билан ўлчанади, яъни ақллилик барча фазилатларнинг бир бутун, яхлит ҳолда мувофиқлигидир.

2. Форобийнинг «Фозил одамлар шахри», «Бахт саодатга эришув ҳақида»ги асарлари ва уларда акс этган асосий ғоялар.

Абу Наср Форобий таълимотида ахлоқий тарбия ҳам ақлли, фазилатли инсон тарбиялашнинг муҳим шартларидан бўлиб, ақлий тарбия хусусан, «Идеал шаҳар аҳолисининг фикрлари» деган асарида ўз ифодасини топади. У қайси тартибда ахлоқли қилиб тарбиялаш, хусусан боланинг қайси хислатларига эътибор бериш каби масалаларига тўхталиб ўтирмайди, балки идеал, ахлоқли инсоннинг абстракт образин яратиш билан, тарбия соҳасида шу образни намуна қилиб олиш зарур деган ғояни олға суради. Абу Наср Форобий бу фазилатлар ичида айниқса доноликка, ақллиликка жуда катта эътибор берган.

Идеал инсон тарбиясида жисмоний ва ақлий хислатлар муҳим ўрин тутати. У разил, ифлос хислатларни қоралаш, ахлоқсиз шахсларни фош қилиш ва уларга олижаноб ахлоқий хислатларни қарама-қарши қўйиш билан ҳам жисмоний, ҳам ахлоқий, ҳар жихатдан етук ва мукамал бўлган инсон идеалини яратади ва уни ҳар қандай таълим-тарбиянинг мақсади сифатида намуна қилиб қўяди.

Абу Наср Форобий эътиқодича, «Ўзида ўн икки туғма хислатларни бирлаштирган инсон ахлоқли бўла олади». Бу хислатлар мажмуаси фозил инсон концепциясига асос бўлади.

* **Биринчидан**, бундай одамнинг барча органлари шу даражада тараққий этган бўлиши керакки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган ишларини осонлик билан бажарсин;

* **Иккинчидан**, барча масалани тезда англайдиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;

* **Учинчидан**, хотираси жуда бақувват бўлсин;

* **Тўртинчидан**, зеҳни ўткир бўлсин;

* **Бешинчидан**, сўзлари аниқ бўлсин, фикрини равон ва равшан баён эта олсин;

* **Олтинчилан**, билиш ва ўқишга мухаббати бўлсин;

* **Еттинчидан**, овқатланишида, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, қимор ўйнашдан йироқ бўлсин;

* **Саккизинчидан**, ҳақиқатни ҳақиқат тарфдорларини севадиган бўлсин;
* **Тўққизинчидан**, руҳи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин;
* **Ўнинчидан**, дирҳам динар ва шу каби турмуш бидъатларига жирканиш билан қарасин;

* **Ўн биринчидан**, ўз табиати билан адолатли ва адолат учун курашувчиларни севадиган, адолатсизлик ва жабр зулмга курашувчиларни севадиган бўлсин;

* **Ўн иккинчидан**, адолатли бўлсин, лекин қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин.

Фаробий ана шу фазилатларнинг ҳаммаси бир кишида бўлмаслигини ҳисобга олиб, давлатни бир киши эмас, балки бир неча киши бошқариши керак, деган фикрни олға сурган.

Шунингдек, Фаробий адолат тамойиллари, фуқароларнинг ўзаро тенглик ва умумий бахтиёрликни амалга ошириш заруратини ҳукмдорнинг қуйидаги 6 та ҳислат ва сифат кўрсаткичларига боғлиқлигини алоҳида таъкидлайди:

- **биринчиси**, донишмандлик;

- **иккинчиси**, аввалги имомлар ўрнатган қонунлар ва тартибларни хотирада яхши сақлаб қолиш ва уларга амал қилиш учун қуввати ҳофизга эга бўлиш;

- **учинчиси**, агар аввалги имомлар давридан бирор (ёки бир қанча) соҳага тааллуқли қонун қолмаган бўлса, бундай қонунни ўйлаб топиш учун ижод, ихтиро қилиш қувватига эга бўлиш;

- **тўртинчиси**, ҳозирги ҳақиқий аҳволни тез пайқаб олиш ва келгусида юз берадиган аввалги имомлар кўзда тутмаган воқеаларни олдиндан кўра билиш учун башоратгўйлик ҳислатига эга бўлиш. Бу ҳислат унга халқ фаровонлигини яхшилаш йўлида керак бўлади;

- **бешинчиси**, аввалги имомлар ўрнатган қонунларга, шунингдек, аввалгиларидан ибрат олиб, ўзи тўқиб чиқарган қонунларга халқ амал қилиши учун сўзлаш - нотикликка эга бўлиши;

- **олтинчиси**, зарур ҳолларда ҳарбий ишларига моҳирона раҳбарлик қилиши учун етарли жисмоний қувватга эга бўлиш, ҳам жанг қилишни, ҳам саркарда сифатида жанггу-жадалга раҳбарлик қилиш учун ҳарбий санъатни яхши билиш.

Кўринадикки, фозиллар шахри ҳокими ҳам жисмоний, ҳам маънавий жихатдан мукамал, қобилиятли, ҳар томонлама етук бўлиши билан бир қаторда доно ҳам бўлиши зарур. **«Доно бўлмаса, фозиллар шахри яхши ҳокимсиз қолади, бундай шахар ҳалокатга юз тутади, фуқаролари эса жабр-зулмга мубтало бўлади»**, дейди Фаробий.

Абу Наср Фаробий дунёқарашида ижтимоий–сиёсий масалалар, хусусан давлат тузилиши, уни идора этиш, етук жамоага эришиш, бахт-саодатли бўлиш масаласи алоҳида ўрин эгаллайди.

Абу Наср Форобий фикрича кўп фазилатларни ўзида мужассам этувчи шахс жуда кам бўлади. Абу Наср Форобийнинг дунёқараш хусусидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Абу Наср Форобийнинг табиий-илмий фанлар ҳақидаги қарашлари «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» асарида кенг ёритилган.

Унинг талқинича, математика, табиётшунослик, метафизика фанлари инсон ақлини бойитиш учун хизмат қилса, грамматика, мантиқ, шеърят каби илмлар фанлардан тўғри фойдаланиш, яъни ақлий тарбия учун хизмат қилади.

Абу Наср Форобий таълимотига кўра олам ягона мавжудотдан иборат. Борлиқликнинг келиб чиқиши Абу Наср Форобий таълимотида тўрт унсур - тупроқ, сув, ҳаво ва оловдан ташкил топади.

Абу Наср Форобийнинг фикрича инсоннинг билимини рухий қобилиятларини чексизлигини, билим билмасликдан билишга, сабабдан оқибатга боришини изохлайди.

Абу Наср Форобий «Илм ва санъатнинг фазилатлари» рисоласида табиатнинг билим чексизлигини эътироф этади. Абу Наср Форобийнинг ақл умуман билим ҳақидаги ғоясида мантиқ (логика) муҳим ўринни эгаллайди.

Абу Наср Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг барча соҳаларида 160 дан ортиқ асар яратган. У турли билимларнинг назарий томонлари, фалсафий мазмуни билан кўпроқ қизиққанлиги учун унинг асарларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Юнон файласуфлари табиатшуносларини илмий меросини ўрганишга тарғиб қилишга бағишланган асарлар;

2. Фаннинг турли соҳаларига оид мавзулар;

Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-сиёсий ва ахлоққа оид ғоялари, яъни унинг умумбахт-фозил давлат ва маърифатпарвар, доно, давлат раҳбари ҳақидаги таълимоти жуда машҳурдир.

Абу Наср Форобий ўрта аср мутафаккирларидан биринчи бўлиб, жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни бошқариш ҳақида билимлар тизимини яратди.

Абу Наср Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги ғоялари билан узвий боғланган. Умуман олганда фозил жамият-комил инсон, бахт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ҳақидаги ғоялари ўз даври учун ҳаёлийдир.

Абу Наср Форобий фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунар билан шуғулланади, улар орасида яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади. Фозил жамоани бошқарувчи подшоҳ доимо ғамхўр бўлиши, ўз манфаатидан бошқалар манфаатини юқори қўйиши зарур.

Абу Наср Форобий фикрича давлатни бошқариш икки хил бўлади. Инсонларни ҳақиқий ва ҳаёлий, сохта бахтга элтувчи давлат тузиш, давлатни

бошқариш санъати ва бошқаришнинг умумий қонунларига биноан назарий билим ва талабларга асосланади. Абу Наср Форобий дин эркинлиги тарафдоридир. Абу Наср Форобий давлатни бошқарувчисининг зарурий фазилатларидан бири, мулоҳазали бўлиш, адолатпарвар, камтар, ҳақиқатгўй ва ақл билан иш кўришдир. Абу Наср Форобий инсон ақлининг билиш қобилиятларини аниқлашга интилади.

Абу Наср Форобий ғоялари фақат Шарқдагина эмас, балки Европада ҳам илғор ижтимоий-фалсафий фикрнинг кейинги тараққиётида муҳим рол ўйнади.

Абу Наср Форобий жамият ривожига етукликка томон интилиш, шунинг учун кураш олиб бориши ва ниҳоят фозил шаҳар, фозил жамият даражасига кўтарилиш ҳақида фикр юритади.

Абу Наср Форобий шундай ёзади: «Фозил жамият ва фозил шаҳар шундай бўладики, шу мамлакатнинг аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунари билан шуғулланиши, чин маънода озод бўладилар» дейди.

Абу Наср Форобий инсон жамоасини катта-кичиклиги нуқтаи-назаридан 3 га бўлади.

1. Буюк жамоа - бу барча жамоаларнинг бирлашуви.
2. Ўрта жамоа - бу маълум халқнинг бирлашуви.
3. Кичик жамоа - бу маълум халқ яшаётган ҳудуднинг маълум қисмини эгалловчи шаҳар аҳолиси.

Абу Наср Форобий шаҳар жамоаларининг бир-бирлари билан таққослаб, уларни қатор турларга ажратади. Аввал у шаҳарни етук, фазилатли, мукамал шаҳар ва етук бўлмаган фазилатсиз, паст шаҳарларга ажратади.

«Муסיқа ҳақида катта китоб»ида ниҳоятда тасирчан куйлар яратганлиги қайд этилади. Абу Наср Форобий муסיқага инсон ахлоқини тарбияловчи сихат, саломатлигини мустаҳкамловчи восита деб қараган. Унинг муסיқа соҳасида қолдирган мероси муסיқа маданияти тарихида оламшумул аҳамиятга эга.

Абу Наср Форобий «Ақл маънолари ҳақида» рисоласида ақл масаласини чуқур талқин қилади. У ақл бир томондан, рухий жараён, иккинчи томондан, ташқи таъсир таълим-тарбиянинг натижаси эканлигини уқтиради. Абу Наср Форобий фикрича, ақл фақат инсонгагина хос бўлган туғма қувват-рухий куч билан боғлиқ.

Абу Наср Форобийнинг ақл, умуман билиш ҳақидаги таълимотида мантиқ илми муҳим ўрин тутди. «Мантиқ санъати кишига шундай қонунлар ҳақида маълумот берадики, - деб ёзган эди у, - бу қонунлар воситасида ақл чиниқади, инсон соғлом фикр юритишга ўрганади».

Абу Наср Форобий мантиқ илми билан грамматика ўртасидаги муштаракликни қайд этади: мантиқнинг ақлга муносабати грамматиканинг тилга муносабати кабидир. Грамматика одамлар нутқини тарбиялагани каби, мантиқ илми ҳам тафаккурни ҳақиқий йўлдан олиб бориш учун ақлни тўғрилаб боради.

Абу Наср Форобий логикаси мусулмон Шарқидаги сўнгги мантикка оид фикрларнинг ривожига катта туртки берди.

Абу Наср Форобийнинг билиш, мантиқ, ақл ҳақидаги фикрлари унинг инсон ҳақидаги таълимоти учун хизмат қилади, унга бўйсундирилгандир. Ақлга эга бўлиш, билимли, мантиқли бўлиш билан чегараланмай, у маълум ахлоқий принципларга, ахлоқий маданиятга эгалик билан якунланиши керак.

Абу Наср Форобий ақлли инсон ҳақида гапириб шундай ёзади: «Ақлли деб шундай кишиларга айтиладики, улар фазилатли, ўткир мулоҳазали, фойдали ишларга берилган, зарур нарсаларни кашф ва ихтиро этишга зўр истеъдодга эга, ёмон ишлардан ўзини четга олиб юрадилар. Бундай кишиларни оқил дейдилар. Ёмон ишларни ўйлаб топиш учун зехн-идрокка эга бўлганларни ақлли деб бўлмайди, уларни айёр, алдоқчи деган номлар билан атамоқ лозим».

Абу Наср Форобий Ўрта асрлар шароитида биринчи бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши, мақсад ва вазифалари ҳақида изчил таълимот яратди. Бу таълимотда ижтимоий ҳаётнинг кўп масалалари-давлатни бошқариш, таълим-тарбия, ахлоқ, маърифат, диний эътиқод, уруш ва яраш, меҳнат ва бошқалар камраб олинган.

Абу Наср Форобий «Фозил шаҳар аҳолисининг маслаҳи» рисоласида жамият («инсон жамоаси»)нинг келиб чиқиши ҳақида бундай ёзади: «Хар бир инсон табиатан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга мухтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилди... Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда, уларнинг хар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди».

Абу Наср Форобий шаҳарни ижтимоий уюлишининг етук шакли, инсоният камолотга эришишининг зарурий воситаси, деб ҳисоблайди. Бутун инсонларни ўзаро ҳамкорликка, халқларни тинчликка чақиради, дунёда ягона инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади. Инсон кадр қимматини камситувчи жамиятга қарши чиқади. «Давлат арбобининг хикматлари» рисоласида эса у доимий урушлар ва босқинчиликка асосланувчи жамиятнинг адолатсиз, жохил жамият сифатида қоралайди.

Абу Наср Форобий ўзининг фозил жамоасида одамларнинг турли белгиларига қараб гуруҳларга бўлади. Кишиларнинг диний мазҳаби, миллатига, ирқига қараб эмас, балки табиий хусусиятларига, қобилиятларига, аввало ақлий иқдидорига ҳамда илмларни ўрганиш, ҳаётий тажриба тўплаш жараёнида орттирган билим ва кўникмаларига катта аҳамият беради. Итоаткорликка даъват этувчи таълимотларни кескин қоралайди.

Абу Наср Форобий «Бахт саодатга эришув йўллари ҳақида рисола», «Бахт саодатга эришув ҳақида рисола», асарларида ўзининг орзу қилган фозил жамиятини яна ҳам ёрқин тасвирлайди. «Давлатнинг вазифаси инсоннинг бахт-саодатига олиб боришдир, деб ёзади у, - бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади». Абу Наср Форобий давлатни етук шахс

(монархия), етук хислатларга эга бўлган бир неча шахслар (аристократия) ва сайланган шахслар (демократия) ёрдамида бошқариш шакллари қайд этади.

Абу Наср Форобий жамият ўз ривожига етукликка томон интилиши, шунинг учун олиб бориши ва нихоят фозил жамият, фозил шаҳар даражасига кўтарилиши ҳақида фикр юритади.

У шундай ёзади: «Фозил жамият ва фозил шаҳар «ёки мамлакат» шундай бўладики, шу мамлакат аҳолисидан бўлган ҳар бир одам касб-хунар билан шуғулланади. Одамлар чин маъноси билан озод бўлади. Улар орасида турли яхши одатлар, завқ-лаззатлар пайдо бўлади».

Абу Наср Форобий бундай фозил жамоани бошқарувчи подшоҳ, раҳбарларга ҳам маълум талаблар қўяди. У халқ ҳақида доимо ғамхўрлик қилиши, бошқалар манфаатини ўз манфаатидан устун қўя олиши зарур. Бундай жамоани идора этувчи ёки идора этувчилар гуруҳи ўзларида муҳим 6 хислатни ифода этишлари керак, яъни адолатли, доно бўлиши, қонунларга риоя этиш ва қонунлар ярата олиши, келгусини олдиндан кўра билишини, бошқаларга ғамхўр бўлиши керак.

Абу Наср Форобийнинг фозил жамоа ҳақидаги таълимоти, унинг комил инсон ҳақидаги фикрлари билан узвий боғланиб кетади. Фозил жамоада комил инсон хислатлари вужудга келади. Масалан, ахлоқ одоб, етук инсон 12 фазилятга эга бўлмоғи лозим. Бу фазилятлар инсонларнинг ўзаро муносабатлари мустаҳкамланиб, яхшилик томон йўналиши фозил жамоа ва комил инсон ҳақидаги ғоялари сўнгги олим ва мутафаккирларга катта таъсир кўрсатади.

Умуман олганда Абу Наср Форобийнинг фозил жамияти, комил инсонни жамияти бахт-саодат, ўзаро ёрдам, доно бошлиқ, тенглик ҳақидаги фикрлари ўз даври учун ҳаёлийдир.

Лекин инсонни маънавий озод этишга, унинг имкониятларини очишга, гуманистик йўналишни асослашга қаратилган бу таълимот илғор ижтимоий тафаккур тараққиётига буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Умумбашарий интилишларни ифодалади.

Абу Наср Форобий дунёқараши хусусидаги фикрларга якун ясаб, шунини айтиш лозимки, Абу Наср Форобий фалсафасидаги материалистик тамойил ва фанларнинг ташвиқоти жаҳолатга, идеализмга, ҳаётини пасивликка қарши қаттиқ зарба берди. Хозирда Ўрта Осиё ва Европа олимлари Абу Наср Форобий ижодига ҳурмат билан қарамоқда.

Абу Наср Форобийнинг дунёқараши IX-X асрларда эришилган ютуқлар якуни дейиш мумкин. Унинг ижтимоий ғоялари кейинчалик сўнгги мутафаккирлар: Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Ибн Рушд, Бахманёр, Низомий, Саъдий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқалар ижодини ривожланишига асос бўлди...

3.Форобий асарларида илгари сурилган ғояларнинг миллий ғоя ва мафқураининг шаклланишидаги ўрни. Ўзбекистоннинг жамият ҳаётини янгилаш ва демократлаштириш соҳасидаги дастлабки қадамлари ҳуқуқий демократик давлат пойдеворининг барпо этилиши билан бошланар экан ундаги давлат бошқарув тизимининг эркинлашуви, профессионал

парламентнинг шаклланиши, қонун ижодкорлиги ва уни такомиллашуви - Қонунчилик палатаси –Олий мажлис ва Сенат тизими фаолиятлари кучли жамият асосларининг яратилганлигининг ифодасидир.

Фуқаролик жамияти асосларини яратилиши яъни фуқароларнинг ўзини–ўзи бошқаруви, сиёсий партиялар фаолиятларининг эркинлашуви, иқтисодий тизим ва унинг эркин, бозор муносабатларига асосланган ҳолда шаклланиб бориши кучли давлатдан кучли жамият сари концепциясининг ҳаётга жорий этилаётганлиги намунасидир.

Ҳозирда мамлакатда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий барқарорликни, маънавий-маърифий юксалишни таъминлаш, ривожланиш ва тараққиётнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш учун етарлича асос бўла оладиган тарихий-маънавий тажриба намуналарига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бу эса бизни яна ва яна кўп марталаб ўтмиш маънавий меросимиз намуналарини ўрганиш ва улардан келажаги буюк давлат- фуқаролик жамияти асосларини яратишда ўринли фойдаланишимизга ундайди.

Шунингдек, шарқ халқларининг йирик мутафаккири Абу Наср Форобийнинг илмий мероси, умуман ўрта аср Шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот берадиган, давлат ва жамият тузилиши, унинг мазмун моҳияти ва уларнинг бир-бирлари олдидаги бурч ва талабларини илмий асослаб берилган асарларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда Ўрта Осиё ва Европа олимлари Абу Наср Форобий ижодига ҳурмат билан қарамоқда. Абу Наср Форобийнинг дунёқараши IX-X асрларда эришилган ютуқлар якуни дейиш мумкин.

Абу Наср Форобий асарлари мазмунига қараб;

- Фалсафанинг умумий масалаларига, яъни билимнинг умумий хусусиятлари, қонуниятлари ва турли категорияларига бағишланган асарлар: «Субстанция ҳақида сўз», («Калом фи-л жавҳар»), «Масалалар манбаи» («Уюнул масоил»), «Қонунлар ҳақида китоб» (Китоб фи-л навомис) «Фалак ҳаракатининг доимийлиги ҳақида» («Китоб фи-л ҳаракат ал–фалака доиматун») ва бошқаларга,

- Инсон билиш фаолиятининг фалсафий томонларига бағишланган яъни билишнинг шакллари босқичлари усуллари ҳақидаги асарлар Мантиқ(логика)нинг турли муаммоларига доир асарлари ҳам шунга киради. «Катталарнинг ақли ҳақида сўз » («Калом фи-л ақл ал - Кабир») «Ёшларнинг ақли ҳақида китоб» («Китоб фи-л ақл ас-сағир»), «Мантиқ ҳақида катта қисқартма китоб» («Китоб ал-мухтасар ал-кабир фи-л мантиқ»), «Мантиққа кириш китоби» («Китоб ал-мадҳад ила-л мантиқ»), «Исбот китоби» («Китоб шароит ал-қиёс»), «Жон(рух)нинг моҳияти ҳақида рисола» («Рисола фи моҳият ан-нафс») ва б.;

- Фалсафа ва табиий фанларнинг фан сифатидаги, тематикаси ҳақидаги асарлар: «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи» («Китоб фи ихсо ал-улум ва ат-тариф»), қисқача номи «Ихсо ал-улум»), «Фалсафа тушунчасининг маъноси ҳақида сўз» («Калом фи маъоний исм ал-фалсафа»), «Фалсафани ўрганишдан

олдин нимани билиш кераклиги хақида китоб» («Китоб фи ашё иллати яхтожу анталлама кабл ал-фалсафа»), «Фалсафага изохлар» («Таолиқ фи-л хикмат») ва б.;

- Модданинг микдори, фазовий ва хажмий муносабатларини ўрганишга бағишланган, яъни математика фанлари-арифметика, геометрия, астрономия ва мусиқага оид асарлар: «Хажм ва микдор хақида сўз» («Калом фи-л хийз ва-л микдор»), «Фазо геометриясига кириш хақидаги қисқартма китоб» («Китоб ал-мадхал ила-л хандасат ал-лахмияти мухтасарсан»), «Астрология қоидалари хақида мулохазаларни тўғрилаш усули хақида мақола» («Мақола фи-ил жихат ал лаяти яссехху алайхо ал-қавл би ахком ан-нужум»), «Мусиқа хақида катта китоб» («Китоб ул мусиқа ал-кабир»), «Мусиқа хақида сўз» («Калом фи-л мусиқий»), «Ритмлар туркумлари хақида китоб» («Китоб ул фи-ихсо-ил-иқо»), ва б.;

- Модда хоссалари ва турларини, ноорганик табиатнинг, хайвонлар ва инсон организмнинг хусусиятларини ўрганувчи, яни табиий фанлар-физика, кимё, оптика, тиббиёт, биологияга бағишланган асарлар: «Физика усуллари хақида китоб» («Китоб фи усул илм ат-табиат»), «Алкимё илмининг зарурлиги ва уни инкор этувчиларга раддия хақида мақола» («Мақола фи вужуб саноат алкимё ва-р радд ала мубтилуҳо»), «Инсон аъзолари хақида рисола» («Рисола фи аъзо ал-инсония»), «Хайвон аъзолари хақида сўз» («Калом фи аъзо ал-хайвон») ва б.;

- Тилшунослик, шеърят, нотиклик санъати, хаттотликка оид асарлар: «Шеър ва қофиялар хақида сўз» («Калом фи шеър ва-л қавофи»), «Риторика хақида китоб» («Китоб фи-л хитоба»), «Луғатлар хақида китоб» («Китоб фи-л луғат»), «Хаттотлик хақида китоб» («Китоб фи санъат ал-китобат») ва б.;

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт, давлатни бошқариш масалаларига, ахлоқ, тарбияга бағишланган, яъни ҳуқуқшунослик, этика, педагогикага доир асарлар: «Бахт-саодатга эришув йўллари хақида рисола» («Рисола фи-т танбиҳ ала асбоб ас саодат») «Шаҳарни бошқариш» («Ал сиёсат ал маданиятия»), «Уруш ва тинч турмуш хақида китоб» («Китоб фи фамойиш ва-л хуруб»), «Фазилатли хулқлар» («Ас-сийрат ал-фазила») каби турларга бўлинади.

Абу Наср Форобийнинг илмий мероси, умуман ўрта аср Шарқининг маданий-маънавий ҳаётидан, табиий-илмий, ижтимоий-сиёсий масалаларидан жуда бой маълумот беради. Мутафаккир ўз асарларини ўша даврда Шарқ мамлакатларида илмий адабий тил ҳисобланган араб тилида ёзади.

Абу Наср Форобий шунингдек араб ва форс тилларида фалсафий мазмундаги шеърлар ёзган. Абу Наср Форобий асарлари XII-XIII асрлардаёқ лотин, қадимий яҳудий, форс тилларига, кейинчалик бошқа тилларга таржима қилиниб, дунёга кенг тарқалган. Сўнгги асрларда кўчирилган нусхалари кўп мамлакатларнинг кутубхона ва муассасаларида сақланади. Тошкентда Беруний номидаги Шарқшунослик институтида қадимги Шарқ файласуфлари асарларидан жами 107 рисолани, жумладан, Абу Наср Форобийнинг 16 рисоласини (арабча) ўз ичига олган «Ҳакимлар рисолалари тўплами» («Мажмуат расоил ал-хукамо» Қўлёзмалар фонди, 2385-ин.)бор. Бу ноёб

қўлёзма Абу Наср Форобий асарларини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Тўпламдаги Абу Наср Форобий рисоалари 1975 йили қисман ўзбек тилига таржима қилиниб нашр этилди.

Абу Наср Форобий «Юлдузлар ҳақидаги қоидаларда нима тўғри ва нима нотўғрилиги тўғрисида» рисоласида осмон жисмлари билан ердаги ходисалар ўртасидаги табиий алоқаларни, хусусан, булутлар ва ёмғирлар пайдо бўлишининг Қуёш иссиқлиги таъсирида буғланишга сабабий боғлиқлигин ёки Ой тутилиши, Ернинг Қуёш билан Ой ўртасига тушиб қолишига боғлиқ эканини кўрсатган эди. Бу билан у осмон жисмларига қараб «фол очувчилар»ни фол қилди. Абу Наср Форобий арзон металлларни қимматбаҳо металлларга айлантиришга уринувчилар танқид қилиб, кимёга табиий илмларнинг бир қисми сифатида қаради.

Абу Наср Форобий табиблик билан бевосита шуғулланмаган бўлсада назарий тиббиётни яхши билган. Унинг тиббий қарашлари «Инсон аъзолари ҳақида» рисоласида баён қилинган. У инсон аъзоларини, турли хил касалликлар сабабини, уларнинг пайдо бўлиш шароитларини алоҳида-алоҳида ўрганишни, организмни саломатлигини тиклаш учун керакли озиқ-овқатларга эътибор беришни қайд этади. Инсоннинг рухий ва жисмоний ҳолати ташқи омиллар муҳит таъсирига боғлиқлигига эътибор беради. Унинг тиббиёт вазифаси, мақсади ҳақидаги қарашлари Ибн Синонинг бу ҳақдаги қарашларига катта таъсир кўрсатади.

Абу Наср Форобий дунёқарашининг шаклланишига асосан Шарқнинг қадимги илғор маданияти анъаналари, араб халифалигига қарши халқ ҳаракатлари, Ўрта аср табиий-илмий тафаккур ютуқлари, Юнонистоннинг фалсафий мероси таъсир кўрсатди. Абу Наср Форобий авваломбор Аристотел таълимотини тиклаш, асослаш ва илғор томонларини сўнгги илмий ютуқлар асосида ривожлантиришга ҳаракат қилиб, Шарқ аристотелизм оқимини вужудга келтирди. Бу оқимнинг услуби, муҳим масалалари, категорияларини ишлаб чиқди.

Абу Наср Форобийнинг фалсафий таълимоти моҳият-эътибори билан анъанавий илоҳиёт-каломдан тубдан фарқ қилиб, илмий ғоялар билан йўғрилгандир. Абу Наср Форобий фалсафасига кўра, олам ягона мавжудотдан иборат, ягона вужуд-вужуди вожиб, яъни азалий вужуд-биринчи сабаб ҳамда вужуди мумкин-яратилган, келиб чиққан вужудлар натижаларидан иборатдир. Аллоҳ-азалий вужуд ҳамма нарсани ибтидоси, барча вужудлар-вужуди мумкин ундан аста-секинлик билан поғонама-поғона келиб чиқади, бунинг сўнгги поғонаси моддадир. Унинг фикрича, табиат модданинг турли шакллариининг пайдо бўлиши, сабаб-оқибат муносабатлари асосида, муайян изчиллик ва зарурат бўйича кечадиган тадрижий жараёндир.

Абу Наср Форобий учун дунё гунча бўлиб, аста-секин ўзининг ранг-баранг томонларини ва битмас-туганмас бойликларини тобора кўпроқ намоён қилиб очила боради. Борлиқнинг бундай талқини табиий-илмий ғояларнинг янада ривожланиши учун кенг йўл очди. Абу Али Ибн Сино ва

мутафаккирлар ўзларининг фалсафий қарашларида шу борлиқ тизими асосида иш олиб бордилар.

Абу Наср Форобий фикрича, инсоннинг билишини, рухий қобилиятларини мия бошқаради, юрак эса барча аъзоларни ҳаёт учун зарур бўлган қон билан таъминловчи марказдир, барча рухий «қувватлар», жумладан билиш қобилияти муайян аъзога боғлиқ.

Абу Наср Форобий ўз давридаёқ буюк олим сифатида машҳур бўлган. Шарқ халқларида у ҳақда турли хикоя, ривоятлар вужудга келган. Ўрта аср олимларидан ибн Халликон, ибн ал-Қифтий, ибн Аби Усабиъа, Байхакийлар ўз асарларида Абу Наср Форобий ижодини ўрганиб, унинг ғояларини ривожлантирганлар. Хусусан, ибн Рушд Абу Наср Форобий асарларини ўрганибгина қолмай, уларга шарҳлар ҳам («Силлогизмга нисбатан ал- Абу Наср Форобийнинг фикри», «Абу Насрнинг мантиққа доир асарида ифодаланган фикрнинг баёни», «Ал Абу Наср Форобий, хусусан, унинг «Органон», изохларига турли шарҳлари» ва б.) ёзди. Тараққийпарвар инсоният Абу Наср Форобий ижодига хурмат билан қараб, унинг меросини чуқур ўрганади. Оврўпо олимларидан Б.Н. Штренишнейдер, Карра де Во, Т.У.Буур, Р. Хаммонд, Р. де Эрланже, Ф. Детеритци, Г. Фармер, Н.Ришар, Г. Лей, Шарк олимларидан Нафисий, Умар Фаррух, Туркер, М. Маҳди ва бошқалар Абу Наср Форобий меросини ўрганишга муайян хисса қўшдилар. Кейинги йилларда унинг ижоди ва таълимотига бақишлангшан бир қанча таълимотлар, асарлар юзага келди.

Ўзбекистон ва Қозоғистонда Абу Наср Форобий номига қўйилган кўча ва мактаб, кутубхоналар мавжуд.

Ўзбекистон халқи эски тузум асоратларидан, миллий табиатимизга ёд бўлган мафкуравий қарашлардан воз кечиб, янги ҳаёт, демократик жамият куриш, унинг ҳуқуқий асослари ва тамойилларини белгилаб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ҳуқуқий асос Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, миллий ва маънавий, умуммиллий, умумбашарий қадриятларга, демократик ва ҳуқуқий давлат тамойилларига, фуқаролик жамияти асосларига таяниб келажак сари шахдам қадамлар билан одимламоқда.

Мустақил тараққиёт йилларида юртимизда ҳуқуқий давлат, демократик жамият, эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида катта ўзгаришлар содир бўлди. Бироқ, бу борада ҳали муаммолар, қийинчиликлар, етишмовчиликлар, нуқсонлар ва тўсиқлар мавжудлигини кўзда тутиб, уларни бартараф этиш йўлларини ўтмиш маънавий меросимиз, миллий ва умуминсоний қадриятларимиз, миллий давлатчилигимиз тарихи ва менталитетимиз хусусиятларидан келиб чиқиб белгилаб бормоғимиз керак.

Демократик жамиятни шакллантиришнинг маънавий асосларидан бири қатор муҳим омилларни ўзига қамраб олади. Маданий мерос, унга объектив муносабатда бўлиш, авайлаб-асраш ана шундай муҳим омиллардан биридир.

Демак, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, унинг маънавий асосларини қарор топтиришда маданий меросни авайлаб-асраш катта аҳамият касб касб этади ва муҳим рол ўйнайди.

Халқимиз дунёқарашини миллий истиқлол руҳида ислоҳ қилиш замонамизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Фарзандларимизни озод ва демократик Ўзбекистоннинг муносиб ўғил-қизлари этиб тарбиялаш масаласи маънавият соҳасидаги ишларимизнинг асосий йўналишини ташкил этмоғи керак.

Миллатнинг табиатида, қонида, насл-насабида эзгулик ва маърифат сари интилиш мафқураси ва қонунияти жўш уриши лозим.»¹ Республикамиз Президенти И.А. Каримов, - «ҳар бир киши, миллат, халқ ўз тарихини билишни истайди, шунинг учун олимларимиз ўзбек халқининг тарихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ва маданияти тўғрисида илмий яхлит концепция яратишлари зарур,»² - деб таъкидлайди. «Биз халқни номи билан эмас, балки маданияти, маънавияти орқали биламиз, тарихининг таг-томиригача назар ташлаймиз»³. Юртбошимизнинг фундаментал аҳамиятга эга ушбу кўрсатмаси шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва ижодини янада чуқурроқ ўрганиш ва янги жамият асосларини яратишда улардан унумли ва ўринли фойдаланишга замин яратади.

Ўзбекистонда халқ маънавий меросини ўрганиш ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти мавзусига янгича қараш жамиятнинг тадрижий ривожланиши учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлиги чуқур фалсафий ва илмий фаразлар асосида исбот талаб этади.

Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас хисса қўшиб келган, асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавияти, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатларини тарғиб этган шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти асосчилари билан ҳақли равишда фахрланиш ҳиссини шакллантиради.

¹ Каримов И.А. «Жамият мафқураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат қилсин» Тошкент. «Ўзбекистон» 1998й.

² Каримов.И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент. «Ўзбекистон» 1998й.

³ Каримов И.А. «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». Тошкент. «Ўзбекистон» 1998й

10-мавзу	“Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти” мавзусидаги маъруза машғулоти таълим технологияси
----------	---

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Талабалар сони: 50-70 гача</i>	<i>Вақти: 2 соат.</i>
<i>Ўқув машғулоти таълим шакли</i>	Информацион бахс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	1. Турон заминида муғул босқинчиларига қарши мустақиллик ва озодлик учун кураш ҳаракатлари ва бу курашда Амир Темурнинг тутган ўрни. 2. Амир Темур фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.
<i>Ўқув машғулоти таълим мақсади:</i> Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрни ва Амир Темур фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ёритишдан иборат.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>
1. Турон заминида муғул босқинчиларига қарши мустақиллик ва озодлик учун кураш ҳаракатлари ва бу курашда Амир Темурнинг тутган ўрни.	Талабаларга Амир Темур ва унинг хизматларини тушунтириш, шунингдек Турон заминида муғул босқинчиларига қарши мустақиллик ва озодлик учун кураш ҳаракатлари ва бу курашда Амир Темурнинг тутган ўрни ёритилади.
2. Амир Темур фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида.	Талабалар буюк бобомиз Амир Темурнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви, бунёдкорлик ишлари ҳақидаги билимларга эга бўладилар.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, “Нимада?” технологияси, БЛУМ таксофонияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологияси (“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари кўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавоб сўров, ўқув топшириқ.

**“Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти” мавзусидаги
маъруза машғулотининг технологик харитаси**

Иш босқичл ари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1. Ўқув курси номини айтади. Экрanga янги мавзунинг режаси ёзилади. (1-илова). 1.2. Курснинг кириш қисми тушунтириб берилади. Амир Темурнинг мўғул истилосига қарши кураши ва Амир Темур даври харитасига кўрсатилади. 1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништирилади.	Тинглайдилар, ёзадилар. Тинглайдилар Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Power Point дастури ёрдамида слайдларни намоёйиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради 2.2. Нумизматика фани предмети, мақсад ва вазифалари, унинг фан сифатида шаклланишига оид маълумотларни беради. (2-илова). 2.3. Товар айирбошлашнинг вужудга келишига оид маълумотларни беради; (3-илова). 2.4. Дастлабки тангаларга оид маълумотларни беради; (4-илова). 2.5. “Тушунчалар таҳлили” технологияси асосида ўқув материали мустаҳкамланилади. (5-илова).	Ёзадилар. Ёзадилар. Тинглайдилар, Саволларга жавоб берадилар. Тах лил қиладилар.
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади. 3.2. Талабалар билимларини мустаҳкамлаш учун саволларни беради (6-илова).	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

Мавзу: “Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти”

Режа:

1. Турон заминида муғул босқинчиларига қарши мустақиллик ва озодлик учун кураш ҳаракатлари ва бу курашда Амир Темурнинг тутган ўрни.
2. Амир Темур фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида

Ўқув машғулотининг мақсади: Амир Темурнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини ёритишдан иборат.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабаларга Амир Темур ва унинг хизматларини тушунтириш. Талабалар буюк бобомиз Амир Темурнинг ўзига хос хусусиятлари, давлат бошқаруви, бунёдкорлик ишлари ҳақидаги билимларга эга бўладилар

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

**Турон заминида муғул босқинчиларига қарши мустақиллик
ва озодлик учун кураш ҳаракатлари ва бу курашда Амир
Темурнинг тутган ўрни**

XIV аср ўрталарида Чингизхон эгаллаб олган ерлар унинг меросхўрлари қўл остида бўлса ҳам, бу ерлар майда бўлақларга бўлиниб кетиб, уларда тожу тахт, ҳокимият учун ўзаро низолар кучайиб кетган еди. 1348 йилга келиб Шарқни Туркистон ерларида Мўғулистон феодал давлати ташкил топди, унинг хони этиб Чиғатой авлодидан Туғлук Темур кўтарилди. Туғлук Темур дастлабки даврларданок ўз ерларини кенгайтириш мақсадида Мовароуннахр ерларига бир неча ҳарбий ҳаракатлар уюштирди. Мана шундай ички ўзаро урушлар авж олиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий инқироз кучайиб борган даврда тарих майдонига муғул босқинчиларига қарши курашда ном чиқарган буюк соҳибқирон, мохир саркарда Амир Темур кириб келди.

Темур давлат бошқарувида, ички ва ташқи сиёсатда асосан ўз қўшинларига суянганлиги сабабли ҳарбий ислохотга, яъни қўшин бошлиқларини танлаш, лашкар қисмлар, уларнинг жойлашиши, аскарларнинг қуролланиши ва ҳарбий интизом масалаларига кенг эътибор берган. У қўшинларини ўнлик, юзлик, минглик каби аскар бирикмаларга бўлган. Унинг учун ҳар бир аскар жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз ҳисобланган. Амир Темур лашкарларга ҳам катта эътибор бериб, улар низомни қатъий бажариши, жангда аёвсиз ва довюрак бўлиши, душманга юмшоқ муомалали ва адолатли бўлиши лозим деб ҳисобларди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур аскарлари ичида тақводор, саховатли, ҳудожўй кишилар кўп бўлган. Улар бечораларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошга оғир кунлар тушганда ёрдам қўлини чўзиш, асирларга юмшоқ муомалада бўлиш ва уларни озод этишга одатланганлар. Амир Темур доим жангда жасорат кўрсатган амирлар ва аскарларга алоҳида эътибор билан қаради. Натижада Соҳибқирон уюшқоқлик ҳукм сурган юз минглик қўшинлари ичида интизомни мустаҳкамлаш билан ўз давлатининг пойдевори бўлган қўшин тузишга муваффақ бўлди.

Амир Темур фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари хақида

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам берди, эл-юртни ўз туги остида бирлаштира олди. Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, хунармандчилик, савдо -сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди.

Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халқлар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишга ёрдам берди. Масалан ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан хисобланган Боязид Илдирымни (1389-1402) тор-мор келтириб (1402), Усмонли туркларнинг истибдодлиги туруб қолган "Болкон" ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлади. Олтин Ўрда хони Тўхтамышни (1376-1395) икки ҳукумронлигидан қутулишини 300 йилга тезлаштирди.

Учинчидан Туркистон заминини хунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатларга айлантирди. Амир Темурнинг саъи-ҳаракати билан обод этилган шаҳарлар қасабалар қишлоқларни Шахрисабз, Бухоро, Ясси (Туркистон) шаҳарларда қад кўтарган иморатлар "Темур ва темурийлар давлати", "Темурийлар маданияти", "Улуғбек ва Самарқанд", "Обсерватория мактаби" каби улуғ тушунчаларни дунёга келиши ва халқлари тарихига олтин харфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур номи билан боғлиқдир.

БЛУМ ТАКСОНОМИЯСИ ТОИФАЛАРИ

№	Тоифа (даражалар)	Талаба фаолияти
1.	БИЛИШ	Далилларни билиш ва уларни танлаш технологиясини билиш, ривожланиш қонуниятларини билиш, баҳолаш мезонларини билиш, умумий тушунча, қонун-қоидаларни билиш
2.	ТУШУНИШ	Англаш, ўз сўзи билан ифодалаш, бир тил (тизим)дан бошқасига (масалан, математик тилдан оғзакига ёки аксинча) айлантиради, формула , схема ва диаграммаларни талқин қила

		олади.
3.	ҚЎЛЛАШ	Билимларни амалиётда қўллаш (масала ёки мисол ечиш, меҳнат операцияларини бажариш, вазиятларни ҳал қилиш, қонун-қоидалардан фойдаланиш).
4.	ТАҲЛИЛ	Бир бутун тушунча, қонун-қоидаларни қисмларга ажратиш, улар орасидаги ўзаро боғлиқликни ва муносабатларни ўрнатиш, яхлитликни ташкил этувчи тамойилларни аниқлаш.
5.	СИНТЕЗ	Янги таркиб ҳосил қилиш мақсадида берилган қисмларни умумлаштириш, иншо режасини тузиш, берилганларга асосланиб яхлит қиёфани яратиш. Берилган меҳнат операцияларига асосланиб яхлит технологик жараёни лойихалаш.
6.	БАҲОЛАШ	Муносабат билдириш, хулоса ясаш; муайян мезонларга асосан э ёки бу фаолият қонун-қоида, тушунчаларнинг аҳамиятини баҳолаш

7-Илова

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради. Ф – фикрингизни баён этинг С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯх

Савол	Соҳибқирок Амир Темур ҳақида нималарни биласиз?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	

(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гуруҳ

Савол	Амир Тему́р нечанчи йилда ҳокимият тепасига келди?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

8-илова

АМИР ТЕМУР ТАНГАЛАРИ





Амир Тему́р Хоразм ҳижрий 784 йил. Динар вазн 1 гр.

Амир Тему́р Самарқанд, 1383.



Амир Темур ва Султон Махмуд. Язд. 1394-1395.





“Темур тузуклари”

“Темур тузуклари”, “Тузукоти Темурий”, “Малфузоти Темурий” ёки “Воқеоти Темурий” номлари билан аталган асар Амир Темурнинг ети ёшлигидан бошлаб ҳаёт ёли ҳақида ҳикоя қилади.

“Темур тузуклари”- муҳим тарихий манба бўлиб, унда Амир Темур давлатининг тузилиши ва бошқариш хусусиятлари баён этилган. Асар дастлаб туркий-ўзбек тилида битилган. Унинг бир қўлёзмаси Яман мамлакати олий ҳукмдори Жаъфар подшоҳ кутубхонасида сақланган.

“Темур тузуклари”нинг форс тилидаги таржимони Мир Абу Толиб Хусайний ат-Турбатий таржима муқаддимасида Арабистоннинг муқаддас жойларини ҳаж қилиб қайтишда, Яманда бўлган чоғида Жаъфар подшоҳ кутубхонасида туркий тилдаги мазкур асарни топгани ва у Амир Темурнинг ҳаёт ёли ҳақидаги ўзи ёзган эканлигини таъкидлайди. Мир Абу Толиб Арабистондан қайтиб келгандан кейин, асарни форс тилига таржима қилган. Лекин, Арабистондан олиб келинган аслиятдан ёки Ҳиндистонда бўлган бирон қўлёзма нусхадан ўгирилгани айтилмаган.

Мир Абу Толиб 1637-йилда “Темур тузуклари” асарининг форсча таржимасини буюк Бобурийлардан Схоҳжаҳонга тортиқ қилади. Кейин бу таржима Муҳаммад Афзал Бухорий (ваф. 1652) томонидан жиддий таҳрир қилинган.

“Темур тузуклари” икки мақоладан иборат:

Биринчи мақола Амир Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустаҳкамлаш, қўшинни ташкил этиш юзасидан тузуклари, режаларидан таркиб топган.

Иккинчи мақолада 13 кенгаш ва унинг қисмларида Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилган.

“Темур тузуклари” XV-XVI асрларда нафакат ҳукмдорлар ва маълумотли кишилар орасида, жаҳон илм аҳли ўртасида шуҳрат топди. Асарнинг қўлёзма шаклида ҳам, тошбосма шаклида ҳам, шунингдек жаҳоннинг кўп тилларига қилинган таржима шаклида ҳам (инглизча, франсузча, урду, рус ва ўзбек тилларида) наш этилиши сўзимизга исбот-далилдир.

Икки фозил шахслар Мир Абу Толиб ва Муҳаммад Афзал Бухорий хизматлари туфайли “Темур тузуклари” форс тилида бизгача етиб келган. Бу таржиманинг мўтабар қўлёзмалари Россия, Ҳиндистон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар ҳазиналарида мавжуд.

“Темур тузуклари”нинг форсий матни 1783, 1785, 1890 ва 1963-йиллари европа ва шарқ тилларидаги таржималари билан бирга нашр этилган.

“Темур тузуклари”ни тўлиқ 1857-йили Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий томонидан ва 1858-йили Паҳлавон Ниёз девон томонидан туркий ўзбек тилига таржима қилинган. Уларнинг биринчиси “Тузуки Темурий”, иккинчиси “Малфузот” номи билан маълум. Яна бир таржима Хўжанд қозиси Набижон маҳдум тарафидан, Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1858-йй.) нинг топшириғига биноан амалга оширилган.

“Темур тузуклари” асарини Алихон Тўра Соғуний 1967-йили Мир Абу Толиб таржима қилган эди. 1990йили Алихон Тўра таржимасини “Темур тузуклари”нинг Бомбай нашри матни асосида Ҳабибулло Кароматов яна бир таржимани амалга ошириб, бир неча бор нашр эттирди.

“Темур тузуклари”нинг манба сифатидаги тарихий аҳамияти эканлиги мутахассисларнинг унга бўлган катта эътиборидан билиш мумкин. Асарнинг саккизта мўтабар қўлёзмаси Тошкентда, Шарқшунослик институти ҳазинасида мавжуд.

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тулдириш коидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (мустиқил уқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиқлаш, аниқлаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат қилиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш қобилиятларини шакллантиришни таъминлайди;
- укув маълумотини мустиқил ургангандан сунг қулланилади.

Уқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал ҳолда системалаштирадилар;
Матнда қуйилган белгилар асосида жаҳвал устунларини тулдирадилар:
V - ҳақидаги билимларимга жаҳоб беради;
«-» - ҳақидаги билимларимга қарама-қарши;
+ - янги маълумотлар
? – тушунарси (аниқлаштириш, тулдиришни талаб қилади) маълумот.

Инсерт жаҳвали

V	+	-	?

11-мавзу. АМИР ТЕМУРНИНГ БУНЁДҚОРЛИК ҚОЯЛАРИ ВА ҚАОЛИЯТИ

1. ТУРОН ЗАМИНИДА МЎЎЎЛ БОСҚИНЧИЛАРИГА ҚАРШИ МУСТАҚИЛЛИК ВА ОЗОДЛИК УЧУН ҚУРАШ ҚАРАҚАТЛАРИ ВА БУ ҚУРАШДА АМИР ТЕМУРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Қимқи ўзбек номини, ўзбек миллатининг қуч-қудратини, адолатпарварлигини, чекси (имкони)ятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, келажакка ишончини ангиламоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.

Ислом Қаримов

XIV аср ўрталарида Чингизхон эгаллаб олган ерлар унинг меросхўрлари қўл остида бўлса ҳам, бу ерлар майда бўлакларга бўлиниб кетиб, уларда тожу тахт, ҳокимият учун ўзаро низолар кучайиб кетган еди. 1348 йилга келиб Шарқни Туркистон ерларида Мўғулистон феодал давлати ташкил топди, унинг хони этиб Чигатой авлодидан Туғлуқ Темур кўтарилди. Туғлуқ Темур дастлабки даврларданок ўз ерларини кенгайтириш мақсадида Мовароуннахр ерларига бир неча ҳарбий ҳаракатлар уюштирди. Мана шундай ички ўзаро урушлар авж олиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий инқироз кучайиб борган даврда тарих майдонига муғул босқинчиларига қарши курашда ном чиқарган буюк соҳибқирон, мохир саркарда Амир Темур кириб келди.

Амир Темур Шахрисабз яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида Барлос бекларидан Мухаммад Тарағай оиласида 1336 йил 8 апрелда дунёга келган. Унинг амакиси хожи Барлос Кеш шаҳрининг ҳокими эди. Темур ёшлигиданок ҳарбий маҳоратга эга шахс бўлиб, у ўз атрофига барлос уруғидан чиққан ёш жангчиларни тўплаган эди. 1360-1361 йилларда Туғлуқ Темур ҳеч қандай қаршиликсиз Мовароуннахр ерларига бостириб кирганида хожи Барлос Хуросонга қочади. Ватанпарварлик, миллий ғурур ва ифтихор ҳиссиёти кучли бўлган ёш Темур эса амакиси ҳокимлик қилиб турган ерларини душман қўлига бермаслик учун Туғлуқ Темур хизматига киради ва тез орада унинг ишончини оқлаб, Кеш вилояти ерларига ҳокимлик қилиш учун ер олади.

Амир Темурнинг бу иши Мовароуннахрда сиёсий тарқоқлик, ўзаро курашлар ва бошбошдоқлик ҳукм сурган даврдаги бирдан-бир тўғри йўл эди. Чунки Мовароуннахр амирларининг Туғлуқ Темурга қарши бош кўтариб чиқиши муғул босқинчиларининг Мовароуннахр ерларини яна бир бор вайрон этишига олиб келиши муқаррар эди.

Туғлуқ Темур 1361 йилда Мовароуннахр ерларини бошқаришни тажрибасиз ўғли Илешўжага топширади. Лекин Темур Илешўжага хизмат қилишдан бош тортиб, ўша вақтда Балх ҳокими бўлиб турган Амир Козоғоннинг набираси Амир Хусаин билан иттифок тузади. Темур ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида муғулларга қарши кураш бошлайди. Маҳаллий ҳокимият учун бўлган жанглarning бирида, аниқроғи Сеистонда туркманларга қарши бўлган жанглarda ўнг қўли ва ўнг оёғидан яраланиб бир умрга оқсоқ бўлиб қолади.

1363 йилда Туғлуқ Темурнинг вафоти Мовароуннахр учун бўлган курашларни кучайтириб юборади. Лекин мўғул босқинчилари осонликча Мовароуннахр ерларини бермасликлари маълум эди. Шу муносабат билан Амир Темур ва Туғлуқ Темур вафотидан сўнг Мовароуннахрдан ҳайдалган Амир Хусаиннинг бирлашган қўшинлари 1365 йилда Илешўжа қўшинларига қарши иттифокликда кураш бошлайдилар. Тошкент ва Чиноз оралиғида бўлган машҳур "лой жанги" иттифокчилар ўртасидаги келишмовчилик туфайли мағлубият билан тугайди. Ушбу воқеалардан сўнг Амир Хусаин ва Амир Темур ўртасида дастлабки ихтилоф бошланади. "Лой жанги"да ғалабага эришган Илешўжа учун Мовароуннахрга кенг йўл очилган эди.

У катта қўшинлар билан Самарқандга юриш бошлайди. Бу пайтда Самарқанддаги Мавлонзода ва Абу Бакр Ғалавий бошлиқ сарбадорлар

Илешўжага қарши чиқадиладар. Махаллий аҳолининг ватанпарварлик намуналарини кўрсатиб қаршилиқ қилганликлари туфайли Самарқандни бир оз қамал қилиб турган муғул қўшинлари Мовароуннахрни бутунлай тарк этишга мажбур бўладиладар.

Мовароуннахрда мўғуллар устидан қозонилган ғалаба ҳақида хабар эшитгач, Амир Темур ва Амир Хусаин Мовароуннахрга йўл олиб Самарқанд яқинидаги Конигул деган жойда сарбадорларнинг раҳбарлари билан учрашадиладар. Бу учрашувда ўзаро келишмовчилик келиб чиқиб, сарбадорларнинг раҳбарлари хийла йўли билан ўлдирилади. Мовароуннахрда Самарқанд тахтини Амир Хусаин эгаллаб, унинг ҳукмронлиги тикланади. Шу вақтдан бошлаб Амир Хусаин ва Амир Темур ўртасидаги муносабатлар янада кескинлашиб кетади.

Бу вақтга келиб, бутун Мовароуннахр ерларида ўзаро урушлардан сўнг ижтимоий-иқтисодий аҳвол оғирлашиб кетган эди. Мана шундай бир вақтда, мамлакатда ўзаро урушларга барҳам берадиган марказлашган давлат тизимини барпо этиш ниҳоятда зарур эди. Буни биринчи бўлиб англаган Амир Темур Амир Хусаинга қарши зимдан кураш олиб бориб 1370 йилда Мовароуннахр тахтини эгаллашга муваффақ бўлади.

Ватан ҳақида қайғуриш, Ватан мустақиллигини тиклаш ҳақидаги ғоялар юзага чиқиб, Амир Темур Балх шаҳрида чакирилган қурултойда Мовароуннахрнинг амири деб эълон қилинади. Темур ўз тасарруфида марказлашган давлатни юзага келтириш мақсадида Кеш шаҳридан Самарқандга қўчиб ўтиб, уни Мовароуннахрнинг пойтахтига айлантиради. Сохибқирон аниқ мулоҳазалари билан халқни зулмдан озод қилиш ва узок йиллик бошбошдоқлик ҳукмрон бўлган ерда марказлашган давлат тузиш мушкуллигини сезганлиги сабабли дастлаб мамлакатни ташқи хавфдан сақлаш мақсадида асосини барлос уруғлари ташкил этган енгилмас ва жанговор миллий қўшин тузади, уларга катта имтиёзлар беради.

Темур давлат бошқарувида, ички ва ташқи сиёсатда асосан ўз қўшинларига суянганлиги сабабли ҳарбий ислохотга, яъни қўшин бошлиқларини танлаш, лашкар қисмлар, уларнинг жойлашиши, аскарларнинг қуролланиши ва ҳарбий интизом масалаларига кенг эътибор берган. У қўшинларини ўнлик, юзлик, минглик каби аскар бирикмаларга бўлган. Унинг учун ҳар бир аскар жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз ҳисобланган. Амир Темур лашкарларга ҳам катта эътибор бериб, улар низомни қатъий бажариши, жангда аёвсиз ва довюрак бўлиши, душманга юмшоқ муомалали ва адолатли бўлиши лозим деб ҳисобларди. Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, Темур аскарлари ичида тақводор, саховатли, ҳудожўй кишилар кўп бўлган. Улар бечораларга хайру эҳсон кўрсатиш, бошга оғир кунлар тушганда ёрдам қўлини чўзиш, асирларга юмшоқ муомалада бўлиш ва уларни озод этишга одатланганлар. Амир Темур доим жангда жасорат кўрсатган амирлар ва аскарларга алоҳида эътибор билан қаради. Натижада Сохибқирон уюшқоқлик ҳукм сурган юз минглик қўшинлари ичида интизомни мустаҳкамлаш билан ўз давлатининг пойдевори бўлган қўшин тузишга муваффақ бўлди.

Темур Мовароуннахр тахтини эгаллаган вақтдан бошлаб, ўз давлати чегараларини мумкин қадар кенгайтиришга киришади. Шу мақсадда у Амударё ва Сирдарё оралиғидаги ерларни ўз тасарруфига олади. Хоразмга беш маротаба юриш қилиб, 1388 йилда уни бутунлай бўйсундиради, бу ерда хукмронлик қилаётган сўфийилар сулоласини тугатади. Темур ўзининг уч йиллик (1386-1388), беш йиллик (1392-1398), етти йиллик (1399-1405) юришлари давомида Озарбайжонда жалоирлар, Сабзаворда сарбадорлар давлатини, Хиротда курдлар давлатини тугатиб, Эрон ва Хуросонни ўз тасарруфига олади. 1394-1395 йилларда Олтин ғорда хони Тўхтамишга қарши юриш қилиб, унинг кўп сонли қўшинини мағлубиятга учратади ва Олтин ғорда худудини эгаллайди. Темурнинг бу ғалабаси Олтин ғордага жуда катта зарба бериш билан бирга Темур қўшинларининг Волга дарёси бўйларида бемалол юришларига ҳам кенг йул очди. Таъкидлаш жоизки, Темурнинг бу ғалабалари тарих сахнасида улкан ахамият касб этди.

Амир Темур 1398 йилда Хиндистонга қилган юришида Дехли шахрини, 1400 йилда Сурияга қилган юришида Халаб ва Байрут шаҳарларини, 1401 йилда Дамашқ шахрини эгаллайди.

1402 йилда усмонийлар империясининг султони Йилдирим Боязидга қарши юришида уни мағлубиятга учратди. Бу ғалаба билан Темур Европанинг усмонийлар асоратига тушишини бир неча ўн йиллар орқага суриб юборди.

Темур 1404 йилда Кичик Осиёдан Самарқандга келади ва Хитойга юриш учун харбий тараддуд кўради. Шубҳасиз, Темур бу юриш учун узоқ йиллар тайёрланиб, жанг учун керакли бўлган маълумотларни йиллар давомида тўплаган эди. 1404 йилда Темур 200 минглик қўшин билан Хитой сафарига отланди. Аммо Темурнинг қаттиқ бетоблиги туфайли унинг қўшинлари 1405 йилнинг январ ойида Хитойга яқин бўлган чегара шаҳар Ўтрор шаҳрида тўхтайдилар ва шу ерда 1405 йилнинг 18 феврилида буюк сохибқирон Амир Темур вафот этади.

Амир Темур тарихидаги буюк саркардалар орасида алоҳида ажралиб туради. Лекин харбий тарихни махсус мутахассис сифатида ўрганувчилар эса, бошқа янада жиддийроқ мезонларга мурожаат этадилар. Улар олиб борилган хар бир жангни геололитик замин билан боғлиқ ҳолда у ёки бу харбий юриш нима учун ғалабага олиб келганлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қиладилар. Бизнинг тадқиқотимизга кўра, Амир Темур барча давр буюк харбий қўмондонлари орасида ўзига хос алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг куч-қудрати ва чидамлилиги ҳам кишини лол қолдиради. У амалга оширган узоқ муддатли харбий юришлар (айримлари етти йилгача чўзилган) бунга яққол мисол бўла олади. Хатто ҳаётининг сўнгги йилларида ҳам Амир Темурда ғайрат-шижоат тўлиб тошганлигини кўрамиз. У Анқарада Боязидга қарши олиб борилган машҳур жангни бошқарганида 70 ёш атрофида бўлган. Буюк саркарда сифатида Амир Темур ўз жангчиларини доимо курашчан вазиятда тутган. У жангга узоқ тайёрланиш орқали тез, шиддатли хужум уюштиришни афзал билган.

"Нотўғри ҳолат, вазиятда мингта жангчи билан тургандан кўра, ўнта жангчи билан тўғри ҳолат, вазиятда турган маъқул",- деб ҳисоблайди Амир Темур.

Стратегияда Амир Темур махоратини кўрсатувчи яна бир жихати, у ўз олдида қўйган мақсадига (кўпинча) жангсиз эришиш қобилиятидир. Амир Темур ўз харбий фаолиятининг бошланишидаёқ илғор харбий кучлар устидан қўмондонлик қилиб турган Туғлуқхон билан ўта нозик (махфий) иттифок тузади. Бу эса, Амир Темурга ўзи бошқариб турган ерларда, ўзининг ҳукмронлигини мустаҳкамлашга имкон беради. Бундай иттифокдошлар тузиш, унга бошқа айрим жангларда ҳам ғалаба қозонишга ёрдам берган. У ўз империясини химоя қилишда иттифокдош томонларни доимий равишда ўзгартириб ҳам турган.

Амир Темур атоқли харбий ташкилотчи ва буюк саркарда эди. У ўз вақтида интизомли армия тузишга уни мохир қўмондонлар билан таъминлашга жанг чоғида қисмларни санъаткорона бошқаришга махораба тақдирини ҳал этувчи жойларга қўмак кучларини ўз вақтида усталик билан қўллашга ҳар қандай тўсиқ ва ғовлардан тадбиркорлик билан енгишга эришди. Душман мудофасини турли усуллар билан яқсон қилиш ғаним мамалакатларнинг марказий ва йирик шаҳарларига қўққисдан кучли зарба бериш мустаҳкам иншоотларга эга бўлган қалъа кўрғон ва ҳисорларни узоқ муддат қамал қилиш душман кучларини иложи борица кенг кўламда қуршовга олиш (рақибни) душман кучларини таъқиб қилиш каби стратегик режаларни кўзлаб иш юритиш - Соҳибқиронга кўплаб ғалабалар олиб келди. Амир Темур армияси тактик усуллари жихатидан ўзига хос хусусиятларга эга эди. Разведка эса аъло даражада йўлга қўйилган эди қисмлараро алоқа юқори савияда бўлиши харбий бошлиқларнинг тўғри танланганлиги (махораба) ғалабага салмоқли таъсир кўрсатган.

Амир Темурнинг Мухрида ва узугида ҳам иккита сўз "Ростии ва Расти» лари бор эди. Бу эса куч адолат ва озодликда, -демакдир.

Соҳибқирон армиясида мунтазам қўшинга хос бўлган кўпгина белгилар мавжуд эди. Қўшин сон жихатидан аниқ ва пухта ташкил этилган, унинг жанговор тартиби - яққол такомил даражасига кўтарилган, қўшин ўз замонининг илғор қуроли-яроғи, техникаси билан қуролланган, ҳар бир қисм, бўлинма айнан бир турдаги қуроли-яроғ, техника-анжом билан таъмин этилган, бўлинмалар, қисмлар бир-биридан кийим-боши, кўтарган байроғи, ҳатто минган отининг туси орқали ҳам фарқланган. Амир Темур тоғли ҳудудларда жанг ҳаракатлари олиб бориш қобилиятига эга бўлган пиёдалардан тузилган махсус харбий қисмларни ташкил этди.

Юришлар олдидан Соҳибқирон аркони давлат, Вазирлар, саркардалар, амирзодалар, беклар ва амирларни харбий кенгаш - машваратга тўплаган, сўнгра аскар йиғиш учун махсус буйруқ эълон қилинган, қисмлар харбий кўриқдан ўтказилган.

Соҳибқирон ташкил қилган қудратли ва интизомли армия, жаҳоннинг ўша вақтдаги энг илғор армияси сифатида, ҳатто ҳозирга қадар ҳам буюк

саркардалар харбий мутахассислар, тарихчи олимлар томонидан эътироф этилмоқда.

Амир Темур хақида Якубовский А.Ю куйидаги сифатларини, яъни шахсий довюраклиги, сахийилиги, одамларни ажрата билиши ва ўзига ёрдамчилар танлай билиши, етакчи ролидаги қобилятини алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари унинг юксак ташкилотчилиги кучли иродага эга эканлиги ҳамда чуқур зиддиятларга эга арбоб сифатида таърифланади. Амир Темур ички ва ташқи сиёсатида асосан қўшинига суянган. У харбий куч билан забт этилган мамлакатлар халқларини зўрлик ва ишонч орасида ушлаб турарди. Шунинг учун ҳам у харбий ислохга, айниқса қўшин бошлиқларини танлаш ва уларни тарбиялаш, лашкарий қисмлар ва уларнинг жойлашиш тартиби, навкар ва сарбозларнинг қуролланиши ҳамда ички интизом масалаларига ниҳоятда катта аҳамият берган.

Амир Темур ўз "Тузуқлари" да ёзади: "Жахонгирлик қилишга киришганимда тўрт нарсани хотирамда мустаҳкам сақладим. Биринчиси,- қайси мамлакатни забт этмоқчи бўлсам, тўғри тадбир ва кенгаш билан иш тутдим. Иккинчиси- хатога йўл қўймаслик учун ҳар бир ишни кўп ўйлаб, сергаклик ва эҳтиёткорлик билан қилдим. Учинчиси - уч юз ўн уч асл зотли, шижоатли ва ақл-фаросатли эр йигитларни атрофимга бирлаштирдим. Тўртинчиси - бугунги ишни эртага қолдирмаслик, юмшоқлик қилишга тўғри келса, мулоимлик қилдим:Қаттиққўллик ишлатиш вақтида эса, қатъий чоралар кўрдим. Шошмаслик керак ерда шошилмадим, шошиларли ишларни кечиктирмадим. Қайси ишни чораю-тадбир билан ботиришнинг иложи бўлса, унда қилич ишлатмадим" . Темур қўшини ўнталик аскарий бирикмалар асосида тузилган лашкарлардан иборат эди. Лашкар "Туман"-ўн минглик, "хазора"- минглик, "хушун"-юзлик ва "аил"-ўнлик бирикмаларига бўлинган. Туманларда аскарларнинг сони ун минг, кушинда юз минг нафардан ортиқ бўлган. Амир Темурнинг ун минглик лашкарини бошқариш учун "туман оғаси", минглик бўлинмалар учун "мирихазора", юзликлар қаби харбий мансабларни жорий этди. Уларнинг ҳақ-хуқуқлари, ойлик маоши белгилаб берилган. Масалан, оддий сипохий маоши минган отини баҳоси баробарида "Баходирлар 2-4 от баробарида айлбоши қарамоғидаги навқарга нисбатан икки баробар кўп, юзбоши ўнбошидан икки баробарлик кўпроқ маош олган. Мингбошиларнинг маоши хушунбошиларнинг маошидан уч баробар ортиқ бўлган. Жангларда баходирлик кўрсатиб ғалаба қозонган амир учун инъомлар ҳам белгилаб қўйилган. Масалан, қайси бир амир бирон қўшинни енгса ёки мамлакат ё вилоятни забт эта, у туг ноғора, баходирлик мартабаси, давлат кенгашларига бемалол кириш ҳуқуқи ҳамда бирон вилоятнинг ноиблиги билан сайланган".

Бўлинма бошлиқлари - амирлар Темурга тобе бўлган қирқ аймақ (қабила)дан ўн икkitаси: барлос, аргин, жалоир, тулкичи, дулдои, муғул, сулдуз, тугои, қипчоқ, арлот, татар ва торхонлар орасидан сайлаб олинган. Амирлик мартабаси Темур фаолиятининг дастлабки йилларида унга содиқ бўлган 313 нафар кишига берилган. Булардан биттаси-амир ул-умаро, тўрттаси беклар беги, юзтадан-мингбоши, юзбоши ва ўнбоши бўлган. Бундан

ташқари яна ўн икки нафар кишига биринчидан то ўн иккинчи даражали амирлик унвонлари берилган. ўн иккинчи даражали амир одатда амир ул-умаронинг (ноиб) ёрдамчиси хисобланган. Ўн икки амирнинг ҳар бирига биттадан байроқ ва биттадан ногора, амир ул-умарога бир байроқ, ногора-ун минглик қўшин-туғ ва чортуғ, тўрт нафар беклар бегининг ҳар бирига биттадан байроқ, ногора, чортуғ ва бургу (карнай) берилган.

Амир Темур қўшинида айрим нишонлар қўшни бўлинмаларни ҳам фарқлаб турган. Масалан катта қизил байроқ, қўшин бошлиғи амир ул-умаро ёки беклар бегининг аломати эди. От елига боғланган найзали узун туғ туман оғасининг, икки томонига кокиллар осилган икки дул ногора юзбошининг аломати бўлган. Отлик қисмларни бошқариш учун махсус ажратилган суворий довулчилари, икки томонига икки дул ногорадовул осилиб, жанг пайтларида суворийларни (махорабага) жангга солиш мақсадида-улар бонг уриб қоқилган.

"Бўрон мамлакатда жабр-зулм ва фиску-фасод кучайиб кетаркан, асл подшолар адолат ўрнатиб, зулмни йўқотиш ниятида ана шундай мамлакатга хужум бошлаши лозим. Чунончи, мен Мовароуннахр вилоятида адолат ўрнатиш ниятида уни золимлар қўлидан тортиб олдим".

Абдураззоқ Самарқандийнинг ёзишича, ҳарбий сафарда Амир Темур қўшинидаги ҳар бир жангчи ўзи билан бир йилга етадиган озиқ-овқат, камони билан ўттиз ўқли садок, совут, найза ва қалқон олган. Ҳар икки суворийнинг битта захира чопқир оти, урдуг оҳда ҳар бир "аил"-ўнлик қисмда биттадан чодир, қозон, кетмон, ўроқ, болта, бигиз, иккитадан белкурак, юзтадан игна, ярим ман арқон, битта ошланган пишиқ тери бўлиши шарт эди. Ҳарбий сафарбарлик вақтида ҳар бир вилоят олдиндан белгилаб қўйилган асосий "асл" ҳамда захира "изофа", яъни "резерв". қўшимча қисмларни тўплаб берарди.

Вилоятлар тошотар (сангандоз), девор бузувчи (манжаник), ўқ отадиган (раъандоз ва нафтандоз) ҳамда ўзи отар қуролларни ишлата биладиган жангчиларни тайёрлаб берарди. Аскарний қисмларни вилоятлардан тўплаш билан товочи мансабидаги амалдорлар шуғулланар эди.

Амир Темур ва амир лашкарларга алоҳида эътибор берар эди. Ҳар бир зобит (бўлинманинг хушун ёки айлбошиси) жанг қилиш услубларини яхши билиши фарз саналган. Оддий навкар низомни катъий бажаришга мажбур бўлиб, жангда у аёвсиз ва довюрак бўлиши, ёмонлик қилган душманга эса юмшоқ муомала қилиши ва адолатли бўлиши лозим хисобланган. Қўшинлар ҳарбий юришга чиққан вақтда, айниқса интизомга каттиқ риоя қилинар эди. Ҳар бир бўлинманинг айлбоши, хушунбошиси, туман оғаси ва қўшин амири ўз ўрнини яхши биларди ва унга катъий риоя қиларди. Сафарда энг олдинда ҳар бир қўшин қисмлари билан энг довюрак ва ботир аскарлардан танлаб олинган хабаргир яъни хабарчилар деб юритилган. Айғоқчи-кузатувчилар бўлинмаси юрган. Хабарчилар орқасидан эса соқчилар бўлинмаси, -"ясовул" борган. Қўшиннинг асосий қисмлари олдида "манглаи"-авангард қисмлар ҳаракатда бўлган. Манглаи асосий кучлардан, баъзан эса бир неча

туманлардан иборат бўлган. Манглаи билан қўшиннинг асосий қисмлари оралиғида эса қўмондоннинг қароргоҳи ва унинг ён атрофида изофа, яъни захира қисмлар жойлашган. Махораба жанг оқибатини ана шу захира қисмлар ҳал қилган. Юриш вақтида қўшинлар олдида алоҳида йўл бошловчилар- "кучорчилар" гуруҳи бўлган. Кучорчиларни қўшин қисмлари ўртасида Амир Темурнинг ўзи тақсимлаб берган. Амир Темурнинг қўшини асосий жанговор қисми-марказ ҳамда ўнг қанот (барангар) ва сўл қанот (жавангар)лардан иборат бўлган. Ҳар бир қанотнинг олдида қўриқчи манглаи-авангард, ён томонларда ҳам қўриқчи аскарӣ қўшилмалар-"канбул"лар бўларди. Шу тариқа Амир Темур қўшини етти қисм-"кул" лардан иборат бўлиб, булардан учтаси: Марказ, барангар, жавногарлар мустақил ҳаракат қилган. Тўрттаси: иккита манглаи ва иккита канбулларга тобе қисмлар эди. Қўшиннинг бундай жойлаштирилишининг ўзига хослиги томони шунда эдики, унинг қанот қисмлари, марказӣ қисмига қараганда анча кучли эди. Бундан шубҳасиз савкулжаиш (стратегия) ҳамда жангда турли ҳил муҳораба услублари-табиат жангини қўллаш мақсади кўзда тутилган. Шарофиддин Али Яздӣ қўшинни етти кул-қисмга бўлиб жойлаштириш тартибини биринчи бўлиб Амир Темур жорӣ қилган деб ёзади. Бу куллар жангларда мустақил ҳаракат қилиб, фақат қўшин қўмондонига бўйсунган.

Амир Темур ўз тузукларида ёзади: "Қайси мамалакатни забт этган бўлсам, ўша ернинг обрў-эътиборлик кишиларини азиз тутдим, сайдлари, уламолари, фузало ва машоихларига таъзим бажо келтирдим ва ҳурматладим, уларга суюрғол вазифалар бериб, маошларини белгиладим; ўша вилоятнинг улуғларини бўлса, ўз фарзандларимдек кўрдим. Мазкур мамалакатларнинг сипоҳлари учун дарғохим эшиги очиқ эди. Хаммани қўрқув ва умид орасида сақладим". Ҳарбий юришлар вақтида йўлларда тўхтаб урдугоҳ-қароргоҳ қуришга тўғри келарди. Агар урдугоҳ душманга яқинроқ жойда жойлашса, унинг атрофи мудофаа иншоотлари-"турлар", хандалаклар, "чохпар" (чуқур ўра)лар ва "кочи"- марзалар билан ўраб олинар эди. Қўшиннинг (резерв) қўшимча қисмлари қўмондон урдугоҳини қуриқлаб турарди. Жанг пайтида улар зарур бўлган жойларда жангга солинарди. Қўриқчи канбуллар эса, душман қўшинининг ўнг ёки чап қанотини ёриб киришга ва ён томонларидан айланиб ўтиб, орқадан зарба беришига йўл қўймасликка ҳаракат қиларди. Канбуллар энг ботир ва тажрибали аскарлардан тузилар эди. Қўшинда айниқса у жангга кирган пайтларида, пиёда асакрлар алоҳида ўринни эгаллаган.

Жанговор сафга тузилган пиёда қисмлар, отликлардан олдинда турар ва душман ҳужум қилган вақтда чохпар ва турлар (мудофаа иншоотлари) орқасига яширинган ҳолда биринчи қўшин амирлари, пиёдалар билан отликларни жанговор тартибга жойлаштиришга алоҳида эътибор берардилар. Шундай қилиб, Амир Темур ўз замонасининг энг кучли ва жанговор қўшинини ташкил қилди. Аскар бошлиқлари ва навкарларини қаршилиқ кўрсатувчи кучларга нисбатан бешафқат руҳида тарбиялашга муваффақ бўлди. У жанг қилишнинг янги усул ва йўлларини қўллади.

Забт қилинган мамалакатларда норозилик билдирган ёки қўзғолон кўтарган кишиларни шафқатсиз жазолади. Кўпинча кутилган хавф рўй бермасдан туриб, унинг олдини олиш чораларини кўрди.

Амир Темур қўшинини Жахонгир Саифуддин ва Пирхусаин Барлослар, Окбуга, Усмон Аббос, Мухаммад Султон Каамарии, Тибон Баходир, Урусбуга, Хамза Сулдуз, Амир Муризода, Мухаммад Казгон, Сарик Атка ва Музаффар Учкора каби жангларда шуҳрат қозонган маҳоратли сарханглари бошқарарди.

Амир Темур ўз тузукларида ёзади: "Амр этдимки, ўғри ва қароқчиларни "Есо асосида жазолансинлар ва яна буюрдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамларни сари шумор ва хона шумор олмасинлар. Сипохийлардан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг отуловларини тортиб олмасин. Хар бир мамлакатнинг раияти билан бўлган муомалада уларга нисбатан холислик билан иш тутсинлар. Яна буюрдимки хар бир мамлакатнинг гадоларига вазифа юклаб иш берсинлар, токи шу йўл билан гадолик расми йўқотилсин.

Амир Темур ўзининг кенг қўламли юришларида қўллаган харбий техникани ҳам жуда яхши ва тўла-тўқис билган, мисол учун, Хиндистонда Амир Темур аскарлари харбий филлар билан тўқнаш келиб қолганида ва уларга қарши боришга чўчиб турганларида, Амир Темур ўз жангчиларига чуқурлар қазиб, у ерга учли симлар ўралган устунлар қоқишни ва уларга шохларига ҳашак қўйилган буқаларни боғлаб қўйишни буюради. Бу тадбир эса жангда Амир Темур қўшинларининг ғалабасини таъминлаган ва у филларнинг жуда кўп қисмини қўлга киритиб, ўз харбийлари қаторига қўшиб олган.

Амир Темур ўз харбий юришларида нефт билан тўлдирилган мунгул қозонларидан ҳам фойдаланган.

Амир Темурда жанг пайтида энг зарур пайтда керакли жойда бўла олишдек, ажойиб хусусият ҳам мавжуд эди. Бу унга душманлари унинг мақсадини билиб олишга улгурмасдан, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш имконини берарди. Боз устига, жанг майдонида унинг шахсан иштироки, энг оғир дамларда ҳам жангчиларини аниқ бўлиб қолган мағлубиятдан, кўпинча қутқариб ҳам қолган.

Амир Темур турли пайтлардан усталик билан фойдалана олган тадбиркор, ташкилотчи ва харбий қобилят эгаси ҳам бўлган. У ўз душманининг заиф томонларини аниқлаб, унга қарши қачон ҳужум қилиш кераклигини ҳам олдиндан билган. Амир Темурнинг сиёсати бошқа усуллар билан уришиш, яъни забт этилган мамлакатлар ва халқлар устидан назорат қилиш эмас, балки, сиёсатни у қанақа сиёсат бўлмасин (уруғчилик, дин ва империя учун), йирик харбий ўйиннинг бир қисми сифатида тушунган ва қурган.

Амир Темурнинг стратегик тафаккури иттифоқликни йўлга қўйишни икки даражада-уруғ ва минтақада амалга оширар эди. Лекин унинг кучайиши ва ҳокимиятини кучайтириш вақтларидаги усуллари фарқланишларига қарамасдан, шу икки даража умрининг охиригача ишлаб келди. Сиёсий ва

худудий тўқнашувлардаги чаирлик қобиляти, минтақавий ўлчамда яққол сезиларли эди.

Иттифокчилардан стратегик мақсадларда фойдаланиш, туғма нозиклик билан қоришиб кетди. Жанг мобайнида Амир Темур нозиклашиб қолган қисмларига ёрдамга шошилар, чунки (қўққисдаги мағлубият) унинг бутун режасини барбод қилишлари мумкин эди. Унинг фаросати ва иймони шунчалик кучли эдики, хатто у ўз харбий юришларининг энг зарур нуқталарини тўхтатиб қўйиб, ундан ҳам зарурроқ (янгироқ) юришларини бошлаб қўяр эди, лекин шу вақтда ҳам у аввал қўйилган мақсадларини эсдан чиқармасди. Амир Темур келажак юришларини мукаммал равишда тайёрлайдиган ҳақиқий реалист эди. Амир Темурнинг стратегик дахоси, унинг уста геополитик бўлиш қобилятига кўпроқ хосдир.

Биринчи қарашда унинг тартибсиз кўринган юришлари, изчил хусусиятга эга бўлмасада, кейинчалик аниқ бир режага асосланган эди.

Амир Темур ўз салтанатига фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан, аксинча турли маданиятларни қўшиб (омухта қилиб), бугунгача тарихда ўз қимматини йўқотмасдан яшаб келаётган Овросиё ғоясини шахсан ишлаб чиққан биринчи шахс эди. Гроссетнинг таъкидлашича, "унинг (Темурнинг) харбий империяси туркий-форс, қонунчилик системаси туркий-чингизий - Хонот ва сиёсий-диний тартиби-араб" деб айтган. Зарурати жихатидан Амир Темур бу хислатларни устамонлик билан бирлаштира олган эди. Қўшилганда бу катта куч эди: Амир Темур шундай етук саркарда эдики, у кўчманчиларнинг қобилятларини, муғулларнинг жасоратини, мўминларга хос иймон-этиқодни ўзида (омухта) мужассамлаштирган эди. Шу маънода у маданиятдаги уйдирмалар, сиёсий тарздаги фактларга айланадиган ҳозирги вазиятга қараганда, ўша пайтларда кўп жихатдан илганмайдиган тушунча бўлмиш,-ҳозирги замон "цивилизациялар тўқнашуви"нинг дастлабки даракчиси бўлган эди. Амир Темурнинг харбий қобиляти, унинг хар бир алоҳида минтақада жорий этган қонунчилигида ҳам кўринади. Шу билан биргаликда, Амир Темур ўз камчиликларини ҳам тушунар эди, лекин бунини у бошқалар камчилигидан (бошқалар йўл қўйган хатолардан), тўғри хулоса чиқариш билан тўлдириб борган. Масалан, Тўхтамишнинг ишни пайсалга солиши, Боязиднинг манманлиги, форс амирларининг ўзларига бино қўйишлари ва бошқалардан оқилона фойдаланганини кўрамиз. Амир Темурнинг кучи унинг "буткул тугатиш ўрнига, ичдан кулатиш, кўриш ўрнига-тенглаштириш" йўлидан борганлигидадир. Бу нарса ҳозирги замон геополитика сиёсатига ҳам жуда мос келади. Бундан ташқари Амир Темур Марказий Осиёдаги воқеалар, бошқа ҳамма регионларга ҳам албатта таъсир этади, деб тушунган. Шу билан бирга у олиб борган сиёсат, харбий юришлар тўғридан-тўғри бўлмаса ҳам,-маълум маънода ўзга ташқи мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказган.

Масалан, Амир Темур муғулларнинг Хитойга бўлган ҳавфини, Олтин Ўрдани олиш билан Москва Русига бўлган ҳавфини бартараф этди.

Шундай қилиб, Литваликлар ва половецларнинг Россияга ҳужумлари ҳам барҳам топди. Амир Темур Константинополнинг усмонли турклар томонидан

забт этилишини ярим аср орқага сурди, бироқ Туркларни Кичик Осиёдан таъкиб эта бориб, Европада бир умрга қолишларига имкон берди.

Вилоят ҳокимлари, туман ёки шаҳар беклари қалъа қўрғон доругаларининг Амир Темур томонидан тузилган рўйхатга мувофиқ ўз жангчиларини зарур от-ўлови, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ем-хашаги билан таъминлаши шарт ҳисобланган.

Шарофуддин Али Яздийнинг ёзишига кўра, Амир Темурнинг Дашти Кипчоққа қилган юриши (1390-1391) олдидан қўшинни бир йилга етадиган озиқ-овқат, қурол-яроғ, кийим-кечак ва бошқа сафар учун керакли ашёлар билан таъминлашни ўз ноибларига буюрган.

Амир Темурнинг ҳарбий истеъдоди асосан икки йўналишда, мохир ҳарбий ташкилотчи ва атоқли саркарда тарзида эркин намоён бўлди.

Амир Темур барпо этган армиянинг ички тузилиши ва қонун-қоидалари билан бошқа армиялардан муҳим жихатлари билан тубдан фарқ қилар эди. Булар қуйидагилар:

Биринчидан: Амир Темур шарқда биринчилардан бўлиб, ўз армиясига ўт иргитувчи қурол -радандоз олиб кирди.

Иккинчидан: Соҳибқирон тоғли ҳудудлардан жанг ҳаракатлари олиб боровчи пиёдалардан тузилган махсус қисмларни ташкил қилди.

Учинчидан: Амир Темур жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб, ўз қўшинини жанг майдонидан етти қўл бўлиб жойлаштириш тартибини жорий этди.

Туртинчидан: Амир Темур ҳарбий санъат ривожига қўшган улкан хизматларидан яна бири, қўшин қанотларини жанг чоғида душман ҳужумидан мудофа қилиш ва аксинча ғаним кучларини ён томонидан айланиб ўтиб, ўнга ортидан зарба бериш мақсадида тузилган отлик қисм-канбулнинг жорий этилишидир.

Бешинчидан: Амир Темур ўз салтанати учун девон бошқарувининг икки тизимини таъсис этди. Улардан бири турк-мўғилларидан иборат Чиғатой қабиласи ва армия ишлари бўйича Девони-бузrug маҳкамаси, иккинчиси форс расмиятчиларидан иборат ўтрок аҳолидан солиқ йиғиш ишлари бўйича Девони-аъло маҳкамаси бўлган. Унинг диққат марказида пухта ғалабага олиб келувчи қўшинни такомиллаштириш масаласи турган.

АМИР ТЕМУР ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

Биринчидан, у мамлакатда кучайиб кетган феодал тарқоқликка барҳам берди, эл-юртни ўз туги остида бирлаштира олди. Марказлашган йирик феодал давлатга асос солди. Бу билан зироатчилик, хунармандчилик, савдо - сотиқ ва маданият ривожига мустаҳкам замин яратди.

Иккинчидан, Амир Темур бир қатор халклар ва юртларга мустамлакачилар зулмидан озод бўлишга ёрдам берди. Масалан ўша даврнинг энг қудратли подшоҳларидан ҳисобланган Боязид Илдириمني (1389-1402)

тор-мор келтириб (1402), Усмонли туркларнинг истибдодлиги туруб қолган "Болкон" ярим оролидаги халқлар ва мамлакатларга озодлик бағишлади. Олтин Ўрда хони Тўхтамишни (1376-1395) икки ҳукумронлигидан қутулишини 300 йилга тезлаштирди.

Учинчидан Туркистон заминини хунармандчилик, илм-фан ва маданият ривожланган илғор мамлакатларга айлантирди. Амир Темурнинг саъи-ҳаракати билан обод этилган шаҳарлар қасабалар қишлоқларни Шаҳрисабз, Бухоро, Ясси (Туркистон) шаҳарларда қад кўтарган иморатлар "Темур ва темурийлар давлати", "Темурийлар маданияти", "Улуғбек ва Самарқанд", "Обсерватория мактаби" каби улуғ тушунчаларни дунёга келиши ва халқлари тарихига олтин харфлар билан ёзилиши ҳам Амир Темур номи билан боғлиқдир.

Даставвал шуни айтиш керакки, Амир Темур одоб-ахлоқ, иймон, эътикод, таълим-тарбияда ўзи юксакликка, мукаммаликка эришган сиймолардан биридир. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун бобомизнинг ўзи томонидан яратилган одоб-ахлоққа оид дастурлар, ўғитлар, панд-насихатларни, шунингдек Соҳибқирон ҳақидаги тарихий асарларни кўздан кечириш kifоя. Булар "Тузуки Темурий" ("Темур тузуклари"), "Малорузотий Темурий" ("Темурийнинг айтганлари") ва "Вокиоти Темурий" ("Темурийнинг бошидан кечирганлари") номи билан жаҳонга машҳур бўлган асарларни, XV аср муаррихи Фосих Аҳмад Ҳавофийнинг "Мулжал-И Фосиший", Низомиддин Шомий (туғилган ва вафот этган йили маълум эмас) ва Шарофиддин Али Яздийларнинг машҳур, "Зафарнома"си ибн Арабшоҳ (1389-1450) нинг "Ажойиб улмоқдур ори аҳбори Темур" (Амир Темур ҳақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари), Салоҳиддин ибн Мулло Аловиддин Ҳожи Эшоннинг (Салоҳиддин Тошкендий) қаламига мансуб "Темурнома" (Амир Темур кўрагон жангномаси, 1908) қабилар шулар жумласидандир.

"Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан ун барабар фойдалироқдир", деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, оғохлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона - жузрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Ислом Каримов

Темур ўзининг ҳаёти давомида ҳарбий истеъдоди, моҳир саркардалиги, дипломатчилиги ва етук давлат арбоби бўлганлиги туфайли миллий юксалиш ва инсонпарварлик руҳи билан суғорилган улкан марказлашган давлат тузишга муваффақ бўлди. Соҳибқирон турк-муғул анъаналарига амал қилган ҳолда ўз давлати ҳудудларини суюрғол (улус) тариқасида инъом қилиш йўли билан бошқарган. Темур Мовароуннаҳрдан ташқаридаги ерларини тўрт улусга бўлиб, фарзандларига инъом этди. Бу масаланинг эътиборли томони шундаки, гарчи соҳибқирон томонидан бўлиб берилган ерлар ички мустакилликка эга

бўлсалар-да, лекин амалда батамом марказий ҳокимиятга бўйсундилар. Темурнинг ўта даражадаги зукколигини шундан билса бўладики, у улуслар ўртасида ўзаро низолар келиб чиқмаслиги учун уларнинг фаолиятини доимо ўзи назорат қилиб туради.

Темур давлатининг энг кўзга кўринган ва муаммоли томони шундаки, соҳибқирон кичик бир вилоят доирасида тарбия топган бўлса-да, давлат мафкурасининг бошқарув таянчи кучли ҳокимият эканлигини тушунди ва давлат, салтанат ишларини юзага чиқаришда камчиликка йўл қўймайдиган вазирларни танлашга ҳаракат қилди. Амир Темур вазир тўртта сифатга эга бўлиши лозим деб ҳисоблаган: биринчиси-асллик, тоза наслилик, иккинчиси-ақл-фаросатлилик, учинчиси-сипоҳу раият ахлидан хабардорлик, тўртинчиси-сабр-чидамлилик ва тинчликсеварлик.

Амир Темур ҳукмронлик қилган давларда давлатнинг марказий маъмурияти бошида девонбеги, аркбеги ва тўрт вазир турган. Вазирлар солиқлар йиғиш, мерос ишлари, аскарлар маоши ва уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, сарой харажатлари билан боғлиқ бўлган ишларни бажарганлар.

Бу даврларда ерга эгаликнинг баъзи турлари мавжуд бўлиб, улар суюрғол ерлар, вақф ерлар, жамоа ерлари эди. Хусусий ер эгалари тархон унвонини олганлар, давлатга солиқ тўлашда баъзи имкониятларга эга бўлганлар, вақф ерлар масжид ва мадрасаларга қарашли ерлар бўлиб, улар солиқ тўлашдан озод қилинганлар. Амир Темур даврида асосий солиқ даромад солиғи-хирож бўлиб, у олинадиган даромаднинг учдан бир қисмига тенг бўлган. Темур тузукларида ёзилишича, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки ер ости сувларини тортиб оладиган иншоот курса, ё, бирон боғ қўқартирса, ёхуд бирон ташландиқ ерни обод қилса, фақат ерни ўзлаштирганининг учинчи йили (биринчи, иккинчи йил умуман тўламаган) қонун доирасида хирож солиғи олинган. Ундан ташқари ушр, мол, сувлок каби солиқ турлари мавжуд бўлиб, улар йиллар давомида амал қилинган тартиб-қоидаларга биноан тўпланган. Солиқ тўпловчи солиқ йиғиш жараёнида солиқни яхши сўзлар билан тўплаши, аҳолини калтаклаш ҳоллари, занжирбанд этиш ҳоллари келиб чиқмаслигини назорат қилиши шарт эди.

Амир Темур давлатни мустаҳкамлашда қонун-қоидаларнинг тутган ўрнига кенг эътибор берди. Француз олими Алфонс де Ламартин Амир Темур давлати ҳақида шундай деган эди: "Европа на Искандарда, на Атиллада ва на Московия зафарини қучган янги фотих Наполеонда адолатли қонунлар асосига қурилган бундай бошқарувни бунёд этган эмас". "Давлат ишларини, - деб ёзган эди Амир Темур, - салтанат қонун-қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тура ва тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим".

Соҳибқирон мамлакат ободончилигига ҳам жуда катта эътибор берди. Дастлаб, Самарқандни пойтахт қилиб олгач, у жуда катта имтиёзларга эга бўлган шаҳарга айланади. Соҳибқирон ҳаракати билан Самарқандда дунёнинг йирик шаҳарларидан келтирилган бинокорлар, меъморлар томонидан масжидлар, мадрасалар, мақбаралар бино этилди. У хатто ғарибларга озиқ-овқат берадиган Ғарибхоналар, йўловчилар қўниб ўтадиган махсус жойлар

хам курдирган. Шахар атрофи мустахкам деворлар билан ўралиб, Оханин, Шайхзода, Чорсу, Коризгох, Сузангарон ва Феруза каби номлар билан дарвозалар курилади. Темурнинг қароргохи сифатида ноёб маъмурий бино Кўксарой ва Бўстонсаройлар ҳам айнан шу ерда курилади. Темур ноёб курилишлардан ташқари Самарқанд атрофида ўзининг хешу акраболарига атаб турли гўзал боғлар курдирди.

Темур улкан сохибқирон сифатида ўзининг она юрти Кешга катта диққат-эътибор билан қаради. Ёзма манбалардаги маълумотларга қараганда, Амир Темур Шахрисабзда Оксарой, жомеъ масжид, мадрасалар барпо эттирди. Сохибқирондаги улуғ саховатнинг яна бир томони шунда эдики, у бепоён даштлар билан қамраб олинган Туркистон шаҳрини ҳам ободончилигига кенг эътибор берди. Жумладан, Хожа Аҳмад Яссавий макбарасини куриш билан бу ерда нафакат ободончилик, балки кўчманчи ва ўтрок аҳоли орасидаги муносабатни яхши йўлга қўйиш, уруғлар ўртасида тинчлик сақлаш мақсади ётгани маълум.

Амир Темур даврида янги шаҳарлар, савдо ва хунармандчилик кенг ривожланганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Темурнинг саъи-ҳаракатлари билан Бухоро, Шахрисабз, Тошкент каби шаҳарлар савдо ва хунармандчилик марказлари сифатида ривожланиб борди. Айниқса, бу даврларда хунармандчиликнинг кенг ривожланиши шаҳарларда хунармандчилик маҳаллалари, савдо расталари сони ортиб боришида катта аҳамиятга эга бўлди. Сохибқирон савдо йўллари ривожига, унинг тинчлигига кенг эътибор бериб борди. Шахсан ўзининг назорати остида савдо йўллари назорат қилиб борилиши савдо қарвонларининг хавфсизлигини таъминлади.

Амир Темур давлатининг мафкураси ижтимоий-иқтисодий ҳаётни изга солиб йўналтиришдан ташқари сиёсий ҳаётда ҳам куч кенг йўлга қўйилди. Сохибқирон чет давлатлар билан алоқани кенг йўлга қўйди. У давр шарт-шароитларига кўра ташқи сиёсатда катъий, фаол ҳаракат қилиб, ўз салтанати довуғини жаҳон миқёсига чиқара олди. Сохибқироннинг Йилдирим Боязид устидан бўлган ғалабаларидан сўнг Франция, Англия, Генуя ва Византия эркин алоқаларни, савдогарлар ва мол алмашишни таклиф этган. Шундай қилиб у Европа давлатлари билан яқин қўшничилик қилиш, савдо қарвон йўллари ривожлантириш нияти борлигини кўрсатиб ўз давлати шухратини Европага тарқата олди. Унинг салтанатини довуғи бу мамлакатларга етиб бориши билан Франция, Англия, Генуя, Византия, Испания каби давлатларнинг қироллари сохибқирон билан сиёсий, иқтисодий, савдо алоқалари ўрнатишга интиланлар. Шу боис улар Сохибқирон хузурига мунтазам элчилар юбориб турганлар. Темурнинг чет давлатлар билан олиб борган дипломатик алоқаларида унинг ўғли Мироншоҳ кўп ёрдам берган.

Амир Темур даврида диний илмлар ва дунёвий фанлар барқарор бўлган. Сохибқирон ўз даврининг фан ва маданияти жонкуяри сифатида шухрат қозонди. Темур тақводор рухонийларга чуқур ҳурмат билан қаради. Уларнинг дуоларини олди, доимо камситилган мажаб тарафдорларини ўз химоясига олди. Дарвеш, фақир ва мискинларни ўзига яқин тутиб, уларни ранжитмаслик учун барча талабларни бажарди.

Ўрта Осиё халқларининг маънавий тараққиётида Темурнинг диний ва дунёвий билимларга эътибор бериши катта аҳамиятга эга эди. Соҳибқирон доимо илм аҳли ва уламо билан суҳбатда бўлиб, қалби тоза кишиларга талпинган. Темур давридаги илм-фан, меъморчилик, санъат соҳалари ўз даврига нисбатан ўта даражада ривожланиб, юксак маънавий бойлик даражасига кўтарилди. Шу даврнинг нодир кўлёмалари тарихнинг мўъжизасига айланиб қолди.

Дин ҷамиятда мафқуранинг устунларидан бири бўлганлиги сабабли Соҳибқирон динга кенг эътибор берди. У нафақат аскарларини, балки барча фуқароларини мусулмончилик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилган. Унинг доимо амал қилиб келган "Куч адолатдадир" деган сўзлари унинг давлатни бошқаришдаги юксак қобилиятидан далолат беради.

Машҳур муаррихлардан бири Низомиддин Шомий ўзининг "Зафарнома" асарида шундай ёзади: "... унинг адолати-ю сиёсати ўрнатилган кунларда Мовароуннахрнинг энг чекка жойларидагина эмас, балки Хутан чегарасидан Дехли ва Канбоит атрофигача, Бобил Абвобдан то Миср ва Рум ҳудудигача бўлган ерлардан савдогарлар у ерда турсин, болалару, бева хотинлар ҳам ипакли матолар, олтин-кумуш ва энг зарур тижорат моллари келтирардилар ва олиб кетардилар. Ҳеч бир кимса уларнинг бир донига ҳам кўз олайтира олмайди ва бир дирҳамига ҳам зиён етказмайди. Бу чексиз неъмат ва поёнсиз марҳаматлар Амир Соҳибқироннинг сиёсати ва адолати натижасидандир".

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, Темурнинг ҳаёти катта жангнома, у кўплаб мамлакатларни ўз тасарруфига олди. Лекин бу ердаги асосий масала-Темур шахсининг устунлигини ва идора қилиш қудратининг сирларини, моҳир саркарда ва тинчлик посбони, фуқаро фаровонлиги раҳнамоси сифатидаги шахс эканлиги, унинг юксак меъморий иншоотлар қуришдаги ўрнини изохлаш, унинг ечимини топишдир.

Амир Темур ва темурийлар даврида ёзилган тарихий асарлар анчагина бўлиб, улар орасида "Темур тузуклари" буюк жаҳонгир ҳаётига ва фаолиятига бағишланган асарлар ичида шубҳасиз алоҳида аҳамият касб этади. "Темур тузуклари" жаҳоннинг машҳур кутубхоналаридан жой олган қимматли асардир.

"Темур тузуклари" икки қисм, 56 та банддан иборат тарихий ва ҳукукий асар бўлиб, унда Соҳибқироннинг давлат тузилиш ва мамлакатларни бошқариш хусусидаги нуқтаи назари баён қилинади. Бу асардан кўплаб шарқ ҳукмдорлари ўзларининг фаолиятлари давомида фойдаланганлар ва унга юқори баҳо берганлар. Жумладан, Шох Жаҳон (1628-1657), Қўқон хони Муҳаммад Алихон (1821-1842), Бухоро амири Абдуллаҳадхон (1885-1910) "Тузукот" дан парчалар кўчиртириб, улардан ўз фаолиятларида фойдаланганлар.

"Тузуклар"нинг биринчи қисмида Амир Темурнинг етти ёшидан то вафотига қадар (1342-1405 йил 18 феврал) кечган ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолияти, унинг Мовароуннахрда марказий ҳокимиятни қўлга киритиши, ижтимоий тарқоқликка барҳам бериши ва марказлашган давлат тузиши, қўшни юрт ва мамлакатларни, масалан Эрон ва Афғонистонни ўз тасарруфига

киритиши, Олтин ўрда хони Тўхтамишхон, нихоят, буюк жаҳонгирнинг Озарбайжон, Туркия ва Хиндистонга қилган харбий юришлари ихчам тарзда баён этилган.

Иккинчи қисми Соҳибқироннинг номидан айтилган ва унинг тожу тахт ворисларига аталган ўзига хос васият ва панду насихатларидан иборатдир. Унда давлатни идора қилишда кимларга таяниш, тожу-тахт эгаларининг бурчи ва вазифалари, вазир ва қўшин бошлиқларининг бурч ва вазифалари, амирлар ва бошқа мансабдорларнинг тожу тахт олдида кўрсатган алохида хизматларини тақдирлаш тартиби ва хоказолар хусусида гап боради.

Амир Темур ўз олдида улуг давлатнинг ички сиёсати ва ишчан давлат тизимини кадимий тажрибалардан ижодий фойдаланган ҳолда тузиш, харбий сиёсатни замон талаби асосида тобора такомиллаштириб, муғул истилоси асоратларини тезроқ бартараф этиб, хўжаликни оёққа тургизиш, савдо-сотиқ, хунармандчиликни бир меъёрга тушириш ва ривожлантириш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш, ислом динига ривож бериш, илм-фан, маданият, меъморчиликни тубдан ривожлантириш, ободонлаштириш ишларини кенг кўламда жадаллаштириш каби долзарб вазифаларни қўйган эди. Унинг бундай саъи-ҳаракатлари катта куч-ғайрат, маблағ, билим ва оқилона тадбирларни талаб этар эди. Темур етук сиёсатдон ва мохир давлат арбоби бўлиб, у ўзидан аввал ўтган ҳукмдорлардан фарқли равишда, давлат ва мамлакатни бошқаришда бир ёки икки табақага эмас, балки аҳолининг барча табақаларига суянган.

Амир Темур шахсини идрок этиш - тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш - ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуглаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятмизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажакимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Ислом Каримов

Маънавий илдизларимиздан бири бу Темур маънавиятидир. Бу қудратли манба инсоният тарихида тенги йўқ марказлашган давлатчиликка, қонунчиликка асос солиш билан ер юзининг деярли ҳамма мамлакатларида ўрганилиб, ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этмокда. Биз фақат ҳозирги кунга келгандагина бу маънавиятни нақадар зарур эканлигини ва буюк келажак сари қадам ташлаётган халқимиз учун нихоятда қадрли эканлигини англамоқдамиз.

Амир Темур инсонни қадрлай оладиган ва уни фарқлай оладиган улкан арбоб эди. Мусулмончиликда, "энг яхши кишининг икки қўли ҳам тўғри бўлади, у бир қўли билангина эмас, икки қўли билан ҳам яхшилик қилади", деган хикматли ибора бор. Амир Темур дўстига ҳам, душманига ҳам ана шундай икки қўли билан яхшилик қилди, қолганларни ҳам шунга ундади. "Тузукот" да ҳам, тарихий асарларнинг муаллифлари ибн Арабшоҳ,

Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Абдураззоқ Самарқандий, ҳам, де Клавихо кундалигида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Темур ўз фаолияти давомида Оллох буюрган олий инсоний фазилатларга астойдил амал қилди. Темур ўз фарзандларига қилган васиятда шундай дейди: "... Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Заифларни кўринг, йўқсилларни зангинлар (бойлар) зулмига ташламанг. Адолат ва йиллик (яхшилик) қилмоқ дастурингиз ва рахбарингиз бўлсин". Адолатни шунчалик қадрлаган хукмдор албатта халқ орасида катта обру-эътиборга эга бўлиши табиий хол эди.

Темурнинг "Куч-адолатда" деган сўзи ҳақиқатда шиорга айланиб, ҳамма даврлар учун жаранглаб турувчи ибора тусини олганлигини шохиди бўлишимиз мумкин. Темур халқнинг шикоятлари ва арзларини ўрганувчи махсус арзбеги лавозимини жорий қилган. Арзбеги шикоят, аризаларни кўриб чиқар, уларда кимлар айбдорлигини аниқлар ва бу хусусда кенгашга хабар қилар эди. Айбдорлар ким бўлишидан қатъи назар қаттиқ жазоланган. Солиқлар, молиявий масалаларда қатъий тартиб-қоида ўрнатилган. Рус шарқшуноси Д.Н. Логофет бу хусусда шундай деб ёзади: "... биз ҳозир зўр бериб интилаётган даромад солиғи деган нарсани унинг (Темурнинг) ҳокимиятида ўшандаёқ мавжуд эди".

Темур маънавияти улкан манба ва туганмас бир булоқдир. У ҳозирги мустақилликка эришган давримизда, ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда, миллий мафкура ғояларини фуқароларимиз онгига сингдиришда бу манбанинг аҳамияти бекиёсдир. Шунинг учун ҳам Президентимизнинг Амир Темур таваллудининг 660 йиллик тантаналари ва кейинги вақтдаги қатор чиқишларида бу манбанинг аҳамияти такрор ва такрор қайд этилмоқда. Темур маънавиятининг бизга ўргатувчи, сабоқ булгувчи жойлари жуда кўпдир. Зеро, бу маънавият-бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий бойлигининг бир бўлаги бўлиб, юртимиз равнақи ва порлоқ келажаги учун ҳамиша хизмат қилажакдир.

Хурматли юртбошимиз Ислом Каримов. Амир Темур даври маънавияти, Соҳибқирон шахсияти ва у қолдирган улкан мерос нима учун зарурлиги масалаларига тўхталиб, буни қуйидагича шарҳлаб бердилар: "Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетакрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди. Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган, давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади. Амир Темур ўз давлатини ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган. Унинг "Давлат ишларининг тукқиз улушини кенгаш, тадбир ва машварат, қолган бир улушини қилич билан амалга оширдим" деган

Амир Темурнинг номи билан боғлиқ бўлган унинг "Темур тузуклари" (Тузукий Темурий), яъни Темурнинг бошидан кечирганлари номлари билан аталиб келган. "Темур тузуклари" Темур кодекси, яъни Амир Темурнинг

давлатни бошқариш ва уни идора қилиш баён этилган бўлиб, хандалар тўпламидир.

"Темур тузуклари" икки қисмдан иборат: биринчи қисм Амир Темурнинг етти ёшидан тортиб, то сўнги кунигача бўлган ҳаёти тасвирланган.

Иккинчи қисми Жаҳонгир Соҳибқирон Темур номидан шахзодаларга қарата айтилган васиятлар, панд-насихатлар ўрин олган. Унда Жаҳонгир ўз ворисларига қарата давлатини идора қилиш санъатини нозик сирлари, қоидалари ҳақида амир, вазирлар, ҳокимларни танлаш уларни жой-жойига қўйиш, қўшин бошлиқлари, уларнинг хизматларини тақдирлаш ҳақида васият қилган эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг ибратли ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаъно ўғитларининг ҳар бири мазмун ва маъно кенглиги, мантиқнинг кучлилиги, теранлиги таъсири умуминсоний қадриятлар асосига қурилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади, улар ҳадсиз хазина, одоб-ахлоққа оид дастурлар учун амалдир.

Соҳибқирон Амир Темурнинг берган насихат ва сабоқлари унинг ўз даври учун қанчалик муҳим бўлган бўлса, бугун мустақил Ўзбекистонни ривожланишида ҳам унинг илгари сурган ғоялари ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Бугунги Туркистон халқларининг бирлашишида, ўзаро муносабатларнинг ривожланишида Темур тузукларидан фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

12-мавзу	“Жадидчилар ғоялари ва мафкураси” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологияси
----------	--

1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Талабалар сони: 50-70 гача</i>	<i>Вақти: 2 соат.</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Информацион баҳс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	1. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий заминини. 2. Жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида. 3. Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари
Ўқув машғулотининг мақсади: Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий заминини ўрганиш, жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида билимларга эга бўлиш, ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари ҳақида маълумот бериш.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>

1. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий замини.	<i>Талабалар</i> Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий заминини ўрганадилар.
2. Жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида.	Талабалар жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида билимларга эга бўладилар.
3. Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари	Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари ҳақида маълумот оладилар.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, “Пирамида”, “Қандай?”, “Балиқ скелети” технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологияси (“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топширик.

1.2. “Жадидчилар ғоялари ва мафқураси” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб олади
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича «Пирамида» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Жадидларнинг асосий ғоялари нималардан иборат? (4-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-6-иловалар). Маъруза бўйича «Қандай?» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Туркистон жадидлари нима мақсадни кўзлаган эди? (7-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.3. “Балиқ скелети” технологияси бўйича 3-режадаги савол тушунтирилади (8-илова), савол-жавоб қилинади (9-илова).	

	2.2. Мустақиллик халқимизнинг буюк тарихий ғалабаси «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (10-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб олади
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (11-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий хужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (12-Илова).	”Инсерт” технологиясида жадвални тўлдиради.

1-илова

12-МАВЗУ: ЖАДИДЧИЛАР ҒОЯЛАРИ ВА МАФКУРАСИ

Режа

1. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий заминини.
2. Жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида.
3. Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари

Ўқув машғулотининг мақсади: Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий заминини ўрганиш, жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида билимларга эга бўлиш, ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари ҳақида маълумот бериш.

Ўқув фаолиятининг натижаси: *Талабалар* Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий заминини ўрганадилар. Талабалар жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида билимларга эга бўладилар. Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари ҳақида маълумот оладилар.

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий замини

Жадидчиларнинг сиёсий фаолиятининг негизи мустақиллик ва озодлик ғоялари билан суғорилган эди. Бу ғоялар авваламбор, XIX асрнинг 50 - 70 йилларида ўзбек халқининг Россия тажовузига қарши жангларда ўз ифодасини топган эди. Улар рус давлатининг Туркистон заминида ҳукмронлиги ўрнатилгандан кейин ҳам халқнинг қалбида жўш уриб турди. Улар ҳамиша ўз халқи ишқида ва дардида яшаган ва унинг озодлиги учун жонини тиккан жадидларнинг онги ва қалбини чулғаб олди.


Чунки Рус давлати минтақада миллий давлат ва қўшинни тугатиб, мустақилликни барбод этди. У ўзининг манфаатларини таъминлайдиган сиёсий – маъмурий тизимни ташкил этиб, бутун минтақанинг ягона эгаси бўлиб қолди. Рус ҳукумати 1867 йилда Туркистон – генерал губернаторлигини ташкил этиб, К.П.Кауфманни биринчи губернатор деб эълон қилди. У 1868 йил 1 январ куни Тошкент шаҳрининг нуфузли кишилари ҳузурида нутқ сўзлади. У ўз сўзида Рус давлатининг Туркистон заминига бостириб кириши ва қонли урушларини оклаш ва хаспўшлаш учун кўп найрангбозлик қилди. Зеро, у хонликлар даврида ўлкада адолатсизлик ва зўравонлик ҳукм суриб, гўё халқ оммаси ҳамиша оғир аҳвол ва азоб – уқубатда яшаганлигини таъкидлади. Шу боис, Рус давлати туб аҳолига озодлик ва фаровон ҳаёт бахш этиш мақсадида Туркистонни эгаллаган эмиш.

У ўзи тузган истибдод сиёсий – маъмурий тизимини мактаб шундай дейди: «Бахт – саодат келтирувчи янги тартиб ва қонунларни улуғ императорнинг марҳаматини англашга туб аҳолининг ақл – идроки етарлимикин?... Такрор огоҳлантираманки, сизларнинг тақдирингиз ўз қўлларингизда. Агар ўз фойдангизни ўйлаб ва бизнинг мамлакатимизни ҳис этиб Рус ҳукуматига хайрихоҳлик билан муносабатда бўлсангизлар, бахтли ҳаётга эришасизлар, бордию, сизлар бошқача иш юритиб, ҳукуматга қарши турсангиз, ҳокимият куч ишлатишга ўтади».

1-ўқув топширик

«Пирамида» технологияси

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай?” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.



5-илова

Жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида

XX аср бошларидаёқ миллий озодлик байроғини баланд кўтариб, миллий кучлар бирлигини таъминлаш борасида салмоқли фаолият кўрсата бошлаган Туркистон жадидлари жаҳон жамоатчилигини ўзига жалб қилди. 1906 йилнинг баҳорида Франция Республикаси бош штаби иккинчи бюроси (ҳарбий разведка) топшириғи билан майор Лякост икки йил давомида Туркистондаги ижтимоий – сиёсий вазият билан яқиндан танишди. У ўзининг кузатишларини ҳисобот тарзида «Комитета де Азия Франсис» номли журналда чоп этади. Бу мақолада Туркистон генерал губернаторлиги ҳудудидаги ижтимоий – сиёсий кучлар ва партиялар фаолияти шарҳлаб берилган эди. Эътиборли томони шундаки, француз разведкачисининг ўтқир нигоҳи билан Туркистонда қайси партия, қайси сиёсий оқим кучли экани шундай аниқлаб берилдики, бу ҳол рус сиёсий полициясини ғоят жиддий ташвишга солди. Майор Лякост Туркистон ўлкасидаги энг эътиборли ва келажаги порлоқ социал – демократлар (большевиклар ва меньшевиклар), ёки социалист – инқилобчилар (сўл ва ўнг эсерлар), ё кадет ва либераллар эмас, балки ёш сартлар деган хулосага келган эди. Разведкачи Туркистонда жадидчилар таъсири кучли бўлган ўз фирқасига эга экани ва у 1906 йилнинг январидида Санкт – Петербургга, Умум-руссия мусулмонларининг қурултойига вакил юборганини таъкидлаб, бу фирқа худди Қозон татарлари каби ўзининг миллий дастурига эгаллиги ва рус истибдодларига жиддий зарба бериши мумкинлигига ишора қилган эди.



1-ўқув топширик

«Қандай?» технологияси

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай?” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.




8-илова

Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари

Жадидчилик ғояларини унинг ёрқин вакилларидан Бехбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний, Мунавварқори, Файзулло Хўжаев, Сўфизода, Тавалло, Исҳоқжон Ибрат кабилар ғоят оғир шароитларда тарғиб этишга ҳаракат қилганлар. Улар миллатнинг камолотини юксалтириш, унинг кадр-қимматини ерга уришга йўл қўймаслик борасида катта ишлар қилганлар. Маърифатчи жадидчилар оғир моддий қийинчиликлар, ғоявий-сиёсий тазйиқларга қарамай, миллатнинг маънавий юксалиши учун имкониятлар яратишга ҳаракат қилдилар. Тарихнинг мураккаб, масъулиятли бурилиш давларида миллатнинг миллий онгини юксалтириш, миллий ифтихор тўйғусини кучайтириш биринчи даражали вазифалардан эканлигини англаб етганликлари учун ҳам бу борадаги барча ишларни ўз зиммаларига олдилар. Бехбудий, Фитрат, Мунавварқори ва бошқа миллат учун жонкуяр жадидлар мактаблар очар, уларда ўзлари дарс берар, ўқув қўлланмалари ёзар, нашр этар ва бу йўлда жонбозлик кўрсатдилар. Бу йўлда ҳатто ўз маблағларини аямаганлар. Бундай саховатпешалик, савобталаблик каби эзгу ишлар бизнинг ҳозирги мустақил ривожланишимиз учун ҳам ниҳоятда зарур.

Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатининг намоёндаларидан кимларни биласиз?

(Балиқ скелети методи)



2-ўқув топшириқ

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ холда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гуруҳ

Савол	Жадидлар ҳаракати ҳақида нималарни биласиз?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

2-гуруҳ

Савол	Ёш хиваликлар ва бухороликлар қандай ғояларни кўзлаганлар?
-------	--

(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

11-илова

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. «Жадид» сўзининг маъноси нима?
2. Жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлиш сабабларини тушунтиринг.
3. Жадидчилик ҳаракатининг намояндаларидан кимларни ва уларнинг қандай асарларини биласиз?
4. Маҳмудхўжа Бехбудий ким бўлган?
5. Мунавварқори фаолиятини изоҳлаб беринг.
6. Абдулла Авлоний ҳақида нима биласиз?
7. Маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган қандай шоир ва ёзувчиларни ҳамда уларнинг қайси асарларини биласиз?

12-Илова

Инсерт технологиясидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
В – биламан
+ - мен учун янги маълумот
- - мен билган маълумотни инкор қилади
? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

Жадидчилар ғоялари ва мафкураси (маъруза матни)

Режа:

1. Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий замини.
2. Жадидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида.
3. Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари

Жадидлар мамлакатда ижтимоий, маданий – маърифий тараққиётнинг негизини халқнинг ўтмишидан излашга ҳаракат қилдилар. Ўтмишда ота – боболаримиз яратган янгиликлар, уларнинг ҳаётий тажрибасига ва олға сурган ғояларига асосланиб, ўз қарашларини маълум бир изга солишга интилдилар. Мамлакат тараққиётини илм ва маърифатни эгаллашда, дунёдаги ўзгаришларни ўрганиш ва уларни ўз ҳаётида амалда қўллашда деб билдилар. Шунингдек, жададлар тараққиётга етишмак учун ота – боболардан қолган илм сирларини, ҳаётий тажрибаларни ўзлаштириш, шу тажрибаларга суянган ҳолда бугунги замонавий ўзгаришларни ўз юртига жорий этмоқ ҳар бир мусулмон кишининг бурчи деб қарадилар. ўзининг учун жадидлар **тарихни ўргандилар. Тарихни ўрганиш** асносида тарих билан боғлиқ бир қатор асарлар ҳам яратиб. бу фаннинг ривожига салмоқли ҳисса қўшдилар. “Тараққий ва танқид”, “Тарихи Муҳаммадий”, “Исломнинг мухтасар тарихи”, ”Ножот йўли”(А.Фитрат), “Тарихи маданият”, “Тарихи Фарғона”, “Мезон ул замон” (Ибрат)“, “Тарих ва жуғрофия”, “Бухоро”,”Тарихи Ислом” “Мирзо Улуғбек”, “Хайрул умумри афсатухо”(“Ҳар бир ишнинг ўрта миёнаси дуруст”) (М. Беҳбудий),” Бухор инқилоби учун материаллар” (С. Айний) шулар жумласидандир.

Маҳмудхўжа Беҳбудий мамлакат тараққиёти, ўзликни англашда, комил инсон бўлиб етишишда, жамиятни бошқаришда тарих фанининг бекиёс эканлигини таъкидлайди. Фақат ватан тарихи эмас, Европа ва жаҳон мамлакаатлари тарихини ҳам ўрганиш зарур, бусиз ҳеч ким маърифатли инсон бўлаолмайди, деган фикрни илгари суради.

“Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки бир миллатнинг на сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлиб кетганини қўйиб мундан ҳам этмаак мумкиндир- деб ёзади М. Беҳбудий ўзининг “Туркистон тарихи”мақоласида. Унинг фикрича, тарихни билмай туриб ҳеч ким комил ва адолатли инсон бўла олмайди. “Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарихни ўқимоқ ва билмоқ керак, дини исломнинг асл пайғамбар ва саҳобаларининг исломият ва уммат учун жафо чеккан меҳнатларини билмоқ учун тарих ўқимоқ керак. Паст қолган ва тараққий қилган халқларни, жаҳонгир бўлган давлат ё нопадид бўлган ҳукуматларни билмоқ учун тарих ўқимоқ керак... мусулмонлик қандай кўпайди ва тараққий этди ва аёлон на учун мусулмонлар таназзул этдилар? Ва иложи худдорий ва тараққий надир? Буни билмоқ учун тарих ўқимоқ керак. Хулоса, дини дунёдан баҳобар бўлмаоқни хоҳлайдирган ҳар ким учун тарих ўқимоқ керак. Чунки ҳар нимаса ва шунинг асли ва насли тарихдан билинур ”¹ М. Беҳбудий тарих илми ҳақидаги фикрларини давом эттириб, **“Мозий – истиқболнинг тарозисудир”**деса, тарих илмига ижодий ёндошган А. Фитрат тарихни икки қисмга: муқаддас тарих, яъни дин, пайғамбарлар ва азиз авлиёлар тарихига ҳамда жамият тарихига ажратиб таҳлил этади ва у тарихга ўзига хос баҳо бериб, **“сабоқ берувчи ва ўқитувчи фан”** деб атайди. А. Фитрат тарих ҳақида: **“Тарих**

– миллатларнинг ўтмишини, тараққиётини ҳамда таназзулининг сабабини ўрганадурғон илмдир,”²- деган эди.

2. Жаидчиларнинг амалий ҳаракатлари ва тарихий тақдирлари ҳақида

Жаидлар фаолияти XIX аср охири XX аср бошларидаги муштамлака Туркистон ўлкаси учун фақатгина янгилик эмас, халқнинг маърифатпарвар қатлами учун тараққиёт мезонлари, муштамлакачи ва маҳаллий ҳокимият, унинг манфаатпараст кучлари учун эса хавотирлик ила ташвиш келтирди. Улар Туркистонда бундай янгиликнинг кириб келишигина эмас, бу янгиликларни олиб кираётган кишиларни йўқ қилиш, ўлкадаги муҳитнинг янги ҳаво билан тўйинишига тиш – тирноқлари билан қарши чиқдилар. Ҳар қандай усул, режим ва тартиблар орқали бундай ўзгаришларнинг пайини қирқишга интилдилар. Чор ҳукумати даврида жаидлар фаолиятига қилинган қаршиликлар ҳокимият тепасига келган Шўролар деб аталмиш янги ҳукумат тамонидан муаммал амалга оширилди, ҳатто, улар бу соҳада чор маъмурларидан ўтса ўтдики, қолишгани йўқ.”Биз кичик миллатларга тамом ҳуррият ва истиқлол берамиз”деб хитобномалар воситаси-ла ваъда қилган бўлсалар ҳам, бу қуруқ сўзлари қоғоз устидагина қолди. Булар ҳозиргача ҳеч бир миллатнинг мухторият ва истиқлолини тасдиқ этмадилар, балки, бильакс, шундай мухторият ва истиқлол эълон этган миллатларга тўп ва пулимут билан муқобала этдилар ва этмакдадилар...”- деб ёзган эди Ҳ.Муин ўзининг “Большевиклар ва биз” мақоласида.¹

Совет ҳокимиятининг муштабидлик сиёсати туфайли неча минглаб жаид маърифатпарварлари, миллий озодлик қатнашчиларининг ҳаёти топталди, уларнинг бутун фаолияти ер билан яксон қилинди. Қатоғонлик сиёсати туфайли “18 лар гуруҳи”, “Иноғомовчилик”, “Қосимовчилик” деб аталган гуруҳбозлик билан кўплаб миллат ва Ватан таддири учун фидойи кишилар йўқ қилинди.

“18 лар гуруҳи” - таниқли арбоблардан ташкил топган бу гуруҳ бўлиб, унинг таркибини И.Хидиралиев, М. Саиджонов, У. Ашуров, Р.Раҳимбобоев, Р. Рафиқов ва бошқалар ташкил этган.

“Иноғомовчилик”- ЎзКР(б)МҚ Матбуот бўлими мудир ва Ўз ССРМаориф халқ комиссари вазифасида фаолият юритган **Раҳим Иноғомов**га ҳам асоссиз айблар қўйилди. У ўзининг бир қатор нутқларида ЎзКР(б)МҚнинг муштақил фаолият юритаолмаётганлигига, Марказнинг назоратчи органларининг ўлка ҳаётидаги зўравонлигига алоҳида эътибор қаратганлигини танқид қилган эди. Унинг фикрини республиканинг бир қатор маҳаллий партия ва совет органларининг масъул ходимларидан Н. Мавлонбеков, И. Исамуҳамедов, М. Алиев сингари кишилар қўллаб – қувватлайдилар.

“Қосимовчилик” 1929 – 30 йиллар оралиғида Ўз ССР Олий Судининг раиси **Саъдулла Қосимов** ва унинг яқин маслакдошлари деб топилган Н. Алимов, Б. Шарипов каби 7 киши қамоқа олинади. Улар республикада

миллатчи ташкилотлар билан алоқада айбланадилар ва “босмачилик”ка ён беришда қораланадилар.

Мустабид тузим ҳукумдорлари ва улар гумашталарининг енг шимариб қилган саъи – ҳаракатлари натижасида 1937 – 1938 йилларда гўё Ўзбекистонда бир қатор йирик акс – инқилобий тузилмалар борлиги тўқиб чиқарилди. Булар: республика рағбарлари А. Икромов, Ф. Хўжаев, бошчилигидаги **“Буржуа-миллатчилик аксилинқилобий ташкилоти маркази”**, Абдурауф Қориев раҳбар бўлган **“Мусулмон руҳонийларининг миллатчи - исёнчилар ташкилоти”**, **“Аксилинқилобий онг троцкийчи жосуслар ташкилоти маркази”**, **“Бухоро ва Туркистон бахт - саодати”** номли аксилинқилобий ташкилот, И. Ортиқов бошлиқ **“Ёшларнинг аксилинқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”**, **“инглиз жосуслик резедентураси ”**, **“япон жосуслик – кўпоровчилик резедентураси ”** ва бошқалар эди.

Қатоғонлик сиёсати туфайли фақат 1937 – 1938 йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб, 43 мингдан зиёд киши қамоққа олинган. Шундан 6 минг 920 нафари отиб ташланган, 37 минг киши турли муддатларга қамок ва сурганга жўнатилган.

Жадидлар ҳаракати гарчи у Туркистон келажаги, тараққиёти учун фаол ҳаракат сифатида бутун Туркистон бўйлаб ёйилган бўлса-да, бутун бир Россияни эгаллаб, Ўрта Осиёга кириб келган большевиклар ҳаракати олдида ўз ожизлиги билан мағлубиятга учради, бунинг эса ўз сабаблари бор эди, албатта.

Қатоғонлик сиёсати туфайли жадид ота – боболаримизнинг ўзлари билан биргаликда уларнинг ёнида биргама – бирга яшаган қариндош уруғлари, яқин кишилари ҳам мислсиз азоб – уқубатларга гирифтор қилинди. Улар жадидлар билан яшаган, уларнинг яқин одамлари бўлса-да, аммо ҳеч қандай ижтимоий – сиёсат билан шуғулланмаган, жадидларнинг ҳеч бир фаолиятидан беҳабар, оддий, содда ва самимий қалб эгалари бўлмиш жадидларнинг турмуш ўртоқлари, фарзандлари ҳатто орадан узоқ йиллар ўтса-да, турмуш ўртоғи, ота - онаси учун советлар таққан **“хоиннинг яқини”** деган тавқи лаънатни бўйнига осиб юришга мажбур этилди. Аслида, совет қонунларида ҳар бир инсоннинг ўз ҳақ – ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳақида каттагина моддаларда ўз ифодасини топганмиди? Ҳа, советларнинг манфур башарасининг икки юзламачилиги ҳам шунда эди-да, яъни қоғозда бошқа сўзу, амалда бошқа. Ўз яқинлари, жигар – бандлари ва турмуш ўртоқлари учун совет даврида мислсиз жабру – ситам, жафолар чеккан, қатоғон деб аталмиш ўпқонинг оғзида ўз тақдирининг аламли дамларини бошидан кечирган ўзбекистонлик бир қатор аёлларни мисол келтиришимиз мумкин: **Хадича Алиева, Кимёхон Ашурова, Тожихон Аҳмедова, Валентина Васильевна, Кетеван Исломова, Мақсуда Исҳоқова, Хайринисо Мажидхонова, Гулсум Раҳимова, Екатрина Сулаймонова, Марям Султонмуродова, она, бола, келин Хўжаевалар, Зайнаб Ҳошимова ва бошқа** кўплаб аёллардир. Уларнинг баъзиси жадид ёзувчининг турмуш ўртоғи бўлган бўлса, баъзиси советлар даврида турли соҳаларда соф виждон билан янги ҳокимият учун, миллат ва Ватан учун хизмат қилган кишиларнинг аҳли аёли, қизидирлар. Даврнинг машъум суронларида кўтарилган бўҳронлари остида **“миллатчига ёрдам берганлик”**да айбланиб, **“халқ хоини”** сифатида зах

ертўлаларда ўз ҳукмини ойлаб кутишга, сўнгра ҳеч нарсадан беҳабар бечора аёллар олис Сибирининг қаҳратонларида жон сақлашга, ўз қариндош ва фарзандларидан узоқ муддат айрилиқда яшашга маҳкум этилди. “Уларнинг баъзи бирлари Тожиҳон Шодиева сингари таниқли давлат ва партия арбоблари бўлгани, бошқалари эса, Марям Султонмуродова сингари Германияда таҳсил кўриб келгани учун аксилинқилобчи ва миллатчи сифатида, баъзан чет эл разветкасининг жосуси сифатида қамокқа олинган. Улар ё отиб ташланган, ёхуд олис ва совуқ ўлкалардаги лагерларга юборилган”.

Ўзининг ёрқин келажagini орзу қилиб, ватан ва миллатга сидқидилдан хизмат қилишга отланган аёллар ҳам советлар назаридан қолмади. Ўз соясидан ҳадиксираб яшаётган совет ҳукумати аёлми, эркакми, ҳар бир фуқоронинг ҳар босган изини минг бор ҳадик билан, гумон билан кузатди. Ҳатто, бир пайтлар жаҳидлар ёрдами билан чет элга замонавий билимларни эгаллашга йўл олган ёшларга ҳам гумон кўзи билан боқиб, уларнинг совет жамиятидан ўз ўрнини эгаллашлари учун имкон бермадилар. ”...1937 – 1938 йилларда қатоғон қиличининг ўткир тиғи аёлларимизнинг дур ва марварид шодалари илиниб келинган нозиккина бўйинларига қадалган экан, - дея ҳикоя қилинади **“Қор қўйнида лолалар”** номли китобда, уларнинг баъзи бирлари Тожиҳон Шодиева сингари таниқли давлат арбоби бўлгани, бошқалари эса, Марям Султонмуродова сингари Германияда таҳсил кўриб келгани учун аксилинқилобчи ва миллатчи сифатида, баъзан эса, чет эл разветкасининг жосуси сифатида отиб ташланган ёхуд олис ва совуқ ўлкалардаги лагерларга юборилган”.

Пухта ўйланган, ҳийла ва макр билан суғорилган, кези келганда террорчилик усулидан фойдаланадиган, бутун мафкураси зўравонлик ва мустамлакачилик ғоялари билан тўлиб - тошган большевизм Туркистондаги миллий – истиқлолчилик ҳаракати қатнашчиларининг орзу – ниятларини кунпоя-кун қилди... Жаҳидлар маърифатпарварлик, ватанпарварлик, миллат қамоли йўлида жонбозлик кўрсатдилар. Бироқ уларнинг ҳаракати мазмуни ва моҳияти, мақсад ва вазифаси ўша даврда ҳам, совет даврида ҳам ғаразли мақсадда талқин қилинди... нима деса десинлар, асримиз бошида жиддий тус олган жаҳидлар тамонидан амалга оширган жаҳидчилик фаолияти миллий - озодлик ҳаракати сифатида Туркистон тарихида ўзига хос ва ўчмас из қолдирди. Жаҳидлар ўз фаолиятлари билан ўлка тарихида “... учинчи - миллий уйғониш жараёнини вужудга келтирдилар”.²

Туркистон зулм занжирлари билан чирмаб ташланган исканжада қолди. У худди чор атрофини темир панжаралар билан ўраб қўйилган қамокхонага ўхшарди. Бу қамокхонадан чиқишга уринган, ҳатто унинг деворлари яқинига яқинлашган ҳар қандай киши ўлимга маҳкум эди. Минглаб – миллионлаб кишиларнинг тақдири большевик даҳолар тамонидан аллақачон ҳал этилганди, овози бўғилган халқ энди миллий манфаатлари топталиб, юрагининг туб – тубидаги гапларини яширишга, кўзларидаги оқаётган маржон – маржон кўз ёшларини кўрсатмасликка ва ич- ичидан келаятган ингроқ ва бўғзига тикилган фарёдни ичга ютишга, олқишлару чапаклар билан марказдан берилаятган кўрсатмаларни тасдиқлаб туриш ҳамда уни лом – мим демай

бажаришга маҳкум этилган эди...”Асримиз бошида чиққан сиёсий фиркалар ичида комунизм каби ақлдан йироқ ҳаёлий бир маслак бўлган эмас. Мана шу ҳаёлий маслак эгалари 50 йилдан бери ақлдан ташқари тузумларини қуроли кучи билан халқ устида юргизиб келадилар,”- деган эди А. Соғуний ўша давр ҳақида

Шундай бир пайтда миллий – озодлик курашчиларининг номини тилга олиб бўлмасди. Жадиждарги хайрихоҳ, уларнинг асарларини ўқиш, ҳатто уларнинг номини тилга олишнинг ўзи жиноят ҳисобланган.”То кейинги йилларгача (ҳатто 1980 йилларнинг охиригача) Туркистон жадиждари, Ёш бухороликлар ҳаракати, фаолияти ҳақида гап кетганда фақат уларга салбий тамғалар ёпиштириб тилга олиш одат тусига кирган эди. Улардан нуқсонлар ахтариб топиш адабиётшуносларимиз, тарихчиларимизга мажбуран сингдириб юборилар, уларни илмий, назарий жиҳатдан чуқур ва ҳолис ўрганишга йўл қўйилмас, бирор ижобий ибора бу ҳақда айтилмас, айтган киши жазоланарди.”¹. Буни қарангки, шўро ҳукумати жадиждарни жисмоний мавҳ этганлигидан ҳам қаноатланмай уларнинг номларни тарих саҳифаларидан бутунлай ўчириб ташлашга уринди ва ўзи тарбиялаётган совет кишиси онгида жадиждарни фақат “халқ душмани”, “ватан хоини” ва “аксилинқилобчи” сифатида гавдалантиришга уринди, афсуски, бунинг уддасидан чиқаолди ҳам. Шу мазмундаги қатор мақолалар, асарлар яратилди, диссертациялар қилинди.

3. Ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракатлари

Жадиждилик ҳаракатининг вужудга келишини Исмоилбек Гаспиринский номи билан боғланиши хусусида албитта тўхталмоқ даркор.

Дарҳақиқат, Россия мусулмонлари дунёсидаги бу ижтимоий маънавий ҳаракатда Исмоилбек Гаспиринский (1852-1914)нинг хизмати бениҳоядир. У Россия мусулмонлари ҳаётида янги ҳодиса бўлган «усули жадида» асос солди. «Таржимон» рўзномасини чоп этиш билан туркий тилдаги матбуотчиликни бошлаб берди. «Усули Жаид» нинг довуғи тез орада Россиянинг мусулмон ўлкаларига, Туркистонга, Хива ва Бухоро ўлкаларига кенг ёйилган эди.

Исмоилбек Гаспиринский Туркияда ўқиди, Францияда 3 йил яшади ва бу давлатлардаги янгича бошқарув усулини ўрганди. Маориф-мактаб ишлари билан яқиндан танишди. У ўзининг «Таржимон» рўзномаси саҳифаларида чор Россияси қорамоғидаги мусулмон мактаб ва мадрасаларини ислоҳ қилиш, уларда дунёвий фанларни ўқитиш масаласини кўтариб чиқди. Жумладан диний фанлар, араб, форс ва рус тилларини ўрганиш бир қаторда тиббиёт, ҳикмат, кимё, наботот, нужум каби 17 фанни ўрганиш лозимлигини кўрсатди. Ўз мақсадини амалга ошириш учун у 1884 йилда Кримнинг Боғчасарой шаҳрида янги услубдаги биринчи жаид мактабини очиб унинг учун ўзи дарсликлар ёзди.

Исмоилбек Гаспиринский жадиждилик ғояларини Туркистон ўлкаси мусулмонлари орасида ҳамкенг ёйишга киришди ва 1893 йили шу мақсадда Туркистон ва Бухоро амирлигида бўлди. Туркистон ҳукумати ва Бухоро

амирлиги унинг янги услубдаги жаид мактаблари очиш таклифини рад қилган бўлсада умидсизликка тушгани йўқ. У ўзининг Туркистондаги ҳамфикрлари Мунаввар Қори Абдурашид ўғли, Абдулла Авлоний, Беҳбудий ва бошқа маърифатпарвар кишилар ёрдамида Туркистон ўлкасида янги услубдаги жаид мактаблари очишни кўп машаққатлар билан амалга оширди. 1903 йилга келиб Туркистон ўлкасида уларнинг ташаббуси билан 102 та бошланғич ва 2 та ўрта мактаблари ўз фаолиятини бошлаб юборди.

Демак жаидчилик ҳаракати дастлаб мактаб-маорифдан бошланиб, кейинчалик у матбуотга, театрга ва аста-секинлик билан сиёсат соҳаларига ҳам тадбиқ этила бошланди.

Хива хонлигида жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиш шарт-шароитлари хусусида гапирганда аввало 1905-1907 йиллардаги биринчи рус буржуа демократик инқилоби, 1907-1909 йиллардаги Эрон ва Туркияда бўлиб ўтган буржуа инқилобларининг самарали таъсирини алоҳида таъкидлаш лозим. Биринчи рус буржуа демократик инқилоби мағлубиятидан кейин Хива хонлигига бадарға қилинган Н.А.Сафранов, Л.С.Бобровский, В.Е.Крошилов ва бошқа рус социал-демократларнинг Хива хонлигидаги инқилобий фаолияти ҳам хонликда тараққийпарвар демократик ҳаракатларнинг шаклланишида ижобий роль ўйнади. Хива хонлигида тараққийпарвар демократик ҳаракатнинг шаклланишида хонликдан узоқ Россия ва Туркистонга мавсумий ишларга кетиб ишлаб қайтган кишиларнинг ҳам маълум даражада ҳиссалари бор. Хонликдан ҳар йили ўртача 3000 га яқин киши Туркистоннинг турли шаҳарларида мавсумий ишларда ишлаб, илғор демократик ғояларни ўзлари билан олиб келаётган эдилар.

Хива хонлигида жаидчилик ҳаракатининг шаклланишида турли сабаблар билан хонликка келиб қолган татар миллатига мансуб кишиларнинг ҳам маълум даражада хизматлари бор эди. Улар ўзлари билан маҳаллий аҳолига тушунарли бўлган татар тилида нашр қилинган ойнома ва рўзномаларни келтириб фуқаролар ўртасида тарқатаётган эдилар.

Жумладан, Россиянинг турли шаҳарларида чиқаётган «Вақт», «Иттифоқ», «Тараққий», «Юлдуз» рўзномалари, «Дин ва маишат» ойномасини, Истамбулда турк тилида нашр қилинган «Вақдат» рўзномасини ва кўпгина ижтимоий-сиёсий онгининг уйғонишига ижобий таъсир кўрсатдилар.

Хивада жаидчилик ҳаракатининг шаклланишида хонликда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланишига жиддий тўсиқ бўлиб турган феодал ҳамда патриархал уруғчилик муносабатларини тугатиш, хонликдаги мавжуд бошқарув усулини ўзгартириш зарурлигини тушуниб етган савдо-саноат қатламларининг, илғор зиёлиларининг вужудга келганлиги ҳам катта роль ўйнади.

Хонлик худудида аста-секинлик билан бўлсада, капиталистик тараққиёт куртаклари катта-кичик заводлар, Россия савдо-сотик компаниялари, банклари бўлимларининг пайдо бўлиши, уларда ишлаш учун Россиядан кўп саводли ҳамда демократик кайфиятдаги кишиларнинг кела бошлаши, уларнинг

махаллий аҳоли билан доимий мулоқоти ва унга таъсири ҳам Хива хонлигида жади́дчи́лик ҳаракатининг шаклланишида маълум даражада аҳамият касб этди.

Шу олимларнинг таъсирида асримиз бошларида Туркистон ўлкасида бўлганидек, Хива хонлигида ҳам маҳаллий буржуазиянинг илғор вакиллари савдо-сотиқ доиралари, майда буржуазия ва хунармандлар орасида жади́дчи́лик ҳаракатининг тарқалиши учун зарур шароит вужудга келди.

XX аср бошларида шаклланган Хива жади́дчи́лик ҳаракати асосан 2 та оқимдан иборат эди. Унинг ўнг оқими ўлкада ривож топиб келаётган савдо-саноат корхоналари эгалари ҳамда йирик бойларнинг вакиллари ўзига бирлаштирган эди. Бу оқимга хоннинг бош вазири Ислохўжа бошчилик қиларди. Жади́дчи́ликнинг ўнг оқими ўз олдига мамлакатда хон ҳокимиятини сақлаб қолган ҳолда, социал-иқтисодий ислохотлар ўтказиш орқали капиталистик муносабатларга кенг йўл очиб беришни мақсад қилиб қўйди.

Хива жади́дчи́лик ҳаракатининг сўл оқими эса майда буржуазия хунармандлар ва меҳнаткашларнинг турли табақа вакиллари бирлаштирган эди. Бобо охун Салимов сўл оқимининг раҳбари эди. Бобо охун Салимов (асли исми Муҳаммад) 1874 йилда Гурлан беклигида Шайхулислом (қозикалон) Салим охун оиласида дунёга келди. Хива шаҳрида Оллоқулихон мадрасасини тугаллаб дунёвий билимларни, шунингдек, ўзбек, араб, форс, рус ва бошқа тилларни яхши билган, шоир сифатида шеърлар ёзган. 1910-18 йилларда отаси ўрнига шайхулисломлик вазифасида ишлаган. Тараққийпарварлик ғояларига мойиллиги туфайли жади́дчи́лик ҳаракатининг йирик намоёнчасига айланди. Бобо охун Салимовга эргашган Аваз Ўтар ўғли, Полёз Ҳожи Юсупов, Отажон Сафоев, Худойберган Деванов, Мулла Бекжон Раҳманов, Отажон Обдалов, Ҳусаинбек Матмурад девонбеги ўғли, Мулла Жуманиёз Султонмурод ва бошқа кўпгина тараққийпарвар кишилар жади́длар ҳаракатининг сўл оқими аъзолари эди.

Хива жади́длар ҳаракатининг сўл оқими аввал бошданок ўзларининг туркистонлик фикрдошлари катори Хива хонлигида янги услубдаги жади́д мактаблари очиш орқали халқ оммасининг сиёсий фаоллигини ўстиришни ўз олдларига мақсад қилиб қўйган эдилар. Прогрессив кайфиятдаги савдо-сотиқ доиралари жади́дларнинг сўл оқимини қувватлаб 1904 йили «Жамияти хайрия» ни туздилар. Бу жамиятнинг мақсади жади́дларга янги мактаблар очишда ёрдам уюштиришдан иборат эди. «Жамияти хайрия» нинг моддий ёрдами туфайли Хива шаҳрида Қозондаги янги усул «Муҳаммадия» мадрасасини битказган Ҳусаин Қўшақов бошчилигида 1904 йил 10 ноябрида янги услубдаги жади́д мактаби очилди. Дастлаб бу мактабда 14 та, кейинроқ эса 55 нафар бола таълим олди. Шулардан 45 нафари ўзбек болалари эди. Жади́длар ёрдамида 1906-1911 йилларда Хўжаэли, Қўнғирот, Тўрткўл ва Шовотда ҳам янги услубдаги мактаблар очишга эришилди. Бу мактабларда Ҳусаин Қўшақов билан биргаликда Комила Қўшоқова, Юсуф Аҳмадов, Муҳаммадшариф Худойберганов ва бошқалар ўқитувчилик қилдилар. Хива

жадидлари янги услубдаги мактаблар очиш билан бирга улар учун дарсликлар яратиш борасида ҳам катта ишлар қилдилар. Бобо охун Салимов маслакдош дўсти Туркиянинг Истамбул шаҳрида таҳсил олаётган Мулла Бекжон Раҳманов билан ҳамкорликда «Алифбе» ва «Ўқиш китоби» дарсликларини яратдилар.

Диний ва дунёвий фанларни қўшиб ўқитишга асосланган янги услубдаги жадид мактаблари ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Хива хонлигида маданият ва маориф тараққиётида ижобий аҳамият касб этиб аҳоли ўртасида билим тарқатиш имконини берди, қисман бўлсада хонликда прогрессив кайфиятдаги кишилар кўпайди, аҳоли сиёсий онгининг ўсишида муҳим роль ўйнади.

Марказий Осиёда жадидчилик серқирра бўлиб, унинг асосий йўналиш оқимларидан бири – Бухоро жадидчилигидир. Бухоро жадидчилиги ўз хусусиятлари ва ривожланиш шаклларига эга бўлиб, Бухоро амирлигидаги иқтисодий, сиёсий ва жамиятнинг ахлоқий аҳволи билан боғлиқ эди. Бухоронинг XIX аср охири XX аср бошларидаги аҳволини ўрганмасдан туриб, бу ерда вужудга келган жадидчилик ҳаракатини ўрганиб бўлмайди, зеро, Бухоро жадидчилиги айнан ўша давр Бухоросининг ижтимоий – сиёсий, маданий – маърифий аҳволининг натижаси, жамиятдаги мавжуд муоммоларни ҳал этишга қаратилган ҳаракат сифатида юзага келганди.

Бухоро амирлиги даридаги тарихий шарт – шароит ҳақида XIX аср иккинчи ярмида яшаб ўтган, табиий ва аниқ фанлардаги чуқур билими учун матрифатчи олим ва шоир **Аҳмад Дониш** асарларида баён этилган. Ўтган асрнинг 50 – йиллари ўрталарида амир Насруллоҳ сароиди бош хаттот ва рассом сифатида иш бошлаган Аҳмад Дониш амирликда ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида қимматли маълумотлар бериб ўтган. Аниқ ва табиий фанлар бўйича чуқур билимга эга А. Дониш амирликдаги мавжуд ҳолатга нисбатан танқидий муносабатда бўлди. У 1870 йилда адолатли давлат ҳақидаги тасаввурларига мос келмайдиган хизматни ихтиёрий тарк этади. Бу ҳафда у шундай ёзган эди: “... қўшин ва ҳокимларга хизмат қилишдаги тартибнинг йўқлиги туфайли саройда хизмат қилиш менга оғир ва натижасиз кўринди, мен таклиф ва эътирозларга қарамай, бундан кетдим ва мадрасага жойлашиб, қуруқ нонга қониқиш ҳосил қилдим”¹

Бухоро амирлиги унинг чуқур билимларни ҳисобга олиб, Россияга юборилаётган элчилар сафида уч марта сафарга юборади. Бу сафарлар ундаги ҳукумрон тоифага нисбатан бўлган танқидий муносабатини янада чуқурлаштиради.

Аҳмад Дониш 70 – йиллардан то амир Музаффар вофотига қадар, узоқ Ҳузур ва Нарпай вилоятларида қози бўлиб ишлайди. Бу вазифада ишлаш унинг Бухоро ижтимоий тузилишида социал – иқтисодий ўзгаришлар зарурлиги ҳақидаги қарашларини янада қатъийлаштиради. У **“Наводир ал - воқое” (“Нодир воқеалар”)** асарида мавжуд тузумга ўз

муносабатини билдиради ва Бухоро амирлигида давлат бошқаруви ислохатини таклиф этади. Хусусан, унинг “Рисола” номи билан таниш бўлган “Рисолаи тарихи амирон манғит”(“Манғит амирлари тарихи ҳақида рисола”) асарида мамлакатнинг ёрқин тасвири берилган бўлиб, ўша давр Бухоро халқининг аҳволи, Россия билан Бухоро амирлиги ўртасидаги ўзаро муносабатлар ўз ифодасини топган.² Аҳмад Дониш амир Дониёлдан то Абдулаҳадгача бўлган (амир Шохмуроддан ташқари) барча Бухоро амирларини давлат ва унинг фуқоролари фаровонлиги йўлида эмас, балки, фақат ўз шахсий манфаати йўлида қайғурган нўноқ ҳукумдорлар сифатида тавсифлайди. “Улар, деб ёзади Аҳмад Дониш, нима топишса, ўшани олиб қўйишар, бева – бечоралар шамчироғидаги оловдан тортиб, вақф омборидаги ғаллагача ўғирлашар, қорин ғами ва қувончу хурсандчиликларига хизмат қилса бўлди эди. Ҳеч ким қаршилиқ кўрсатишга журъат этмасди. Амирлар ва ҳокимлар орасида қиморбозлик, майхўрик, бузукчилик авж олди, деҳқон ва хунармандларда эса шафқатсизлик, эзиш, солиқлар ва аминона, вакилона каби йиғимлар сероблигидан на туриш, на юришга ҳол қолди”¹ амирлик ҳаётидан мисоллар келтирган ҳолда А. Дониш ўз фикрларини давом эттиради: “Агар бирор бева бозорга бир тўп ип олиб келиб, уни уч фулусга (маҳаллий танга) сотса, шундан икка фулусини амин олиб қўяди, агар бирор киши бир боғлам ўтинни уч дирҳамга сотса, шундан икки қисми амир улуши бўлади”² бундай вазият барча соҳаларда учрарди. Бухоро учун ўта муҳим ҳисобланган суғориш соҳасида ҳам адолатсизликлар, ўғриликлар кучли эди. Ўҳарга сув келишидан анча олдин мироблар халқдан ҳақ ола бошлар, у ҳатто ариқ тозалаганлардан ҳам йиғиб олинарди. Деҳқонлардан одам турмайдиган ерлар учун ҳам солиқ олинар, тўламаганларни қамоқхона хавфи кутарди. Миршаблар ҳақида гап кетганда, А. Дониш айтишича, улар давлатдан ҳеч қандай маош олмаган, маош уларга халқдан тўпланадиган солиқлар ҳисобидан берилган, табиийки, шу боисдан фуқоро манфаатини ҳимоя қилиш ўрнига, ҳатто, босқинчилар билан келишиб, миршаблар қароқчилик ҳам қилишарди.бу ҳол аҳоли қатламнинг қуйи қатлами учун хос бўлса, юқори қатлам ҳисобланмиш олий қатор асосан сарой ва унинг аёнлари, амалдорлари, турли хизматдаги кишилардан иборат бўлиб, уларнинг аксарияти асосан халқнинг меҳнати эвазига маишатда ҳаёт кечиради. Улар орасида давлат лавозимига тайинлаш пора шаклида, улкан тухфа ёки даъвогар лавозимига гўзал, ёш қизлар тортиғи билан амалга ошарди.амир Музаффар даврида амалдорларнинг суистеъмолчиликлари, ҳокимлар ва амирларнинг очкўзлиги, ўз ҳатти – ҳаракатларини оклаш учун диний қонун – қоидалардан фойдаланиши, схоластик хусусият касб этувчи таълимнинг аянчли аҳволи, давлат мустақиллигини сақлашга йўналтирилган аниқ ташқи иқтисодий ҳаракатнинг йўқлиги, минтқада чнги ерларни босиб олишга йўналтирилган анча тор интилишлар, халқнинг қашшоқ аҳволи Бухоро амирлигининг умумий манзарасини ташкил этарди.

Аҳмад Донишнинг издоши, ўз даврида фан оламида машҳур бўлган, бухоролик тарихчи, адабиётчи, хаттот ва “нутқ устаси дея ном олган **Мирза Муҳаммад Абдулазим Сомий Бўстоний** ҳам А.Дониш каби Бухоронинг XIX асрнинг охирларидаги мавжуд аҳволи ҳақида муҳим маълумотлар беради.

Тарихчи Сомийнинг фикрича, амир Насруллоҳ (1826 – 1860 йиллар) даврида бошланган, Музаффар даврида кучайган давлат инқироzi ва халқ қашшоқлиги, ҳукумрон тузумнинг бузғунчилик кучи амир Абдулаҳад (1885 – 1910 йиллар) даврида Бухорони жуда оғир аҳволга солиб келади. Сомий Бухородаги мавжуд ҳолатга танқидий фикр билдирар экан, “баъзи тажрибали оқсоқоллар Бухоро давлати инқироzi санасини Насруллоҳ тахтга ўтирган пайдан санай бошлайдилар ва улар ўйлагандек бўлиб чиқди – амир Баҳодирхон 35 йил подшоҳлик қилди ва 1227 (1860 961)) йили дорилфанодан дорилбоқога рихлат этди”, унинг ўрнига тахтга ўтирган Музаффар Сомийнинг ёзишича, “эзиш ва адолатсизликда отасидан ҳам ўтиб кетди”, дея маълумот беради. Сомийнинг ўзининг **“Тарихи салтанати манғитийа”**асарида Бухоро ва Қўқон ўртасидаги муносабатларга тўхталиб, ҳар икки хонликлар ўртасидаги урушларни қаттиқ қоралайди, бу фойдасиз урушларни келтириб чиқарган сабаб ва омилларни, шунингдек, амирни қўллаб турган руҳонийларнинг фаоиятини ҳам танқидий баҳолайди.

Бухоронинг сўнгги учала амирлари даврида аввал Нарпай ва Зиёвуддин ҳокими бўлган, кейин қушбеги вазифасига кўтарилган, Остоноқулбек девонида 20 ёшидан мирзалик қилган ва Бухоро тарихи билан боғлиқ кўплаб воқеалар гувоҳи Мирза Салимбек ибн Раҳим ҳам XIX асрнинг охирларидаги мавжуд ҳолат ҳақида зарур маълумотни ёзиб қолдирган. У амирликнинг сўнгги йилида бош зокотчи бўлган ва советлар даврида эса барча мансабдорлар каби қамокқа олиниб, мол – мулки мусодара этилади. Қамокдан озод этилгач, Бухоро арки тарихини ёзишга киришади.

Тарихда ёш хиваликлар ва бухороликлар ҳаракати мустақилликни қўлга киритишдаги дастлабки ҳаракатлар эди. Тарих зарварақларида бу ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

13-мавзу	“Бунёдкор ғоялар ва мафкуралар. Уларнинг ижтимоий ҳаётга ва тараққиётга таъсири” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим
----------	---

1.3. Таълим бериш технологиясининг модели

Талабалар сони: 50-70 гача

Вақти: 2 соат.

Ўқув машғулотининг шакли	Информацион бахс-мунозарали дарс
Маъруза режаси	1. Инсоният тарихидаги бунёдкор ғоялар ва мафкуралар. 2. Ижтимоий ҳаёт ва тараққиётга бунёдкор ғоя ва мафкураларларнинг таъсири.
Ўқув машғулотининг мақсади: Инсоният тарихидаги бунёдкор ғоялар ва мафкураларнинг ўрнини ёритиш. Ижтимоий ҳаёт ва тараққиётга бунёдкор ғоя ва мафкураларларнинг таъсирини ўрганишдан иборат.	
Педагогик вазифа:	Ўқув фаолиятининг натижаси:
1. Инсоният тарихидаги бунёдкор ғоялар ва мафкуралар.	Инсоният тарихидани бунёдкор ғояларнинг моҳиятини ўрганадилар.
2. Ижтимоий ҳаёт ва тараққиётга бунёдкор ғоя ва мафкураларларнинг таъсири.	Ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётига бунёдкор ғояларнинг ижобий таъсирини ўрганадилар.
Ўқитиш усуллари ва техника	Маъруза, “Қандай” “Қиёсий таҳлил” технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт, Елпигич.
Ўқитиш воситалари	Компьютер технологияси (“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
Ўқитиш шакли	Жамоа бўлиб ишлаш
Ўқитиш шарт-шароитлари	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
Мониторинг ва баҳолаш	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2. “Бунёдкор ғоялар ва мафкуралар. Уларнинг ижтимоий ҳаётга ва тараққиётга таъсири” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш жараёнлари вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб олади

2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Тармоқлаш” технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Бунёдкор ғоялар нималардан иборат? (4-илова). 2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Қандай?» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Бунёдкор ғояларнинг жамият ҳаётига қандай таъсири бор? (6-илова).	Ёзади, саволга жавоб беради. Ёзади, саволга жавоб беради.
	«Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Дикқатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади. 3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади 3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова) 3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий хужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга	Тинглайдилар Ёзиб олади Жавоб ёзади ”Инсерт” технологиясида жадвални тўлдиради.

	тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	
--	--	--

1-ИЛОВА

13- МАВЗУ: Бунёдкор ғоялар ва мафкуралар. Уларнинг ижтимоий ҳаётга ва тараққиётга таъсири

Режа:

1. Инсоният тарихидаги бунёдкор ғоялар ва мафкуралар.
2. Ижтимоий ҳаёт ва тараққиётга бунёдкор ғоя ва мафкураларларнинг таъсири.

Ўқув машғулотининг мақсади: Инсоният тарихидаги бунёдкор ғоялар ва мафкураларнинг ўрнини ёритиш. Ижтимоий ҳаёт ва тараққиётга бунёдкор ғоя ва мафкураларларнинг таъсирини ўрганишдан иборат

Ўқув фаолиятининг натижаси: Инсоният тарихидани бунёдкор ғояларнинг моҳиятини ўрганадилар. Ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётига бунёдкор ғояларнинг ижобий таъсирини ўрганадилар.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

3-илова

Инсоният тарихидаги бунёдкор ғоялар ва мафкуралар

Собиқ тузум даврида аجدодларимиз меросини ўрганиш бўйича бажарилган ишларни баҳолашда унутмаслик лозимки, буюк алломаларимизнинг қарашлари уларда асли ҳолидек акс этган эмас, балки бегона қолиплар, ёт андозаларга мослаб сунъий талқин этиб келинган. Бунинг учун турли усуллардан фойдаланилган. Масалан, оммавий нашрларда уларнинг асарларидаги “коммунистик партиявийлик” қолипига тушмай қолган жойлари (кўпинча, энг муҳим қисмлари) қирқиб-кесиб ташланиши шундай “усул”лардан бири эди. Тан олиш керак, собиқ тузум даврида олимларимиз, тадқиқотчиларимиз шахсан қанчалик пок, самимий бўлишмасин, аجدодлар меросига холис ёндошув имконига эга бўлган эмаслар. Улар баъзан ўзлари тўғри деб ўйлаган ҳолда, баъзан мажбуриятдан йўқни бор, борни йўқ қилиб кўрсатганлар, аجدодларимиз сўзини холис, минтақа маънавиятининг амалий ва назарий такомили мантиқига мувофиқ тарзда эмас, марксистик мафкура талабларига мос йўналишда талқин этганлар. Натижада ўтмиш меросимиз намуналари билан асл қўлёзмалардан, тўлиқ матнлардан эмас, оммавий нашрлар асосида таниш бўлган кўпчилик олий маълумотли мутахассислар ҳам ягона ҳукмрон идеология рухсат берган “ҳақиқатлар”дан ўзга ҳақиқатлар мавжуд эканлигидан деярли беҳабар тарбия топганлар.

4-илова

Ижтимоий ҳаёт ва тараққиётга бунёдкор ғоя ва мафкураларларнинг таъсири

Туркий миллат буюк миллат эди. Тақдир 2 марта бу миллатнинг толеини юксакларга кўтарди. Биринчи марта V-VII асрларда Буюк Турк хоқонлигининг вужудга келиши билан катта бир минтақада миллий давлат, миллий адабий тил шаклланган бўлса, иккинчи марта деярли 1000 йил давомида бутун минтақада сиёсий ҳукмронлик туркий элат намояндалари қўлида бўлганлиги бундан дарак беради. Шу билан бирга 2 марта жиддий огоҳлантириш ҳам берилди. Биринчиси, Хоразмшоҳлар даврида мўғуллар босқини орқали, иккинчи марта Россия империясининг асорати, большевизм қатағонлари ва маккор сиёсати кўринишида. Ислом минтақасида туркий сулолалар бир-бири билан жанг олиб бориб, охир-натижада миллатни пароканда қилдилар. Айниқса, Мовароуннаҳрдаги охириги уч хонлиқнинг ўзаро можаролари аввал Россияга қарамликка, сўнг ягона Ватан - Туркистоннинг узил-кесил парчаланиб кетишига олиб келди.

5-илова

Қиёсий таҳлил жадвали

Т\Р	Миллий қадриятлар	Давлат муносабати		Жамиятдаги ўрни		Руҳий қониқиш	
		Собиқ иттифоқ даврида	Мустақиллик даврида	Собиқ иттифоқ даврида	Мустақиллик даврида	Собиқ иттифоқ даврида	Мустақиллик даврида
1	Миллий мерос						
2	Ислом дини						
3	Буюк алломалар ва уларнинг илмий мероси						
4	Тарихий қадамжолар						

6-Илова

2-ўқув топшириқ

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

Савол	Бунёдкор ғоя деб нимага айтилади?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гуруҳ

Савол	Бунёдкор ғояларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни нималардан иборат?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

13-мавзу. Бунёдкор ғоялар ва мафкуралар. Уларнинг ижтимоий ҳаётга ва тараққиётга таъсири

Бунёдкор ғоя - инсонни улуғлайдиган, унинг куч-ғайрати ва салоҳиятини ошириб халқи, Ватани, бутун инсоният учун фойдали ишлар қилишга сафабар этадиган, ўзида тараққиёт, маърифат, дўстлик, тинчлик, адолат, ҳалоллик, поклик каби эзгу мақсадларни мужассам этадиган ғоядир.

Инсоният тарихи хилма-хил ғоя ва мафкураларнинг вужудга келиши, амалиёти, бир-бири билан муносабатидан иборат узлуксиз жараёндир. Бу жараёнда турли ғоялар у ёки бу кучларга хизмат қилиши, ўзига ишонган кишиларни қандай мақсадлар томон етаклашига қараб бир-биридан фарқланади.

Жаҳон тажрибасига назар ташласак, бутун дунё тараққиётига улкан таъсир кўрсатган назарий таълимот ва мафкураларни яратиш учун инсоният тарихининг турли давларида улкан ақл-заковат, истеъдод ва теран тафаккур соҳиблари мислсиз заҳмат чекканини кўрамиз. Суқрот ва Платон, Конфуций ва Зардушт, Амир Темур, Алишер Навоий, Махатма Ганди каби буюк мутафаккирларнинг фаолияти бунинг яққол тасдиғидир.

Уларнинг ҳар бири ўз даврида ўзи мансуб халқни бирлаштирадиган улкан аҳамиятга молик ғояларни яратганлар. Бу ғояларга таяниб бунёдкорлик йўлида, эзгу мақсадларга эришиш учун ҳормай-толмай меҳнат қилганлар. Бу

борада инсониятга эзгулик ғояларини тарғиб қилган Зардушт ҳам, «Ўзини англамоқ буюк саодат» эканлигини англатган Сукрот ҳам, «халқни якқалам қилдим», дея инсонпарварлик, адолат ғояларини куйлаган ва қониқиш хиссини туйган Навоий ҳам, Марказлашган давлат тузиб, халқни бирлаштириб, унинг адолат кучига ишончини мустаҳкамлаган Амир Темур ҳам, Ҳиндистон озодлиги йўлига умрини бахшида айлаган маърифат йўли билан ғолиб чиққан Махатма Ганди ҳам бугунги авлодлар учун ибрат намунаси бўлган улуғ инсонлардир.

Жамиятда эзгу мақсадларга хизмат қиладиган мафкураларга бунёдкор ғоялар асос бўлади.

Бунёдкорлик ақл-заковат, қалб бунёдкорлигига айланганда чинакам кадр-киммат касб этади. Масалан, собиқ шўро даврида инсонлар қалбидаги бунёдкорлик туйғусини сўндирган тузум ўзича кўп ишларни, улкан режаларни амалга ошириш учун уриниб кўрди. Лекин қалб бунёдкорга айланмагани учун қилинган ишларда барака ва самара бўлмади. Қалб бунёдкорлиги эса эътиқод билан, пок ният билан нафақат бугунни ва эртани, балки олис келажакни ўйлаб яратишдир. Одамзодга азалдан ақл-заковат билан қалб бунёдкорлиги хос фазиладир. Унинг қалби билан қўли бир маромда ишласа, ҳақиқий мўъжизалар бунёд этилади. Неча асрлардан буён дунёни хайратга солиб келатган Миср эҳромлари, Шахрисабздаги Оксарой, Самарқандаги Бибихоним, Тожмаҳал ёдгорлиги, Регистон майдонидаги мадрасалар мажмуи, Эйфель минораси, қанчадан-қанча санъат ва маданият дурдоналари - барчаси ана шундай бунёдкорлик намунасидир. Бундай мўъжизалар бизнинг маданий меросимизда, Хива, Бухородаги бетакрор обидаларимизда, мумтоз санъат асарларимизда юксак ахлоқийликка асосланган урф-одат ва анъаналаримизда ўз аксини топган.

Буюк донишманд бобомиз Баҳоуддин Нақшбанд «Дилинг - Оллоҳда, қўлинг - меҳнатда бўлсин» дея яратувчиликка даъват этганларида, ҳар қандай ишни ақл ва эътиқод билан бажаришни назарда тутганлар. Ушбу шиорда инсон кўнглида Оллоҳга эътиқод қўйиб, ўзи халол меҳнати билан тирикчилик ўтказиш ва илм-хунар ўргатиб Ватанни обод қилишга даъват этилади. Диний ишларни дунёвий ишлар билан боғлаб олиб бориш, дунёвийлик ва диний эътиқоднинг муштараклиги орқали жамиятда барқарорлик, осойишталик ва фаровонликка эришиш мумкинлиги ғояси тарғиб қилинади. Мустақиллик йилларида, Ўзбекистонда - Ислом динининг эзгу ғоялари миллий кадриятларимиз ва турмуш тарзимизга чуқур сингиб бормоқда. Умуман, эътиқодни фаолиятга, фаолиятни эса эътиқодга айлантириш халқимизга хос. Масалан, яхшиликни, яъни оддий инсоний фаолиятни эътиқод даражасига кўтарганимиз ёки Оллоҳга бўлган ишонч-эътиқодимизни фақат эзгулик йўлида хизмат қилдиришни анъанага айлантирганимиз (яъни, динни ниқоб қилиб мутаассибликка, жаҳолатга, бузғунчиликка берилмаганимиз) - бунинг тасдиғидир.

Бунёдкор ғоялар билан қуролланган кишилар фаровон ҳаёт, эркин жамият куриш учун кураш олиб борганлиги тарихдан маълум. Бундай жараён ижобий ғояларнинг туғилишига, улар эса ўз навбатида элатлар, халқлар,

миллатлар манфаатларини ифодаловчи ҳаёт тарзининг шаклланиши учун асос бўлган. Шунингдек, миллий давлатларнинг юзага келишида бу ғоялар етакчи ва йўналтирувчи аҳамият касб этган. Буни биз ўзбек давлатчилиги ғояларининг шаклланиши ва такомили мисолида ҳам кузатишимиз мумкин.

Бунёдкорлик ғоялари юртни обод, халқ ҳаётини фаровон қилишдек олийжаноб мақсадлар билан ажралиб туради. Улар инсоният цивилизацияга эришган даврлардан буён жамият ҳаётининг энг эзгу ғоялари сифатида яшаб келмоқда. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбек том маънода бунёдкордир», деган сўзларида ҳам ана шу боқий ғояларнинг маъно-мазмунини ўз ифодасини топган. Бундай бунёдкорлик халқимизга ота-боболаридан меросдир. Инсоният тарихида одамлар онги ва шуурига адолат, ҳақиқат, эзгулик, меҳнатсеварлик каби юксак ғоялар уруғини сепган зот, пайғамбар Зардушт яратган «Авесто» китобидаги юксак ғоялар буюк ватандошимиз Зардуштнинг ўлмас мафкураси эди.

Қарийб уч минг йил муқаддам - маърифат зиёсини жаҳолат булутлари қоплаб олган даврда буюк ватандошимиз Зардушт яккахудолик ва эзгулик ғояларини тарғиб қилишни бошлаган эди. Зардушт таълимотида инсонни эзгуликка даъват этувчи ғоялар марказий ўринни эгаллайди.

Эзгулик ва ёвузлик кучлари ўртасида ғоявий кураш зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам баён этилган. Унда ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик урушлари, жониворларни, ҳайвонларни азоблаш, одамларга адолатсизлик, ёлғончилик, аҳдга вафосизлик, ҳиёнат қилиш ғоялари қораланиб, ўтроқ, осойишта, ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этадиган ғоялар улуғланади. Зардуштийлик динида ер, сув, мусаффо ҳаво, она - табиат эъзозланади, қуруқ ер очиб уни боғу-роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча боғлар, экинзорларни, суғориш иншоатларини бузганлар катта гуноҳга қолади. Зардуштнинг бунёдкор ғоялари инсонларни тинч-тотув яшашга, ҳалол меҳнат қилиб Ватанни обод қилишга даъват этади.

«Авесто»да ватанпарварлик ғояси улуғланиб одамларни баркамол бўлишга даъват этилган. «Менга баркамол ва диноғоҳ, ватансевар ва анжуманоро, аҳил, эзгу андишали, зулматдан, тангликдан қуқарувчи фарзандлар бағишла. Токи улар манзил, шаҳар ўлка ва унинг ном ҳамда овозасини кўтарсинлар»[Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. А. Маҳкам таржимаси. Т., «Шарқ», 2001, 90,. 111-бетлар.], дейилади. Шунингдек, асарда она заминни эъзозлаш, уни обод қилиш ғоялари тарғиб қилинади. Жумладан, «Авесто»да ёзилишича Заминни ҳаммадан кўпроқ бахтиёр қилган шахс, ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар эккан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир... - дейилади.

Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир... Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади... Замин ҳам мўл-кўл меваларни инъом этади.

Ернинг шудгор қилиниб, сара уруғлар сепилиши буғдой майсасининг униб чиқиши ўша ердаги ёвуз кучлар, девларнинг бу ерларни тарк этиши

тўғрисидаги ғоя Авестонинг Вандидат қисмига бағишланган бўлимида қуйидагича берилган:

Қачонки эгатларда уруғ етилса девлар ўринларидан кўпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар. Қачонки буғдой ун бўлса девлар нола чекадилар. Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар. Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар. Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйинини чирмаб ташлайди («Авесто», 115 – бет).

«Авесто»да акс этган Зардуштнинг «Эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални олқишлайман! Ният, сўз ва амаллар ичидан мен эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман. Мен барча қабих андиша, қабих сўз ва қабих амалдан юз бураман» [Ўша жойда.] деган ҳикматли сўzlари бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Бу ўлмас ғоялар кейинчалик пайдо бўлган динлар, жумладан, христианлик ва ислом томонидан ҳам қабул қилинди. Демак, бу китоб ўз даврида шаклланган ғоялар тизимидан иборат бўлган жамият мафкураси эди.

Ҳиндистонда пайдо бўлган буддавийлик дини аста-секин Жанубий, Шарқий Осиёнинг кўпчилик халқининг мафкурасига айланди. Эрамининг биринчи асрида Рим империясида шаклланган христианлик дини жаҳоннинг кўпгина халқлари ва миллатлари томонидан қабул қилинди, улар маънавий ҳаётига сингди. VI асрнинг охирида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган ўртадаги аҳиллик, биродарлик, ҳамжихатлик, эзгулик, яратувчилик ғояларини тарғиб қилганлиги сабабли дунёнинг юздан ортиқ мамлакатлари халқлари ўртасида тарқалди, уларнинг маънавий ҳаёти, турмуш тарзи ва маданияти ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

Хитой ва ҳинд мутафаккирларининг жамият ривожига ҳақидаги қарашлари ва бунёдкорлик ғоялари ҳам Осиёнинг «шарқона» маънавиятида ўзига хос ўрин тутди. Жумладан, буюк Хитой мутафаккири Конфуций (мил.ав.551-479) ғоялари ҳанузгача Хитой халқи мафкурасида етакчилик қилиб келмоқда.

Конфуцийнинг - фалсафий ва ахлоқий ғоялари марказида инсон, унинг ақлий ва маънавий қиёфаси, оламдаги ҳамда жамиятдаги ўрни, вазифаси муаммолари туради. Бу ғоянинг асоси жамиятни ҳар қандай ижтимоий ларзалардан асраб қолиш ва инсонлар манфаатини юқори қўйишга қаратилган. Алломанинг мақсади халқни мавжуд тартиб-қоидаларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш бўлган. Бу ғояга кўра, инсонлар жамиятнинг табиий тараққиётига қарши чиқмаслиги, яъни инқилобий йўлни танламаслиги керак. Конфуций инсоният ҳақида фикр юритар экан, одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги мавқеи орқали эмас, балки одамийлик, адолатпарварлик, ҳақгўйлик, самимият, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиши туфайли камолатга етишуви мумкин деб, ҳисоблайди.

Ҳаётнинг, борлиқнинг - моҳиятини англаш тўғрисидаги буддизм динининг асосчиси Сиддхартха Гаутама қарашлари муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб уқубатларни

чукурлаштиради. Ҳаёт азоб, туғилиш, севиш, ўлим, азобдан иборат. «Борлик гирдобии»дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқликдан, кўнгилхушликларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим. Фақат шундагина «нажот топиш йўли»га кириш мумкин. Инсон бешта ахлоқий талабга амал қилиши талаб қилинади. Бу ахлоқий талабга кўра, ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғрилиқ қилишдан, ҳис-туйғуларга ортиқча берилишдан, ичкиликдан ўзини тийиш лозим.

Сиддхартха Гаутама инсонни ҳаётда азоб-укубатлардан кутқаришнинг йўллари топиш ҳақидаги таълимотида, унинг ечими инсоннинг ўзига боғлиқлигини асослашга уриниб, инсон фақат ўз кучига таянган ҳолда «нажотнинг олижаноб қуйидаги саккизлик йўлидан» онгли ҳаракат қилиб собитқадам бориши орқали ўз мақсадига эришиши мумкин деган ғояни илгари суради. Бунинг учун:

1. Эътиқод тўғри шаклланган бўлиши;
 2. Мақсад сари қатъий ҳаракат қилиши;
 3. Тўғри тафаккур ва нутқ бўлиши;
 4. Тўғри феъл – атвор бўлиши;
 5. Тўғри турмуш тарзи бўлиши;
 6. Куч - ғайратнинг тўғри мақсадга қаратилган бўлиши;
 7. Фикр мақсаднинг тўғри йўналтирилган бўлиши;
 8. Дикқат-эътиборни тўғри орзу-ният қилишга қаратиш кераклиги
- [Жўраев У., Сайджонов Й. Дунё динлари тарихи. -Т.: «Шарқ», 1998; 77-бет.] таъкидланади.

Инсон ўзининг ҳаёт фаолияти давомида ушбу қоидаларга риоя қилса дунёнинг моҳиятини теранроқ англай боради, мақсад муддоасига эришиб, охир-оқибатда юксак камолатга ва осойишталикка эришади. Гаутама таълимотида асосан тақводорликнинг йўллари ва талаблари тўғрисида фикр юритилади. Бироқ, ушбу таълимотда илгари сурилган ижобий ахлоқий талаблар, инсонни ўзини идора қилишга даъват этувчи тўғри фикр юритиш, феъл-атворни тўғри бўлиши, турмуш тарзини тўғри ташкил этиш куч-ғайратни, ниятни тўғри мақсадга қаратиш ҳақидаги ғоялар инсонларни ўзига жалб этган ва одамлар ушбу таълимотни қабул қилиб унинг талабларини бажарганлар.

Инсоният доимо яхшиликни ёқлаб, ёмонликка қарши курашади, яратувчанлик ва бунёдкорлик унга хос бўлган буюк фазилатлардир. Шарқ халқларининг буюк ижодкорлиги, бунёдкорлиги ва қадриятлари турли даврлар таъсирида Ғарбга, хусусан, антик Юнон-Рим маданиятига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Масалан, А.Македонскийнинг устози, ўзининг бу жаҳонгир шогирди Осиёни маҳф этгач, унга юборилган «Авесто» китобини чуқур ўрганган қадимги юнон файласуфи ва комусий олими Арасту (Аристотель, мил. ав. 427-348 йй) ўз ғояларини бойитди ва унга муҳим ўзгартиришлар киритди. У жамиятда бўлиб ўтаётган барча воқеликлар табиатга хос деб

билади. Бу билан жамиятни тубдан ўзгартириш ғояларига қарши чиқади ва жамият ривожини табиий жараёнлар тарзида кечиши керак, деб ҳисоблайди.

Афлотун эса ғоялар умумий тушунчалар сифатида одам ақлига боғлиқ эмас, балки у илоҳий тушунчалар деб изоҳлаган эди. Унинг асосий ғояси - эзгулик ёки ягоналик эди. Бунда олий ғоя кўпинча худога тенглаштирилди. Бу файласуфнинг устози бўлган Сукрот (Сократ, мил. ав. 470-399 йй) эса баҳс орқали, яъни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳақиқатни аниқлаш мумкин, деб билган. У эзгулик, билим ва донишмандликдир, яхшилик моҳиятини тўғри англаган инсонгина яхшилик қилади деб, тушунтиради. Сукрот адолатга хилоф бўлган давлат бошқарувининг ҳамма шакллари танқид қилади, фақатгина адолатли демократик давлат бошқарувини ёқлаб чиқади.



Абу Наср Фарабий (873-950)

«Шарқ Аристотели» номини олган қомусий олим. 160 дан ортиқ асар яратган. «Мантиқа кириш китоби». «Исбот китоби», «Фалсафага изоҳлар», «Муסיқа ҳақида катта китоб», «Инсон аъзолари ҳақида китоб». «Луғатлар ҳақида китоб», «Шаҳарни бошқариш», «Фазилатли Хулқлар» каби асарлари жаҳон маданиятига қўшилган катта ҳиссадир.

Ислом фалсафасида ва ҳадисларда табиатни асраш, илм олиш, одамийлик, ватанпарварлик, ҳаллолик, руҳий поклик, раҳм-шафқатли, меҳр-оқибатли ва адолатли бўлиш, ота-онани ва аёлни улуғлаш тўғрисидаги эзгулик ғояларини тарғиб қилувчи ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Ҳадислардаги «Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар», «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир», «Илму ҳунарни Хитойдан бориб бўлса ҳам ўрганинглар», «Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир», «Бир-бирларингизга ҳайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғаму-ғашлик кетади», «Ватанни севиш имондандир», «Ватан саждагоҳ каби мукаддасдир», «Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон дилдаги муҳаббатни оширади», «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», «Сизларнинг яхшиларингиз ахлоқи ёқимли бўлганларингиздир», «Экмак ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда беҳосдан қиёмат қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам улгурсангиз уни экиб қўяверинг» [Имом Бухорий. «Ал – Адаб, Ал- Муфрад, Т.: «Ўзбекистон» 1990, 46-90-93-116 бетлар; Ахлоқ- одобга оид ҳадис намуналари. Т.: 1990, 32-68-90 бетлар], деган даъватларда эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари мужассамлашган.



Абу Али Ибн Сино (980-1037)

Ўрта Осиё халқлари маданиятини бутун дунёга танилган машхур табиб-ҳаким, қатор табиий фанлар билимдони, Оврўпада Ависенна номи билан танилган буюк қомусий олим. У ёзган 450 дан ортиқ асардан: «Тибб кунунлари», «Донишнома», «Нажот китоби», «Турар жойнинг тузулиши», «Инсоф китоби», «Тиббий кўрматмалар ҳақида» каби 160 га яъини бизгача етиб келган.



Алишер Навоий (1441-1501)

Ўзбек адабиётининг асосчиси, мутафаккири ва давлат

Шарқда, яъни Турон заминида эса жамият ривожига ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутди. «Ал-муаллим ас-Соний» («Иккинчи муаллим»), Шарқ Аристотели деб ном олган Абу Наср Форобий (873-990 й.й) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри», «Фуқаролик сиёсати», «Бахт саодатга эришув ҳақида» каби асарларида олийжаноб жамият, адолатли тузум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди.

У ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб боровчи юксак ахлоққа эга идеал жамоа ҳақидаги ғояларни олға сурди.

Абу Наср Форобий: «Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади» [Қаранг: Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри». –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188 б.] деб алоҳида таъкидлаган. Ўша даврнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзига хосдир.

Улар ҳар бир нарсани кузатиш ва тажриба асосида ўрганишга, кейин хулоса чиқаришга интиланлар, барча бунёдкорлик инсоннинг меҳнатига боғлиқлигини таъкидлаганлар.

Буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий эса ўз асарлари билан жамият тараққиётининг замонасига хос фазилатларни ёритишга ҳаракат қилган. У шеърлари ва достонларида разолатга, беқарорликка, урушу жанжалларга, маърифатсизлик, жаҳолатга қарши кураш ғояларини улуғлайди. Инсонларни меҳнатга, яратувчанликка, адолатга чақиради. Маърифатга асосланган жамият яратишни орзу қилади. Унинг бу орзулари «Фарҳод ва Ширин», «Садди Искандарий» каби достонларида ўз ифодасини топган. Шоирнинг бевосита ўзи ҳам бунёдкорлик ишларига бош-қош бўлган.

арбоби. Ўзбек тили жозибасини ўз «Хамса»си билан бутун оламга кўрсатган буюк сўз санъаткори «Бадойи ул-бидоя», «Наводир ул-нихоя», «Зубдат ут-таворих», «Чор китоб», «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб» каби асарларни ҳам бизга мерос қилиб қолдирган.




Захриддин Бобур (1483-1530) Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлятида ўзига хос ўрин эгаллаган адиб, шоир, олим, йирик давлат арбоби ва саркарда. Унинг жаҳон оммасига машҳур бўлган шох асари «Бобурнома»дан ташқари «Мубаййин», «Хатти Бобурий», «ғарб иши» каби асарлари ва гўзал шеърляти машҳурдир.

Буюк мутасаввуфлар: Хожа Юсуф Хамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро; муҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотларида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлари жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ғоялар Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик ва инсонпарварликни улуғлади.

Эзгу ғоялар Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар ижодида чуқур ўрин эгаллади ва ўзбек давлатчилигининг ривожланишида ҳам муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Билим ва ақл-идрок орқали эзгу ишлар қилиш тўғрисида Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик. «Табиат кимга заковат, ақл-идрок, билим берса, у эзгу ишлар қилишга қўл уради» [Қадимги ҳикматлар. - Т.:Адабиёт ва санъат, 1987-94 бет.], - деб ёзган эди Қутадғу билиг (XI) номли асарида. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва аҳли фуқарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди.

Бу ғоялар Темурийлар давлати ғоявий тамойилларининг устувор йўналиши эди. Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик эди. Жумладан, у «Темур тузуклари»да: «Агар



фукародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин», деб кўрсатма беради. Шу ўринда, Юртбошимизнинг Амир Темур ўз давлатини ақл заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган десак адолатдан бўлади, деган фикрлари ниҳоятда ўринлидир. Зеро, Соҳибқирон ўз бунёдкорлик мақсадига эришиш учун собитқадамлик билан ҳаракат қилган. Жумладан, бу ҳақда «Темур тузуклари»да ёзганидек, «Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан кўлимни тортмадим» [Амир Темур «Темур тузуклари», -Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 70-бет], - деган сўзлари бугун ҳам ибратлидир.



Мирзо Улуғбек (1394-1449)

Буюк мунажжим, давлат арбоби, илм-фан ва маданият ҳомийси, ўз даврида Самарқандда расадхона курдириб, астрономик мактаб яратган олим. Илмий меъросининг гултожи – «Зижи жадиди Кўрагоний» асари бўлиб, «Бир даража синусини аниқлаш ҳақида рисола», «Тўрт улус тарихи» асарлари ҳам унинг қаламига мансуб.

Мовароуннаҳр, Хуросон ва бошқа жойларда бунёд этган иншоотлари, унинг ўзи ва Темурийлар сулоласи давридаги маданият, фан ва адабиёт соҳасидаги ютуқлар бунга мисол бўла олади. Барча даврларда ва турли халқлар тарихида миллий ғоя ва мафкура ўзида гуманизм талабларини, халқнинг ирода ва интилишларини акс эттирган тақдирда жамиятни бирлаштириб, унинг салоҳияти ва имкониятларини тўла юзага чиқаришда бекиёс омил бўлади.

Ҳинд халқининг буюк фарзанди Маҳатма Ганди (1869 -1948) ўз маънавияти, ғоялари ва илғор қарашлари билан XX асрнинг буюк шахсларидан бирига айланди. У мустамлакачиларга қарши курашнинг тимсоли эди. У ҳиндлар билан мусулмонларнинг ўзаро дўстлигини мустаҳкамлашга интилди. Ганди дин билан сиёсатни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилди. Фидойилик ва ватанпарварлик намуналарини кўрсатди. Мен уйим тўрт томондан девор билан ўралиб, деразаларим зич бекитиб қўйилишини истамайман. Барча мамлакатлар маданияти уйимга эркин кириб келишини хоҳлайману, лекин унинг оёғимдан қоқиб йиқитилишини ҳам истамайман деган эди. Дарҳақиқат, Маҳатма Ганди Ҳинд халқининг фидойи ватанпарвари бўлиб, у бошқа халқлар маънавияти таъсирида ўз халқи маданияти ва тараққиётининг янада



ривожланишини истар эди.

Масалан, XX асрда дунё ҳамжамияти томонидан тан олинган японча тараққиёт моделини олайлик. Япон миллий мафкураси «миллий давлатчилик тизими» (кокутай), «фуқаролик бурчи», «япон руҳи», «тадбиркорлик», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарварлик», «патернализм», «жамоага садоқат», «модернизация» каби ғоя ва тушунчаларига асосланиб, мамлакат эришган юксак натижаларга пойдевор бўлди.

Шундай бунёдкор ғоялардан бири Жанубий Корея мамлакати ривожига катта ҳисса қўшган фидойи инсон Йонг Ки-Кимнинг юксак ғояларга асосланган ватанпарварлик фаолияти ва бунёдкорлик ишлари диққатга сазовор. Ўтган асрнинг 30 йилларида «12 оила - қишлоқда» деган ҳаракатни бошлаб гиёҳ ҳам қўқармаган ташландиқ тепаликни сотиб олиб обод қилишга киришди. Кейинчалик фермерлар тайёрлайдиган «Канаан» (имкониятлар мактаби) ни очади. У ҳамиша фақат ташландиқ, гиёҳ ўсиши қийин бўлган ерларни олиб, обод қилиб одамларни ўз ташаббуси, ғояси билан орқасидан эргаштириб мамлакат ривожига ва ободонлигига ўз ҳиссасини қўшди. Бугунги кунда «Канаан» таълим даргоҳининг бош мақсади - тингловчиларда инсоний эътиқод туйғуларини шакллантириш, уларга инсоний фазилатлар - қомиллик, ўзаро тенглик, биродарлик, ватанпарварлик ҳисларини сингдиришдир. Ватан ва миллат равақига йўлида фидокорона меҳнат қилиш, туғилиб ўсган Ватанни жондан ортиқ севмоқлик шарт эканлиги ғояси ҳар бир тингловчига сингдирилади. Битта фидойи, ватанпарвар инсоннинг юксак ғояларга асосланган ишлари бугунги кунда кенг тарқалиб Жанубий Куриянинг обод бўлишига катта ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Озодлик, мустақиллик, тинчлик, адолат, тенглик, ҳамкорлик, дўстлик, биродарлик, ҳурфикрлик, маърифатлилик, бағрикенглик, халқпарварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, хайрихоҳлик, барқарорлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, ҳалоллик, поклик в.ҳ. бунёдкорлик ғояларининг кўринишлари бўлса, келажакка ишонч, адолат, ҳақиқатни тан олиш, журъатли бўлиш, собитқадамлилик, меҳр-мурувват, саховатлилик, байналминаллик, миллатлараро дўстлик ва биродарлик, фидойилик, юртга садоқатлилик, тараққийпарварлик, юрт ободлиги, иймон-эътиқодлилик, виждон эркинлиги, сафарбар этиш, уюштириш, фаровонлик, ташаббускорлик, эзгулик, яратувчилик, фикр эркинлиги ва ғоялар хилма - хиллигини тан олиш, бағрикенглик, бунёдкор ғояларга хос хусусиятлардир.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

14-мавзу	“Ҳозирги дунё ва унинг мафкуравий манзараси” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологияси
----------	--

1.1.Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Талабалар сони: 50-70 гача</i>	<i>Вақти: 2 соат.</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Информацион бахс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	1.«Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчаси. 2. Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хи этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> «Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчасининг моҳиятини тушунтириш. Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хил этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида эканлигини тушуниб етиш.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>
1.«Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчаси.	«Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчасининг моҳиятини тушунтириш.
2. Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хи этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида	Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хил этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида эканлигини тушуниб етиш.
3. Инсонлар онгидаги эски мафкура асоратларидан қутулиш муаммоси ва янгича тафаккур зарурати	Инсонлар онгидаги эски мафкура асоратларидан қутулиш муаммоси ва янгича тафаккур зарурати билан танишадилар.
<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, “Зинама-зина”, “Арча”, технологияси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологияси (“Маънавиятнинг ривожланиш тарихи” фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2.“Ҳозирги дунё ва унинг мафкуравий манзараси” мавзусидаги маъруза
машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2- илова)	Ёзиб олади
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Зинама-зина” технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Дунёнинг мафкуравий манзараси?	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Арча» технологиясидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Турли хил этнос ва ижтимоий қатламларнинг дунёнинг мафкуравий манзарасида иштироки? (6-илова)	Ёзади, саволга жавоб беради.
	«Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “ФСМУ” технологиясидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдиротини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.

	эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб олади
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий хужум” технологиясида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	”Инсерт” технологиясида жадвални тўлдиради.

1-илова

14- МАВЗУ: Ҳозирги дунё ва унинг мафкуравий манзараси Режа: 1.«Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчаси. 2. Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хил этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида Ўқув машғулотининг мақсади: «Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчасининг моҳиятини тушунтириш. Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хил этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида эканлигини тушуниб етиш. Ўқув фаолиятининг натижаси: «Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчасининг моҳиятини тушунтириш. Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хил этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида эканлигини тушуниб етиш.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ	Мисоллар билан муаммога	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги	Жами балл
----------	-------------------------------	-------------------------------	-----------------------------------	--------------

	ёритилиши 0-5 балл	ечим топиши 0-5 балл	0-5 балл	

15 – 13 балл – «аъло». 12 – 10 балл – «яхши». 9 – 6 балл – «қониқарли».

3-илова

«Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчаси

Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб ту солган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.


Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас.

4-илова

Мафкуравий таҳдидлар



Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хил этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида

Президент И.А.Каримов мафкура жабҳасига оид муҳим фикрларни билдириб, қуйидагиларни айтди. Жумладан, «Минтақамизда «Ҳизбут таҳрир» каби экстремистик, айирмачилик ташкилоти фаолияти тобора хавfli тус олмоқда. У конституциявий дунёвий давлат тузумига қарши чиқиб, ўрта асрлардаги ислом ҳалифалигини тузиш тўғрисидаги бўлмағур ғояни тарғиб қилмоқда... Лекин, таассуф билан тан олиш керакки, бу ёвуз кучга қарши курашдаги ҳаракатларимизда ҳамжиҳатлик ва изчиллик кўзга ташланмаяпти...». Миллий мафкуравий иммунитет ҳар бир йигит-қиз, фуқародаги мустақилликнинг сиёсий моҳияти, Президент Ислам Каримов асарларида кўтарилган сиёсий ғоялар, ислохотлар ютуқлари ва муаммолари, ички ва ташқи сиёсатга доир чуқур билимларга таянади. Ҳар бир киши, ёки жамоа, жамият мафкуравий иммунитетини беш даражага бўлиб ўрганиш, баҳолаш ва шу асосда такомиллаштириш мумкин: Бунда:

биринчи, яъни мафкуравий иммунитетнинг қуйи даражаси - шахс, жамоа, жамият юқоридаги билимлардан хабардор эмас; бузғунчи мафкуравий ғояларга бефарқ, лоқайд;

иккинчи даражаси - билимлар бор, лекин улар ҳис қилинмаган, системалашмаган, шу сабабли уларни бузғунчи мафкуравий ғояларга қарши ишлатишга тайёр эмас;


учинчи даража - мафкуравий билимларга эга, лекин улар назарий, шахс, жамият уларни қўллашга қийналади;

тўртинчи даража - асосли билимларга эга, вазиятни тўғри баҳолай олади; ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши иммунитетини шаклланган ва уни онгли равишда ишлатади;

бешинчи - олий даража - мукаммал ғоявий, сиёсий, иқтисодий билимларга эга ва бу билимларни бемалол амалда қўллаб, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларни доимо, ҳамма жойда фаол фош қила олади.

нисбатини тўғри белгилай билиш дегани, бунга эришиш осонлик билан бўлмайди.

**Дунёнинг мафкуравий манзараси ҳақида нималарни биласиз?
(Арча методи)**



2-ўқув топшириқ

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯҳ

Савол	Ўзбекистон ва жаҳон: глобаллашув жараёнлари ва маънавиятга таҳдид?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб	

кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

2-гуруҳ

Савол	Мустақилликни мустаҳкамлаш учун қандай вазифаларни амалга ошириш зарур?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлаштиринг	

8-илова

Мавзуни мустаҳкамлаш учун учун саволлар:

1. Дунёнинг мафкуравий манзарасини қандай тасаввур қиласиз?
2. Миллий мустақиллик шароитида глобаллашувнинг долзарблашуви ва бунинг сабаблари?
3. Инсонлар онгидаги эски мафкура асоратларидан қутулиш муаммоси ва янгича тафаккур зарурати?
4. Миллий мустақиллигимизнинг уч асосидан бири маънавий мустақилликнинг тикланишида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг хизматлари?
5. Дунёнинг мафкуравий манзарасида турли хил этнос ва гуруҳларнинг иштироки қандай?

9-Илова

Инсерт технологиясидан фойдаланиб ишлаш қондаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:

В – биламан

+ - мен учун янги маълумот

- - мен билган маълумотни инкор қилади

? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.

2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

14-мавзу. ҲОЗИРГИ ДУНЁ ВА УНИНГ МАФКУРАВИЙ МАНЗАРАСИ

1. «Дунёнинг мафкуравий манзараси» тушунчаси. Дунёнинг мафкуравий манзараси ундаги турли хил этнос ва давлатлар ҳамда улар манфаатини ҳимоячиси бўлмиш мафкураларнинг ранг-баранглиги сифатида

Ҳозирги давр – дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар мураккаб ту солган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кучлироқ бўлиб бораётган даврдир.

Бугунги кунда аксарият ривожланган давлатларнинг мафкураси умуминсоний кадриятлар ва демократик тамойилларга асосланади. Уларда тинчлик ва тараққиёт, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинлиги, миллий ва диний тотувлик ғоялари устувордир¹.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва коммунизм, ирқчилик ва диний экстремизм мафкуралари шулар жумласидандир.

XXI аср бошларига келиб дунё мамлакатлари ўртасидаги ўзаро таъсир шу қадар кучайиб кетдики, бу жараёндан тўла ихоталаниб олган бирорта ҳам давлат йўқ, деб тўла ишонч билан айтиш мумкин. Ҳаттоки, халқаро ташкилотлардан узоқроқ туришга интилаётган, уларга аъзо бўлишни

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Тошкент, «Ўзбекистон», 2000, 22-бет.

истамаётган мамлакатлар ҳам бу жараёндан мутлақо четда эмас. Глобаллашув шундай жараёнки, ундан четда тураман, деган мамлакатлар унинг таъсирига кўпроқ учраб қолиши мумкин. Бундай ғайри ихтиёрий таъсир эса кўпинча салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Глобаллашувнинг турли мамлакатларга ўтказётган таъсири ҳам турлича. Бу ҳол дунё мамлакатларининг иқтисодий, ахборот, маънавий салоҳиятлари ва сиёсати қандай экани билан боғлиқ. Дунёда юз бераётган шиддатли жараёнларнинг ҳар бир мамлакатга ўтказётган салбий таъсирини камайтириш ва ижобий таъсирини кучайтириш учун шу ҳодисанинг моҳиятини чуқурроқ англаш, унинг хусусиятларини ўрганиш лозим. Бу ҳодисани чуқур ўрганмай туриб унга мослашиш, керак бўлганда, унинг йўналишини тегишли тарзда ўзгартириш мумкин эмас. Глобаллашув яна шундай жараёнки, уни чуқур ўрганмаслик, ундан фойдаланиш стратегияси, тактикаси ва технологиясини ишлаб чиқмаслик мамлакат иқтисоди ва маданияти, маънавиятини тоғдан тушаётган шиддатли дарё оқимига бошқарувсиз қайиқни топшириб қўйиш билан барабар бўлади.

Мустақиллик даврида мамлакатимиз олимлари ўтказган ва ўтказётган тадқиқотларга кўз югуртириш бу соҳадаги ишлар эндигина бошланаётганидан гувоҳлик беради. Глобаллашувнинг миллий маънавиятга ҳам таъсир ўтказди. Ҳар қандай сиёсат, жумладан иқтисодий сиёсат ва маънавият соҳасидаги сиёсат ҳам илмий асосга эга бўлгандагина муваффақият келтиришини назарда тутсак, бу масалада олимларимиз сиёсатчиларимизга етарли кўмак беришларини эътироф этишга тўғри келади. Мамлакатимизнинг жаҳон майдонида олиб бораётган сиёсати кўпроқ самара ва муваффақият келтиришини истасак, глобаллашувнинг моҳияти, йўналишлари, хусусиятларини чуқурроқ тадқиқ ва таҳлил қилиш зарур. Айнан шу жараёни чуқурроқ таҳлил этиш орқали сиёсатчиларнинг тўғри йўл танлаши ва қарорлар қабул қилиши учун имконият яратиш мумкин.

Глобаллашув - турли мамлакатлар иқтисоди, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайишидир.

Глобаллашувга берилган таърифлар жуда кўп. Лекин унинг хусусиятларини тўлароқ қамраб олгани бизнингча, француз тадқиқотчиси Б.Банди берган таъриф. Унда глобаллашув жараёнининг уч ўлчовли эканига урғу берилади:

- глобаллашув-муттасил давом этадиган тарихий жараён;
- глобаллашув-жаҳоннинг гомогенлашуви ва универсаллашуви жараёни;
- глобаллашув-миллий чегараларнинг «ювилиб кетиш» жараёни.

Б.Банди таърифида келтирилган глобаллашув ўлчовларининг ҳар учаласига нисбатан ҳам муайян эътирозлар билдириш мумкин. Лекин жаҳонда

юз бераётган жараёнларни кузатсак, уларнинг ҳар учови ҳам унда мавжуд эканини кўрамиз.

Глобаллашувнинг мамлакатлар иқтисодий сиёсати ва маънавиятига ўтказиши мумкин бўлган ижобий ва салбий таъсири Ҳиндистоннинг машҳур давлат арбоби Маҳатма Гандининг қуйидаги сўзларида яхши ифодаланган: «Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини доим маҳкам беркитиб ўтира олмайман, чунки уйимга тоза ҳаво кириб туриши керак. Шу билан бирга очилган эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб уйимни ағдар-тўнтар қилиб ташлаши, ўзимни эса йиқитиб юборишини ҳам истамайман».

Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясини бугунги глобаллашув жараёнида уйимизни, ҳаётимизни тоза ҳаво билан таъминлаб, айна пайтда «довуллар»дан сақлаш омили эканлигини англаш муҳим.

Ҳозирги замон глобаллашувининг жараёни ўта мураккаб жараён. Унинг турли мамлакатлар иқтисоди, сиёсати ва маънавиятига ўтказётган таъсири яна ҳам мураккаб бўлгани сабабли унга нисбатан ҳам жаҳонда бир-бирига нисбатан рақобатда бўлган икки гуруҳ: глобалистлар ва аксилглобалистлар гуруҳлари вужудга келди.

Глобаллашув тарафдорлари глобалистлар деб аталади. Улар орасида давлат арбоблари, сиёсатдонлар, саноатчи ва бизнесменлар кўпроқ учрайди. Глобаллашув мухолифлари эса аксилглобалистлар номини олган бўлиб улар орасида кўпроқ сўл кучлар, касаба уюшмалари ва ёшлар ташкилотининг вакиллари бор. МДҲ ҳудудида аксилглобалистлар Россия Федерацияси ҳудудида фаол ҳаракат олиб бормоқда. Бу ерда улар турли анжуманлар, семинарлар ўтказиш учун тўпланиб турадилар.

XX аср ўрталарида глобаллашувнинг институтционаллашуви, яъни ташкиллашуви кучайгандан кейин бу жараённинг ўзи ҳам кескин тезлашди ва шиддатли тус олди. Институтционаллашувнинг кучайганини Бутунжаҳон савдо ташкилоти, Халқаро Валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Европа тараққиёти ва тикланиш банки ташкилотларининг вужудга келгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Глобаллашувнинг тезлашиши ва кучайишига жавоб сифатида аксилглобалистларнинг фаолияти ҳам кучайди. Улар глобаллашувнинг фақат салбий оқибатларига эмас, умуман унинг ўзига ҳам қарши чиқа бошладилар. Масалан, россиялик файласуф ва ёзувчи А. Зиновьев «Аксилглобализм векторлари» номли анжуманда сўзлаган нутқида шундай дейди: «Глобаллашув янги жаҳон урушидир. У янги типдаги жаҳон уруши. Бу урушда тирик қолишнинг қаршилиқ кўрсатишдан бошқа йўлини кўрмайман. Фақат қаршилиқ!» - деган эди.

«Аксилглобализм векторлари» анжуманидаги яна бир маърузачи А. Паршев эса глобаллашувга қуйидагича таъриф беради: «Аслида

глобаллашувнинг асосий мазмуни бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қўшимча қийматини, дунёдаги асосий захираларини ўзлаштиришдан иборат».

Албатта бу фикрга турлича муносабат билдирилиши мумкин. «Глобаллашув»ни фақат салбий ҳодиса сифатида баҳолаш ва унга қарши туриш ижтимоий ҳаётдаги турли хил табиий, ижтимоий боғлиқликларни инкор этишга олиб келиши мумкин. Глобаллашув жараёни «мафкуралашишдан», унинг мақсадларидан холи бўлиши керак.

Таҳлил шуни кўрсатадики, глобализм тарафдорлари ҳам, душманлари ҳам асосий эътиборни иқтисодиёт соҳасига қаратишади. Глобаллашувнинг маънавиятга таъсири ва маънавий глобаллашув масалалари социология, фалсафа, маданий антропология фанларида ўзининг аксини етарли даражада топиши керак.

2. Глобаллашув ва миллий ғояга эҳтиёжнинг ортиши, глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонлари

Миллий маънавиятимизни ва маънавий ўзлигимизни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун миллий истиқлол ғоясидан самаралироқ ва кучлироқ восита йўқ. Шу масалада миллий истиқлол ғоясининг жуда муҳим функцияси, яъни миллий ва маънавий ўзликни ҳимоялаш каби муҳим функцияси намоён бўлади. Миллий истиқлол ғояси ана шу функцияни бажариши учун эса ёшлар ва аҳоли онгида фақат билим, тасаввур сифатида эмас, ишонч ва эътиқод сифатида шаклланиши лозим.

Миллий истиқлол ғоясининг шакллантирилиши ва унинг ўқувчилар, талабалар, кенг аҳоли томонидан ўрганишга киришилиши мамлакатимиз маънавий тараққиётида алоҳида босқични ташкил қилади. Аслида миллий истиқлол ғоясининг негизлари чуқур. У халқимизнинг миллий маданий меросидан, эзгу ғояларидан озиқланади. Лекин, бу ғояни ёшлар ва аҳоли онгига сингдириш учун муайян пойдевор керак эди. Яъни, аввало миллий қадриятларни, миллий маънавиятни тиклаш, миллий ғурурни уйғотиш, бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғояси томир отиши ва гуркираб ривожланиши учун замин тайёрлаш лозим эди. Мустақиллик қўлга киритилгандан буён ўтган давр ичида маънавият соҳасида улкан назарий, маърифий ва амалий ишлар бажарилди. Маънавият ва маърифат кенгашлари тузилди, юзлаб мақола ва рисоалар нашр этилди, тадқиқотлар ўтказилди, таълим тўғрисида миллий дастур қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб қилиш учун замин яратилди.

Миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда, бизнингча баъзан биртомонламаликка йўл қўйилмоқда. Бу ғояни тарғиб қилишда иштирок этаётган мураббий ва ўқитувчилар, тадқиқотчиларнинг чиқишларида, мақола ва рисоаларида маърифатчилик билан чекланиш кўзга ташланмоқда.

Ҳолбуки, маънавиятни ривожлантиришда асосий ёндашув маърифий ёндашув бўлса ҳам миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишда бу ёндашув билан чекланиб бўлмайди. Бу ҳол миллий истиқлол ғоясининг хусусиятлари билан боғлиқ.

Миллий ғоя жамиятни жипслаштирувчи, уни ижтимоий тараққиёт кўндаланг қўяётган масалаларни ҳал қилишга, четдан бўлаётган ғоявий, маънавий таҳдидлардан ҳимоялашга қаратилган кучдир. Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ана шу ғояга бўлган эҳтиёжни кескин кучайтиради. Аслини олганда глобаллашув жараёни бўлмаса, миллий ғояга ҳам эҳтиёж ошмас эди. Чунки, глобаллашув бўлмаганда ҳар бир халқ ва миллатнинг маънавияти ўзича мавжуд бўлар ва имконият даражасида ривож топарди. Ташқи таъсир ва таҳдиднинг йўқлиги эса миллий ғояга эҳтиёжни ҳам долзарблаштирмас эди.

Миллий истиқлол ғоясининг моҳияти шундаки, у одамлар онгида, хотирасида ғоялигича қолмай амалиётга, ҳаётга айланган тақдирдагина ҳақиқий миллий ва ҳақиқий истиқлол ғояси бўлиши мумкин. Шундагина у глобаллашув шароитида миллий маънавиятни ва маънавий ўзликни ташқи носоғлом мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қиладиган кучга айланади.

Умуман глобаллашув «мафкуралашишдан» холи бўлиши керак.

Дунёда глобаллашув, ахборот оқимининг тезлашуви ва интенсив-лашуви, универсал технологиялар билан боғлиқ умумбашарий жараёнлар жадаллашиб бормокди. Бундай шароитда мафкуравий воситалар орқали ўз таъсир доирасини кенгайтиришга интилаётган сиёсий кучлар ва ҳаракатлар ҳам йўқ эмас. Тажовузкор миллатчилик ва шовинизм, неофашизм ва фундаментализм, ирқчилик ва диний экстеремизм мафкуралари шулар жумласидандир. Натижада дунёда инсон қалби ва онгини эгаллаш учун кураш тобора кучайиб бормокда. Бу ҳол бугунги кунда дунёнинг мафкуравий манзарасини белгилаб бермокда.

XX аср сўнгида рўй берган улкан ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, икки қутбли дунёнинг барҳам топиши натижасида нисбий мувозанатнинг бузилиши жаҳоннинг мафкуравий манзарасини тубдан ўзгартириб юборди.

XX асрда дунёда ғоявий қарама-қаршиликлар кескин ва мураккаб ту солган давр бўлди. XX аср сўнгида икки қутбли дунёнинг барҳам топиши, нисбий мувозанатнинг бузилиши натижасида жаҳондаги мафкуравий манзаралар тубдан ўзгарди. Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «XX аср охирида дунёда жўғрофий-сиёсий аҳамияти ва кўлами жиҳатидан ноёб ўзгаришлар рўй бермокда. Бу ўзгаришлар бетакрор. Улар нафақат мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда вужудга келган қарашлар ва уларнинг механизмларини чуқур ўйлаб кўришни, балки кўп жиҳатдан қайта баҳолашни ҳам талаб қилади. «Совуқ уруш» даврида халқаро муносабатларга асос бўлган кўп қоидалар, тамойиллар ва ғояларни тубдан қайта кўриб чиқиш талаб қилинмокда. Бутун дунё яхлит ва бир-бирига боғлиқ тизим бўлиб

бормокда, унда ўзи - ўзидан қаноатланишга ва маҳдудликка ўрин йўқ. Бу ҳол ҳозирги халқаро муносабатларни шакллантирганда, халқаро тузилмалар билан ўзаро алоқаларда ва уларнинг фаолиятида иштирок этганда мутлақо янгича ёндашувларни ишлаб чиқишни зарур қилиб қўймоқда»¹.

XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб коммунистик ва социалистик партия таъсиридаги социализм лагери парчаланди. Дунё мамлакатлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларга бўлинди. Ана шу ривожланган баъзи мамлакатлар ўз миллий мустақиллигини қўлга киритган, ривожланаётган мамлакатларни, жаҳон майдонларини мафкуравий жиҳатдан бўлиб олишга уринмоқдалар. Булар қуйидаги ҳолатларда кўринади:

1. Буюк давлатчилик шовинизми - (Шовинизм - фран. буржуа миллатчилигининг ўта реакцион формаси). Шовинизм сиёсати бошқа миллат ва халқларга нафрат ва душманликни авж олдиришга қаратилган. Шовинизм гўё тўлақонли бўлмаган бошқа миллатлар ва ирқлар устидан ҳукмронлик қилишга даъват этилган бир миллатнинг алоҳидалигини («мумтозлигини») тарғиб этади.

Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жўғрофий - сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашда намоён бўлади. Давлат етакчи мавқе (давлат)га эга бўлган, ўз миллатини «олий» миллат деб эълон қилган миллат ҳукмрон эксплуататор синфларининг идеологияси ва сиёсати бўлган буюк давлатчилик шовинизм, шовинизм ва миллатчиликнинг бир туридир.

Буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Унинг ифодачилари ҳарбий империялардир. Бу империяларнинг иқтисодиёти босиб олинган ҳудудларни эксплуатация қилар ва ҳатто уларнинг ҳаётий манбалари ҳисобига яшар эди. Айни чоғда бўйсундирилган халқларга уларга маданий жиҳатдан ва умуман миллий жиҳатдан норасолиги ҳақидаги ҳалокатли ғоя сингдирилар эди.

Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик бир-бирини тўлдиради, булар ўз давлати манфаатини илгари суриб, миллий қадриятларни тайёрлашда, миллий маданиятлар ва маънавий қадриятларни оёқ ости қилишда, авторитар тузум ўрнатишда, бошқа мамлакат халқларини итоатгўй қилиб сақлаб туришда, ҳозир эса собиқ Иттифокни тиклаш учун қилаётган ҳаракатида, ўз таъсир доирасини бошқа мустақил давлатларда сақлаб қолиш учун интилишда, миллатлар ўртасида ўзаро ишончсизлик туғдиришда, халқаро-ҳуқуқий меъёрларни инкор этишда, ташқи иқтисодий алоқаларни тўсишда, янги мустамлакачиликни зўрлаб қабул қилдириш ҳаракатида яққол намоён бўлмоқда.

Президент Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асарида шовинизмга «Шовинизм баъзи кўп сонли миллатларнинг нафақат кўп миллатли империя доирасида, балки уни ўраб турган жўғрофий-сиёсий

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараккиёт йулида. Т.: 6. - Т.: «Ўзбекистон», 1998, 240-241 - бетлар.

маконда ҳам ўзининг мутлақ ҳукмронлигини ўрнатиш учун курашида намоён бўлади» деб таъриф берган (Каримов И.А. Асарлар. Т.6. 65-бет). Бундай давлатларга кўпроқ иқтисодий жиҳатдан заиф, ички беқарор давлатлар нишон бўлади.

Ўзбекистонни, аввало Россия империяси, кейин совет империяси юритган буюк давлатчилик шовинизми жафоларни тортган ҳозирги пайтда, XXI аср бошларига келиб бу давр турлича талқин этилмоқда. Бу талқин-ларнинг 2 таси ҳақида «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...» асарида фикр юритилган:

1) «Биринчи андозанинг» муаллифлари, - дейилади асарда, - эҳтимол самимий тарзда, минтақа Россия империяси таркибидаги Туркистон мухторияти сифатида ривожланиб, ўз метрополиясидан зарур рағбатларни олиб турар эди. Чунки подшо Россияси маҳаллий анъаналар ва асосларни йўқ қилмаган ва бузмаган ҳолда ўлканинг буржуача тадрижий ривожланишини рағбатлантирган эди, деб ҳисоблайдилар». Ушбу гуруҳ муаллифлари минтақада ўтказилган большевикча тажриба, шу жумладан, миллий давлат чегараланиши, иқтисодиётнинг ҳаддан ташқари ихтисослаштирилишини кескин танқид қиладилар ва буларни Марказий Осиё минтақасидаги ҳозирги зиддиятларнинг асосий сабаблари, деб ҳисоблайдилар. Шу билан бирга улар коммунистик тузумдан кейинги янги Россия Марказий Осиё минтақасида барқарорлаштирувчи ролни ўйнаш учун жуда мос келади, деган ғояни илгари сурадилар.

2) Бошқа фикрга кўра, минтақадаги муаммоларни ўлканинг мустам-лака ўтмиши келтириб чиқарган. Бу фикр тарафдорлари ўлкани ўз тарихий ва миллий негизларига қайтаришни таклиф қилади. Бунга мусулмон давлат-ларга эргашган, улар билан яқинроқ интеграцияга киришган тақдирдагина эришиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Иккала нуқтаи назарда илмийликка нисбатан сиёсат ва эҳтирослар устунлиги яққол кўриниб турибди. Бу нуқтаи назарлар айна буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликнинг ҳуружлари туфайли келиб чиққан.

Мустақилликка эришиб, бугунги кунда ривожланаётган Марказий Осиё республикаларини асабийлик билан, алам билан қарши олмоқдалар. Бунга Россия матбуотида чиқаётган таҳлиллий материаллар яққол мисол бўла олади. 1997 йил 26 мартда «Новая независимая газета» сонида босилган «МДХ: тарихининг ибтидосими ёки интиҳоси» бош мақоласида «собик Совет республикалари учун мустақил давлатга айланиш имкониятини беришдан иборат Россиянинг хатоси», бу «хато»ни тўғрилаш ҳақидаги империячилик даъволари билан чиққан эди.

Мақолада гўё Россияга «Жануб таҳдиди» деб аталган таҳдид вужудга келди, Россия шаклланиб бораётган Марказий Осиё ҳамдўстлик блокини парчалаб юбориши зарур, деган агрессив таклифлар илгари сурилади.

Президент Ислом Каримов 2005 йил 14 январда «Независимая газета» (Москва) мухбирининг саволларига жавоби «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» деб номланиб, мазкур интервьюда бундай ҳолатларга ўз вақтида жавоб бериб, Украинадаги «Зарғалдок

инқилоби», «Грузия ва Украинада сўнгги пайтларда содир бўлган воқеаларни», Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий жараёнларидаги ўзгаришлар билан чуқур таҳлил қилиб берди¹.

Ҳозирги кунда буюк давлатчилик ғоялари мазмунан ўша-ўша бўлсада, унга эндиликда ўта замонавий шакл берилмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида булар рус миллатининг мумтозлигини тиклаш, Россия теварагида кучли жўғрофий - сиёсий майдон яратиш, «Ягона ва ахил халқлар оиласи»ни тиклаш, янги мустақил давлатларнинг қайси бири билан ҳамкорлик қилиш, қайсиларини ажратиб қўйиш ва бошқа соҳаларда кўринмоқда.

Мустақил Ўзбекистон учун бугунги кунда буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик туғдираётган таҳдидларнинг реал хавфи қуйидагилардан иборат:

1) Халқаро, давлатлараро ва элатлараро қарама-қаршиликни келтириб чиқариш.

2) Халқаро-ҳуқуқий ва ички давлат суверенитетимизни рўёбга чиқаришга қаршилик кўрсатиш.

3) Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқаларини чегаралашга, уларни тенг ҳуқуқли бўлмаган шароитга солиб қўйишга уриниш.

4) Мамлакатимиз аҳолисига электрон, радио-ахборот воситалари орқали мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилиш.

5) Миллатлар ўртасидаги ўзаро ишончсизликни келтириб чиқариш, миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш.

6) Янги мустамлакачилик ва янги империячилик ёндашувларини зўрлаб қабул қилдириш, ҳамма соҳалардаги ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликни секинлаштириш хавфи.

2. Панисломизм - XIX аср охирида Ўрта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний - сиёсий оқим. Асосчиси - Жамол ад-дин ал-Афғоний. Панисломизм тарафдорлари мусулмонларнинг «бирлиги» ва уларни халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш зарурлиги ғоясини илгари сурган. Айни вақтда панисломизм тарафдорлари диний ислохотчилик позициясида туриб, ислом динини давр талабларига мувофиқ ислох қилишга интилганлар.

XX аср бошларида Туркия султонлари бу назариядан фойдаланиб, мусулмон халқларини ўз қўл остида бирлаштиришга уринган. Бу оқим Ваҳ-хобийлар, «Ҳизбут-таҳрир» каби диний оқимларда бугунги кунда Ўзбекистонда халифалик давлатини тиклаш учун уриниш бўлди.

«Панисломизм» ғоясида ҳозирги кунда турли христиан конфессиялари ҳам тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар.

XX аср бошларида қуйидаги оқимлар ҳам мавжуд бўлган.

3. Пантуркизм - большевизмнинг ашаддий душмани эди. I жаҳон уруши арафасида «Ёш турклар партияси», Россияга қарши уруш очишда ягона

¹ Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. - Т.: «Ўзбекистон», 2005. - 64 б.

ташвикот-тарғибот қуроли вазифасини ўтади, жаидчилик ҳаракатини авж олдиришда бош ролни ўйнади. Пантуркизм оқими, унинг сиёсати Татаристон ва Бошқиристон ўлкаларига 1912 йиларда кириб келди. Большевизм XX аср 20-30 йилларда уларни «миллатчилик»да айблаб, «Шўрога қарши» сифатида бош лидерларини кириб ташлади.

Пантуркистлар - оқ ва қизил империя истибдодига, адолатсизлик ва тенгсизликка қарши курашган, озодлик ва мустақиллик йўлида жон фидо қилганлар сифатида тарихда қолишди. Улар қонхўрлик, ҳунрезлик ва зулмга қарши адолат учун курашувчи халқпарварлар эди.¹

1) Россияда большевиклар томонидан «муштумзўр - помещник» ҳисобланган Кондратьев гуруҳи «Саноат партияси» юзага келган.

2) Татаристонда панисломизм ва пантуркизм оқимлари сифатида «Султон Алиевчилик» қарор топган эди.

3) Қиримда «Ибраҳимовчилик».

4) Озарбайжонда «Миллий партия».

5) Ўзбекистонда «Мунавварқоричилик» - «Миллий истиқлол» махфий партияси фаолият кўрсатган.

4. Пансоветизм. Буюк давлатчилик шовинизми бугунги кунда пансоветизм билан ўзига хос тарзда қўшилиб кетган. Пансоветизм тушунчаси узок вақт давомида бир иттифоқ доирасида яшаш натижасида ижтимоий-маданий ҳаётда юзага келган муайян яқинлик, ўхшашлик, умумийлик, иқтисодий алоқадорлик ва боғлиқликни мутлақлаштиришга асосланган.

Аммо, Президентимиз ўринли таъкидлаганидек, бундай қарашлар ортида ҳам содда кишиларнинг бош-кўзини айлантериби, ўз умрини яшаб бўлган ғояларини ҳаётимизга қайтадан тикиштиришга, шу йўл билан яна эски тузумни тиклашга, бир сўз билан айтганда, миллий ўзлгимизни йўқотишга қаратилган интилиш ётганлигини ёддан чиқармаслик зарур.

5. Халифаликни тиклаш.

6. Ислом модернизми.

7. Ислом традиционализми.

8. Ислом фундаментализми.

Бу оқимлар диний ва дунёвий ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирган халифа раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштиришни кўзлаган, соғлом мантиққа мутлақо зид даъводан иборат. XX аср 80-йилларида «Мусулмон биродарлари» ташкилотининг фракцияларга бўлиниб кетиши натижасида қуйидаги диний ташкилот ва партиялар ҳам юзага келган:

1) «Ислом озодлик партияси»

2) «Социал ислохотлар жамияти»

3) «Ат - Такфир вал - Ҳижра»

4) «Жунуд Аллоҳ»

5) «ЎЖиход»

6) «Ҳизбуллоҳ» каби.

Бундан бошқа яна қуйидаги диний оқимлар ҳам мавжуд:

¹ Узоков Ғ. Пантуркизм - большевизмнинг ашаддий душмани. «Халқ таълими». 1998, №3, 57-62- бетлар.

- 7) Ваҳҳобийлик (XVIII асрда пайдо бўлган).
- 8) Аҳмадия (IX асрда Покистонда).
- 9) Ҳизб-ат-таҳрир (1953 йилда Исроилда - тушунтириш, ҳаракат, тўнтариш).
- 10) Таблиғчилар - етказиш маъно. XX аср Ҳиндистонда, исломга чорлаш.
- 11) Акромиёлар - 1997-1999 йилларда Фарғонада ва 2005 йил 12-13 майда Андижон оқим сардорига бўйсунтириш (Ақром Йўлдошев бошчилигидаги).
- 12) Нурчилар - Туркияда, ҳокимият учун курашга чорлаш.
- 13) Тавба-экстремистик руҳдаги ҳаракат. Боқуда ва Ўзбекистонга (1991 йил).
- 14) Ислам уйғониш партияси - 1989-1991 йилларда Тожикистонда.
- 15) Ислам лашкарлари - 1990-1992 йилларда Наманганда «Отавали-хон» масжидида.

16) Адолат - 1990-1992 йилларда Наманганда пайдо бўлди.

1991 йил 14 июнда Ўзбекистон Олий Кенгашининг 12 - чақириқ 5-сессиясида «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган эди. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири 1998 йил 1 майда Олий Мажлиснинг II-сессиясида қабул қилинди.

Умуман, Ислам экстремизми, фундаментализми томонидан Ўзбекистон ҳавфсизлигига солинаётган таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

1) Диндор мусулмонларнинг ислохотчи давлатга ишончини йўқотиш, демократик жамиятни обрўсизлантириш, барқарорликни ва миллий тотувликни бузишга уринмоқда.

2) Асоссиз даъватлар орқали ёшларни мутелик, эрксизлик ҳолига тушириб қўйиш, ақлига ва тақдирига ҳукмрон бўлиш.

3) Қарама-қаршиликни келтириб чиқариб мамлакатни парчалаб ташлаш.

4) Дин учун курашувчи жангориларнинг янги авлодини вужудга келтириш.

5) Мусулмон ва номусулмон мамлакатлар орасида Ўзбекистон обрў-сини тўқиш, обрўсизлантириш.

6) Ислам ва бошқа цивилизациялар ўртасида зиддиятларни келтириб чиқариш.

7) Омма онгида сохта тасаввурларни қарор топтириш.

«Бу радикал гуруҳларнинг барчасини бирлаштириб турадиган умумий бир хусусият бор. Улар, моҳият эътиборига кўра, биз учун мутлақо ёт бўлган бир мақсадни - диний давлат, мусулмон халифалигини ўрнатишни тарғиб қилмоқда»¹.

Глобаллашувнинг ижобий натижалари - XX асрдаги замонавий илм-фан ютуқлари одамлар тасаввурини кескин ўзгартириб юборди. Республикамиз интеллектуал салоҳияти XXI асрга келиб жаҳондаги қўпгина ривож-

¹ Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. -Т.: Ўзбекистон, 2005. 53-бет.

ланаётган мамлакатлардан илгарилаб кетди. Олимларимиз буюк боболаримизнинг ўзлаштириб, тарихий меросимизни чуқур ўрганиб, долзарб муаммоларни тадқиқ қилишга дадил киришиб, ўз меҳнатлари билан Республикамиз ижтимоий-иқтисодий ривожига ҳисса қўшмоқдалар. Республикамизда қуйидаги йўналишлар бўйича жаҳон даражасидаги илмий мактаблар яратилган:

1. Математика, эҳтимоллар назарияси, табиий ва ижтимоий жараёнларни математик моделлаш, информатика ва ҳисоблаш техникаси. Астрономия соҳасида қадим замонлардаёқ кашфиётлар яратилган (Аҳмад Фарғоний, Беруний, Улуғбекларнинг кашфиётлари).

2. Саноат усулида ўзлаштириш учун яроқли минерал хом ашё захираларининг ҳосил бўлишига олиб келадиган геологик жараёнларнинг қонуниятларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар.

3. Молекуляр генетика, ген-хужайра инженерияси, биотехнология соҳасидаги тадқиқотлар. Булар микробиология саноатида, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда фан-техника тараққиётини таъминлашнинг зарур омилидир. Республикада органик ва ноорганик кимё, ўсимлик моддалари кимёси, биология ва генетика, биотехнологияларни яратиш соҳасида илмий мактаблар шаклланди ва ривожланди. Ўзбек селекциялари ютуқларини алоҳида таъкидлаш лозим. Кейинги йилларда ғўзанинг 30 дан ортиқ истиқболли навлари яратилди.

4. Моддаларнинг комплекс физикавий-кимёвий хоссаларини ўрганиш билан боғлиқ тадқиқотлар йўлга қўйилган. Ўзбекистон радиоцион материалшунослик ва гелиоматериалшунослик каби йўналишларда бутун дунёда эътироф этилган устунликка эга. Ўзбекистонда юқори энергиялар физикаси соҳасида илмий мактаб вужудга келди.

5. Жаҳон ва мамлакатимиз тарихи, Ўзбекистоннинг маданий ва маънавий мероси, ўзбек тили ва адабиётининг тарихий ривожланиши тадқиқ этилмоқда.

2000 йилнинг сентябрь ойида ҳам БМТ Бош Ассамблеяси «Минг йиллик саммити»да, 2003 йил 29 майда ШХТнинг Москва саммитида, 2004 йил 17 июнда Тошкент саммитида, 2005 йил 5 июлда Остона ШХТнинг саммитларида Президентимиз минтақамиз хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган халқаро терроризм ва наркобизнесга қарши фаол курашиш, Марказий Осиё минтақасидаги барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш ва жаҳон хавфсизлик тизимини такомиллаштириш муаммоларига эътибор қаратди. Минтақа халқлари учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бу жараённи тўғри англаб етган Марказий Осиё мамлакатларининг раҳбарлари фақат 2000 йилнинг ўзида бир неча бор учрашувлар ўтказди. Хусусан, 2000 йил октябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда «Марказий Осиёда наркотикларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва террорчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорликнинг устувор йўналишлари» тўғрисидаги ўта муҳим ҳужжат имзоланди.

Умуман, илмий-техникавий тараққиёт ва глобаллашув жараёнлари ақидапарастлик (араб. эътиқод) ва жаҳолатга тамомила зиддир.

Диний ақидапарастлик - эса сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан иборат. Исломий ақидапарастлик - замонавий исломда мавжуд 3 йўналишдан (қолган 2 таси: традиционализм ва модернизм) бири. Ислом ақидапарастлигининг асосий ғояси - «соф ислом» қатъиятларига (принципларига) қайтиш, мақсад эса - исломий давлат ва тараққиёт йўлини жорий этишдан иборат.¹

Глобаллашувнинг салбий оқибатларига албатта ўз вақтида кураш олиб бориш лозим. Ёшларда дунёдаги мафкуравий манзарасини ва глобаллашув жараёнларини теран англаш ва бу борада зарур кўникмалар ҳосил қилиб бормоқ лозим. Бунинг учун биз юқорида баён этганимиздек, ислом экстремизми ва ақидапарастлигига кескин кураш олиб бормоқ учун сиёсий, ҳуқуқий, маънавий билимларимизни чуқурлаштиришимиз лозим. Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг келтириб чиқараётган сабабларини ўрганмоқ керак.

1) Биринчи сабаби - мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик, буюк давлатчилик шовинизми.

2) Халқаро муносабатларда мусулмонларга қарши зўровонлик, мусулмон давлатларининг Ғарб мамлакатларидан кучайиб кетмаслигига эришиш нияти, «парчалаб ташла ва ҳукмронлик қил» деган кўп синалган сиёсатни давом эттириш.

3) Учинчи сабаб - иқтисодий камситишлар, калондимоғлик. Бошқа маданият, бошқа цивилизациянинг, хусусан, кўп асрлик илдишларига эга Шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом цивилизациясининг фазилатларини, умуман, исломнинг ўзини яхши билмаслик, тушунмаслик ҳоллари каби сабабларни ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин.

2. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашуви (ер шарини қамраб олиш, дунё миқёсидаги, умумий). - ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларининг кенгайиши оқибатида унга Ер юзининг барча минтақалари тортилганлигини, мафкуравий кураш умумбашарий миқёс касб этганини ифодаловчи тушунча. Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун курраи заминни қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Масалан, Интернет тизими орқали ахборот алмашув, бинобарин, ғоявий таъсир ўтказиш имкониятлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Аслида ахборот соҳасидаги глобаллашув инсоният учун, дунёнинг барча ҳудудларидаги одамларнинг ўзаро мулоқоти учун, илм-фан ва маданий бойликларни ўзлаштириш учун улкан имкониятлар яратадиган жараёндир.

Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан фарқ қиладиган икки йўналиш, тенденция мавжуд:

¹ Ирисов Б. Дин, ақидапарастлик ва таҳдид. Тошкент: «Маънавият», 2000, 4,7-8- бетлар.

1. Инсоният цивилизацияси тарихида эришган ҳар қандай моддий ва маънавий қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари тарихий макон доирасидан чиқиб байналминаллашиб, универсаллашиб бормоқда. Бошқача айтганда, миллий ва умуминсонийлик тамойилларининг интеграциялашув жараёни кучмоқда.

2. Миллатлар ва давлатларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий ривожланишидаги беқарорлик, улар манфаатларидаги ўзига хосликни мутлақлаштириш инсониятга, шу жумладан, ўз миллатининг келажагига хавф туғдирадиган салбий ҳодисаларнинг мафкуралашган ҳолда глобаллашувига олиб келмоқда. Бу халқаро терроризм, экстремизм, фундаментализм ва наркобизнес ҳодисаларида намоён бўлмоқда. Бирон бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада, одамзот маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг босимини сезиб яшамоқда.

Бу жараённинг муҳим хусусиятларидан бири - турли мамлакатларни мафкуравий забт этиш ғоят катта иқтисодий манфаатлар билан қўшилишиб кетганидир. Мафкуравий глобаллашув савияси паст аудио ва видеокассеталар, ахлоқсизлик, тубанлик ва ёвузликни тарғиб қиладиган «санъат асарлари»нинг ҳам кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда. Ғоявий-мафкуравий тазйиқ ва тажовузларнинг олдини олиш учун эса ҳар бир миллат, давлат ўзининг ғоявий-мафкуравий дахлсизлигини таъминлайдиган чора-тадбирларни кўриши зарур бўлмоқда.

Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавияти ҳам Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашгани сабабли ҳам Шарқ, ҳам Ғарб маданиятидан баҳраманд бўлган. Натижада ҳар бир халқ ўзлари учун ана шу маданиятнинг ижобий томонларини ўзлаштирган, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтарган. Масалан, Абу Райхон Беруний Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва рим фалсафаси, табиий фанларини чуқур ўзлаштирган эди. Форобий ҳам ўнлаб тилларни билган ва ўнлаб халқлар маданияти ва маънавиятини чуқур ўрганган. Яхши, ижобий ғоялар ўрганилган, ижодий ривожлантирилган. Лекин улар негизида ёт ғоялар ҳам кириб қолган. Шундай ғоялар борки, улар очик чехра билан эшигимизни тақиллатиб кириб келади. Шундай ғоялар ҳам борки, улар «ўғри» каби туйнук қидиради.

Эшик қоқиб келадиган ғоялар миллий маънавиятни бойитади, ривожлантиради. XX аср бошларидаги ўзбек маданияти ва маънавияти ҳамда унинг аср охиридаги ҳолати ўртасида жиддий тафовут бор. Бу тафовутни адабиёт, санъат, фан, ҳатто оддий юриш-туриш ва кийим-кечак, турмуш соҳаларида ҳам кузатиш мумкин. XX аср бошида ўзбек адабиётида драматургия жанри шаклланмаган эди. М.Бехбудий, Фитрат, М.Абдурашидхонов сингари маърифатпарварларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли драматургия шаклланди...

Бирон-бир ҳудуд ёки мамлакатда пайдо бўлаётган ғоялар тез фурсатда бутун жаҳонга ёйилмоқда. Натижада одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларига хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқала-

диган, турли мафкуравий марказларнинг босимини доимий равишда сезиб яшамоқда.

Бундай вазиятда ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, мустаҳкам ирода ва дунёқарашига эга бўлмаган одам гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишда намоён бўлаётган мафкуравий тазйиқларга бардош бера олмайди. Японияда пайдо бўлган «АУМ Синрикё» каби зарали оқимлар турли мамлакатлардаги минглаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомбига айлантириб қўйгани бу фикрнинг далилидир.

Умуман, дунёдаги мисилсиз илмий кашфиётлар, универсал технологиялар ва ахборот тарқатишнинг глобаллашуви юзага келди. Бу жараёнлар ўз навбатида дунёдаги юз бераётган мафкуравий вазиятга, муносабатларга жиддий таъсир кўрсата бошлади. Илмий кашфиётлар глобаллашувида мафкура бевосита таъсир этиши объектив ва субъектив омиллар билан узвий боғланиб кетган.

Демак, ғоялар ва қарашларнинг жамиятдаги маълум гуруҳ манфаатларига бўйсундирилиши ва мафкуралаштирилиши - жамият учун, цивилизациялар учун «салбий омилга» айланади.

Натижада, жамиятлар бир - бирига қарама - қарши бўлган қутблар бўлинишигача бориб етади. Ҳодисани «турмушдан», *«жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизи»*да деб тушуниш фалсафаси бир томонламадир. Бу - *«турмуш, ижтимоий борлиқ онгни белгилайди»*, деган анъанавий фалсафага хос бўлиб, унда муайян мақсадлар жамият ҳаётининг «мафкуралашиб» боришига асос бўлган.

Буни собиқ тоталитар мафкурага хос бўлган тарихий воқелик тўла тасдиқлайди. Ҳозирги замон фалсафаси эса турмушнинг онгга таъсирини ҳисобга олган ҳолда, онгнинг фаол таъсир кўрсатиши ва уни белгилаши тўғрисидаги ғояга асосланмоқда. Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда унинг тараққиёт йўли инсон онги ва тафаккури даражасига бевосита ҳамда унинг тараққиёт йўли инсон онги ва тафаккури даражасига бевосита боғлиқ бўлади. (Эргашев И. Тараққиёт фалсафаси. Тошкент: «Академия», 2000. 15- бет).

Ҳозирги кунда тил, маданият, урф-одатлардаги умумийлик, бошқача айтганда, этник бирликка асосланган ҳолда ягона мафкуравий майдонни келтириш борасидаги қарашлар ҳам мавжуд. Бундай қарашларнинг шаклланиш тарихи узоқ ўтмишга бориб такалади. Бугунги кунда уларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда дунёнинг мафкуравий манзарасида муайян ўринни эгаллашга уринмоқда.

Марказий Осиёда ҳам мураккаб мафкуравий жараёнлар бормоқда. Бунда, аввало, Марказий Осиё халқлари мустаҳкам дўстлигининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки, минтақа туб халқларининг маънавий илдизлари бир, руҳи, турмуш тарзи яқин, улар ана шу бой манбадан бирдек баҳра оладилар. Шу маънода ҳам улар бирлигини мустаҳкамлаш умумминтақавий маънавий юксалишимизга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб тураверади. Бу жараёнга қарши қаратилган ҳар қандай мафкуравий таъсир ёки ҳаракатлар умумминтақавий барқарорликка халақит беради.

Нима учун кишилар онги ва қалби учун кураш турли мафкураларнинг бош мақсадига айланиб қолди? Гап шундаки ғоя фақатгина инсон қалбини эгаллаганда, инсон маънавий-руҳий ҳолатининг узвий қисмига айлангандагина ҳаракатга даъват этувчи, рағбатлантирувчи кучга, ҳаракат учун қўлланмага айланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда нафақат инсон онгини, балки қалбини ҳам эгаллаш мафкуравий курашнинг бош мақсади бўлиб қолмоқда.

Бугунги дунёда мислсиз илмий кашфиётлар, улкан техникавий имкониятлар, универсал технологиялар, ахборот тарқатишнинг глобаллашуви, яъни уларнинг бутун кураш заминини қамраб олиш жараёни шиддат билан бормоқда. Бу жараёнлар жаҳон тараққиётининг муҳим хусусияти эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор.

Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар тизимида Афғонистонда 2001 йил кузигача давом этган фуқаролар уруши ҳам алоҳида ўрин эгаллади. Йигирма йилдан ортиқ давом этган ҳарбий мажоралар оқибатида умумиинсоний цивилизациядан узилиб қолган Афғонистон ҳудуди халқаро террорчилик ва диний экстремизм, қурол-яроқ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ўчоғи бўлиб келди. Бу эса турли зарарли ғояларнинг террорчилик, таҳдид ва таҳлика йўли билан бутун минтақага ёйилиш хавфини туғдирган эди.

Кенг миқёсли интеграция ва глобаллашув жараёнлари жаҳон тараққиётининг ҳозирги пайтдаги муҳим хусусиятларидан бири эканини эътироф этган ҳолда, уларнинг кучли мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси эканини ҳам унутмаслик даркор.

Ҳозирги даврда Марказий Осиё сиёсий харитасида рўй берган туб ўзгаришлар туфайли бу минтақага нисбатан геополитик ёндашувларнинг ифодаси бўлган мафкуравий жараёнлар мураккаблашиб бормоқда. Мустақил тараққиёт, эркин ва фаровон ҳаётга бўлган ишонч–эътиқодни мустаҳкамлаш йўлида хавф–хатарларнинг олдини олиш учун муттасил огоҳ бўлиб яшаш, биргаликда кураш олиб бориш минтақа халқлари учун ҳаётий заруриятга айланиб қолди.

Таянч сўз ва иборалар: Мустақиллик, глобаллашув, аксилглобализация, миллий, маънавий, тикланиш, назария, мерос, қадриятлар, маънавият, баркамол авлод, тарихий хотира, негиз, ўзликни англаш, умуминсоний, шовинизм, давлатчилик, панисломизм, пантуркизм, пантуркистлар, пансоветизм, халифалик, ислом, фундаментализм, жиход, ваҳхобийлар, акромийлар, салбий, ижобий, диний ақидапарастлик.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. «Дунёнинг мафкуравий манзараси» деганда нимани тушунаси?
2. Глобализм ва аксилглобализм маъноларини айтинг.

3. Глобаллашувнинг ижобий ва салбий томонларини тушунтириб беринг.
4. Ҳозирги замонда инсон қалби ва онги учун курашнинг намоён бўлиш хусусиятлари нималардан иборат?
5. Буюк давлатчилик шовинизми нима?
6. Панисломиз, пантуркизм, пансоветизм сўзларининг маъноларини тушунтириб беринг.
7. Диний ақидапарастлик нима?
8. Марказий Осиё минтақасидаги мафкуравий жараёнлар ҳақида нималарни биласиз?
9. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувини изоҳланг.
10. Мафкуравий жараёнларнинг глобаллашувида бир-биридан фарқ қиладиган икки йўналиш ҳақида нималарни биласиз?

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

15-мавзу	“Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар” мавзусидаги маъруза машғулотининг таълим технологияси
-----------------	--

1.1.Таълим бериш технологиясининг модели

<i>Талабалар сони: 50-70 гача</i>	<i>Вақти: 2 соат.</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли</i>	Информацион бахс-мунозарали дарс
<i>Маъруза режаси</i>	1. Миллий ғоянинг ривожланиб боровчи таълимот сифатида инсон онги ва қалбига сингиши. 2. Миллий ғояни кишилар онги ва қалбига сингдиришнинг услублари. 3. Билимлар ва янгиликлардан самарали фойдаланиш усуллари.
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Талабаларда Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини инсон онгига сингдириб бориш, уни иймон ва эътиқодга айлантириш ҳаётий заруруат эканлигини англатиш ва унинг услубларини тушунтириш.	
<i>Педагогик вазифа:</i>	<i>Ўқув фаолиятининг натижаси:</i>
1. Маъруза олинган билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўникмалари ҳосил қилиш; билимларни тизимлаштириш, таққослаш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш.	Талабаларда Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини инсон онгига сингдириб бориш, уни имон ва эътиқодга айлантириш ҳаётий зарурат эканлигини англатиш ва унинг услубларини тушунтириш..
2. Дарслик ва қўшимча адабиётлар билан ишлаш, кўникмаларни ҳосил қилиш	Талабалар миллий ғояни кишилар онги ва қалбига сингдириш усул ва воситалари билан танишадилар.

<i>Ўқитиш усуллари ва техника</i>	Маъруза, “Тармоқлаш” техникаси, “ФСМУ” услуги, Инсерт
<i>Ўқитиш воситалари</i>	Компьютер технологияси «Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллари» фанидан электрон ўқув услубий мажмуа) Слайдлар
<i>Ўқитиш шакли</i>	Жамоа бўлиб ишлаш
<i>Ўқитиш шарт-шароитлари</i>	Техник воситалар билан таъминланган, ўқитиш усуллари қўллаш мумкин бўлган ўқув хона.
<i>Мониторинг ва баҳолаш</i>	Кузатиш, оғзаки назорат, савол-жавобли сўров, ўқув топшириқ.

1.2. “Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар” мавзусидаги маъруза машғулотининг технологик харитаси

<i>Иш жараёнлари вақти</i>	<i>Фаолият мазмуни</i>	
	<i>Ўқитувчи</i>	<i>Талаба</i>
1 босқич. Кириш (10 дақиқа)	1.1. Маърузанинг мавзуси, режасини эълон қилади, ўқув машғулотининг мақсади ва ўқув фаолият натижаларини тушунтиради (1-илова)	Тинглайди, мавзу номини ёзиб олади
	1.4. Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қилади (2-илова)	Ёзиб олади
2 босқич. Асосий жараён (60 дақиқа)	2.1. Мавзу режасининг биринчи пункти режаси бўйича маъруза қилади (3-илова) Маъруза бўйича “Тармоқлаш” усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини инсонлар онги ва қалбига сингдириш усуллари нималардан иборат?	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2. Мавзу режасининг иккинчи пункти бўйича маъруза қилади (5-илова). Маъруза бўйича «Ақлий хужум» усулидан фойдаланган ҳолда талабаларга қуйидаги савол билан мурожаат қилади: Ёт ғояларга қарши курашишнинг қандай усуллари бор?	Ёзади, саволга жавоб беради.
	2.2. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини инсон онги ва қалбига сингдириш мавзусида «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. “Тармоқлаш” техникасидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради (7-илова). Гуруҳларда ишлашга ёрдам беради Қўшимча маълумотлардан фойдаланишга имкон яратади. Диққатларини кутиладиган натижага жалб қилади. Ҳар бир гуруҳ топшириқларини - қоғозларга тушириб, тақдимотини ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг	Саволларга жавоб берадилар, эркин баҳс-мунозара юритадилар. Гуруҳларда ишлайдилар.

	бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради.	
3 босқич. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1 Мавзу бўйича умумий хулоса қилинади.	Тинглайдилар
	3.2. Талабаларнинг баҳолаш мезонларини эълон қилинади	Ёзиб олади
	3.3. Ўз-ўзини назорат қилиш учун саволлар беради (8-илова)	Жавоб ёзади
	3.4 Навбатдаги машғулотда кўриладиган мавзунини эълон қилади ва “Ақлий хужум” усулида жадвалга мустақил таълимга тайёргарлик кўришларини сўрайди (9-Илова).	”Инсерт” усулида жадвални тўлдиради.

1-ИЛОВА

15- МАВЗУ: Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар

Режа:

1. Миллий ғоянинг ривожланиб боровчи таълим сифатида инсон онги ва қалбига сингиши.
2. Миллий ғояни кишилар онги ва қалбига сингдиришнинг услублари.
3. Билимлар ва янгиликлардан самарали фойдаланиш усуллари.

Ўқув машғулотининг мақсади: Талабаларда Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини инсон онгига сингдириб бориш, уни иймон ва эътиқодга айлантириш ҳаётий зарурат эканлигини англатиш ва унинг услубларини тушунтириш.

Ўқув фаолиятининг натижаси: Талабаларда Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини инсон онгига сингдириб бориш, уни имон ва эътиқодга айлантириш ҳаётий зарурат эканлигини англатиш ва унинг услубларини тушунтириш. Талабалар миллий ғояни кишилар онги ва қалбига сингдириш усул ва воситалари билан танишадилар.

2-Илова

Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Саволнинг тўлиқ ва аниқ ёритилиши 0-5 балл	Мисоллар билан муаммога ечим топиши 0-5 балл	Гуруҳ аъзоларининг фаоллиги 0-5 балл	Жами балл

15 – 13 балл – «аъло».

12 – 10 балл – «яхши».

9 – 6 балл – «қониқарли».

Миллий ғоянинг ривожланиб боровчи таълимот сифатида инсон онги ва қалбига сингиши

Ҳозирги даврда жаҳонда турли тараққиёт даражасида турган, турлича сиёсий тузумларга эга бўлган мамлакатларда турли онг даражасидаги халқлар ва миллатлар яшамокда.

Биз кўриб ўтган аввалги мавзулардан маълум бўладики, жаҳонда эзгулик ва ёвузлик кураши, эзгуликка интилиш инсоният учун доимийдир. Бироқ барча халқлар ва мамлакатларнинг ижтимоий-маънавий ҳаёти ўзаро қанчалик фарқланмасин, уларнинг барчасининг мақсади тинч ва фаровон яшаш, фарзандларини камол топтиришдан иборатдир. Бундан маълум бўладики, ҳар қандай Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллари умуминсоний қадриятларнинг асосий жиҳатларини конкрет бир миллат ҳаёти мисолида ифода этади. Шунинг учун ҳар бир миллат доимо ўз миллий ғоясини яратишга ҳаракат қилади.

Табиийки, даврлар ўтиши билан миллий ғоянинг шакли ва мазмуни ҳам ўзгариб боради. Бироқ унинг бош мақсади, яъни миллат сифатидаги инсонлар уюшмасининг олий қадрият эканлиги доимо барқарор бўлмаса, бу ғоянинг мазмуни йўқолади.



Миллий ғояни кишилар онги ва қалбига сингдиришнинг услублари

Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини фуқаролар онгига сингдиришнинг самарадорлигини оширмоқ учун, ушбу жараённинг методологик асосларини мустаҳкамламоқ даркор. Бунинг учун эса, “методология” тушунчасининг маъноси ва мазмуни, вазифалари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш лозим.

Илмий-фалсафий адабиётларда методология тушунчасига турлича таърифлар берилмоқда. Бизнинг фикримизча, методология инсон амалий фаолиятини тўғри, оқилона ташкил этиш, уни пухта ўйланган аниқ мақсад томон бошқариш йўллари ҳақидаги таълимотдир.

6-илова


Миллий ғоя мафкурасини халқимиз онги ва қалбига сингдириш усуллари



Билимлар ва янгиликлардан самарали фойдаланиш усуллари

Маълумки, бир пайтлар “Китоб – билим манбаи” деган ҳикмат бор эди. Ҳозирги даврга келиб, билимлар ва ахборотлар манбаи шунчалар ўзгариб кетдики, уларнинг мазмуни қандайлиги муҳим аҳамиятга эга. Анъанавий матбуот, китоб, телевидение, кинофильмлардан ташқари ҳозир ёшлар билим оладиган қуйидаги асосий манбаларни кўрсатиш мумкин: компьютерлар, рекламалар, видеоклиплар.

Афсуски, ёшлар бу манбалардан фақат фойдали эмас, балки миллий менталитетимиз, миллий кадриятимизга ёт билимлар ва ахборотларни ҳам олади. Шу сабабли ёшлар онгига Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини сингдиришда билимлар ва ахборотларнинг замонавий манбаларидан оқилона фойдаланиш комил инсон тарбиясида жуда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун миллий манфаат нуқтаи назаридан мамлакатимизнинг бой маънавий мероси, тарихий обидалари, музейлари, халқимизнинг асрий анъаналари, миллий саънати ва ҳунармандчилиги ҳақида видеоклиплар яратиш, уларни реклама қилиш фаннинг долзарб вазифаларидан бири бўлиши лозим.



1-ўқув топшириқ

«Тармоқлаш» технологиясидан фойдаланиш

Муҳим муаммонинг ечимини топишга ёрдам беради ва “Қандай” саволи орқали муаммо ҳал қилинади.

2-ўқув топширик

ФСМУ технологияси

Ушбу технология мунозарали масалаларни ҳал этишда ҳамда ўқув жараёнини бахс-мунозарали ўтказишда қўлланилади, чунки бу технология талабаларни ўз фикрини химоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрини бошқаларга ўтказишга, очиқ ҳолда бахслашишга ҳамда шу билан бирга бахслашиш маданиятини ўратади. Тингловчиларга тарқатилган оддий қоғозга ўз фикрларини аниқ ва қисқа ҳолатда ифода этиб, тасдиқловчи далиллар ёки инкор этувчи фикрларни баён этишга ёрдам беради.

Ф – фикрингизни баён этинг

С – фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг

М – кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг

У – фикрингизни умумлаштиринг

1-гурӯх

Савол	Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилларини қандай қилиб инсонлар онгига сингдириш мумкин?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

2-гурӯх

Савол	Оммавий ахборот воситалари – тўртинчи ҳокимият бўла оладими ва нима учун?
(Ф) Фикрингизни баён этинг	
(С) Фикрингиз баёнига сабаб кўрсатинг	
(М) Кўрсатган сабабингизни исботловчи далил келтиринг	
(У) Фикрингизни умумлашти-ринг	

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Миллий мафкура амалиёти деганда нимани тушунасиш?
- 2.Эътиқодларнинг турличалиги нимага боғлиқ?
- 3.Эътиқоднинг мустаҳкамлиги нимага боғлиқ ?
- 4.Миллий мафкурани қандай қилиб ёшлар онгига сингдириш мумкин?
- 5.Инсон қалби ва онги учун кураш қандай давом этади?
- 6.Замонавий ахборот манбаларидан нималарни биласиз?

12-Илова

Инсерт усулидан фойдаланиб ишлаш қоидаси

1. Маъруза матнини ўқиб, матннинг четига қуйидаги белгиларни қўйиб чиқинг:
 В – биламан
 + - мен учун янги маълумот
 - - мен билган маълумотни инкор қилади
 ? – ноаниқ (аниқлаштириш талаб қиладиган) қўшимча маълумот.
2. Олинган натижаларни жадвал шаклида расмийлаштиринг.

Мавзу саволлари	В	-	+	?
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				
6.				
7.				

15-мавзу. Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар**1. Миллий мафкурани халқимиз онги ва қалбига сингдириш зарурати ва устувор йўналишлари**

Нима учун миллий мафкурани инсон онги ва қалбига сингдириш зарур ва муҳим? Миллий мафкура тарғиботи нимага хизмат қилади ва бу жараён қандай ташкил қилиниши керак? Умуман, миллий ғоянинг тарғиботи билан кимлар ва қандай тузилмалар шуғулланиши керак? Мазкур мавзуни ўрганиш шу каби саволларга жавоб топиш имконини беради.

XXI асрни ахборот асри, ахборот технологиялари асри деб аташ тобора расм бўлмоқда. Чунки асримизда инсон эшитаётган, кўраётган барча-барча нарсалар унинг истакларини, дидини ўзгартиришга, фикрига таъсир қилишга йўналтирилган. Тан олиш керак, томоша қилинаётган сериаллардан тортиб болакайларга айтиб бериладиган эртақкача, борингки, ўқиётган китобларимиз ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга - уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади.

Бу ҳолат «Энг асосий нарсани кўз билан илғаб бўлмайди» деган фикрни яна бир карра тасдиқлайди. Бундай кўзга кўринмас қудратли тарғибот кучлари кишини ҳамма ерда ва ҳар куни қуршаб туради. Бу кучларнинг мақсади – инсонни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, нимагадир оғдириш. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, уни сотиб олишга ундайди. Диний арбоблар ўз динига эътиқод қилишга чақиради. Халқаро майдонда баъзи давлатлар ўзининг «катта оға» эканини уқтиришга ҳаракат қилади.

Лекин танганинг орқа томони ҳам бўлади-ку. Агар ўша молини мақтаётган тадбиркор тамаки сотаётган бўлса-чи? Унинг зарари ҳақида одамларни ким огоҳлантиради? Агар ўша диндор, дин четда қолиб, давлат тузумини ағдаришга чақираётган бўлса-чи? Бундай бузғунчиликлардан халқни ким қайтаради? Ёки жаҳонда «катта оға»ларнинг кўлидан тутиб эмас, мустақил одим ташлаш кераклигини ким тушунтиради? Бу каби тарғиботни ёки аксилтарғиботни ким ташкил қилиши керак?

Бугунги кунда ривожланган давлатлар қудратли тарғибот машинасига эга бўлишга интилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, ўз фаолиятининг тарғиботига АҚШ ҳукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз бўлмаса керак. Франция ҳам ўз сиёсатини аҳолига тушунтириш ишларига йилига 100 миллион франкни бекорга сарфламаётгандир? Бу маълумотлар тарғибот нафақат динда, бизнесда муҳимлигини, балки сиёсатда ҳам, маънавий-маърифий ишларда ҳам муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Демак, ривожланган демократик давлатлар ҳам мафкуравий фаолиятдан сира воз кечмаган.

Пухта ишлаб чиқилган стратегик йўналиш давлатнинг истиқболини белгилайди. Ўзбекистоннинг стратегик мақсадлари Ислом Каримовнинг қатор асарларида, жумладан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» ҳамда «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарларида белгилаб берилган. Шу мақсадлар сари инсонларни сафарбар қилиш уларни ғоялар шаклида сингдириш заруратини келтириб чиқаради.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг тақдири, сўзсиз, инсоннинг фаоллигига боғлиқдир. Бу эса ислохотларнинг моҳиятини халққа тушунтиришни талаб қилади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларда мафкуранинг тарғиботи «ҳукумат сиёсатининг ташвиқоти» кўринишида амалга оширилади. Давлатнинг бош ислохотчи эканлиги ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсатини махсус тарғиб қилишни талаб этади. Бундай тарғибот ислохотларни «мафкуравий таъминлаш»га хизмат қилади. Ўзбекистон ҳаётидаги ўзгаришлар инсонлар онгида ҳам катта ўзгаришлар қилишни талаб этади. Ўтиш даврини бошидан кечириётган ҳар қандай давлат янги инсонни тарбиялаш ҳақида жиддий қайғуриши табиий. Демак, Ўзбекистонда ҳам «комил инсон» ғоясига мос сифатларни фуқароларда қарор топтириш вазифаси кўндаланг турибди. «Фуқаролик ахлоқи»ни бундай тарбиялаш мафкуравий сиёсатнинг негизини ташкил этади.

Ҳозирги даврда инсон онги ва қалбини эгаллаш учун кураш бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ёт мафкуравий таъсирларга қарши курашда

узилишларга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай шароитда бегона мафкураларнинг қўпоровчи таъсирига қарши доимий ва узлуксиз аксилтарғиботни ташкил этиш муҳим саналади. Чунки бундай мафкуравий курашни нафақат мамлакатимиз ичкарисида, балки халқаро майдонда ҳам олиб бориш талаб этилади.

Миллий мафкурани сингдириш усуллари, технологиялари, устувор йўналишлари ХХІ асрда инсоният ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги палласига қадам қўйди. Дунёда катта ўзгаришлар содир бўлаётган бугунги кунда ижтимоий маконни ўзлаштиришнинг янги усуллари, жумладан, янги технологиялар кенг расм бўлди. Технологиялар асри деб аталаётган ХХІ асрда ишлаб чиқаришда жорий этилган янги технологиялар меҳнат самарадорлигини мисли қўрилмаган даражада ўстириб юборди. Бироқ янги технологиялар фақат саноат ва қишлоқ хўжалигида қўлланилмаяпти, балки маънавий, мафкуравий жараёнларда ҳам ўз самарасини кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги мафкуравий жараёнларга ҳам шу нуқтаи назардан ёндошиш Миллий мафкурани тарғиб қилишда замонавий технологиялардан фойдаланиш заруратини кўрсатади. Миллий мафкурани халқ қалби ва онгига сингдириш муайян технология асосида олиб борилганида тадбирларнинг кетма-кетлиги, миқёси ва меъёри, давомийлиги ва тамойиллари сингари жиҳатлар камраб олинади. Уларнинг муҳимлиги шунда кўринадики, масалан, тарғиботда меъёрнинг бузилиши, миллий мафкура тўғрисида ҳадеб ва ноўрин гапиравериш, меъёрни билмаслик тескари самара бериши мумкин. Тарғибот технологияси миллий ғоя ва миллий мафкура мазмун-моҳиятига мос бўлган тақдирдагина кутилган натижага эришиш мумкин.

2. Ўзбекистонда мафкуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

белгиланган тадбирларнинг юқори даражада уюшқоқлик билан ўтказилишини таъминлаш;

Миллий мафкуранинг тарғиботи сифатини мунтазам ошириб бориш;

давр талабларидан келиб чиққан ҳолда мафкуравий ишларни ташкил этишнинг янги, самарали йўллариини излаш;

бу соҳада эски услубларнинг мутлақлаштирилишига, андозалаштиришга йўл қўймаслик;

мафкуравий жараёнларни ташкил этишда ижтимоий муҳитни ҳисобга олиш;

мафкуравий жараёнларни ташкил этишда учрайдиган расмийчилик ва мажлисбозлик кўринишларига баҳрам бериш;

мафкуравий фаолиятнинг қанчалик самарали олиб борилаётганини билиш мақсадида унинг мониторингини ташкил этиш.

Миллий мафкуранинг тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қуйидаги ташкилий тамойилларга амал қилиниши мақсадга мувофиқ:

- кенг қамровлилик, бунда жамиятнинг барча аъзоларига ғоялар хилма-хиллиги асосида мафкурани сингдириш, бу жараёнда аҳолининг барча қатламларини камраб олиш назарда тутилади. Натижада, жамиятнинг барча бўғинлари мафкуравий таъсир доирасида камраб олинади; - умумий мақсадга

йўналтирилганлик; - фаол инсонни тарбиялаш ва инсон салоҳиятини юзага чиқариш мафкуранинг бош мақсади қилиб олинади;

- узлуксизлик - Миллий мафкура тарғиботининг маконда ва замонда доимийлигини, унинг яхлит тизим шаклига келтирилишини англатади. Узлуксизлик тамойили Миллий мафкурани халқ онгига сингдириш учун мамлакатда муайян мафкуравий майдон яратишни тақозо қилади. Бу майдондаги ҳар бир ҳолат ва ҳаракат, жумладан, таълим тизимидаги ўқув режалари, дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, синф ва аудиториялар, кўргазмали қуроллар Миллий мафкурага уйғун бўлиши талаб этилади;

- кетма-кетлик - ҳар бир босқич учун исталган қадриятларни сингдириш мақсадида мафкуравий ташвиқот режалаштирилади;

- босқичма-босқичлик - миллий мафкурани тарғиб қилишнинг руҳий жиҳатлари билан боғлиқ бўлиб, ҳам тарғиб қилувчи, ҳам қабул қилувчининг муайян тайёргарлик босқичларидан ўтишини тақозо қилади. Айтайлик, бошланғич синф ўқувчисига миллий мафкуранинг фалсафий ва этник илдизлари тўғрисида гапириш ноўрин бўлишдан ташқари мутлақо самарасиз ҳамдир. Шунинг учун боғчада, бошланғич синфларда, тўлиқсиз ўрта мактабда, юқори синфлар, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари ва меҳнат жамоаларида мафкуравий иш тингловчи ва ўқувчиларнинг ёши, билими, маълумоти каби жиҳатларини ҳисобга олиб аниқ белгиланган режа асосида олиб борилиши керак;

- меъёрийлик - аксилтарғиботни келтириб чиқарадиган, ҳаётдан узилиб қолишга олиб келадиган баландпарвозлик, расмийчилик ва тақрорланишларга йўл қўймайди;

- шахсий ибрат - мафкурамизни тарғиб қилишда муваффақиятни таъминлайдиган муҳим омиллардан бири. Мактаб муаллими дарсда ўқувчиларга миллат манфаатлари, орзу-умидлари, интилишлари тўғрисида баландпарвоз гапларни гапирса-ю, ўзи ҳаётда шу манфаатларга зид ишларни қилса, бу тарғиботнинг самараси нольга тенг бўлади. Мамлакат ва миллат равнақи тўғрисида оғиз кўпиртириб гапирадиган бошлиқ бўшаб қолган лавозимга лаёқатли ва муносиб ходим қолиб, ўзига қарашли, лекин бу ўринга номуносиб одамни тикиштира, у миллатнинг юзига оёқ қўйган бўлади ва унинг миллий мафкурани аксилтарғибот қилган бўлади. Шунинг учун, миллий ғояни аҳоли онгига сингдиришда тарғиботчилар фаолиятида иш билан сўз бирлигини таъминлаш, айниқса, раҳбар ходимларнинг шахсий ибрат кўрсатиш тамойилига амал қилиши муваффақиятни таъминлайдиган энг муҳим омиллардан биридир. Корхона, ташкилот, муассаса раҳбари, улар давлат сектори ёки хусусий секторга тегишли бўлишидан қатъий назар ўз жамоасидаги маънавий-мафкуравий жараёнларга масъул бўлиши керак;

- илғор тарғибот-ташвиқот технологияларидан фойдаланиш - бунда мафкуравий тарғиботга инсонларни моҳирона бошқариш усули сифатида қаралади. Миллий мафкуранинг тарғиботи қотиб қолган нарса эмас, фаол жараёндир. Шунинг учун уни қадимдан қолган ваъз айтиш ва маъруза ўқиш каби тарғибот шакллари ёрдами билангина кенг халқ оммаси онгига сингдириб бўлмайди. Мақсадга эришиш учун тарғиботнинг фаол

шаклларидан, замонавий технологиялардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ёшлар орасида тарғибот олиб борилганда мунозара, баҳс, давра суҳбати каби шакллардан оқилона фойдаланилса мақсадга тезроқ ва тўлароқ эришиш мумкин. Ёшларнинг физиологик ва рухий хусусиятлари ваъз ва маърузаларни эмас, кўпроқ интерактив усуллар ва санаб ўтилган тарғибот шаклларидан фойдаланишни тақозо қилади.

Мазкур тарғибот тамойиллари Миллий мафкурани инсон онги ва қалбига сингдиришнинг барча босқичлари учун умумий ва бир хил бўлиб, турли босқичларда, турли шакл ва воситалардан фойдаланганда одамларнинг ёши, касби, маълумоти каби хусусиятлари ҳисобга олинади. Тарғибот олиб боришда санаб ўтилган тамойилларнинг муайян аудитория хусусиятларига мослигини таъминлаш тарғибот самарадорлигини таъминлайдиган энг муҳим омилдир.

Тарғиб қилинаётган ғояларнинг инсон онгида ахборот, маълумот тарзида ўрнашиши кифоя қилмайди, улар инсоннинг юрак-юрагига етиб борганидагина улар инсон қалбига чуқур ўрнашади. Бунинг учун эса аудитория тарғиботчининг миллий ғояга чуқур ишончи ва қатъиятини ҳис қилиши керак. Лекин тарғиботда ғояларга эътиборни тортиш билан ҳам қаноатланиш мумкин эмас. Чунки эътиборни жалб қилиш - тарғиботнинг биринчи босқичи, холос.

Тарғиботнинг кейинги босқичи ғояни тўғри ва атрофлича тушунтиришни, мафкура билан боғлиқ барча саволларга жавоб топиб беришни талаб қилади. Чунки миллий ғояни тушуниш - унга ишониш демакдир. Ана шу ерда бир савол билан тўқнашамиз: нима кўпроқ ишонч уйғотади: жиддий далиллар билан асосланган ахборотми ёки ҳиссиётларни уйғотувчи маърузами? Тарғибот давомида инсоннинг ҳисларига, қалбига мурожаат қилиш катта самара беради, албатта. Лекин ишончли далиллар, эътироз уйғотмайдиган ҳаётий маълумотларнинг келтирилиши бу ғояларни ҳаётга татбиқ қилишдан ҳаммамиз манфаатдор эканлигимиз ҳақидаги фикрни уйғотади.

Тарғибот жараёни шу ерда тугайди, деб ўйлайдиганлар катта хато қиладилар. Зеро, мафкура янги ишларга илҳомлантиради, ҳаракатга ундайди. Ҳаракатсиз мафкура эса сафсатабозликдан бўлак нарса эмас. Демак, инсонлар миллий мафкурадан ўрин олган ғояларга мос ҳаракат қила бошлаганларидагина миллий ғоя халқнинг эътиқодига айланганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

3. Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари

Оммавий ахборот воситалари - энг асосий, қудратли ва таъсирчан тарғибот қуроли ҳисобланади. Чунки оммавий ахборот воситалари омманинг ўзига хос тарбиячиси, муҳим тадбирларнинг ташкилотчиси, долзарб муаммоларни ҳал қилишнинг таъсирчан қуроли бўлиб хизмат қилади. Айнан оммавий ахборот воситалари орқали миллий кадриятларимиз ва умуминсоний кадриятлар, миллий ғоя ва демократик тамойиллар тарғиб-ташвиқ қилинади. Оммавий ахборот воситалари доимо демократия ва сўз эркинлигининг ўзига хос ўлчови, кўрсаткичи бўлиб келган. Эркин ва мустақил оммавий ахборот воситалари демократик тараққиётни рағбатлантиради ва мустаҳкамлайди.

Тоталитар тузумда оммавий ахборот воситалари ахборот узатиш воситаси ва якка мафкурани сингдириш куроли бўлиб хизмат қилганлигини ҳаммамиз яхши биламиз. “Мажбурий яккафикрлаш” даври деб аташ мумкин бўлган бу паллада оммавий ахборот воситаларида ҳаёт фақат ёрқин бўёқларда тасвирланиб, муаммолар ҳақида гапирилмаган эди. Чунки ўша пайтда муаммолар ва иллатлар ҳақида гапириш – коммунизм сингари “бенуқсон” ва “мукамал” тузумга халқнинг ишончини пасайтириб юбориши мумкин эди. Яккаю-ягона партия, яккаю-ягона мафкура ва яккафикрлаш сиёсати ҳар қандай плюрализмни, фикрлар хилма-хиллигини ва, айниқса, ғоялар хилма-хиллигини мутлақо инкор қилар эди. Барча журналистлар собиқ Марказдаги “мутассадди раҳбарлар”нинг оғзини пойлаб, буйруғини кутиб, уларнинг кўрсатмасига қатъий амал қилган ҳолда фаолият юритар эди. Афсуски, шу даврларни бошдан кечирганмиз, лекин минг афсуски, айрим кишилар ишга ана шундай ёндашишдан хали-хануз воз кеча олмаяптилар, ўша даврлардан қолган айрим эски қолип ва андозалардан қутула олмаяптилар.

Ҳаётийлик - бугунги кунда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига қўйилаётган асосий талаб. Берилаётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки зарарли эканини чамалаб кўриш лозим. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлавериши табиий. Бу – исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожеа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганиш керак. Уларнинг борлигини кўриб, ўзини кўрмаганликка олиш билан фақат зарар келтириши мумкин. Демак, муаммоларни ўз вақтида тан олиш, уларни ҳал қилишга киришиш лозим.

Таъкидлаш жоизки, тарғиботнинг негизида фақатгина ғояга ишонч эмас, ғояни тарғиб қилаётган инсонга ишонч ҳам ётади. Шу боис, мақташ тарғиботнинг ягона ва ҳатто энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафкурани ҳаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб қилиш мумкин эмас.

Бунга бир мисол. Бир вақтлар АҚШ фуқароларида демократик тамойилларнинг бир оз қадрсизланиши кузатилган эди. Мутахассислар томонидан бу муаммонинг турли ечимлари таклиф қилинди, лекин тарғиботнинг бир оз ноанъанавий усули танлаб олинди: демократиянинг камчиликлари ошқора айтилди, унинг баъзан «ишламаётгани» очиқ танқид қилинди ва унга муқобиллар сифатида коммунизм ва монархия тарғиб этилди. Тарғиботнинг бу усули қутилган самарани берди: одамлар «ёмон бўлса ҳам, демократиядан қўймасин» деган фикрга келдилар ва демократиянинг ашаддий ҳимоячиларига айландилар.

Бугунги кунда Ўзбекистонда оммавий ахборот воситаларини ҳақиқий “тўртинчи ҳокимият”га айлантириш муаммоси юзага қалқиб чиқмоқда. Уларни мустақил ижтимоий кучга, сиёсий тизимнинг тўлақонли бўғинига ва жамоатчилик фикрини шакллантирувчи таъсирчан воситага айлантириш вазифаси долзарб бўлиб қолмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилган, журналистларни тайёрлаш масаласига давлат даражасида эътибор берилмоқда,

журналист-кадрларни ўзимизда тайёрлаш билан қаноатланмай, бу соҳа мутахассисларининг хорижда таълим олишларидан маблағ аялмай. Кўриниб турибдики, оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши учун қулай муҳит яратилган.

Ғарбда оммавий ахборот воситаларига қўпол бўлса ҳам жамият манфаатларини “қўриқловчи кўппак”, деб нисбат берадилар. Етук демократик давлатларда улар жамиятнинг “кўзлари”, “қулоқлари” вазифасини бажарадилар. Оғохлантирувчи тизим сифатида улар жамиятдаги иллатлардан хабар берувчи, муаммоларни дадил кўтариб чиқиб, уларнинг турли ечимларини таклиф қилувчи қудратли кучга айланган.

Таъкидлаш жоизки, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг плюрализм тамойили асосига қурилиши демократиянинг тараққиётига хизмат қилади. Бунинг учун қарама-қарши нуқтаи назарлардан иборат бўлган дастурларни яратиш, чиқишларда муқобил фикрлар тўқнашувига эришиш лозим. Шундагина оммавий ахборот воситалари жамоатчилик фикрини шакллантириш ва рағбатлантиришга қодир бўлади. Кўпгина мамлакатларда оммавий ахборот воситаларининг ислоҳоти “ғоялар бозори”да ҳали айтилмаган янги фикрларни узатишга қаратилади. Лекин ўринли бир савол туғилади: бу “бозор” ҳар қандай ғоялар учун ҳам очик бўлиши керакми? Йўқ, албатта. Экстремистик нуқтаи назарлар, ғайриинсоний табиатга эга фикрлар ва кўпоровчиликка чақирувчи ғояларга бу “бозор”да ўрин йўқ. Лекин жамиятимиз равнақига хизмат қилувчи, бунёдкорлик табиатига эга, ҳаётимизни фаровонроқ қилишга йўналтирилган янги ғоялар, таклиф ва тавсиялар бу “бозор”да бемалол рақобат қила олишлари керак.

Биз демократияни қандай тушунсак, оммавий ахборот воситаларига ҳам шундай вазифаларни юклаймиз. Биз демократияни мустақиллик, эркинлик ва масъулият деб тушунар эканмиз, оммавий ахборот воситаларидан ҳам мустақиллик, эркинлик ва масъулиятни кутамиз. Демак, журналистлар бу тушунчаларини англаши, уларга эҳтиёж сезиши, уларни кадрлаши, улардан фойдалана билиши ва улар учун курашиши зарур.

Оммавий ахборот воситалари орқали Миллий мафкурани сингдиришнинг яна бир муҳим жиҳати мавжуд. Бу жиҳат - ахборот террорига, мафкуравий таҳдидларга муносиб жавоб бериш, маънавий-мафкуравий жиҳатдан халқимизни тобе этишга интилишларнинг пайини кесиш ва Ўзбекистон фуқароларида мафкуравий иммунитетни шакллантириш билан боғлиқ. Оммавий ахборот воситаларининг таъсир кучини кўрсатадиган шундай бир гап бор: “Ҳар қандай пуч ғоя, уйдирма ҳафтасига уч мартадан тўрт йил давомида такрорланса – “ҳақиқат” тайёр бўлади, одамлар унга чиппа-чин ишонадилар”.

Охирги пайтларда инфорацион ҳуружларнинг тез-тез уюштирилаётгани аслида урушга муносабатнинг ўзгарганлигидан, қуролнинг янги тури кашф қилинганидан дарак беради. Бу қурол – ахборотдир. Бундай қурол ёрдамида олиб бориладиган инфорацион урушларда инсоннинг онги ва қалби нишонга олинади. Гарчи у дайди ўқ сингари инсонни жисмонан йўқ қила олмаса-да, унинг кўпоровчилик кучи, келтирадиган талофотлари ҳар қандай оммавий

қирғин қуролиникидан кам эмас. Чунки бу қурол ёрдамида онгга берилган зарбалар кишини адаштиради, уни ўз манфаатларига зид ҳаракат қилишга ундайди ва демак, инсонни бошқариш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш имконини беради. Аслида ахборот мақсадга эришишнинг энг арзон воситаси ҳам саналади. Ҳақиқатан ҳам, информацион ҳуружлар уюштириш учун у қадар кўп меҳнат, у қадар кўп ҳаракат, у қадар кўп ҳаражат талаб этилмайди. Гарчи бундай мафкуравий экспансия отишмалар ва қон тўкишларни келтириб чиқармаса-да, миллий ўзликни англашни заифлаштириш эвазига таназзулга олиб келади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бундай информацион кўпоровчиликдан мақсад – мамлакатимиз аҳолисига ахборот орқали ва мафкуравий йўл билан тазйиқ ўтказиш, жаҳон афкор оммасида Ўзбекистон ҳақида нотўғри тасаввур туғдиришга интилишдан иборат. “Миллий мафкура: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидаги баъзи фикрлар ҳам бугунги ҳуружларнинг мақсадини ойдинлаштиради. Ушбу рисолада айтилишича, геополитик мақсадлар – давлатнинг ўзга ҳудудларда ўз мавқеи ва таъсирини кучайтиришга қаратилган сиёсатдир. Очиги, бу таъриф айрим оммавий ахборот воситаларининг фаолияти нимага йўналтирилганлигини фош этиб қўймоқда.

Йирик сиёсатчилардан бири Буюк Британия собиқ Бош вазири Маргарет Тетчер: “Оммавий ахборот воситалари – террорчилар учун кислород вазифасини ўтайди”, деган. Бу гапнинг маъзини чакқан одам “оммавий ахборот воситалари террорчилар учун ҳаводек зарур экан”, деган хулосага келади. Бир қарашда бу фикр мантиқсиздай туюлади. Чуқурроқ ўйлаб кўрсак-чи? Аслида террорчилар бир қанча инсонларни шафқатсизлик билан ўлдириш орқали миллионларда кўрқув ва даҳшат уйғотишга интиладилар. Демак, уларнинг мақсадлари - ўлдириш эмас, жамоатчиликка кучли таъсир қилишдир. Таассуфки, баъзи оммавий ахборот воситалари ўзлари билмаган ҳолда терроризмнинг бузғунчилик, кўпоровчилик таъсирини янада оширишга “хизмат” қилиб қўядилар. Уларнинг террор оқибатлари ҳақидаги ваҳимали ахборотлари инсонлардаги кўрқувни, даҳшатни, ҳимоясизлик ҳиссини янада кучайтириб юборади. Бу каби ахборотларга қарши аксилтарғиботни уюштириш зарурати туғилади.

Аксилтарғибот «ғояга қарши ғоя билан курашиш» тамойилига мос равишда олиб борилиши керак. Бунда давлатимиз сиёсатига қарши кучларнинг ғоявий ҳужумларини қайтариш талаб этилади. Хусусан:

- ҳорижий журналистларнинг ҳукумат сиёсатини бузиб талқин қилувчи чиқишларига;
- диний ақидапарастларнинг танлаган йўлимизга қарши мафкуравий кўпоровчилик ҳаракатларига;
- ривожланган давлатларнинг ўз мафкураси ҳукмронлигини ўрнатиш йўлидаги уринишларига;
- ахборот хилма-хиллиги шароитидаги информацион тажовузларга;
- одамлар онгида сақланиб қолган коммунистик мафкуранинг асоратларига қарши фаол курашиш зарур.

Аксилтарғиботни ташкил этишда тезкорлик, қатъиятлилиқ, ҳужумкорлик, мурасасизлик талаб қилинади. Бу борада тайёрланган материаллар далиллар билан исботланган, ҳаққоний, оммабоп ва барча учун тушунарли бўлиши шарт. Аксилтарғибот олдини оловчи ва фош этувчи шаклларда амалга оширилади. Олдини оловчи йўналиш асосан тарбиявий характерга эга бўлади. Бунда:

- фуқароларнинг позицияларини шакллантиришда ғоявий рақиблардан ўзиб кетиш;
- инсонларни бегона ғояларнинг нотўғрилигини фош этишга ва уларнинг далилларини рад этишга ўргатиш;
- пинҳона кўринишдаги мафкуравий тазйиқларга нисбатан хушёрликни ошириш;
- ёт мафкуравий таъсирларга қарши иммунитетни шакллантириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Аксилтарғиботнинг фош этувчи йўналишида:

- ғоявий душманлар томонидан эълон қилинган фикрлар ва баҳоларни рад этиш;
- «мафкуравий уруш» олиб бораётган тараф ташвиқотининг ёлғон ва сохта моҳиятини очиб бериш;
- мафкуравий босим кўрсатувчи гуруҳ етакчиларини обрўсизлантириш;
- рақибларнинг руҳини сусайтириш орқали уларнинг ҳаракатларини кучсизлантириш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Аксилтарғиботнинг ҳар иккала кўриниши ўзаро боғлиқликда олиб борилади. Инсоннинг онги ва қалби учун шиддатли кураш кетаётган ҳозирги пайтда аксилтарғибот билан махсус шуғулланиш зарурлиги шак-шубҳасиздир.

4. Мафкуравий тарбияни самарали ташкил этиш имкониятлари

Бугунги воқелиқ Миллий мафкура тарғиботи масаласига алоҳида эътибор беришни талаб қилмоқда. Ҳозирги кунда мамлакатимизда мафкура тарғиботи энг долзарб масалалардан бирига айланганлигини инобатга оладиган бўлсак, унинг тарғибот-ташвиқотига ҳам янгича технологиялар, усуллар, воситаларни жалб қилиш фойдадан ҳоли эмас. Миллий мафкура тарғиботининг таъсирчанлигини ошириш вазифаси ҳам бу жараёнда янги технологияларни кенг қўллаш заруратини кучайтиради. Мафкура тарғиботида янги технологияларни қўллашда жаҳоннинг қатор давлатларида бу борада тўпланган илғор тажрибалардан фойдаланиш айтиш мумкин бўлар эди.

Масалан, жаҳонда кенг тарқалган «тўрт қадамли» универсал моделдан ҳам мафкура тарғиботида фойдаланиш мумкин. Шу боис унинг моҳиятини батафсил ёритишга ҳаракат қиламиз:

1-қадам: муаммонинг қўйилиши. Мафкура тарғиботида сингдирилиши зарур бўлган ғоялар белгилаб олинади. Бундан ташқари, «Нима учун айнан бу ғояларни сингдиришга эҳтиёж туғилди?», «Бу ғояни сингдириш ишларига қайси тузилмалар жалб қилиниши керак?», «Бу ғояларни сингдириш жараёнида қайси ижтимоий гуруҳлар қамраб олинади?» каби саволларга жавоб топиш лозим. Тўпланган маълумотлар асосида сингдирилиши зарур ғояларга жамиятдаги эҳтиёж, жамоатчиликнинг фикри, оммавий ахборот

воситаларида бу масалаларнинг қай даражада ёритилганлиги ва умуман, шу кунгача қилинган ишлар аниқлаб олинади.

2-қадам: режалаштириш ва дастурлаштириш. Бу босқич узоқ муддатга мўлжалланган коммуникатив (мулоқот) вазифалар стратегиясини ишлаб чиқишни назарда тутди. Мафкура тарғиботида аввало кишиларнинг миллий ғояга муносабатлари, уни қай даражада тушунишлари, уларнинг қадриятлари ўрганиб чиқилади. Бундан ташқари, кишиларни миллий истиқлол мафкурасининг муайян ғояси ҳақида доимий хабардор қилиб турувчи ахборот манбаи яратилади. Сингдириб борилаётган ғояларга кишиларнинг муносабати ўрганилиб, бу ахборотлар чуқур таҳлил қилинади. Давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги мулоқотлар мунтазам равишда мувофиқлаштириб борилади. Умуман бу босқичда, дастурнинг мақсади (ҳаракатлар нима мақсадга хизмат қилади), таъсир кўрсатиш аудиторияси (кимларга асосий эътибор берилади), кутилаётган натижалар (ҳар бир аудитория билан ишашдан кўзланган аниқ мақсад нима) белгилаб олинади. Миллий мафкура тарғиботида аудиторияни сегментлаш, яъни уни бир неча гуруҳларга ажратиб ўрганиш, уларга таъсир кўрсатишнинг шу гуруҳ учун самарали бўлган усуллари ишлаб чиқиш зарур. Бу гуруҳларга қадриятлари ва манфаатлари бир-биридан фарқ қилувчи қамламларни, масалан, талабаларни, аскарларни, тадбиркорларни, нафақахўрларни, зиёлиларни, эркакларни, аёлларни, ёшларни ёки кексаларни киритиш мумкин. Табиийки, миллий ғояни сингдиришда зиёлиларга етказиладиган ахборотлар билан тадбиркорларнинг кайфиятларига таъсир кўрсатиб бўлмайди. Шунинг учун ватанпарварлик туйғуларини сингдиришда талабаларга ҳам, ҳарбий хизматчиларга ҳам, зиёлиларга ҳам, деҳқонларга ҳам бир хил муносабатда бўлиш, бир хил усуллардан фойдаланиш кутилган самарани бермайди. Чунки турли ижтимоий гуруҳ вакилларининг дунёқараши, манфаатлари ва қадриятлари бир-биридан фарқ қилади. Мафкура тарғиботида айнан мана шу қадриятларга, манфаатларга мос ғояларни илгари суриш кўпроқ самара бериши мумкин. Умуман олганда, ушбу босқичда кишиларнинг онгида, уларнинг ҳаракатларида ўзгаришлар яшаш учун нималар қилиш кераклиги аниқлаб олиниши зарур.

3-қадам: мулоқотга киришиш. Миллий истиқлол мафкураси тарғиботини самарали ташкил этиш учун асосий коммуникатив вазифалар режалаштирилган ва аниқ мақсадлар сари йўналтирилган бўлиши лозим. Бунинг учун биринчи навбатда, коммуникатор (ахборот берувчи) ва аудиториянинг қарашлари бир-бирига яқинлаштирилиши лозим. Ушбу йўналишдаги ишларда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш зарур: 1) аудитория фикрини энг кўп ифода этаётган оммавий ахборот воситалари турига эътибор қаратиш; 2) аудитория ишончини энг кўп қозонган оммавий ахборот воситаси туридан кенг фойдаланиш; 3) бирор муаммо хусусидаги коммуникатор ва аудиториянинг қарашларидаги фарқларни камроқ кўрсатиш зарур (жумладан, мавжуд муаммоларни холис ёритиш ва аудиториянинг ишончини қозониш); 4) воқеа-ҳодисаларни ёритишда аудиториянинг манфаатларидан келиб чиқиб ёндошиш; 5) коммуникаторнинг позициясини кўпчилиكنинг позицияси сифатида талқин этиш; 6) жамиятдаги ижтимоий

гуруҳларнинг манфаатларига мос ҳолда алоҳида ёндошиш. Ахборотни етказишнинг эътиборли жиҳати шундаки, у янгиликлар кўринишида бўлса-да, фақат бир томонлама мақтов шаклида эмас, балки кўпчиликни қийнаётган муаммоларнинг ечими сифатида, барчага тушунарли тилда баён этилиши лозим. Шундай қилиб, учинчи босқич ўз ичига қуйидаги элементларни қамраб олади: ҳаракат стратегияси, коммуникатив стратегия, дастурни амалга ошириш режаси.

4-қадам: якуний хулосалар яшаш. Якуний хулосалар яшаш икки йўналишда: баҳолаш мезонини ишлаб чиқиш ва акс алоқаларни ўрганиш шаклида амалга оширилади. Баҳолаш мезонини ишлаб чиқишда кишиларга сингдирилган ғоя уларга қай даражада таъсир этганлигини аниқлашнинг объектив мезонлари белгиланса, акс алоқаларни ўрганишда берилган ахборотлар сони, унга кишилар томонидан қилинган реакциялар, сингдирилган ғоя натижасида кишилар ўз ҳаракатларини қай даража ўзгартирганликлари таҳлил қилинади, уларнинг мафкуравий таъсирга жавоб реакцияси ўрганилади. Миллий истиқлол мафкурасини сингдиришнинг самарадорлигини таъминлашда бу босқич муҳим аҳамият касб этади. Чунки кишиларнинг фикрлари, баҳолари, муносабатларидаги ўзгаришларни доимий ўрганиб бориш ғоявий таъсирнинг самаралигини «ўлчаш» имконини беради. Бундан ташқари, инсонларни безовта қиладиган муаммолар ҳақида доимий ахборот тўпланиб, шунга мос равишда тарғибот йўналишини ўзгартириш ёки муайян ғояларнинг ташвиқотини фаоллаштириш бўйича тавсиялар берилади. Жамоатчилик фикридаги бу каби ўзгаришларни мунтазам равишда ўрганиб бориш мафкурани сингдириш борасидаги келгуси ишлар учун замин бўлиб хизмат қилади.

Юқорида таъкидланганидек, Миллий истиқлол мафкурасини сингдиришда янги технологияларидан фойдаланиш аудиторияни сегментлашни (туркумларга ажратишни) тақозо этади. Аудиторияни сегментлаш қуйидаги омиллар асосида амалга оширилади:

Географик маконга кўра. Кишиларнинг яшаш жойи, минтақада жойлашган ўрни бир-биридан фарқ қилиши туфайли Миллий мафкурани сингдиришда уларнинг яшаш жойига эътиборни қаратиш лозим бўлади. Масалан, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари аҳолисининг қарашлари, урф-одатлари Тошкент шаҳри ёки Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисининг қарашлари ва урф-одатларидан анча фарқ қилади.

Демографик омилга кўра. Кишиларнинг ёши, жинси, оилавий аҳволи бир-биридан фарқ қилгани боис уларнинг қарашларида ва қадриятларида ҳам муайян тавофутларни учратиш мумкин. Миллий мафкура тарғиботининг самарадорлигини оширишда бу омилларни ҳам назардан қочириб бўлмайди.

Психологик омилга кўра. Кишиларнинг руҳий ҳолати анча ўзгарувчан бўлса-да, бу омил мафкура тарғиботида катта аҳамият касб этади. Миллий мафкурани инсонлар онги ва қалбига сингдиришда уларнинг руҳий ҳолати, жамиятимизда кечаётган ислохотларга муносабати, қўллаб-қувватлаш даражасига, воқеа-ҳодисаларга муносабати ва кайфиятларини ҳисобга олиш даркор.

Ижтимоий мақомига кўра. Кишиларнинг жамиятда тутган ижтимоий мақоми уларнинг ахборотни қай даражада қабул қилишларига, бу ахборотга қандай муносабат билдиришларига сезиларли таъсир кўрсатади.

Обрў-эътиборига кўра. Тарғиботда янги технологияларни қўллашда фикр етакчиларидан фойдаланиш ахборот етказишнинг энг самарали усулларида бири ҳисобланади. Шу боис кишиларга таъсир кўрсатишда уларнинг обрў-эътиборли кишиларга бўлган ишончидан моҳирона фойдаланиш талаб этилади. Негаки, муайян гуруҳнинг манфаатларини ифода этишда аввало фикр етакчисини аниқлаш ва у орқали ахборот етказиш тарғиботнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Аъзоликка кўра. Кишилар у ёки бу партиянинг, жамоат бирлашмасининг аъзоси эканлиги мафкура тарғиботида қўл келувчи омил саналади. Одатда, битта гуруҳга мансуб кишиларнинг қарашларида умумийлик, ўхшашлик бўлади. Бу эса мафкура тарғиботини бир қадар енгиллаштиришга хизмат қилади.

Қарорлар қабул қилишдаги иштирокига кўра. Кишиларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироклари ва фаолликлари уларнинг ахборотни қабул қилишларига таъсир кўрсатгани боис бу омил миллий истиқол ғояси тарғиботида ҳисобга олиниши лозим. Қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этишни хоҳловчилар ёки ўзини ҳеч нарсани ҳал қилмайдиган «кичкина одам» деб ҳисоблайдиган кишилар битта ахборотни қабул қилишда турли нуктаи назар билан ёндошадилар.

Миллий мафкура тарғиботида аудиторияни сегментлаш, кишиларни алоҳида гуруҳларга бўлиб таъсир кўрсатиш катта аҳамият касб этади. Аксинча, бир вақтнинг ўзида жуда кенг аудиторияни ва кўп объектларни қамраб олишга интилишнинг самараси кам бўлади.

Мафкура тарғиботининг бизда кенг расм бўлган тури воизларнинг фаолияти билан боғлиқ. Тарғиботнинг бу шаклининг самарадорлигини ошириш алоҳида эътибор талаб қилади. Чунки, биринчидан, воизлар нутқ сўзлайдиган аудиторияларга одамларни тўплаш баъзида мажбурий тус олади. Аудиторияга ихтиёридан ташқари бошлаб келинган инсонда эса ҳали ваъзни эшитмаёқ, ички қаршилик пайдо бўлади. Демак, ҳали тарғибот бошланмасиданоқ у тесқари самара бериши эҳтимоли кучаяди. Иккинчидан, бундай норози аудиторияни ўзига оғдириш, унга таъсир кўрсатиш, уни илҳомлантириш воиздан жуда катта маҳорат талаб этади. Ҳамма воизларда ҳам шундай истеъдод бормикан?

Таъкидлаш жоизки, Миллий мафкура тарғиботининг таъсирчанлигини оширишдаги энг асосий шартлардан бири - мафкуранинг тарғиботи зимдан амалга оширилиши зарурлигидир. Инсон унга таъсир ўтказилаётганини сезмаслиги лозим. Аслида тарғибот давомида мафкура сўзининг ишлатилиши ҳам шарт эмас. Мухтасар қилиб айтганда тарғибот-ташвиқот ишларида қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш муҳим:

- Олдимизга қўйилган мақсадларга эришишдан ҳар биримиз шахсан манфаатдор эканлигимизга кишиларни ишонтириш;

- келажагимизни кўз олдимизга келтириш имконини берадиган, эртанги кунимиз қандай бўлишини кўрсатадиган материаллар тайёрлаш;

- долзарб кадриятларни сингдириш мақсадида жамоатчилик фикрига шу кадриятларни жозибали қилиб етказиш;

- оммавий ахборот воситаларидан билим улашиш ва инсонларни ақлий бойитиш қуроли сифатида моҳирона фойдаланиш;

- инсонларнинг эркин фикрлашини рағбатлантириш, уларни ўз фикрларини ҳимоя қилишга ўргатиш орқали мустақил фикрловчи инсонни тарбиялаш;

- тараққиётимиз йўлида ғов бўлаётган иллатларни фош этиш ва танқид қилиш йўли билан уларни самарали «даволаш»;

- оммавий ахборот воситаларидан ҳақиқат кўзгуси сифатида фойдаланиш орқали инсонларнинг уларга ишончини кучайтириш;

- яқин ўтмишида содир бўлган ёрқин воқеаларнинг хроникал фильмларни яратиш йўли билан яхши ва ёмон кунларимизни бот-бот эслатиб туриш;

- инсонларда чуқур таассурот қолдириш мақсадида бадиий образлар орқали миллий мафқурани сингдириш. Бунда тарғибот-ташвиқот ишларини пухта режалаштириш, ҳиссиётларга кучли таъсир қилиш, жозибалилик, ноанъанавий усулларни қўллаш, ошкоралик, кадриятлар доирасидан чиқмаслик, оммабоп ва тушунарли бўлиш, такрорланишлар билан кишиларнинг «меъдасига тегмаслик» талаб қилинади.

Мафқуранинг тарғиботига айнан шундай ёндашиш кўпроқ самара беради. Шундагина инсонларнинг салоҳияти, меҳнати, вақти, мулки ва маблағларини танланган мақсад сари йўналтириш мумкин. Бу эса мафқуравий сиёсатнинг натижасини моддий нарсаларда - юқори сифатли маҳсулотларда, бадавлат турмушимизда, бунёдкорлик ишларида, эркин ва фаровон ҳаётда, иқтисодий ўсишда «ўлчаш» имконини беради.

Таянч сўз ва иборалар: мафкура, халқ, тарғибот, ёшлар, баркамол авлод, ғоя, инсон қалби, онги, технология, усуллар, сингдириш, узлуксизлик, кенг камровлилик, узлуксизлик, кетма-кетлик, босқичма-босқичлик, шахсий, ибрат, меъёрийлик, илғор тарғибот, ОАВ, аксилтарғибот.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Миллий мафкура халқимиз онгига қандай йўллар ва усуллар ёрдамида сингдирилади?
2. Ўзбекистонда мафқуравий жараёнларни ташкил этишнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?
3. Миллий мафкура тарғибот-ташвиқотини ташкил этишда қандай ташкилий тамойиллар мавжуд?
4. Оммавий ахборот воситалари ва ғоявий таъсир кўрсатиш механизмлари нималардан иборат?
5. ОАВ ларида Ғарб ва Шарқ талқини нималардан иборат?
6. Мафқуравий тарбияни ташкил этишнинг қайси самарали усуллари мавжуд?

5141500 – Миллий истиқлол ғояси; ҳуқуқ ва маънавият асослари таълим йўналиши 3 курс «Миллий мафкура» фанидан тестлар

1.Мафкуравий иммунитет нима?

Бадий дид ва тафаккурни шакллантириш.

Мутафаккирларнинг илмий меросини ўрганиш.

*Миллий истиқлол мафкураси асосида ёшлар онгида дунёқараш ва эътиқодини шакллантириш.

Жисмоний саломатликни тиклаш.

2.Мафкуравий иммунитет инсон ҳаёти фаолиятининг қандай ҳолатларида акс этади?

*Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишда.

Оила аъзолари манфаатларини ҳимоя қилишда.

Билимларни чуқур эгаллашда.

Оила ва дўстларига нисбатан ижобий муносабатда.

3.Фуқаролар мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан кўзланган мақсад нима?

Уларда эркин, мустақил фикрлаш лаёқатини ҳосил қилиш.

Миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат уйғотиш.

Умумбашарий қадриятларига садоқатлик.

*Юқоридагиларни барчаси тўғри.

4.Комил инсон тушунчаси қандай маънони англатади?

Билимдонликни

Соғломликни

*Мукаммалликни

Хотиржамликни

5.Миллий ғоя қандай ҳолатда жамиятимиз тараққиётни ҳаракатга келтирувчи кучга айланади?

Техникавий тараққиёт ривожланса

*Ижтимоий ҳамкорлик кучайса

Аҳолини ҳарид қуввати ортса

6.Ҳаётда миллий ғояга зид бўлган иллатлар нима?

Янги қонунлар қабул қилинса

*Миллатчилик, Ирқчилик

Ўзга миллат ва элат вакиллари хурмат қилмаслик

Ватанпарварлик

инсонпарварлик

7.Фаровон ҳаёт, ватан равнақини тامينлайдиган омиллар?

Миллий одатлар

*Миллий ғоя

Илмий тадқиқотлар

Ижтимоий фикрлар қарама-қаршилиги

8.ҳаётда зид бўлган жохолатга қаршм қрилган йўл?

Адолат

*Маърифат

Иқтисод

Саҳоват

9.Ислом халифалигини тарғиб этувчи зафарли оқим?

*Диний экстремизм

Шовинизм

Комунизм

Натурализм

10.Қуйидагиларни қайсилари миллий мафкуранинг асосий мақсадларидан ҳисобланади?

Ҳар бир оиланинг мустаҳкамлиги.

Ҳар бир оиланинг фаровон бўлиши.

Ҳар бир оиланинг аҳиллигини таъминлаш.

*Барчаси тўғри

11.Ўзбекистонда қандай жамият барпо этиш учун ҳаракат қилинмоқда?

Хусусий мулк ҳукмрон мавқеига эга бўлган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар жамият.

Давлат мулки ҳукмрон бўлган тоталитар жамият.

*Қонун устивор бўлган бозор иқтисодиётига асосланган адолатли демократик жамият.

Одамлар фаровонлиги таъминланадиган жамият

12.Миллий мафкуранинг бош ғояси.

Демократик адолатли жамият барпо этиш.

Фуқароларга эркин ва фаровон ҳаётни таъминлаш ғояси.

Қонунларни сўзсиз бажариш ғояси.

*Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси.

13.Жамият ҳаётида ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётган мафкура ўзида қандай мақсадларни акс эттиради?

Халқимизнинг асрий аънана ва қадриятларини миллий ўзлигимизни ўзида мужассамлаштириб, дунё тараққиёт ютуқларини илғор ғоялар билан бойитувчи эзгу мақсадларни акс эттиради.

Миллатимизни бошқа миллатлар устидан юқори қўйишни акс эттиради.

Барча инсонлар учун тили, миллати ва динидан қаътий назар муносиб ҳаёт яратиб беришни кўзда тутди.

*Одамларнинг қонунга итоат этишини

14.«Кучли давлатдан-кучли жамият сари» деган тамойилнинг моҳияти

Сиёсий ҳаётни эркинлаштиришни

*Маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш фаолияти доирасини кенгайтириш.

Давлатни иқтисодий жиҳатдан ривожлантирини

Собиқ эски тоталитар тузимдан янги тузумга ўтиш

15.Мамлакат экспорт салоҳиятини ошириш ривожланишнинг қайси соҳасига киради?

Сиёсий соҳага

*Иқтисодий сохага

Маиший сохага

Ижтимоий сохага

16.Халқ орасида қандай одам «ёмон одам» деб ҳисобланади?

Меҳмонга бормайдиган одам

Уйига меҳмон келмайдиган одам

Ўқимаган инсон

*Барчаси тўғри

17.Оиладаги моддий барқарорликни асосини нима ташкил этади?

*Тежамкорлик

Исрофгарчилик

Саришталик

Покизалик

18.Барқарорлик ва фарованликни даражасини билдирувчи миллий қадриятлар.

Аза

Мотом

*Тўй

Меҳнат

19.Ўзбек демократияни белги бу....

Оила

*Маҳалла

Умумий ўрта мактаб

Жамоа ширкати

20.Ёшлар маданиятини белгилайдиган омил.

Кийинишидан

Фанларни ўзлаштириб олишидан

Ўз фикрини ифода этишидан

*Барчаси тўғри

21.Мустақил Ўзбекистон давлатининг бош стратегик мақсадлари булар;

Бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият барпо этиш.

Фуқароларга муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш.

Аҳолида миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш.

***Юқоридагиларни барчаси.**

22. жамият ҳаётига хатар солаётган мафкуравий таҳдидлар.

Ислом халифалигини тиклаб, унинг байроғи остида мусурмон халқларини империяга бирлаштириш

Ёш мустақил давлатларни собиқ иттифоққа бирлаштириш ғояси

Турли мафкуравий воситалар орқали давлатлараро мажароларни келтириб чиқаришга қаратилган ҳаракатлар

***Ҳаммаси тўғри**

23.Булардан қуйдагилардан жамият юксалишига таъсир кўрсатади.

Шовинизм, Фанатизм

***Реннесанс, Гуманизм**
Фанатизм, Экстремизм
Буларнинг орасида йўқ

24.Муаян шахс ёки миллатни бошқалардан устун қўядиган мафкуравий ақида бу ...

Материализм

Дуализм

***Шовинизм**

Плюрализм

25.Хаётида мафкурадан кўзланган мақсадлар ичига қуйидагиларнинг қайсилари киради.

Муаян ғояга ишонтириш

Маънавий-руҳий рағбатлантириш

Ғоявий иммунитетни шакллантириш

***Ҳаммаси тўғри**

26.«Мусулмон биродарлари» ташкилоти ваххобий мафкураси асосида биринчи марта қаерда шаклланади.

«Ахбош» номи билан Ливанда

***«Аллоҳ-бизнинг идеалимиз. Пайғамбар-йўлбошчимиз, Жиход-мақсадимизга эришиш воситаси, Аллоҳ йўлида шахид бўлиш-муқаддас тилагимиз» шиори билан Мисрда**

«Дорул-Акрам» номи билан Малайзияда.

«Хар бир янгилик залолатидир» шиори билан Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида.

27.Хизбут Таҳрир ал-Исломия диний ташкилоти қачон ва қаерда пайдо бўлган.

1927 йил Мисрда

***1953 йил Исроилда**

1980 йил Марказий Арабистонда

1985 йил Суданда

28.Хох исломий, хох бошқа тусдаги давлатчиликни куч билан ўрнатиш ҳаракати Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига биноан қандай жиноят ҳисобланади.

Маъмурий қонунбузарлик

Талончилик жинояти.

Мансабни суистеъмол қилиш.

***Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий тузумига тажовуз қилиши жинояти.**

29. Маънавий меросимиз ҳисобланган «+обуснома» нинг муаллифи Ким.

Кошифий

***Кайковус**

Абулқосим Фирдавсий

Муҳаммад Хоразмий

30.«Таврот» қайси диннинг муқаддас китоби?

*Яҳудийлик

Буддавийлик

Насронийлик

Оташпарастлик

31.«Толерантлик» нима?

Оила тинчлиги

*Динлараро тотувлик

Юрт осойишталиги

Бурчга содиқлик

32.«Фозил одамлар шахри» фалсафий асари кимнинг қаламига мансуб?

Хусайн Воиз Кошифий

*Абу Наср Фаробий

Абу Райхон Беруний

Ибн Сино

33.Экстремизм ва фуидаментализмтаҳдиди қандай ҳолатларда намоён бўлади.

Халқнинг давлатга бўлган ишончини йўққа чиқаришда.

Барқарорликни, миллатлараро тотувликни бузишга интилишда.

Асоссиз даъватлар ҳисобига ёшларни орқаларидан эргаштиришда.

*Юқоридагиларнинг ҳаммаси

34.Ақидапираслик ғояларига қайсилар киради.

«Соф ислом» принципларига қайтиш.

Диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган йўл-йўриқларга оғишмай амал қилиш.

Исломий давлат куриш

*Барчаси тўғри

35.Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинган йил ва куни аниқланг.

1990 йил 10 август,

1990 йил 20 октябрь,

*1991 йил 31 август,

1990 йил 8 июль.

36.Ўзбекистон БМТга аъзо бўлган йилна аниқлауг.

1990 йил 5 март,

1990 йил 3 ноябр,

1992 йил 2март,

1990 йил 7 октабр.

37.Жамият ҳаётида беқарорликни келтириб чиқарадиган таълимот.

Ислом

Буддизм

*Ваҳҳобийлик

Индиузм

38.Мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган миллий мафкураснинг негизлари қайсилар.

Умунинсоний қадриятлар
Миллий қадриятлар
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
*Юқоридагиларнинг барчаси.

39.Зардуштийлик динининг муқаддас китобини аниқланг.

Қуръони Карим
Таврот
*Авесто
Инжил

**40.Муайян ижтимоий гуруҳ миллат халқнинг эҳтиёжлари мақсад -
муддолари манфаатларини мужассам этадиган ғоялар тизими бўлмиш
миллий мафқуранинг бош ғояси қайси?**

*Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш

Юрт тинчлиги
Ватан равнақи
Халқ фаровонлиги

41.Истиқлол мафқурасида акс этадиган умумбошарий қадриятлар

+онун устуворлиги
Хурфикрлиги
Толерантлик

*Юқоридагиларнинг барчаси

42. ҳаётга таҳдид соладиган экстремизм кўринишларини кўрсатинг.

Ислом фундаменталиزم
диний ақидапарастлик.
Инквизация

*Барчаси тўғри

**43.«Дилинг – Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин». Ушбу ҳикматнинг
муаллифи ким?**

Алишер навоий
*Баҳоуддин Нақшбанд
Аҳмад Яссавий
Абдуҳолиқ Ғиждувоний

**44.Шу йил ЮНЕСКОнинг қарорига биноан 2700 йиллик юблеи
бутун дунёда кенг нишонланадиган муқаддас китобни кўрсатинг.**

Инжил.
Таврот
*Авесто
Қуръон

**45.Жамият ҳаётини юксалишига сабабчи бўлган «Патернализм»,
«Жамоага садоқат», «Модернизация», «Фуқаролик бурчи» қайси давлат
тараққиёт моделнинг бош ғоялари бўлган?**

Америка
*Япония
Германия
Жанубий Корея

46.Ўз фикрлари билан жаҳолат қурбони бўлган алломаларни кўрсатинг.

А.Навоий, А.Жомий.

Мотрудий, Маргиноний.

Ибн Сино, Беруний

*Мансур Халлож, Бобораҳим Машраб.

47.Ғарбда инквизация қурбони бўлган буюк олимнинг номини зикр этинг.

Имануил Кант

*Жордано Бруно

Томас Гоббс

Френсис Бэкон

48.Олам ва одамнинг яралиши, борлиқнинг яшаши ва ривожланиши хусусиятлари масалаларида бир-бирига қарама-қарши бўлган оқимларнинг номи қаторда тўғри берилган.

Монизм-дуализм

*Материализм –идеализм

Анимизм –фетишизм

Атеизм-теизм

49.Барқарорлик таҳдид салоётган хавф хатар қандай оқимлар ғояларида намоён бўлади.

Аум Синрике, Адвентистлар

*Ваҳҳобийлик, Хизбут-Таҳрир

Акромийлар, протестантлар

Ханфия, Кубровия

50.Кубровия, Нақшбандия, Яссавия тариқатлари қайси таълимотнинг йўналишлари ҳисобланади?

Буддавийлик

Зардуштийлик

Насронийлик

*Тасаввуф

51.Ўзбекистон ҳудуди неча минг квадрат километрни ташкил этади?

*447,4 минг. кв. км.

474,6 минг кв. км.

297,3 минг кв. км.

496,5 минг кв. км.

52.Туркий тилда кетган асарлар ёзиш мумкинлигини асослаб берган алломани аниқланг.

А.Яссавий

Бехбудий

Фузулий

*А.Навоий

53.«Яхшиларга яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлик қадрини

унутмадим ва унга мурувват, эхсон, иззату-икром кўрсатдим» ушбу сатрлар қайси асардан олинган?

А.Навоий «Харат-ул-аброр»

*«Темур тузуклари»

Саъдий «Гулистон»

Фаробий «Фозил одамлар шаҳри»

54.Ўтмишда ибтидоий саналган мафкура кўрсатинг.

Монеизм, дуализм

Идеализм, ситоизм

*Тотемизм, анемизм

Идеализм, синтоизм

55.«Маданият» сўзи қандай келиб чиққан

Лотинча «Халқ» сўзидан

Форсча «Қалам» сўзидан

Туркча «Ўқитувчи» сўзидан

*Арабча «шаҳар» сўзидан

56.«Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирини шод айлағай, Онча борки, Каъба вайрон бўлса обод айлағай» сатрлари кимнинг қаламига мансуб?

*А.Навоий

З.Бобур.

С.Шерозий

А.Авлоний

57.Диний қадирят ҳисобланган «+уръон»сўзининг маноси нима.

*Қироат ўқиш

Ёзиш

Чизиш

Англаш

58.Хизбут-Таҳрир ал-Исломия диний ташкилоти асосчиси ким?

Султон Боязид Йилдирим

Мухаммад Илес

Хожи Абдулла

*Шайх Тахийддин Набахоний

59.Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг негизига асос қилиб олинган ҳужжатлар?

Инсон ҳуқуқлари бутун жаҳон декларацияси

Халқаро ҳуқуқ қоидалари

БМТ ҳужжатлари

*Барчаси тўғри

60.Президент И.Каримов «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга» деб қайси асарларида ёзганлар?

«Мақсадимиз-тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик» Ўзбекистон телевиденияси мухбирининг саволларига жавобларида 1995 йил 27 октябрь.

Баркомил авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқида 1997 йил 29 август.

Туркий тили давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида сўзлаган нутқида 1998 йил 9 июнь

*«Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин», Тафаккур» журнали бош мухаррир саволларига жавобларида 1998 йил 2 –сон.

61.Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи» сўзлари қайси маърифатпарвар олим қаламига мансуб?

А.Фитрат

У.Носир

Бехбудий

*Абдулла Авлоний

62.Марказий Осиё минтақасида мафкуравий жараёнлар мураккаблашувининг асосий сабаби нимада?

*Марказий Осиё минтақаси сиёсий харитасида рўй берган туб ўзгаришлар.

Минтақанинг географик ўрни

Авғонистонда 20 йилдан буён давом этадиган «Биродаркушлик» уруши.

Ичкерия Республикасида рўй берган мажоролар

63.Ғоявий бўшлиқнинг пайдо бўлиш сабаблари ?

Давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳадаги қониқарсиз фаолияти.

Ижтимоий фанларнинг ўқитишнинг давр талабларидан орқада қолганлиги

Жамият ҳаётида рўй бераётган мураккаб ўзгаришларнинг ўз вақтида илмий ечим топмаганлиги

*Барча жавоблар тўғри

64.Ақидапаратлик мафкурасининг моҳияти қайси жавобда берилган?

*Жамият тараққиётига тўсқинлик қилиш

Жамият тараққётига хисса қўшиш

Жамият равнақи учун курашиш

Халқ фаровонлиги ва Ватан равнақи учун қайғуриш

65.Бугунги кун ёшлари мафкуравий иммунитетни шакллантиришданқўзланган мақсад нима?

уларда эркин мустақил фикрлаш лаёқатини ҳосил қилиш

миллий қадриятларга нисбатан хурмат уйғотиш

умумбашарий қадриятларга содиқлик туйғусини юзага келтириш

*юқоридагиларни барчаси

66.Ғоя тушунчаси моҳияти

инсон тафаккури маҳсули

фикрлар мажмуи

қараш, тушунчалар таълимотлар

*ҳаммаси тўғри

67.Миллий ғоя тушунчаси моҳияти

ҳар қандай фикр, тушунча
шахсий фикр
муайян бир ғоя

*ҳалқимизнинг эзгу-интилишлари, тараққиёт йўлидаги бош ғоя

68.Миллий ғоя ва миллий мафкуранинг ўзаро алоқадорлиги нимада?

ғоя, стратегия, мафкура, тактика

*ғоя, назария, мафкура, амалиёт

ғоя, асосий мақсад, мафкура эса дунёқарашнинг негизидир

тараққиёт йўлидаги бош Қоя ва дунёқарашни ўзгартирадиган кучли
восита

69.миллий мафкуранинг фалсафий илдизларни нималар ташкил этади.

шарқ, юнон, Рим фалсафаси

дунёвий билимлар

диний қарашлар

*И.А.Каримов асарлари

70.Инсон тарихида ғояларнинг қандай тарихий шакллари мавжуд бўлган.

тотемизм, анимизм, фетимизм

монизм, дуализм, плюрализм

идеализм, материализм, космополитизм

*барчаси тўғри

71.Миллий истиқлол...

ҳалқлар ва давлатлар тақдирига таъсирида

инсонларни етакловчи сифатида

жамиятни бирлаштиришда

*ҳаммаси тўғри

**72.«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»
рисоласининг назарий-амалий йўналишлари ким томонидан асослаб
берилди?**

ҳалқимиз

миллатимиз

жамиятимиз

*Ислом Каримов

**73«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар»
концепцияси яратилиши сабабларини кўрсатинг?**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга
тайёргарлик кўриш муносабати билан

Ўзбекистон Республикаси тарихида XXI аср бошланиши муносабати
билан

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «терроризмга қарши
кураш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан

*Келажакда буюк давлат қуриш мақсадида ҳалқни, жамиятни
бирлаштирувчи, одил йўлга бошловчи байроқнинг кераклиги натижасида

74.Ғоя тушунчасининг шакинланиши нигизи .

инсоннинг ижодий қобилиятлари

*инсон тафаккури маҳсули

тарих маҳсули

инсоннинг билим даражаси

75.Миллий ғоянинг моҳияти нимада.

*инсон ва жамият ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсад сари етаклайдиган фикрлар мажмуи

муайян жамиятнинг мақсадлари учун хизмат қилувчи ғоялар тизими

муайян давлатда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қарашлар

умуминсоний қадриятлар мажмуи

76.Мафкура тушунчасининг моҳияти қандай тушунасиз

инсонларнинг катта гуруҳларини бирлаштирувчи ғоя

йўналиши ва мазмуни бўйича турли ғояларни ўз ичига олган назария

*жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-мудаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этадиган тизими ва уларни амалга ошириш методлари

бирор катта ғояни амалга ошириш усуллари

77.Жамият ҳаётига таҳдид соладиган, беқорорликни келтириб чиқарадиган ғоялар қайсилар киради.

мустабидлик, террорчилик

жаҳолатпарастлик, ақидапарастлик

миллатчилик, ирқчилик

*юқоридагиларнинг ҳаммаси

78.Инсоннинг тарихида мафкуранинг қандай шакллари бўлган

мифологик, фалсафий, илмий

*диний, дунёвий, фалсафий

мифологик, диний, дунёвий

дунёвий, сиёсий, маданий

79. «Тотемизм» қандай маънони англатади.

инсоннинг самовий келиб чиқиши ақидаги ғоя

инсоннинг худо томонидан яратилгани ақидаги ғоя

*илк уруғчилик даврида ҳар бир уруғнинг бирор жонивор, ўсимлик, предмет ёки табиат ҳодисаси билан ғайритабиий боғлиқлиги ва қондош яқинлигига ишониш асосидаги дин шакли

инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги илмий тасаввурлар

80. «Хиндуизмга» қандай халқ вакиллари эътиқод қилади

Хитой

Мўғул

*Ўинд

Филиппин

81. ҳаётда кенг ишлатиб келаётгани «Плюрализм» сўзи нимани англатади.

космоснинг кенгайиб бориши ҳақидаги назария

абдий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар

*оламнинг асосида кўп нарсалар ётиши ҳақидаги ғояларни илгари сурувчи таълимот

инсоннинг якка ҳудулик ҳақидаги тасаввури

82.«Шовинизм» қандай ғоя ва унинг моҳиятини нима ташкил этади.

*бир миллатнинг бошқасидан устунлигини тарғиб қилувчи назария муайян шахс ёки миллатни бошқалардан устун қўядиган, уни мутлақлаштирадиган мафкуравий ақида

илоҳий қадриятлар

миллатлар бирдамлиги

83.Мафкуранинг илдизлари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

фалсафий, афсонавий, диний

дунёвий, диний, афсонавий

диний, афсонавий, жисмоний

*фалсафий, дунёвий, диний

84.Ғоявий бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келувчи сабаблар нималар?

давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партияларнинг мафкуравий соҳадаги қоникарсиз фаолияти

ижтимоий фанларни ўқитишнинг давр талабларидан орқада қолиши

жамият ҳаётидаги айрим муаммоларнинг ўз вақтида илмий ечимини топмай қолиши

*Юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри

85.«Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин» деган фикрни Президенти И.А.Каримов қачон ва қерда таъкидлаб ўтган?

«Маънавият ва маърифат» Республика жамоатчилик маркази раҳбарияти ҳамда бошқаруви аъзолари билан учрашувда сўзлаган нутқида (1996 йил, 4 сентябрь)

«Озодлик» радиосининг ўзбек шуъбаси ходимлари билан суҳбатида (1997 йил, 15 январь)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида (1997 йил, 29 август)

*«Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавобларида (1998 йил)

86.Мафкуранинг асосий мақсади нимада.

муайян ғояга ишонтириш

уюштириш, сафарбар этиш

маънавий - руҳий рағбатлантириш

*юқоридагиларнинг ҳаммаси

87.Мафкуранинг асосий вазифаларига нималар киради?

этикодни, дунёқарашни шакллантириш

муайян ғояга ишонтириш, уюштириш, сафарбар этиш

ҳаракат дастури билиш, маънавий рағбатлантириш

*юқоридагиларнинг ҳаммаси

88.Президент И.Каримов «Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга» деб қайси асарларида ёзганлар?

«Мақсадимиз – тинчлик, барқарорлик, ҳамкорлик» Ўзбекистон телевиденияси мухбирининг саволларига жавобларида. 27.10.95

«Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдеори» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида. 1997 йил, 29 август

Туркий тили давлатлар бошлиқларининг бешинчи учрашувида сўзлаган нутқида. 1998 йил, 9 июнь

*«Жамиятимиз мафкураси халқни - халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин». «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига жавобларида. 1998 йил, 2-сон

89.Мафкура полигонларининг ядро полигонларидан кучлилигини ифодаловчи сабаблар?

ахборот тармоқларининг кенг ёйилиш имконияти мавжудлиги

ахборотларнинг инсон онгига ҳоҳлаган вақтда таъсир эта олиш имкониятига эгалиги.

ахборотларнинг инсон онгига турли шароитларда таъсир эта олиш имкониятига эгалиги

*юқоридагиларнинг ҳаммаси

90.«Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги.. ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам даҳшатлироқдир». Ушбу сўзлар кимнинг қаламига мансуб?

Амир Темур

Алишер Навоий

Имом Мотуридий

*Ислом Каримов

91.Ривожланган мамлакатларда жамият мафкураси нималарга асосланади?

фақат миллий қадриятларга

умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга

ахборот технологияларига

илмий – техникавий кашфиётлар ва иқтисодий имкониятларга

92.Мафкуравий жараёнларни глобалашуви боришини сабаблари.

бошқа халқларнинг маънавий дунёқарашига ўзининг мафкурасини сингдириш асосида ҳукмронлик ўрнатиш

ўзининг сиёсий мақсадига эришиш учун бошқа мамлакатларни мафкуравий жиҳатдан бўйсундириш

мамлакатларни мафкуравий жиҳатдан бўйсундириш орқали уларнинг табиий хом ашё бойликларидан фойдаланиш

юқоридагиларнинг ҳаммаси

93. Илм , фан, техника ютиқларининг мафкуравий жараёнга таъсири.

халқаро террорчилик ташкилотларига ёрдам кўрсатади

ахборот воситалари орқали халқларни ва мамлакатларни бир- бирига яқинлаштиради

аҳолига турли мафкуравий марказлар томонидан мафкуравий таъсир кўрсатиш ишида янги имкониятлар очади

ҳамма жавоблар тўғри

94.Мафкуравий ташаввузлардан кўзланган мақсад.

ўз товарлари ва технологияларини бошқа мамлакатлар бозорларида сотишни кенгайтиришга интилиш

*ўз ғояларини бошқа мамлакатлар аҳолиси онгига сингдириш учун интилиш

сиёсий мақсадларни ҳарбий, тажовузорлик усуллари билан ҳал қилиш мумкин эмаслиги

миллатчилик ва миллий биқиклик

95. мафкуравий жараёнларнинг глобаллашиб бориши жараёнида мавжуд бўлган реакцион йўналишлар

дунёда турли юқумли касалликларнинг хавфли даражада тарқалиши

*уруш, куруланиш, терроризм ва экстремизм

ирқчилик, миллатчилик, диний ақидапарастлик

тоталитаризм ва мустабидлик Қояси асосидаги фаолиятлар

96.Халқаро сиёсий ва мафкуравий марказлар Марказий Осиёнинг этник ва маънавий жихатдан яқин бўлган халқларнинг бир- биридан ажратиш ва ўзаро душманларга айлантириш учун қандай воситалардан фойдаланмоқдалар?

Давлатлар орасидаги айрим ҳудудий масалалар юзасидан кам аҳамиятли келишмовчиликларни бўрттириб кўрсатиш

Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар ва сиёсий арбобларнинг етакчилиги ҳақидаги масалаларни сохта равишда муҳокама қилиш

Мамлакатлар ички ҳаётидаги айрим салбий фактлар асосида умумлаштирувчи хулосалар чиқариш

*юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри

97.«Туркистон – умумий уйимиз» ғоясини Марказий Осиё давлатларидан қайси бири олға сурган?

Қозоғистон

*Ўзбекистон

Қирғизистон

Туркманистон

98. мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қандай жамият баопо этилган.

дунёвий, демократик, ҳуқуқий

мустақил, дунёвий, демократик

миллий, мустақил, демократик

мустақил, ҳуқуқий, демократик

99.Бизнинг бош стратегик мақсадимиз қайси жавобда кўрсатилган?

бозор иқтисодиётига ўтиш

бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш

хукукий демократик давлат куриш

*бозор иқтисодиётига асосланган эркин демократик жамият куриш

100.Ўзбекистонда ўз-ўзини бошқаришнинг анъанавий усули нима?

махалла

оила

ҳокимият

ҳаммаси тўғри

101.Ёшлар тарбияси борасидаги муомоларни камайишига қандай омилларни роли катта.

*бозор иқтисодидаги ўтилиши

таълим тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши

Ўзбекитонда экологик муаммоларни ҳал этиш

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

102.Юрт тинчлигини хавф саятган қандай таҳдидлар мавжуд.

минтақавий можаролар, этник ва миллатлараро зиддиятлар

диний экстремизм ва фундаментализм, коррупция ва жиноятчилик

маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммолар

*юқоридаги жавобларнинг ҳаммаси тўғри

103.Миллий истиқлол мафкурасининг моҳияти қайси жавобда ўз ифодасини топган?

муайян халқ ёки миллатнинг ғоявий қарашлари

*жамият ва халқимизнинг эзгу мақсадларини ифодаладиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизими

муайян партиянинг ҳаракат дастурини белгиловчи ғоялар тизими

турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар томонидан илгари сурилган ғоялар

104.Миллий мафкурада жамият ҳаётида қандай асосий масалаларни ҳал қилиш мумкин.

мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш

ҳур фикрли, мутелик ва журъатсизликдан ҳоли бўлган, ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган инсонни тарбиялаш

одамларимиз, айниқса, ёшларимизнинг иродасини бақувват қилиш, имон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маънавий муҳит яратиш

*ҳамма жавоблар тўғри

105.Миллий мафкура бугунги кунда қандай талабларга жавоб бериши лозим.

инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйқулар, гўзал ва ҳаётий Қоялар тизимини ўзида мужассам этиши

миллат, халқ ва жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч-эътиқод манбаи бўлиши

мазкур мамлакатдаги энг кўп сонли миллатнинг етакчилигини таъминлаши

*ҳамма жавоблар тўғри

106.Ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришдан кўзланган мақсад нима?

уларда эркин, мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш
миллий қадриятларга нисбатан ҳурмат уйғотиш
умумбашарий қадриятларга содиқлик туйғусини юзага келтириш
*ҳамма жавоблар тўғри

**107.Мафкуравий иммунитет шахс фаолиятининг қандай ҳолатларида
намоён бўлади?**

*Ватан ва халқ манфаатларини ҳимоя қилишда
оила аъзолари ва яқинлари манфаатларини ҳимоя қилишда
билимларни чуқур эгаллашда
оила ва дўстларига нисбатан ижобий муносабатда

**108.Миллий истиқлол мафкурасининг бош ғояси қайси жавобда
тўғри кўрсатилган?**

Ватан равнақи
юрт тинчлиги
халқ фаровонлиги
*озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш

109.Миллий истиқлол мафкурасининг асосий ғоялари нечта?

10 та
8 та
9 та
*7 та

110.Толерантлик нима?

юрт осойишталиги
бурчга содиқлик
қадриятларга содиқлик
*диний бағрикенглик

**111. Бунёдкор ғоялари ёшлар онги ва қалбига сингдиришда қандай
омиллар мавжуд.**

дарс, дарсдан ва мактабдан ташқари машғулотлар
суҳбатлар, баҳс, мунозаралар, экскурсия, саёҳатлар
маънавий – маърифий тадбирлар
*ҳамма жавоблар тўғри

112.Инсон тарбиясини қандай даврдан бошлаш керак.

Она алласи
*ҳомила
оила
боғча

113.Жаҳолатпарастликка қарши курашни энг самарали йўли.

жаҳолат
*маърифат
иқтисод
саҳоват

**114.Ислом халифалигини тиклаш асосида мусулмон халқларини
ягона империяга бирлаштириш ғоясини илгари сураётган зарарли оқим
номини аниқланг?**

*ваҳобийлик
шовинизм
коммунизм
гегемонизм

115. Ақидапарастлик ва жаҳолатни олдини олишининг энг таъсирчан йўли.

*соғлом ва бунёдкор ғояларини ривожлантириш
ислом ғоялари, шариат остида фаолият юритувчи тизимни шакллантириш
ислом дини ғояларини сохталаштириш
илмий – техникавий ривожини таъминлаш

116.Фарзандлар тарбиясига энг кучли таъсир кўрсатувчи омил нима?

қариндош – уруғчилик муносабати
*оилавий муносабатлар мазмуни
сайру саёҳатлар
мароқли хордик

117.Қуйидаги қадриятларнинг қайси бири маънавиятнинг таркибий асослари ҳисобланади?

ахлоқий, бадиий қадриятлар
миллий, диний қадриятлар
маънавий мерос ва миллий ғоя
*барчаси тўғри

118.«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фанининг асосий мақсади нима?

ёшларни эски мафкуравий асоратлардан халос этиш
ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик
Ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялаш
*Барчаси тўғри

119.«Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» ўқув фани олдида турган асосий вазифалар?

*иймон – эътиқоди мустаҳкам, дунёни чуқур англайдиган, давр тараққиёти билан ҳамқадам, эркин, ижодкор шахсни шакллантириш
диний билимни чуқур эгаллаган шахсни шакллантириш
юқори даражадаги сиёсий фикр эгаси бўлган шахсни тарбиялаш
китобхонлар оммасини шакллантириш

120.«Қобуснома» нинг муаллифи ким?

Кошифий
*Кайковус
Абдулқосим Фирдавсий
Муҳаммад Хоразмий

121.«Таврот» қайси диннинг муқаддас китоби?

*Яҳудийлик
Буддавийлик
Насронийлик
Оташпарастлик

122.«Толерантлик» нима?

оила тинчлиги

*динлараро бағрикенглик

юрт осойишталиги

бурчга содиқлик

123.«Фозил одамлар шахри» фалсафий асари кимнинг қаламига мансуб?

Хусайн Воиз Кошифий

*Абу Наср Фаробий

Абу Райхон Беруний

Ибн Сино

124.Ўзбекистон Республикасининг мустақил деб эълон қилинган ва БМТга аъзо бўлган йил ва кунни аниқланг?

1990 йил 20 октябрь, 1991 йил 2 март

1990 йил 20 октябрь, 1990 йил 3 ноябрь

1991 йил 31 август, 1992 йил 2 март

1991 йил 1 сентябрь, 1991 йил 5 декабрь

125.Кишилиқ жамиятини таназзулга етакловчи қандай диний таълимот бор?

Ислом

Буддизм

*Ваххобийлик

Индуизм

126.Истиқлол мафкураси эътироф этадиган умумбашарий қадриятлар?

қонун устуворлиги

хурфикрлилик

толерантлик

*юқоридагиларнинг барчаси

127.«Дилинг - Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» ушбу ҳикматнинг муаллифи?

Алишер Навоий

*Баҳоуддин Нақшбанд

Аҳмад Яссавий

Исо ат-Термизий

128.Кубровия, Нақшбандия, Яссавия қайси таълимотнинг йўналишлари ҳисобланади?

Буддавийлик

Зардуштийлик

Ислом

*Тасаввуф

129.«Маданият» сўзининг келиб чиқиши - ..

Лотинча «халқ» сўзидан

Форсча Туркча «ўқитувчи» сўзидан

Форсча «қалам» сўзидан

*Арабча «шаҳар» сўзидан

130.«Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласи» сўзлари қайси маърифатпарвар олим қаламига мансуб?

Абдурауф Фитрат

Усмон Носир

Бехбудий

*Абдулла Авлоний

131.Миллий мафқурани шакллантириш нимага боғлиқ?

жамиятга зид ғоялар таъсирини олдини олишга

қурол-яроқ сотилиши ва дунёда ҳарбий вазиятнинг таъсирига

Халқимизнинг ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларнинг аниқ белгилаб олишга

*тўғри жавоб йўқ

132.Ўзбекистондаги ислохотлар, янгиланиш ва тараққиёт стратегиясининг асосий мақсади?

таълим тизимида янгиланиш ҳосил қилиш

жаҳондаги илғор мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш

инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш

*Жавобларнинг барчаси тўғри

133.Маҳалла фаолиятини ривожлантириш деганда нимани тушунаси?

*миллий табиатимизга мос келган ўзини-ўзи бошқарув усули

Фуқаролик тамойили

кўппартиявийлик кўриниши

дунё мамлакатлари тажрибасини татбиқ қилиш

134.Миллий ғоя нима?

инсон ва жамият ҳаётига маъно ва мазмун бахш этадиган тафаккур маҳсули

*инсон ва жамият ҳаётига маъно ва мазмун бахш этадиган, уни эзгу мақсадлар сари етаклайдиган фикр ва ғоялар мажмуидир

халқ ва миллатни бирлаштирувчи тушунчалар

фақат бир миллатнинг истиқболдаги вазифаларини белгиловчи ғоя

135.Қудратли давлатлар ва муайян марказлар ўз мақсадларига эришиш учун қандай усулларни режалаштирганлар?

ҳарбий устунликни

иқтисодий қарамликни

экологик хавф хатарни

*тўғри жавоб йўқ

136.Қандай ҳолларда мафкура майдонида Ўзбекистон учун ёт ғоялар пайдо бўлиши мумкин?

мафкура майдонида ривожланиш бўлмаса

мафкура майдонида сусткашлик бўлса

мафкура ташқи оламда жиддий ўрганиб чиқилса

мафкура майдонида бўшлиқ пайдо бўлса

137.Фалсафий оқим монизм нима?

*Оламнинг ифтидоси битта деб ҳисобловчи таълим

материализм йўналишидаги таълимот

диний таълимот

космополитик таълимот

138.Ватансизлик ғоясини илгари сурувчи мафкура қандай аталади?

*космополитизм

нигилизм

шовинизм

монизм

140.Ҳар қандай мафкура қандай мақсадларни кўзда тутади?

муайян ғояга ишонтириш

сафарбар этиш, ғоявий тарбиялаш

маънавий рухий рағбатлантириш

*ҳамма жавоблар тўғри

141.Ривожланган давлатлар мафкураси қандай тамойилларга асосланади

*умуминсоний қадриятлар ва демократик тамойилларга

бирлашган миллатлар ташкилоти томонидан қабул қилинган ҳуқуқий хужжатларга

демократик ғояларга

демократик миллийликка

142.Геополитик мақсад-қандай мақсад?

*муайян давлатнинг ўз таъсирини ўзга ҳудуд ва минтақада кучайтириш

диний мансублик

этник бирлик

сиёсий бирлик

143.Жаҳонда мафкуравий кураш кучаётган бир пайтда жамиятни қандай мафкура химоя қилади?

ғоявий мафкура

замонавий мафкура

*миллий мафкура

дунёвий мафкура

144.Дунёни бўлиб олишга уринаётган мафкураларни аниқланг?

буюк давлатчилик шовинизми

диний мансублик асосида

этник бирлик асосида

*ҳамма жавоблар тўғри

145.Миллий истиқлол мафкураси қандай маърифий йўллар билан сингдирилади?

*Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократик тамойиллар орқали

давлатнинг кучли таъсири орқали

фақат таълим ва тарбия орқали

фақат оммавий ахборот воситалари орқали

146.Миллий мафкуранинг маънавий мезони деганда нимани тушунаси?

фуқароларнинг бурчи

оиланинг масъулияти

*фуқароларнинг оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва масъулиятини қай даражада бажарилиши

фуқароларнинг самарали иш фаолияти

147.Турли сиёсий партия ва ижтимоий гуруҳлар мафкурасидан устун турадиган ижтимоий ҳодисани қандай изоҳлаш мумкин?

ижтимоий – иқтисодий феномен

ижтимоий – фалсафий ҳодиса

ҳуқуқий мафкура

*миллий истиқлол мафкураси

148.Янги жамият қурилишида фуқароларнинг фаол иштирокчисига айлантиришга хизмат қилувчи социал феномен.

миллий ислоҳот

миллий қадриятлар

*миллий истиқлол мафкураси

халқ мафкураси

149.Истиқлол мафкураси халқимизнинг қандай хусусиятларини замон талаблари асосида янада бойитишни назарда тутди?

халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги

жамоа тимсоли бўлган оила, маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги

ота-она, маҳалла – куй, умуман жамоатга юксак ҳурмат эътиборни

*ҳамма жавоблар тўғри

150.Фуқароларнинг Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраш мажбурияти Конституциянинг қайси моддасида белгилаб қўйилган?

47 - модда

*49 - модда

51 - модда

56 - модда

151.Мафкура тушунчаси маъноси?

*фикрлаш

тушунча

дунёқараш

назария

152.Минг туман тоғни туймоқ, Бағр қони билан фалакни бўямоқ Юз йил зиндонда ётмоқ Нодоннинг суҳбатидан яхшироқ

А.Навоий

З.Бобур

Аҳмад Яссавий *Паҳлавон Маҳмуд

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари:

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар, 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Асарлар, 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Асарлар, 3-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
4. Каримов И. А. Бунёдкорлик йўлидан. Асарлар, 4-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996.
5. Каримов И. А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Асарлар, 5-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
6. Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Асарлар, 6-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1998.
7. Каримов И. А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан кураимиз. Асарлар, 7-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1999.
8. Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2000.
9. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Асарлар, 9-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2001.
10. Каримов И. А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Асарлар, 10-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2002.
11. Каримов И. А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
12. Каримов И. А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ.. Асарлар, 12-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2004.
13. Каримов И. А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2005.
14. Каримов И. А. Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида сўзланган нутқ. 2005 йил 27 январь. Асарлар, 13-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 2005.
15. Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 2006.
16. Каримов И.А. Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида сўзлаган нутқи. Бишкек. 2007 йил 16 август. - «Халқ сўзи» газетаси, 2007 йил 17 август.
17. Каримов И. А. Юксак маънавият- енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
18. Каримов И.А. Асосий вазифамиз вазифамиз- ватанимиз тараққиёти ва

халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т.: «Ўзбекистон»-2010.

19. Баркамол авлод орзуси. Тўплам. Тўлдирилган иккинчи нашри. Тузувчилар Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Ахлиддинов. –Т.:«ЎЗМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2000.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» (Янги таҳрирда)ги Қонуни. –Т.: «Адолат», 1998.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. 1997 йил 29 август. /«Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». –Т.: «Шарқ», 1998.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Қонуни.1997 йил 29 август. / «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». –Т.: «Шарқ», 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. 1997 йил 6 октябрь. / «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори». –Т.: «Шарқ», 1998.
6. Миллий ғоя тартиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Т, 2006 йил август.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг меъёрий ҳужжатлари:

1. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида ўқув юртларида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 1998 йил 9 январь 3 - сонли буйруқ.
2. «Диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ўқув юртларида тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий тадбирларни кучайтириш вазифалари тўғрисида» ги 2000 йил 18 февраль 46 - сонли буйруқ.
3. «Таълим муассасаларида тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш тўғрисида» ги 2000 йил 22 сентябрь 255 - сонли буйруқ.
4. «Олий таълим муассасаларининг шахсни камол топтиришдаги вазифалари ҳақида» ги 2003 йил 10 октябрь 91 - сонли қарори.
5. «Олий таълим муассасаларида «Маънавият куни» ни ташкил этиш тўғрисида» ги 2004 йил 19 январь 12 - сонли буйруқ.

Дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати

1. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкуриси халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. 8-жилд. – Т., «Ўзбекистон», 2000 й, 489-508 бетлар.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Олий таълим муассасалари учун қўлланма. – Т., «Янги аср авлоди», 2001 й.

Қўшимча адабиётлар:

1. Мустақиллик. Изоҳли илмий луғат. – Т., «Шарқ», 1998 йил.
2. Маънавият. Изоҳли илмий луғат. – Т., «Маънавият», 2010 йил.
2. Алимова Д. Инсоният тарихи – ғоя ва мафкуралар тарихидир. – Т., «Янги аср авлоди», 2001 йил.
3. Абилов Ў. Миллий ғоя, маънавий омиллар. – Т., «Маънавият», 1999 йил.
4. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т., «Ўзбекистон», 1995 йил.
5. Бобоев Х., уофуров З., Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. – Т., 2000 йил.
6. Зиёев Х. Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи. – Т., «Шарқ», 2001 йил.
7. Жадидчилик: ислохот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. – Т., 1999 йил.
8. Иброҳим Каримов. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт. – Т., «Фан», 2001 йил.
9. Имомназарова М. Миллий маънавиятимизнинг такомил босқичлари. – Т., 1996 йил.
10. Имомназарова М., Эшмухамедова М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Т., Тошкент Ислон Университети. 2001 йил.
11. Қосимов Бегали. Миллий уйғониш. – Т., «Маънавият», 2002 й.
12. Иброҳимов Абдуқохор. Бизким ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. – Т., «Шарқ», 1999 й.
13. Ғоя ва мафкура. – Т., «Ижод дунёси» нашр уйи, 2002 йил.
14. Диний экстремизм ва фундаментализм: тарихи, моҳияти, бугунги ҳавфи. – Т., Ғофур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1999 йил.
15. Тараққиётнинг ўзбек модели. – Т., «Ижод дунёси» нашр уйи. 2002 йил.
16. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. – Т., «Ижод дунёси» нашр уйи, 2002 йил.
17. Бунёдкор ғоялар. – Т., «Ижод дунёси» нашр уйи, 2002 йил.
18. Миллий истиқлол ғояси: асосий хусусиятлари, фалсафий ва тарихий илдизлари. – Т., «Ижод дунёси» нашр уйи, 2002.
21. Миллий истиқлол ғоясининг амал қилиш тамойиллари. – Т., «Ижод дунёси» нашр уйи, 2002 йил.
22. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. – Т., «Ўзбекистон», 1998й.

23. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т., 1998 йил.
24. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари. – Т., «Ижод дунёси» нашр уйи 2002 йил.
25. Каримов В., Умаров А., Қурбонов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига омиллари ва воситалари. – Т., «Янги аср авлоди», 2001 йил.
26. Миллий истиқлол ғояси тарғиботининг илмий асослари. – Т., 2002 йил.
27. Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Т., «Академия», 2001 йил.
28. Толипов У., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари. – Т., 2006 йил.
29. Миллий ғоя: тарғибот технологиялари ва атамалар луғати. Т., “Akademiya”, 2007 йил.
30. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т., 2008 йил.

Elektron ta’lim resurslari:

1. www.tdpu.uz.
2. www.Ziyonet.uz
3. www.edu.uz
4. www.ma'naviyat.uz
5. www.google.uz
6. www.gov.uz.
7. www.press-service.uz.
8. www.bilim.uz.
9. www.philosophy.ru.
10. www.filosofiya.ru.
11. www.philosophy.nsc.ru.
12. [http // philosophy.albertina.ru](http://philosophy.albertina.ru).
13. www.history.ru.
14. www.philosophy.com.
15. Миллий ғоя ва мафкура илмий амалий марказ. Designed by Md.

Мундарижа:

Кириш.

1- мавзу. Миллий мафкура олдидаги мақсад ва вазифалари.

2-мавзу. Мафкуранинг шакл ва кўринишлари.

3-мавзу. И.А.Каримов – Ўзбекистон миллий истиқлол мафкурасининг асосчиси.

4-мавзу. Мафкура ва цивилизация (тамаддун), улар ўртасидаги тарихий алоқадорлик.

5-мавзу. Зардуштийлик мафкураси ва уларнинг қадимий халқлар мафкураси ҳаётида тутган ўрни

6-мавзу. Монийлик ва маздакийлик ғоялари.

7-мавзу. Буддавийлик ғоялари ва уларнинг қадимий халқлар ҳаётидаги ўрни.

8-мавзу. Конфуцийлик ва миллий мафкура.

9-мавзу: Илмий-фалсафий ғоялар, уларнинг миллий мафкуранинг шаклланишидаги ўрни.

10-мавзу: Абу Наср Фаробийнинг, илмий-фалсафий, ижтимоий - сиёсий қарашлари, уларнинг миллий мафкуранинг шаклланишидаги ўрни.

11-мавзу: Амир Темурининг бунёдкорлик ғоялари ва фаолияти

12-мавзу: Жадидчилар ғоялари ва мафкураси

13-мавзу: Бунёдкор ғоялар ва мафкуралар. Уларнинг ижтимоий ҳаётга ва тараққиётга таъсири.

14-мавзу: Ҳозирги дунё ва унинг мафкуравий манзараси

15-мавзу: Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар

Миллий мафкура фанидан тест саволлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.